O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGIZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“RAQAMLI IQTISODIYOT” KAFEDRASI

«INNOVATSION IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH ASOSIDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI»

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

MATERIALLARI TO’PLAMI

(II-QISM)

(2023 YIL 20-SENTYABR)

SAMARQAND – 2023

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGIZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“RAQAMLI IQTISODIYOT” KAFEDRASI

«INNOVATSION IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH ASOSIDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI»

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

MATERIALLARI TO’PLAMI

(II-QISM)

(2023 yil 20-sentyabr)

SAMARQAND – 2023

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИЙ

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКА И СЕРВИСА

КАФЕДРА “ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА”

«ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ НА ОСНОВЕ РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ»

РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ

(ЧАСТЬ-II)

(20-сентябрь 2023 г.)

САМАРКАНД – 2023

UO'K: 338.2:004(082)
I-52
KBK: 65.7

Innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirish asosida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish masalalari. / Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari (II-qism). 2023 yil 20-sentyabr kuni. Samarqand, SamISI, 2023. – 245 bet.

i.f.d., professor K.J.Mirzayevning umumiy taxriri ostida

Nashr uchun mas'ullar:
D.X.Aslanova- i.f.f.d., professor
K.J.Mirzayev – i.f.d., professor
E.Shavqiyev – i.f.n., dosent
S.A.Is'xakova – i.f.f.d., dosent
G'.S.Mustafoyev – i.f.f.d., dosent v/b
S.B.Boboqulov – i.f.f.d., dosent v/b

To'plovchi va nashrga tayyorlovchi: S.B.Boboqulov – dosent v/b.
Sahifalovchi: Sh.X.Xalimov, J.X.Xayitov

An'anaviy ilmiy-amaliy konferensiya materiallarida innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish, samaradorligini oshirishning ilmiy-nazariy va metodologik yondashuvlari, aholi bandligi, farovonligi, yashash sifati va darajasini yuksaltirishdagi rolini oshirish masalalari, xizmat industriyasi bilan integrasiyalashuv jarayonlaridagi tendensiyalari va istiqbolli yo'nalishlari, sohani rivojlantirish muammo va yechimlari, boshqaruv usullari va ijtimoiy iqtisodiy rivojlantirishhda iinovatsiyon faoliyatni qo'llagan holda raqamli iqtisodiyotni takomillashtirish yo'llari, raqamli iqtisodiyot bilan bog'liq soha samaradorligini bank – moliyaviy tizimi orqali oshirish mexanizmlari, korxonalarda buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil, audit va statistik hisob usullarini takomillashtirishning innovasion yondashuvlari, servis tizimi xizmatlarining sifati va samaradorligini oshirish yo'llari, sohani shakllantirishda raqamlashtirish muammolari va ularning yechimlariga qaratilgan ilmiy-nazariy va amaliy tavsiyalarga boy maqola va tezislar o'rin olgan.

Maqolalar mualliflar tahririda bosilmoqda. Ularda keltirilgan raqamlar, faktlar, xulosa va tavsiyalarga mualliflar ma'suldir. Ularning ayrim fikrlari tashkiliy guruh qarashlariga to'g'ri kelmasligi mumkin

ISBN: 978-9910-9795-7-6

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2023

IV-SHO‘BA. RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA HUDUDLARDA XIZMAT KO‘RSATISH SOHASINI INNAVATSION ASOSDA RIVOJLANTIRISH DASTURLARI VA RIVOJLANTIRISH STRATEGIYASINI ISHLAB CHIQISH MASALALARI

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мирзаев Қулмамат Жонузакович
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,
и.ф.д. профессор, Турон фанлар академияси академиги

Аннотация: Республика иқтисодиётини жадал сурьатларда ривожлантиришнинг муҳим асосларидан бири инновацион кластер эканлигини инобатга олиб, унинг бугунги кундаги жаҳон хўжалиги иқтисодиётидаги қўлланилаётган янги турларини республикамизда қўллаш имкониятлари илмий асослари берилган.

Калит сўзлар: Инновацион иқтисодиёт, технологик кластер, саноат кластерлари, интеллектуал кластер, “ақлли” (рақамли) инновацион кластерлар.

Аннотация: В развитии экономики Республики Узбекистан важнейшей основы является инновационный кластер. В статье дается научное обоснование возможностей для применения новых видов кластеров в экономике нашей республики.

Ключевые слова: Инновационная экономика, технологический кластер, промышленные кластер, интеллектуальный кластер, "интеллектуальные" (цифровые) инновационные кластеры.

Annotation: The innovation cluster is the most important foundation in the development of the economy of the Republic of Uzbekistan. The article provides a scientific justification of the possibilities for the use of new types of clusters in the economy of our republic.

Keywords: Innovative economy, technological cluster, industrial clusters, intellectual cluster, "intelligent" (digital) innovation clusters.

Республикамизда инновацион иқтисодиётга ўтиш жараёни халқаро жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, янги инновацион кластерларни шакллантиришни ва шу асосда иқтисодиётни тараққий эттиришни тақозо этмоқда.

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиеёвнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Мева-сабзавот, шоличилик, чорвачилик, ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш...”[1] олдимизда турган муҳим вазифадир.

[1] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

Жаҳон тажрибасига кўра, бугунги кунда республикамизнинг иқтисодиёт тармоқларида қуйидаги инновацион кластерларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ хисобланади. Жумладан:

- Технологик (боғланган) кластерлар.
- Саноат (янги саноат) кластерлари.
- Интеллектуал (ақлий муҳит) кластерлари.
- “Ақлли” (рақамли) инновацион кластерлар.

Технологик (боғланган) кластерлариниг назарий асосчилари А.Вебер ва А.Маршалл ҳисобланади. Технологик (боғланган) кластерлар бу инновацион ғоялар ва фикрларга асосланган ҳолда боғланган технологик жараёнларни юқори самара бериш асосида корхоналардаги (ташкилотлар, компаниялардаги) ва харажатларни (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича) камайтиришга (минималлаштиришга) йўналтирилган ҳамкорликка таянган кластерлашни амалга оширишдан иборатдир.

Бундай кластерлар технологик жараёнларни ўзаро самарали боғлаш, тармоққа сарфланган харажатларни минималлаштириш, юқори фойда олишга интилиш ҳисобига ҳамкор корхоналарнинг ички имкониятларини очиб беради. Бундай кластерлар А.Вебернинг фикрига кўра, фирмалар юқори салмоққа эга харажатларни камайтиришни, масалан, кўпгина субъектларда транспорт харажатларини минималлаштиришни кўзлаб, энг яқин жойлашган таъминотчи корхоналар билан ҳамкорлик ўрнатади хамда уларни ўзаро технологик боғлайди. Технологик (боғланган) кластерлар корхоналарга ишлаб чиқариш технологик жараёнини тезроқ ва камхарж йўл билан ўзгартириш имкониятини берганлиги сабабли, турли соҳаларда: мода саноати, мебель ишлаб чиқариш, туризм, қишлоқ хўжалиги ва бошқаларда юқори иқтисодий самара бермоқда. Шундай экан, Республикамизда бугунги кунда инновацион иқтисодиётимиз олдида турган муҳим вазифа сифатида харажатларни камайтириш бош мақсад эканлигидан келиб чиқиб, технологик (боғланган) кластерларни иқтисодиётнинг барча тармоқларида қўллаш мумкин.

Саноат (янги саноат) кластерлари– юқори билим, илмий тадқиқот ва илмий ишланмалар натижаларига асосланган ҳолда мутлақо янги инновацион маҳсулотларни яратишга, юқори саноат технологик жиҳатларга таянадиган, территориал географик жиҳатдан яқин бўлган корхоналарнинг (компания, ташкилотлар) кооперация асосида ҳамкорлигига асосланадиган тузилма хисобланади.

Саноат (янги саноат) клас¬терларида корхоналар илмий ишланмаларга йирик инвестициялар киритиб, янги саноат маҳсулотларини яратади. Улар одатда кластерларни ташкил этиш географик хусусиятидан келиб чиқиб, кўпроқ (шаҳар четларидаги) саноатлашган зоналарда жойлашади. Масалан, дастлабки, янги саноат (саноат) кластерлари АҚШ амалиётида қўлланилган бўлиб, Калифорниядаги Силикон водийсида ташкил этилган саноат кластерлари бунга ёрқин мисол бўлади. Бундай

саноат (янги саноат) кластерларининг муҳим жиҳатлари корхоналарда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлар бозорбоп, харидоргир бўлишлиги харажатлар улуши анча камлиги ва бошқа шу каби хусусиятларни ҳисобга олиш билан характерланади. Бундай кластерларнинг яна бир муҳим хусусияти жараёнда иштирок этаётган ҳар бир ходимга илмий ва технологик жиҳатдан чуқур билимга эга бўлиш талаби қўйилганлиги ҳамда янги инновацияларни яратиш салохиятига эга булиши ва уни амалиётга жорий этиш тезлиги юқорилиги каби сифатларга эга булиши устивор қилиб белгиланади. Бундай кластерда иштирокчилар бўйича корхоналар ҳажми турлича бўлиб, трансмиллий корпорациялардан тортиб то кичик саноат корхоналари ҳам кластер аъзоси бўлиши мумкин.

Республикамизда бугунги иқтисодиётимизнинг жадал ривожлантириш учун саноат (янги саноат) кластерларининг сонини ошириш тақозо этилмоқда.

Интеллектуал (ақлий муҳит) кластерлари корхоналар ҳамкорлиги эмас, балки инсонлар интеллектуал (ақлий муҳит) ҳамкорлигига асосланади. Бунда юқори интеллектга эга, тажрибавий тадқиқот, қизиқарли инновацион лойиҳалар яратишга қодир бўлган салоҳиятли ходимлар ўзларининг билим, тажриба ва янги ғояларини алмашиши орқали субъектлар (корхоналар, ташкилотлар, фирмалар) ҳамкорлиги – кластерлашни йўлга қўяди.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, интеллектуал (ақлий муҳит) кластери дастлаб 1990 йилларда француз олимлари (Айдалот, Камагни ва Мелат) томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида қўлланилганлиги аниқланган. Бундай интеллектуал кластерда инсонлар муҳим субъект сифатида ўзаро ҳамкорликка асосланиб шаклланади ҳамда бу иқтидорли ходимлар бир корхонада эмас, балки бир неча ҳар хил корхоналарда ишлашлари кластерларнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Интеллектуал (ақлий муҳит) кластерида инсонлар ўзининг ҳамкасблари, сафдошлари, танишлари ва дўстлари билан билим, амалий тажриба алмашиш орқали ўзлари ишлаётган корхоналар фаолиятини тубдан ўзгартиришлари мумкин. Жаҳон тажрибасида бундай кластерларга мисоллар жуда кўп. Жумладан, Европанинг Миланида жойлашган Емиля ва Романя фирмалари ҳамкорлиги шу типдаги кластерлашга асосланган жуда юқори иқтисодий натижа берган. Бунда мазкур фирмалар ходимлари вақти-вақти билан қизиқарли инновацион лойиҳаларда ўзаро ҳамкорликни фикрлар алмашинуви ҳамда муҳокамалар асосида амалга оширган. Интеллектуал кластерининг яна бир ўзига хос жиҳати бошқа кластерлар каби бирданига юқори даромад, фойда куришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди, балки кўпроқ тажрибавий тадқиқотлари, илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этишга, инновацияни ишлаб чиқаришга қўллашга асосланади. Шу сабабли, бу турдаги кластерлар ўз мақсадларига

эришгандан сўнг тез тугатилиб, бошқа турдаги кластерларга айланиб кетишлари ҳам мумкин.

Бугунги кунда дунё амалиётида иқтисодиётни тезкор суръатлар билан ривожлантириш ҳамда соҳани чуқур биладиган билимли инсонларни интеллектуал қобилиятидан самарали фойдаланиш мақсадида бундай типдаги кластерларни Республикамизда хам кўплаб ташкил этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги уч турдаги кластерларда корхоналар географик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган маҳаллий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида бирлашади. Шу билан бирга, бундай кластерлар кўпинча амалиётда умумий қизиқишлар бўйича деярли кесишмаслиги ҳам мумкин. Аммо, баъзан бир- бирига жуда яқин жойлашган корхоналарда уларнинг ўзаро таъсирининг мавжудлиги эътироф этилган.

Бугунги жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида инновацион кластерларни энг юқори даражадаги келажак турларидан бири “ақлли” (рақамли) инновацион кластерлар ҳисобланади. Бундай кластерлар келажак кластерлари сифатида эътироф этилади.

“Ақлли” (рақамли) инновацион кластерлари бу ўзаро ҳамкор корхона, ташкилот, фирма ва бошқа субьектларнинг шундай кооперацион бирлашмаси ҳисобланадики, бунда ҳамкорликда иштирок этувчилар (интеллектуал иқтидорли инсонларга эга булган субьектлар) ўзларининг ақлий интеллектуал қобилиятларидан фойдаланган ҳолда маълум бир географик ҳудудда рақамли иқтисодиётдаги “ақлли машина”, “ақлли технология” тамойилига асосланиб бир томондан рақобатчи, иккинчи томондан ҳамкор корхоналар (ташкилотлар, фирмалар)нинг маълум бир мақсад сари максимал фойда ва даромад олиш учун бирлашишига асосланади. Мазкур иннавацион кластерлар асосий мақсади юқори даромад олиш хисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб иннавацион кластерларни ташкил этишнинг иқтисодий ва ижтимоий асослари ҳамда афзалликлари қуйидагилар ҳисобланади:

- барча жараёнлар инно¬ва¬ционян гиликлар, янги илмий тадқиқот натижаларига асосланиши ва юқори даромад олиш имкониятини яратилиши;
- инновацион кластерларнинг барча жараёнларида рақамли иқтисодиёт элементларининг мавжудлиги, рақамли технологиядан фойдаланганлик ҳамда оқибатда ахборот технологияларнинг эришган ютуқларини кластерлаш жараёнида қўлланилиши;
- “фан-таълим-ишлаб чиқариш” интеграцияси талабларига мос “фан-таълим, инновация ишлаб чиқариш, истеъмолчи” занжири асосида кластерлашни истеъмолчи буюртмаси асосида йўлга қўйиш;
- барча ҳамкорлар учун тенг имконият яратиш, яъни максимал фойда олиш ва харажатларни камайтиришга интилиши,

рақобатбардошликни таъминлаши билан бирга юқори ижтимоий манфаатдорликни қондиришга қаратилиши билан ҳам характерланади.

Умуман, иннавацион кластерлар республика иқтисодиётини иннавацион асосда ривожлантиришнинг мухим асоси булиб, келгусида ушбу тизим асосида тараққиёт устувор вазифа хисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
2. Портер М.Э.Конкуренция. Пер.с англ.-М.: Издат. Дом “Вильямс”, 2001, стр 205.
3. Қ.Ж.Мирзаев, Э.Ш.Шавқиев, Б.К.Жанзаков. “Инновацион иқтисодиёт”: Ўқув қўлланма. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. 330 бет.

INNOVATSION FAOLIYATDA LOYIHALARNI TANLASHDA STRATEGIK YO‘NALISHLARNING O‘RNI

Musaeva Sh.A. Marketing kafedrasi professori i.f.n.
Email:musaeva_shoira@mail.ru

Annotatsiya: Mazkur maqolada bozorni o‘rganish, ishlab chiqarilgan mahsulotlarni faoliyat olib borilayotgan bozorlarda marketing harakatlarini jadallashtirish, tovarni sotishdan keyin qo‘shimcha xizmat ko‘rsatish ta’sirini kuchaytirish, mahsulot sotishni ko‘paytirish imkoniyatlarini axtarishdir, bozorning yangi segmentlari, iste’molchilar guruhlari ga kirib borishini, yangi modellarni o‘rnatish, ishlab chiqariladigan mahsulot uchun yangi iste’mol yoki tadbiq sohalarini izlash ko‘rib chiqilgan.

Kalitli so‘zlar: Innovatsiya, loyiha, mahsulot, bozor, xizmat, segment, model,samaradorlik.

Аннотация: В данной статье целью является изучение рынка, ускорение маркетинговых усилий выпускаемой продукции на рынках, где она работает, усиление эффекта дополнительного обслуживания после продажи товара, поиск возможностей увеличения учитывались продажи продукции, новые сегменты рынка, группы потребителей, внедрение новых моделей, поиск новых областей потребления или применения выпускаемого продукта.

Ключевые слова: Инновация, проект, продукт, рынок, услуга, сегмент, модель, эффективность.

Abstract: In this article, the aim is to study the market, to accelerate the marketing efforts of the manufactured products in the markets where they operate, to strengthen the effect of additional service after the sale of the goods, to search for opportunities to increase product sales, new market segments,

consumers groups, installation of new models, search for new consumption or application areas for the manufactured product were considered.

Key words: Innovation, project, product, market, service, segment, model, efficiency.

Mamlakatimiz iqtisodiyotini rivojlantirishda innovatsion faoliyatdagi tavakkalchilik yangiliklarni yaratish va ishlab chiqarishda mablag‘lar qo‘yishda paydo bo‘ladigan yo‘qotishlar ehtimolligi kabi aniqlanadi. Innovatsion faoliyatda tavakkalchilikni kamaytirish uchun birinchi navbatda amalga oshirishga taklif etiladigan loyihalarining sinchkov tanlovini amalga oshirish kerak. Innovatsion loyihalarni tanlashning muhimligi loyihadan oldin quyidagi holatlar bilananiqlanadi:

Innovatsion yangiliklarga keng ko‘lamdagi va yuqori darajadagi harajatlar, innovatsion yangiliklar yoki mavzularning alohida yo‘nalishlariga ajratilgan mablag‘larning cheklanganligi, yuqori samara olish uchun tanlov asosida istiqbolli va dolzarb mavzularni ajratib olishga intilish, buyurtmachilar va bevosita ilmiy-texnik hodimlar tomonidan taklif etiladigan ko‘p sonli mavzular, innovatsion yangiliklar va izlanuvchanlik tadqiqot yo‘nalishlarida kelajakda jahon darajasiga erishish uchun ilmiy-texnik va iqtisodiy tavakkallarni kamaytirish zaruriyati, innovatsion yangiliklar natijalari korxonalar faoliyati strategiyalariga mos kelishi muhimdir.

Barchaga ma’lumki, strategik rejalashtirish korxona va firmalar faoliyatining asosiy yo‘nalishlarini belgilaydi, mahsulot ishlab chiqarish va sotish sohasidagi barcha harakatlarning maqsadga muvofiq yo‘nalishini aks ettiradi. Sungra har bir yo‘nalish bo‘yicha batafsil rejalar tuziladi, chunki marketing konsepsiyasini qo‘llaydigan korxonalar va firmalar faoliyat natijalari ko‘prok savdo sohasi bilan belgilaydi, rejalar orasida tovar nusxasini yaratishdan boshlab to pirovard sotishga qadar tovar harakati jarayonlarini kamraydigan marketingni rejalashtirish alohida o‘rinni egallaydi. Firma o‘sish imkoniyatlari intensiv, integratsion, diversifikatsion yo‘nalishlaridan iborat.

Variantlarning birinchi guruhida korxonani ishlab chiqarish - bozor faoliyatining mavjud miqyosi va yo‘nalishlari darajasida rivojlantirish imkoniyatlari aniqlanadi. Ular korxonaning o‘ziga taaluqli intensiv rivojlanish qiyofasiga ega. Variantlarning ikkinchi guruhi integratsiya , ya’ni birlashuv orqali marketing tizimining qismlari bilan bog‘liq bo‘lgan imkoniyatlarni, uchinchi guruhi marketing tizimiga kirmagan, ya’ni diversifikatsiya, ya’ni har tomonlama kengayish natijasida paydo bo‘ladigan inkoniyatlarni qamraydi.

Rivojlanishdagi intensiv yo‘nalish mahsulot va bozorni rivojlantirishda yashirin imkoniyatlaridan hozirga qadar foydalanmagan

korxonalarga nisbatan asosli va xos bo‘ladi. Bozorda chuqur o‘rnatish - bozorni o‘rganish, ishlab chiqarilgan mahsulotlarni faoliyat olib borilayotgan bozorlarda marketing harakatlarini jadallashtirish yo‘li bilan (masalan: xaridorni jalb etadigan ishlar - narxni pasaytirish tovarni sotishdan keyin qo‘shimcha xizmat ko‘rsatish ta’sirini kuchaytirish) mahsulot sotishni ko‘paytirish

imkoniyatlarini axtarishdir. Bozor hududlarini kengaytirish mahsulotlarning yangi geografik hududlarga, ya’ni mamlakatda yoki chet ellarda, bozorning yangi segmentlari, iste’molchilar guruhlari ga kirib borishini, ishlab chiqariladigan mahsulot uchun yangi iste’mol yoki tadbiq sohalarini izlashni ko‘zda tutadi.

Yangi modellarni o‘rnatish, mahsulotning sifat tomonidan tabakalangan turlarini ishlab chiqarish yo‘li bilan tovarlar takomillashtiriladi. Intensiv rivojlanishning yuqorida sanab utilgan usullari o‘zaro alternativ tarzda qaralashi mumkin, shuningdek ularni faoliyat bosqichlari tarzida izohlash ham mumkin. So‘nggi holda bozorni o‘rganish harakatlarini jadallashtirishga qaratilgan tadbirlarga birinchi navbatda e’tibor beriladi, so‘ngra bozorni kengaytirishga o‘rinib ko‘riladi, nihoyat, bu harakat foyda bermasa, korxona mahsulotni rivojlantirishga kirishadi.

Integratsion taraqqiyot variantlari o‘z tarmog‘ida mustahkam holatga va tarmoq ichidagi marketing tizimini bo‘g‘inlari o‘rtasida hamkorlikni rivojlantirish istiqbollariga ega bo‘lgan korxonalarda uchraydi. Vertikal integratsiyada oqim yo‘li bo‘ylab marketing tizimining ayrim bo‘g‘inlari o‘rtasida birlashuv yoki domiy muvofiqlashuv yuz beradi.

Regressiv yoki vertikal integratsiya oldingi bo‘g‘in bilan birga ishlab chiqaruvchining o‘zi o‘z xom ashyo ishlab chiqarishni tashkil etishini yoki mavjud xom ashyo etkazib beruvchilar bilan mustahkam kooperatsiya aloqalari o‘rnatishini nazarda tutadi. Progressiv yoki vertikal integratsiya bo‘g‘ini bilan birga sanoat korxonasi harid qilish yoki ulgurji va chakana savdoni nazoratga olishni,ya’ni savdo chiqimlarini kamaytirish uchun taqsimotning oraliq bo‘g‘inlarini yo‘qotib, mahsulotni pirovard iste’molchiga etkazib berishgacha o‘zi mustakil shug‘ullanishni anglatadi. Gorizontal integratsiya marketing tizimining bir xil bo‘g‘inlarida turgan korxonalar o‘rtasida faoliyatni o‘zaro muvofiqlashtirishdan iboratdir. Masalan, bir xil mahsulot ishlab chiqaradigan ikki sanoat korxonasi birlashib, ishlab chiqarish miqyosini kengaytiradi va ayni paytda o‘z xarajatlarini qisqartiradi. Bunday birlashma ulgurji yoki chakana savdo tashkilotlari o‘rtasida ham tuzilishi mumkin, ular shu yo‘l bilan mol etkazib beruvchilarga nisbatan o‘z mavkeini ko‘tarib, mahsulot sotish hajmini ko‘paytiradi.

Diversifikatsiya yo‘li bilan rivojlanish variantlari guruhlari mazkur marketing tizimi doirasida yanada o‘sish imkoniyatlariga ega bo‘lmagan va bu imkoniyatni ushbu tizimdan, tashqarida qidiradigan korxonalarning bu xatti - harakatini asosi deb hisoblaydi.

Diversifikatsiyaning uch ko‘rinishi bor: jamlanma , ya’ni konsentrik diversifikatsiya - korxona texnikaviy yoki bozor nuqtai nazaridan firmaning ilgarigi tovarlariga o‘xshash yangi mahsulotni ishlab chiqara boshlaganda yuz beradi. Masalan, telefon apparatlari ishlab chiqaradigan korxona o‘z mahsulot xilini ko‘paytirib, avto javob beruvchi yoki videotelefon ishlab chiqarishga o‘tdi. SHunday qilib korxona o‘z dasturini boyitadi va iste’molchilarning yangi

guruhiga ega bo‘ladi. Gorizontal diversifikatsiya - ilgari ishlab chiqarilgan mahsulot xiliga texnologik aloqasi bo‘lmagan yangi mahsulotlarni ishlab chiqarishga o‘tishdan iborat.

O‘z o‘rnida innovatsion loyihalarini tanlashning muhim vazifalaribo‘lib, quyidagilar hisoblanadi: istiqbolli, dolzarb va samarali yo‘nalishlarni to‘g‘ri tanlash, noma’lum, tasodifiy va texnik jihatdan bo‘ladigan o‘zgarishlar kelajakda mavzu bo‘yicha ishlarni bajara olmaslikni inobatga olish, taklif etiladigan innovatsiyalarning ilmiy-texnik va iqtisodiy darajalarini pasaytiradigan sabablarni aniqlash; innovatsiyalarni moliyalashtirish imkoniyatlaridan kelib chiqib qabul qilinadigan va tasdiqlanadigan loyixalarni tanlash uchun uslubiy tavsiyalar berish harajatlarini qoplash.

Ilmiy-texnik tashkilotlarni va birlashmalarni istiqbolli va mavzuiy rejalashtirish tajribasi loyixalarni tanlashning umumiy, qulay uslublarini qo‘llab yangiliklar yaratishning imkoniyati yo‘qligini ko‘rsatadi va har qanday holatda ham baholashni samarali amalga oshirish ko‘rsatkichlari sistemasini ishlab chiqish kerakligini keltirib chiqaradi. Innovatsion loyihalarni tanlashdagi amaliy faoliyatda ular maxsus ko‘rsatkichlar va ularni hisoblash uslublari, tanlovni aniqroq amalga oshiruvchi, tarmoq va xududning xususiyatlarini, maqsadlarni va mavzuni shakllantirish manbalarini aniqlab beruvchi uslublar bilan to‘ldirilishi mumkin.

Loyixani tanlash uchun ko‘rsatkichlar sistemasini aniqlashda yangilik harakteri va mazmunining tarmoq korxonalarini ishlab chiqarish – texnik va moliyaviy imkoniyatlariga mos kelishi prinsipini hisobga olish zarur. Istiqbolli mavzularni tanlashning muhim prinsiplariga yondashuvlarning komplekslilig prinsipi kiradi. Ko‘rsatkichlarga quyidagi talablar qo‘yiladi: tanlangan loyihani amalga oshirishning oxirgi maqsadlari bilan mantiqiy bog‘liqlik, ob’ektivlik, oddiylik va hisoblashning qulayligi, aniqlik va olingan natijalarning bir xil ma’noga egaligi, amalga oshirilayotgan hisob va hisobot shakllariga mos kelishi. Loyihalarni tanlashda uchun quyidagi ko‘rsatkichlar guruhi qo‘llanilishi mumkin: ilmiy- texnik, ishlab chiqarish-texnologik, moliyaviy-iqtisodiy, ijtimoiy- ekologik, tarmoq, xuquqiy, vaqt ko‘rsatkichlari, bozor ko‘rsatkichlari.

Innovatsion loyihalarni tanlash uslublariga bir qancha talablar qo‘yiladi: istiqbolli va samaraliroq mavzularni qat’iy tanlash, tanlangan mavzular natijalarining ishlab-chiqarish – xo‘jalik va fan – ishlab chiqarish sistemasi faoliyati maqsadlariga mosligi, tanlangan mavzularning maqsadga yo‘naltirilganligi, to‘g‘ri baholashning yuqori darajada bo‘lishi - birinchi navbatda kutiladigan natijalarga erishishni va mavzuni shakllantirish manbalarini baholash to‘g‘ri bo‘lishi, tarmoq va hudud xususiyatlarining inobatga olinishi va hokazo.

Bu talablar majmuasini hisobga olish turli uslublardan kompleks foydalanish yo‘li bilan amalga oshiriladi. Loyihalarni tanlashda qo‘llaniladigan uslublar sifat va miqdor uslublariga bo‘linadi. Dastlabki bosqichlarda ilmiy-texnik yangiliklarni tanlashda qo‘llaniladi:

1) Sifat uslubi, shaxsiy tajriba va malakaga asoslangan holda rejalashtirilgan innovatsiyalarni amaliyotga tadbiq eta olish. Uning ob'ektivligini oshirish yaxshi tashkil etilgan ekspert baholashlari va matematik usullarni qo'llash orqali ta'minlanadi.

2) Jadval-analitik uslubi, loyixani tanlashdagi jadval-analitik uslubini qo'llashda hammadan oldin natijalari mavzularni tanlashda inobatga olinadigan omillar qayd qilinadi. YAgona uslubiyot nuqtai- nazaridan mavzuni tanlashdagi hamma uslublar uchun yagona omillar majmuasi qo'llaniladi. Tanlanadigan har bir omilning ta'sirini tavsiflash uchun turli xil baholar (a'lo, qoniqarli va boshqalar) qo'llaniladi. Har bir alohida holat uchun faqat bitta baho qo'yiladi.

3) Miqdor uslubi - u baholashni ko'p darajali sistemasini qo'llash ko'rsatkichlari majmuasidan foydalanishga asoslanadi.

Olingan umumiy ko'rsatkichlar bo'yicha turli loyihalari solishtirib, u yoki bu innovatsion loyixaning afzalligining xaqiqiy bahosini olish mumkin. Loyihani amalga oshirish chog'ida qo'llaniladigan yoki topilgan,yangi tuzilgan davriy grafik va jadvallar dastlabki bashoratlar bilan solishtiriladi. Oxirida xaqiqiy natijalar dastlabki baholash bilan taqqoslanadi. SHuningdek taqqoslashlar alohida ko'rsatkichlarning ijobiy yoki salbiy tomonga o'zgarganini ko'rsatdi. Ular loyihalarni baholagan mutaxassislar nuqtai nazaridan foydali bo'lishi mumkin va ulardan eng yaxshilari loyihani tanlashda qo'llanilishi mumkin.

Miqdor uslublarini qo'llashda har bir aniq mavzu uchun birinchi darajali ko'rsatkichlar, asosiy ko'rsatkichlar aniqlanadi, ularning ro'yxati to'ziladi va tenglashtiriladigan qiymatlari aniqlanadi. Har bir innovatsion tashkilot yoki korxona loyihalar uchun foydali va kadrli bo'lgan ko'rsatkichlarni qo'llashi mumkin.

Umumiy ko'rsatkichlar bo'yicha mavzular olingan summalarning kamayib borish tartibida taqsimlanadi va ularning har bir mavzudagi joyi aniqlanadi. Bunda baholashning ishonchlilik darajasini oshirish uchun mavzularning taqsimlanishida ularga qo'shimcha ravishda, ko'rsatkichlar olingan ballar yig'indisidan bog'liq ravishda kategoriyalarga , ya'ni oliy, birinchi, ikkinchi darajalikategoriyalarga turkumlanadi. Bunga asoslanib, mavzularning dastlabki tanlovi amalga oshiriladi. Innovatsion jarayonlarni amalga oshirishda albatta bir nechta variantlar asosida alternativ tanlov muhim ahamiyat kasb etadi. Amaliyotda innovatsion jarayonlarning iqtisodiy samaradorligi oshirish mamlakatimiz iqtisodiyotini yanada rivojlantirish va barqarorlashtirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1.Fatxutdinov R.A. Strategicheskiy menedjment. M. «Delo» 2011g

2. Morozov Yu.P. Innovatsionnыy menedjment. YUNITI. Moskva. 2010

3.Musaeva Sh.A. Marketing tadqiqotlari. Darslik "STAR-SEL" MChJ nashriyot va ijodiy bo'limi. Samarqand-2023

4. Musaeva Sh.A. Integrallashtirilgan marketing kommunikatsiyasiO‘quv qo‘llanma “Mahorat” nashriyoti, Samarqand – 2022
5. Musaeva Sh.A., Usmonova D.I. Innovatsion marketing “TURON EDITION” 2021 yil uchun o‘quv qo‘llanma.

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Исхакова С.А.– СамИСИ Рақамли иқтисодиёт кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
Телефон: +998 (90) 2272274
isarvar@yandex.ru

Аннотация. Мақолада таълим хизматларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги аҳамияти очиб берилган ва таълим хизматлари самарадорлигини ошириш зарурлиги асосланган. Таълим хизматлари самарадорлигини оширишнинг йўлларидан бири шу соҳада банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи билан уларнинг меҳнат натижалари ўртасидаги боғлиқликни кучайтиришдан иборат эканлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: хизмат, таълим хизматлари, самарадорлик, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик, таълим хизматлари самарадорлиги.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида таълим хизматларининг аҳамияти жуда катта. Таълим хизматлари 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш[2], инновацион иқтисодиётни шакллантириш, инсон фаолиятининг турли йўналишларида янги юқори технологияларни жорий этиш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш инсон капиталини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли таълим хизматларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш бугунги куннинг жуда долзарб масаласи ҳисобланади.

Таълим хизматларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишнинг йўлларидан бири ушбу соҳасида банд бўлган ишчи-ходимларнинг меҳнатини рағбатлантиришдир. Юқори малакали мутахассислар, олимлар учун мотивациялашнинг самарали тизимини қўлламасдан ва уларни юқори унумли ва сифатли меҳнатга илҳомлантирмасдан туриб, иқтисодиётимизда даромадларга эришиш, юқори ривожланган мамлакатлар орасида ўз ўрнимизни топишимиз қийин бўлади.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 январдаги “2022-2026 йилларда мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

Таълим хизматлари кўрсатиш соҳаси ишчи-ходимлари меҳнатини рағбатлантиришнинг муҳим йўли – ишчи-ходимлар иш ҳақи билан уларнинг меҳнат натижалари ўртасидаги боғлиқликни кучайтиришдан иборат.

Таълим хизматлари кўрсатиш соҳаси ишчи-ходимларини меҳнатини рағбатлантиришнинг мавжуд тизими бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Ушбу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири - иш ҳақи самарадорлигини баҳолашнинг мақбул усулларининг мавжуд эмаслигидадир.

Меҳнатни мотивлаштириш омили сифатида иш ҳақининг самарадорлиги деганда, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ва иш ҳақи миқдорининг меҳнат натижалари билан ўзаро алоқадорлигини белгиловчи ижтимоий –иқтисодий категория тушунилади[3].

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда мавжуд иқтисодий адабиётларда иш ҳақининг самарадорлигини аниқлаш учун иш ҳақининг унуми (қайтими) кўрсаткичидан фойдаланиш тавсия этилади. Иш ҳақининг унуми (қайтими) яратилган маҳсулот (натижа, самара)нинг уни ишлаб чиқаришга тўланган иш ҳақига нисбати сифатида қаралади:

$$Иш\ ҳақининг\ унуми = \frac{М}{МҲТЖ}, \qquad (1)$$

Бунда,

М – ижтимоий маҳсулотнинг, миллий даромад ёки ЯИМнинг миқдори;

МҲТЖ – меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси.

Иш ҳақининг самарадорлигини аниқлашга бундай ёндашув ижтимоий маҳсулотни яратишда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасини оқилона сарфлаш даражасини аниқлашга ва унинг рағбатлантиришини баҳолашга имкон беради. Бизнингча, бу кўрсаткичнинг жиддий камчилиги бор - яратилган маҳсулот таркибига нафақат иш ҳақи, балки фойдаланилган воситалар ва меҳнат предметларининг харажатлари ҳам киритилади. Натижада ушбу кўрсаткич ходимларнинг меҳнати билан унинг натижаси ўртасидаги боғликликни тўғри ифодаламайди.

Иш ҳақининг унуми(қайтими) кўрсаткичидан ташқари амалиётда ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқаришда меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари коэффиценти қўлланилади:

$$К_{МИҲ} = \frac{МҲТЖ}{М}, \qquad (2)$$

Бунда,

$К_{МИҲ}$- маҳсулотнинг иш ҳақи коэффиценти;

МҲТЖ – меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси;

[3] Жуков А. Заработная плата: Пути реформирования и резервы повышения.// Ж.Проблемы теории и практики управления. 2003. №5. -С. 58–64.

М-яратилган ижтимоий маҳсулотнинг, миллий даромад ёки ЯИМнинг миқдори.

Ушбу кўрсаткич иш ҳақининг самарадорлигини эмас, балки якуний ижтимоий маҳсулотда меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари улушини характерлайди.

Шуларни ҳисобга олга ҳолда, биз иш ҳақининг самарадорлигини ҳисоблашда қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни таклиф этамиз:

1. Иш ҳақининг иқтисодий самарадорлиги. Иш ҳақининг иқтисодий самарадорлигини қуйидаги формула асосида аниқлаш мақсадга мувофиқ:

$$IH_{is} = \frac{O'IH_i}{O'MU_i} \qquad (3)$$

Бунда,

IH_{is} – иш ҳақининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичи;

$O'IH_i$ – ўртача иш ҳақи индекси;

$O'MU_i$ – ўртача меҳнат унумдорлиги индекси.

Иқтисодий самарадорликнинг таклиф этилаётган бу кўрсаткичи ўз моҳияти бўйича мультипикатор ҳисобланади ва меҳнат унумдорлиги бир фоизга ўзгарганда иш ҳақи неча фоизга ўзгаришини кўрсатади.

Ўртача иш ҳақининг индекси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$O'IH_i = \frac{IH_1}{IH_0} \qquad (4)$$

Бунда,

$O'IH_i$ – ўртача иш ҳақи индекси;

IH_1 – ҳисобот давридаги ўртача иш хақи;

IH_0 – ўтган даврдаги ўртача иш ҳақи.

Ўртача меҳнат унумдорлиги индекси қуйидагича ҳисобланади:

$$O'MU_i = \frac{MU_1}{MU_0} \qquad (5)$$

Бунда,

$O'MU_i$ – ўртача меҳнат унумдорлиги индекси;

MU_1 – ҳисобот давридаги ўртача меҳнат унумдорлиги;

MU_0 - ўтган даврдаги ўртача меҳнат унумдорлиги.

Иш ҳақининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи 1га тенг, 1 дан катта ёки 1 дан кичик қийматга эга бўлиши мумкин. Агарда IH_{is} =1га тенг бўлса, унда меҳнат унумдорлиги ва унга мос равишда, ишловчилар сони ўзгармаган ҳолда маҳсулот ҳажми ҳам бир фоизга ўсганида, реал иш ҳақи ҳам бир фоизга ўсади, демакдир. Меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг ўсиш суръатларининг тенглиги истеъмол товарлари бозорида талаб ва таклифни барқарорлаштиради, бу инфляцияни минимумга келтириш лозим. Бундай ҳолда инвестицияларда ўсиш бўлмайди, тадбиркор олиши

лозим бўлган фойда ҳам, унинг бозордаги ўз ўрнини сақлаб туриши учун етарли бўлмайди.

$IH_{is}>1$ бўлса, иш ҳақи меҳнат унумдорлигига қараганда юқори суръатда ўсишини ва бу ҳолат пул товар массаси мувозанатининг бузилишига олиб келишини ва инфляцияни рағбатлантиришини кўрсатади ва бизнеснинг хонавайрон бўлишига олиб келади.

$IH_{is}< 1$ *бўлса,* иш ҳақи меҳнат унумдорлигига қараганда бирмунча секинроқ суръатда ўсишини кўрсатади. Ушбу ҳолатда пул массасига нисбатан товар массасининг ўсиши юқорироқ бўлади, бу маълум бир босқичда инфляцияни пасайтиради, кейинчалик эса товарлар ва хизматлар баҳосининг пасайишига олиб келади. Шунингдек, меҳнат унумдорлигининг ўсиши юқорироқ суръатларда бўлганида инвестицион жараён жадаллашади, асосий фондларнинг ўсиши ва янгиланиши юз беради. Бу ўз навбатида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда жуда долзарбдир.

2. Иш ҳақининг ижтимоий самарадорлиги. Иш ҳақининг ижтимоий самарадорлиги, бизнингча, иш ҳақи ходимнинг ва унинг оиласининг эҳтиёжларини қондиришга қанчалик қодирлигини акс эттириши лозим. Ушбу кўрсаткичнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий самарадорликни баҳолаш ишчи-ходимларнинг маълум даврдаги ўртача иш ҳақини истеъмолнинг минимал даражасини ифодаловчи кўрсаткич билан таққослаш орқали амалга оширилиши лозим. Истеъмолнинг минимал даражаси сифатида минимал истеъмол саватчаси ва минимал иш ҳақи олинади. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) тавсияларига мувофиқ, минимал иш ҳақи минимал истеъмол саватчасига мос бўлиши ва мамлакат бўйича ўртача иш ҳақининг 60 фоизидан кам бўлмаслиги керак[4].

Биз иш ҳақининг ижтимоий самарадорлигини баҳолашнинг таркибий элементи сифатида ХМТ тавсия этган минимал иш ҳақи даражасини олишни тўғри деб ҳисоблаймиз. Шуни ҳисобга олиб, иш ҳақининг ижтимоий самарадорлиги кўрсаткичини қуйидагича ҳисоблашни таклиф этамиз:

$$IH_i = \frac{IH_1}{O'IH*0.6} \quad (6)$$

Бунда,

IH_i – иш ҳақининг ижтимоий самарадорлиги;

IH_1 – ҳисобот давридаги номинал иш ҳақи;

O’IH*0,6 –ХМТ тавсия этган минимал иш ҳақи даражаси;

O’IH – мамлакат бўйича ўртача иш ҳақи.

[4]Жуков А. Заработная плата: Пути реформирования и резервы повышения. //Ж.Проблемы теории и практики управления. 2003. № 5.-С. 60.

Иш ҳақининг ижтимоий самарадорлик кўрсаткичи 1га тенг,1 дан катта ёки 1 дан кичик қийматга эга бўлиши мумкин. Агарда IH_i =1 бўлса, унда ўртача иш ҳақи даражаси иш кучининг оддий такрор ишлаб чиқаришини таъминлайди, яъни унинг ҳажми меҳнатга қобилиятини оддий тиклашгагина етарли бўлади.

Агарда IH_i <1 бўлса, унда ўртача иш ҳақи ишчи кучини оддий такрор ишлаб чиқаришни таъминламайди.

Агарда IH_i >1 бўлса, унда ўртача иш ҳақининг даражаси иш кучини нафақат оддий, балки кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини ҳам таъминлайди, яъни ходимда ривожланиш (билим, ахборот олиш, маданий даражасини ва малакасини ошириш) учун ва оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзоларини – болалар, нафақахўр ота-оналарни таъминлаш учун имконият бўлади.

Таклиф этилаётган формулалар унчалик мураккаб эмас ва ҳозирги хўжалик юритиш шароитларига етарлича мослаштирилган. Улар иш ҳақининг самарадорлигини юқори даражада ифодалайди. Нафақат жонли меҳнатни, балки ходим эҳтиёжларининг қониқтирилганлик даражасини ҳам акс эттиради.

Тадқиқотимиз жараёнида биз таклиф этилаётган формулалар ёрдамида хизмат кўрсатиш соҳасининг айрим тармоқларида иш ҳақининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқдик. Амалга оширилган ҳисоб-китоблар Ўзбекистонда ўрганилган хизмат кўрсатиш соҳаларида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи 1 дан кам эканлигини кўрсатди. Юқорида таъкидланганидек, бу ҳолат меҳнат унумдорлгининг иш ҳақига нисбатан юқорироқ суръатларда ўсаётганлигини кўрсатади ва бу ҳолатни ижобий баҳолаш мумкин. Чунки бунда бир томондан, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори ошиб инфляцияни пасайтиради, товарлар ва хизматлар баҳосининг пасайиши иш ҳақининг самарадорлигининг ошишига олиб келади. Иккинчи томондан, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдорининг кўпайиши иқтисодий ўсишга олиб келади ва бу ҳам ўз навбатида ишчи-ходимларнинг иш ҳақининг ошишига замин яратади.

Иш ҳақиинг ижтимоий самарадорлиги кўрсаткичи молия ва суғурта фаолияти ҳамда алоқа ва ахборот тармоқларида 2 ва 3 орасида бўлди, энг паст кўрсаткич таълим хизматлари (1,3) ва соғлиқни сақлаш хизматларига (1,12) тўғри келди. Ушбу ҳолат ҳам масаланинг долзарблигини яна бир марта исботлайди.

Шундай қилиб, иш ҳақининг самарадорлигини баҳолаш таълим хизматлари соҳаси ишчи-ходимлар иш ҳақининг асосланганлик даражасини оширишга, ишчи-ходимларнинг хўжалик фаолияти якуний натижаларига бўлган қизиқишини кучайтиришга ҳамда рағбатлантириш тизимининг самарадорлигига ижобий таъсир этишга имкон беради.

Адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 январдаги “2022-2026 йилларда мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

2. Боровик Л.С. Вазимосвязь производительности и оплаты труда: сравнительная динамика и проблемы оптимизации. //Белорусский экономический журнал, 2008, № 1. -С.70-79.

3. Жуков А. Заработная плата: Пути реформирования и резервы повышения. //Ж.Проблемы теории и практики управления. 2003. № 5.-С. 60.

Рахимов М., Қаландарова Н. Иш ҳақи ва унинг қиёсий таҳлили. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, 2018, № 2.

ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Жанзаков Бекзот
ТДИУСФ, “Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари кафедраси доценти в.в.б.

Аннотация. Ушбу тезисда рақамли технологияларнинг туризм соҳасида қўлланилиш ҳолатлари ҳамда самарадорлигини оширишдаги аҳамияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: рақамли технологиялар, туризм, самарадорлик, виртуал реаллик, онлайн хизматлар, мобил иловалар

Бугунги кунда туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган соҳаларидан бири ҳисобланади. Аммо туризм соҳасининг ривожланиши атроф муҳитга, ижтимоий ҳаётга, иқтисодиёт ва табиий ресурслар деградациясига таъсир қилади. Шу боисдан, соҳани мувозанатлашган ҳолда ривожлантириш долзарб масала ҳисобланади.

Туризм соҳасининг самарали фаолият олиб боришида рақамли технологияларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Масалан, рақамли технологиялар қуйидагиларда кенг қўлланилмоқда:

-онлайн бронлаш: рақамли платформалар орқали туристлар авиарейс, меҳмонхона, турпакет ва бошқа хизматларни онлайн бронлаш имкониятига эга бўлади. Бунда ортиқча қоғозбозлик йўқолиб трансзакцияларни амалга ошириш арзонлашади ҳамда тезлашади[1].

-Мобил дастурлар: туризм мобил иловалари туристларга хариталар, дестинациялар ва турли жойлар ҳақида маълумот олишга ёрдам беради. Бундан ташқари, меҳмонхона хоналарига кириб чиқиш, траснпортни режалаштириш, реал-тайм режимида янгиланишлар ва бошқаларни амалга ошириш мумкин.

-Виртуал реаллик ва кенгайтирилган реаллик: ушбу технологиялар туристларнинг туристик дестинация ҳақидаги тажрибасини янада

кенгайтиришга, масалан, музейлар кўргазмаларида туристларнинг тарихий жараёнларни яхшироқ ҳис этишга ёрдам беради[1].

-Маълумотлар таҳлили: туристик субъектлар ҳам истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини яхшироқ тушуниши, нархлаштиришни оптималлаштириш ва маркетинг стратегияларини такомиллаштиришда маълумотлар таҳлилининг турли усулларидан фойдаланишлари мумкин. Масалан, ҳаво йўллари компаниялари талабни потенциал ҳажмига қараб нархларни белгилашлари мумкин.

-Геолокация хизматлари: GPS ва бошқа шунга ўхшаш локацияни аниқловчи хизматлар туристларга нотаниш дестинациялар ичида саёҳат қилишни осонлаштиради. Туристлар атрофдаги ресторанлар, атракционлар ва кўплаб хизматларни геолокация хизматлари ёрдамида осонгина аниқлаши мумкин.

-Таржимонлик воситалари: таржимонлик иловалари турли миллатлар ўртасида алоқаларни йўлга қўйишга ёрдам беради, туристларнинг маҳаллий аҳолини тушуниши ва маҳаллий тилда ёзилган маълумотларни тўлиқ тушунишга имкон беради.

-Онлайн тақризлар ва рейтинглар: саёҳатчилар кўпинча онлайн тақризларга таяниб бирор жойга бориш ёки бормасликни ҳал этишлари мумкин. Шу билан бирга, туристик бизнеслар ҳам тақризларга қараб ўзлари кўрсатаётган хизматларни такомиллаштиришлари мумкин бўлади. Онлайн тақризлар асосида тузилган рейтинглар туристик субъект рақобатбардошлигини белгилаб бериши мумкин.

-электрон билетлар, масалан, QR кодлар, турли атракционларга ва тадбирларга кириш учун қоғоз билетлардан кўра анча қулайлик яратади.Шу билан бирга, навбатда туриш вақтини кескин камайишига олиб келади.

-рақамли инфратузилма, айниқса, буюмлар интернети, турли датчиклар билан қуролланган ҳолда туристларнинг саёҳатдан тажрибасини бойитишга хизмат қилиши мумкин. Масалан, йўл ҳаракатини бошқаришнинг ақлли тизимлари атроф муҳитга зарарни камайтириш билан бирга, туристларнинг бир жойдан бошқа жойга ҳаракатланишини осонлаштиради.

Бундан ташқари, машинани ўқитиш алгоритмлари фойдаланувчиларнинг хоҳиш истакларини, ҳатти ҳаракатини таҳлил қилиб, жойлаштириш воситалари, ресторанлар ва бошқа фаолият бўйича саёҳатчилар ва туристик субъектлар учун тавсиялар ишлаб чиқиш имконини бермоқда. Шу билан бирга, контактсиз тўлов хизматлари, мобил ҳамён каби иловалар молиявий хизматларни ривожланишига ва тўловнинг осон амалга ошишига ёрдам бермоқда.

Атроф муҳитга зарарни рақамли технологиялар транспорт маршрутларини оптималлаштириш, меҳмонхоналарда энергия истеъмолини камайтириш орқали минималлаштиришга имкон беради.

Бундан ташқари, ассистент тизимларининг пайдо бўлиши оддий саволларга сунъий интеллектга асосланган чатботлардан фойдаланиш ва шу орқали хизмат кўрсатиш харажатларини камайиши ҳамда самарадорликнинг ошишига олиб келмоқда.

Туризм бизнесини юритишда рақамли маркетинг элементларидан, масалан, ижтимоий тармоқлар орқали тарғибот олиб бориш, маҳсулотлар хусусиятларини реклама қилиш харажатларини кескин камайтирди. Энди рақамли реклама нафақат маҳаллий аҳоли, балки бошқа давлатлардаги истеъмолчиларни ҳам қамров олиш шу орқали таргет аудиторияни кенгайтириш имкониятини бермоқда[2].

Шу билан бирга рақамли технологиялар турли инқирозлар, табиий офатлардан огоҳлантириш, тиббий хизматларни етказиш, хавфсизликни таъминлаш кабиларда ҳам кенг ишлатилади. Юқоридаги технологияларни интеграциялаш орқали туризм хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш, оператив самарадорликни яхшилаш, юқори рақобатли рақамли муҳитда ўз ўрнига эга бўлишга имкон беради. Аммо технологик ривожланишни баланслаштириш, масалан, маҳаллий аҳоли маданияти ва атроф муҳитни сақлаш жараёнида туризмнинг салбий таъсирини камайтиришни ҳам инобатга олиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қ.Ж.Мирзаев, С.Б. Бобоқулов, Б.Қ.Жанзаков, Рақамли иқтисодиёт,/ О’қув қо’лланма/ Самарқанд.: СамИСИ, “СТАП-СЕЛ” МЧЖ. Нашриёт матбаа бо’лими, -2022 й. 288 бет.

Lapidus L.V. Digital economy: Учебное пособие для бакалавров и магистров по направлениям «Экономика» и «Менеджмент». –М.: РУТ(МИИТ) 2018. 42 стр.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ СОЗДАНИЯ ЭЛЕКТРОННОЙ УЧЕБНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ

Мусинов С. доцент СФ ТУИТ,
Бобокулов Ф.А. преподователь
Мусинова Д. учительница школы №10 Самаркандского района
Тел+998990713434

Аннотация: *Ушбу тезисда педагогларни электрон дарсликлар яратишга тизимли, комплекс тайёрлаш, уларни бу мураккаб фаолиятга педагогик, психологик хусусиятларини ривож топтириш, методологик, назарий ва амалий жихатлардан ривож топтириш конунлари тахлил этилган.*

Ключевые слова: информации, *технологии, техники, цифровизации, социально-экономического, универсальному учителю.*

В эпоху бурного развития информации, технологии и техники, цифровизации социально-экономического, политического и культурного

прцессов резко возрастают требования к информационно-коммуникационной профессиональной подготовке педагогов. Настоящие информационно-коммуникационные технологии должны помочь избежать прагматической ориентации образования в ущерб развитию личности. Не секрет, что интеллектуальный уровень школьников и студентов несколько снижен. И общество и государство должны помочь педагогу для устранения этого недостатка в образовании. Общество не может требовать невозможного от педагогов, но оно должно помочь в создании информационной образовательной среды, чтобы интегрировать в ней те качества, которые должны быть присущи “универсальному учителю”.

Как отмечает И.Г.Захарова, “это невозможно сделать без самих педагогов, поскольку в электронных учебных материалах требуется сосредоточить лучший теоретический и практический опыт. Именно для этого педагогам необходимы не только знания о возможностях программных средств ИТО, создаваемых профессиональными разработчиками, но и готовность реализовать свои методические находки в электронном учебном курсе”. 1.

По мнению И.Г.Захаровой под перспективных форм организации образовательного процесса, подразумевают реализацию той или иной учебной программы, ориентированной главным образом на самостоятельную работу обучаемых. В этом случае для получения эффективных результатов педагог должен подготовить целый комплекс разнообразных учебных материалов, составляющих так называемый “кейс” (англ. Case-коробка, чемодан). При формировании такого кейса становится все более популярным мультимедиа-подход, когда обучаемый обеспечивается образовательными ресурсами, основанными на различных технологиях: печатными, аудио-, видеоматериалами и, что особенно важно, электронными учебными курсами (ЭУК). Последние представляют собой учебные материалы, структурированные особым образом и записанные на магнитные носители (дискеты или компакт-диски) или доступные через компьютерную сеть (локальную или Internet). При этом реализованный в них гибкий сценарий способен подстраиваться под потребности и возможности конкретного обучаемого и развивать его потенциальные способности. 2.

Создание электронного учебного курса предполагает от преподавателя таким образом собрать и структурировать учебный материал, записать их на магнитные носители, чтобы компактно и удобно было их чтение, восприятие, сохранение в памяти и полное понимание.

Тут нужна согласованная работа педагогов и группы разработчиков, которые создают электронные информационные носители, добавляют новое, стирают старое.

В организации электронных учебных дисциплин (курсов) чрезвычайно важно не только структурирование теоретической и

методологической частей дисциплины, но также в большей части важно построение учебного и практического материала и действий в таком порядке, которая бы обеспечивала превращение теоретических положений в практические умения и навыки.

С технологической точки зрения основными задачами в этом направлении являются разработка методически обоснованных принципов представления учебно-методических, научно-исследовательких и информационных ресурсов с учетом возможностей и потребностей всех участников образовательного процесса.

В практику педагогической деятельности все шире входит использование различных электронных учебных материалов, таких, например, как: учебные и рабочие программы; планы- графики лекционных и практических занятий; теоретический материал; хрестоматии; энциклопедии и словары; карты, схемы, иллюстрации; сборники задач и упражнений, методические рекомендации по их выполнению; темы сочинений, рефератов и т. п.; вопросы и тесты для самопроверки; моделирующие программы для проведения компьютерных экспериментов и деловых игр (с возможным использованием специализированных баз данных); программы для проведения контроля качества обучения и развития обучаемых.2.

Педагог, создающий электронные учебные курсы, обязан знать и уметь наладить в нем такие технологические характеристики, которые сделают учебно-воспитательный процесс эффективным.

Педагог при создании электронных учебников должен уметь:

1. Оптимально управлять деятельностью обучаемого по изучению учебной дисциплины;
2. Стимулировать учебно-познавательную деятельность;
3. Обеспечивать рациональное сочетание различных видов учебно-познавательной деятельности с учетом дидиктических особенностей каждой из них и в зависимости от результатов освоения учебного материала;
4. Рационально сочетать различные технологии представления материала (текст, графику, аудио, видео, анимацию);

Литература

1. Захарова И.Г. информационные технологии в образовании.- М., 2008,-162.
2. Трайнев В.А., Теплышев В.Ю и др. Новые коммуникационные технологии в образовании.- М:, 2012, - 221.У

TA’LIM XIZMATLARIDA INNOVATSION ASOSDA TALABALARNING BILIM VA KO’NIKMA MALAKASINI SHAKLLANTIRISH (IQTISODIYOT FANLARI MISOLIDA)

Boboqulov S.B. SamISI, “Raqamli iqtisodiyot” kafedrasi dotsent v/b, i.f.f.d., (PhD), ferdu_www@mail.ru +998941891989

Anotatsiya. Ushbu maqolada muallif raqamli iqtisodiyotga o’tish sharoitida ta’lim xizmatlarini innovatsion asosda talabalarda bilim, ko’nikma v amalaka darajasini oshirish orqali inson kapitalini shakllantirish bo’yicha izlanishlar olib borilgan bo’lib, taklif va tavsiyalar ishlab chiqgan.

Kalit so’zlar: xizmat, xizmat ko’rsatish, ta’lim xizmatlari, ta’lim, raqamlashtirish, innovatsiya, bilim, ko’nikma, malaka, metod, texnologiya

Mamlakatimizda qabul qilingan Kadrlar tayyorlash milliy dasturida belgilangan vazifalarni bosqichma-bosqich amalga oshirilayotganligi natijasida, respublikamiz ta’lim tizimida tub islohotlar sodir bo‘lib, u dunyodagi bir qator rivojlangan mamlakatlar ta’lim tizimi bilan uyg‘unlashib bormoqda. Bu jarayonda tayyorlanayotgan mutaxassis-kadrlarning o‘z kasblari bo‘yicha mustaqil fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish va rivojlantirish, ularning eng muhim sifat ko‘rsatkichlaridan biri sifatida e’tirof etilmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ta’kidlaganidek: “…oliy ta’lim jarayonida nazariya va amaliyot yaxlitligi ta’minlanmaganligi. Talabalarning malakaviy amaliyotlarini ishlab chiqarish korxonalarida o‘tkazish samarali tashkil etilmagani oqibatida bitiruvchilarning aksariyat qismi tayyor mutaxassis bo‘lib chiqish o‘rniga, ishga joylashgandan keyin qaytadan o‘z kasbini, mutaxassisligini o‘rganayapti”[5] Chunki, innovatsion iqtisodiyotga o’tish sharoitida faqat mustaqil fikrlash qobiliyatiga, amaliy malaka va ko‘nikmaga ega bo‘lgan shaxsgina ijtimoiy hayotda o‘zining munosib o‘rnini topaoladi, jamiyat uchun ham, o‘zi uchun ham foydali bo‘ladi va turli g‘arazli oqimlar ta’siriga berilmaydi. Shuning uchun ham, so‘ngi yillarda malakali mutaxassislar tayyorlash jarayonida talabalarning amaliy malaka va ko‘nikmalarini shakllantiruvchi, ularni mustaqil fikrlash qobiliyatini rivojlantiruvchi noan’anaviy ta’limni tashkil qilish, hamda uni amalga oshirishning faol usullaridan foydalanishga ko‘proq e’tibor berilmoqda.

Respublikamizda iqtisodiyotni erkinlashtirish va bu sohadagi islohotlarni yanada chuqurlashtirish bilim olishga, iqtisodiyot sir – asrorlarini o’rganishga bo’lgan harakatni, fanni chuqur o’rganishga bo’lgan talablarni ham kuchaytirdi. Bu esa, o’z navbatida, kasb-hunar ta’limi va oliy ta’lim tizimida iqtisodiy qonunlarni yaxshi biladigan, turli vaziyatlarni taqqoslash, iqtisodiy resurslar cheklanganligi sharoitida samarali xo’jalik yuritish uchun muqobil variantlarni

[5] ttps://www.norma.uz/oz/qonunchilikda_yangi/kadrlar_tayerlash_milliy_tizimini_yangi_bosqichga_kutarishadi

to’g’ri tanlash va qaror qabul qilish malakasiga ega bo’lgan iqtisodchilar tayyorlashnigina emas, balki ularni o’qitadigan o’quv yurtlarida yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanib dars o’tish orqali kadrlar tayyorlashni va shu orqali ularda o‘z mutaxassislari bo‘yicha amaliy malaka va ko‘nikmalarni shakllantirishni ham talab qiladi.

Ma’lumki, ta’lim tizimining barcha bo‘g‘inlarida yangi, ilg‘or pedagogik texnologiyalardan foydalanib dars o’tish orqali kadrlar tayyorlashdagi asosiy maqsadi, ya’ni zarur bilimlarni o’zlashtirish bilan birga talabalarning intellektual qobiliyatlarini, malakaviy ko‘nikmalari shakllantiriladi va rivojlantiriladi, ularda mustaqil fikirlash va qaror qabul qilish ko’nikmasi hosil qilinadi.

Bu borada mamlakatimiz iqtisodiyotini rivojlantirishda iqtisodchi-pedagog kadrlarni tayyorlash sifatini oshirishning muhim yo‘llaridan biri-ta’limni optimallashtirishdir. Ta’lim tizimida iqtisodchi-pedagog karlarni tayyorlash jarayonida, ularning ilmiy va amaliy malakalarini oshirish, raqobatbardoshligini yanada mustahkamlash uchun quyidagi ta’sir qiluvchi omillarga e’tibor qaratilsa maqsadga muvofiq bo‘ladi: (1-rasm).



1-rasm. Iqtisodchi –mutaxassis kadrlarni tayyorlash sifatiga ta’sir etuvchi omillar

Respublikamizda bozor munosabatlari o‘tish sharoitida tobora keng ko‘lam olayotgan yangi texnika va ilg‘or ishlab chiqarish texnologiyalarini joriy etish davr talabi bo‘lib qolmoqda. Bundan kelib chiqqan holda bo‘lajak iqtisodchi-pedagog uchun zamonaviy talablar darajasiga o‘quv-uslubiy qo‘llanmalar yaratish talabalarning kasbiy ko‘nikma va malakalarni shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Barkamol shaxs kamol topishi ko‘p jihatdan uning kasbiy-madaniy munosabatlari tarkib topishi bilan bog‘liq. Kasbiy-madaniy munosabatlarning boshqa (iqtisodiy, siyosiy, diplomatik) munosabatlardan o‘ziga xos bo‘lgan jihati shundaki, bu munosabat asosan axloqiy, aqliy, mehnat, kasbiy, nafosat kabi tarbiya turlaridan sintezlanadi.

Iqtisodchi-pedagogning “Men” orqali yuzaga chiqishi mumkin bo‘lgan imkoniyatlar quyidagi tartibda aniqlanadi:

– o‘quv-metodik ishlarni yangi texnologik talablar darajasida o‘zlashtira olishi;
– ilmiy-tadqiqot ishlarida faol qatnashishi;
– yangi fikr va g‘oyalar bilan chiqishi;
– ijodkorlikka intilishi;
– sog‘lom avlod tarbiyasiga o‘z hissasini qo‘sha olishi;
– o‘zini o‘zi tahlil eta olishi va o‘z ishiga tanqidiy munosabatda bo‘lishi;
– vaqtini taqsimlay olishi va undan unumli foydalana bilishi;
– egallayotgan kasbi hayot faoliyatida ong va dunyoqarashining boyishiga, kasbiy va madaniy kamolotga olib kelishini anglashi;
– o‘qituvchilik kasbini ijodiy mehnat ekanligini his etishi;
– o‘zining kasbiy fazilatlarini baholay olishi;
– so‘zi va ishining birligi hamda ular har doim bir-birini to‘ldirib borishini anglashi;
– o‘z oldiga qo‘ygan maqsadlariga erisha olishi;
– ta’lim-tarbiya jarayonida noan’anaviylik munosabatini qo‘llashga intilishi; bozor munosabatlari va yangi mulkchilik sharoitida ijodiy faoliyat ko‘rsata olishi;
– ijtimoiy buyurtma ta’lim standartlari talablarini bajara olishi;
– su’niy intelekt texnologiyalari bilan iqtisodiy fanlarni o’qitish jarayonlarini keng targ’ib qilish;
– Virtual va to’ldirilgan reallik texnologiyalari orqali dars jarayonlarini tashkil etish;
– zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarini amalga tadbiq eta olishi.

Zero, shaxsni tarbiyalash ishi nixoyatda murakkab va qiyin faoliyat jarayoni bo‘lib, juda qadimdan ushbu faoliyatga jamiyatning yetuk kishilari jalb etilgandir. Xususan, Qadimgi Gretsiya va Rim tarixidan yaxshi bilamizki, miloddan avvalgi davrlarda ham yosh avlod tarbiyasi o‘zining ma’naviy qiyofasi va aqliy qobiliyati bilan jamiyat a’zolari o‘rtasida yuksak hurmat-ehtiromga

sazovor bo‘lgan kishilar, donishmandlar zimmasiga ishonib topshirilgan. Ushbu xolat yosh avlod tarbiyasi uning tashkil etilishi mazmuni nafaqat shaxs kamolotini balki jamiyat taraqqiyotini ta’minlashda muhim ahamiyatga ega ekanligini anglatadi.

Fikrimizcha, jahon talablariga javob beradigan oliy ta’lim tizimida barkamol iqtisodchi-pedagog kadrlarni tayyorlash jarayonida, ularning ilmiy va amaliy malakalarini oshirish, raqobatbardoshligini yanada mustahkamlash uchun quyidagilarga e’tibor qaratilsa maqsadga muvofiq bo‘ladi (2-rasm).



2-rasm. Barkamol iqtisodchi- pedagogni kasbiy xususiyatlari

1. Iqtisodiyot va pedagogika bo‘yicha bilimdonlik: *Ma’lumki,* iqtisodchi-pedagog asosan iqtisodiy hodisalar, jarayonlar, ular bilan bog‘liq bo‘lgan sabab, oqibat va natijalarni o‘rganib, oxirida o‘zining xulosalarini berib, ma’lumotlar to‘plab ularni qayta ishlaydi va o‘quvchilarga aniq, ravshan, tushunarli tarzda zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari yordamida yetkazadi. Bu murakkab va og‘ir ishni professional tarzda amalga oshirish uchun iqtisodchi-pedagogdan o‘z sohasini mukammal bilish bilan birga, uning ma’lumotlari jozibadorligini oshirish uchun jahon iqtisodiyoti tendensiya va o‘zgarishlari bilan hamnafas bo‘lib yashash va kasbiy pedagogik faoliyat yuritishni talab qiladi.

2. Chet tilida ishbilarmonlik qobiliyat*:* Hozirgi davrda iqtisodchi-pedagoglarning xorijiy davlatlardagi hamkasblari bilan o‘zaro aloqada bo‘lish, malakalarini oshirish va birgalikda ilmiy-amaliy anjumanlarda qatnashish uchun ulardan o‘z kasblarini puxta bilishdan tashqari xorijiy tillarda erkin so‘zlasha olish va faoliyat yuritish zamon talablaridan biriga aylanmoqda.

3. Ma’naviy komillik: Iqtisodchi-pedagoglardagi ma’naviy komillik fazilatlari uning faoliyati davomida nihoyatda zarur bo‘lib, iqtisodchi-pedagog har qanday vaziyatda ham aniq dalillarga tayanishi lozimdir.

4. IT va raqamli texnologiyalar bo‘yicha savodxonlik: Har bir raqobatbardosh iqtisodchi-pedagog innovatsion axborot texnologiyalaridan foydalanmasdan turib, sifatli ma’lumot to‘play olmaydi. Iqtisodiy fanlarni o‘qitishda Microsoft Power Point dasturlaridan foydalangan holda olib borilsa,

bu albatta iqtisodchi-pedagoglarga ITdan foydalanish uchun kelajakda amaliy ko‘nikma sifatida xizmat qiladi. Shuningdek, raqamli texnologiyalardan samarali foydalanmasdan kelajakda raqobat muhitida yutqizib ishsiz qolish ehtimoli ortishi mumkin.

Yuqoridagi fikr mulohazalardan kelib chiqqan holda ta’kidlash mumkinki, iqtisodchi-pedagog kadrlarini tayyorlashda oliy ta’limning roli nihoyatda yuqori bo‘lib, pedagoglarning yetuk inson sifatida rivojlanib shakllanishida albatta o‘zining ijobiy natijalarini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. O’zbekiston Respublikasining “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” to’g’risidagi Qonuni. T:-1997 yil 29 avgust.

2. O‘Zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida” gi Qonuni. T:-2020-yil 7-avgust

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoev “2022—2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” PF-60-son Farmoni. Toshkent sh., 2022 yil 28 yanvar, www.lex.uz

4. . Farberman B.A., Musina R.G., Jumaboyeva F.R. Oliy o’quv yurtlarida o’qitishning zamonaviy usullari. Toshkent, 2012

5. Хусаинов З.А. Инновационные процессы в образовании. – Казань 2014

6. Қ.Ж.Мирзаев, С.Б. Бобоқулов, Б.Қ.Жанзаков, Рақамли иқтисодиёт,/ О’қув қо’лланма/ Самарқанд.: СамИСИ, “СТАП-СЕЛ” МЧЖ. Нашриёт матбаа бо’лими, -2022 й. 288 бет.

ТУРИСТИК КЛАСТЕРЛАРНИ БОШҚАРИШДА МАҚСАДЛИ ДАСТУРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тўхтамишов Азиз Қаҳрамонович “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети мустақил изланувчиси
Телефон рақами: +99866 240-86-04
Электрон почта манзили: aziztukhtamishov@univ-silkroad.uz

Аннотация: Ушбу мақолада туризмни, хусусан туристик кластерларни бошқаришда амалдаги мақсадли дастурлар таҳлил қилинган ҳолда, янгича ёндашув асосида мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва келгусида ундан амалиётда фойдаланиш бўйича муаллифнинг таклиф ва тавсиялари ишлаб чиқилган. Шунингдек, муаллиф томонидан туризм кластерини шакллантириш ва туризмни ривожлантириш дастурларини мувофиқлаштириш бўйича миллий, ҳудудий ва маҳаллий даражалардаги ўзаро муносабатлар модели таклиф қилинган.

Калит сўзлар: туризм, иқтисодий зона, ташаббус, кластер, туризм индустрияси, давлат-хусусий шериклик, ижтимоий-иқтисодий сиёсат, ахборот.

Аннотация: В данной статье на основе анализа действующих целевых программ в управлении туризмом, особенно туристскими кластерами, разработаны авторские предложения и рекомендации по разработке целевых программ на основе нового подхода и их дальнейшему использованию на практике. Также автором предложена модель взаимодействия на национальном, региональном и местном уровнях для формирования туристического кластера и координации программ развития туризма.

Ключевые слова: туризм, экономическая зона, инициатива, кластер, туристическая отрасль, государственно-частное партнерство, социально-экономическая политика, информация.

Abstract: In this article, based on an analysis of existing target programs in tourism management, especially tourism clusters, the author's proposals and recommendations for the development of target programs based on a new approach and their further use in practice have been developed. The author also proposed a model of interaction at the national, regional and local levels for the formation of a tourism cluster and coordination of tourism development programs.

Key words: tourism, economic zone, initiative, cluster, tourism industry, public-private partnership, socio-economic policy, information.

Республикамиз иқтисодиётининг ўзига хослиги унинг кўплаб ҳудудларида туризм барқарор иқтисодий ўсиш ва ривожланишни таъминловчи ҳамда мавжуд туристик-рекреацион ва бошқа инфратузилмаларга эга бўлган табиий ва тарихий-маданий салоҳиятдан тўлиқ ва самарали фойдаланишни таъминлайдиган асосий соҳалардан биридир. Мамлакатимизда туризмнинг самарали ривожланиши учун туристик ва рекреацион салоҳиятнинг мавжудлиги етарли омил эмас, бунга қўшимча равишда бошқа кўплаб шарт-шароитлар ва омиллар зарур бўлиб, уларга туризм соҳасида давлат сиёсати самарадорлигини таъминлаш, ҳудудий даражада соҳани ривожлантириш бўйича тегишли истиқболли стратегия ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш кабилар масалалалар ҳам тегишлидир.

Бу ҳолат республикамиз ҳудудларида туризмни ривожлантириш юзасидан мақсадли дастурларни амалга оширишнинг аниқ чора-тадбирлар режасини ва механизмларини ишлаб чиқишни назарда тутади.

Тадқиқотлар шундан далолат бермоқдаки, ушбу ёндашувни мамлакатнинг турли ҳудудларида қўллаш тажрибаси турлича бўлиб, бу умуман иқтисодиёт даражасида ҳам, туризм индустрияси даражасида ҳам тизимли муаммолар мажмуасининг мавжудлиги ҳамда ички туризм маҳсулотининг халқаро бозорда рақобатбардошлигининг паст даражаси билан белгиланади. Мамлакатимизда туризм соҳасини ҳудудий даражада ривожланиши бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда муҳим тўсиқ – бу туризм соҳасига доир ахборотларнинг етишмаслиги бўлиб, туристик

хизматларни потенциал истеъмолчиларининг мамлакатимиз ва унинг ҳудудларининг кириш ва ички туризмни ривожлантириш имкониятлари бўйича ахборотлар билан етарлича хабардор эмаслигидир. Туристлар оқимининг ишончли статистик ҳисобини етарли даражада юритилмаслиги муаммоси, айниқса, алоҳида ҳудудлар даражасида ҳам ўзининг салбий оқибатларини намоён этмоқда.

Юқорида айтилганларнинг барчаси туризм соҳасини тартибга солиш тизими ва йўналишларини қайта кўриб чиқишни, алоҳида ҳудудлар даражасида туризмни ривожлантиришнинг янги шакллари, воситалари ва усулларини тадқиқ этишни талаб қилади. Бунда мавжуд туристик ресурслар ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга катта аҳамият бериш зарур. Ҳудуд даражасида туризм индустриясини ривожлантиришни рағбатлантиришнинг аниқ чора-тадбирлари маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, туризм соҳасида инновацион-инвестицион фаолликни ошириш, туризм инфратузилмасини ривожлантиришдан иборат.

Республикамизда туризмни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва соҳани ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда муҳим асос бўлади.

Бизнинг фикримизча, давлат ҳокимият органлари туризмни ривожлантириш бўйича қуйидаги йўналишларда фаол тадбирларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ:

1. Ҳокимият вакилларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар, касаба уюшмалари, жамоат ташкилотлари билан ҳудуд миқёсида фаол ҳамкорликни амалга ошириш, туризм соҳасида давлат-хусусий шериклик институтини ривожлантириш;

2. Маҳаллий ҳокимиятлари ҳудуднинг туристик ресурслари кадастрлари ва реестрини шакллантириш, ҳудудларнинг туристик паспортлари ва индивидуал туристик-экскурсия маршрутларини шакллантириш ишларини амалга ошириш, туристик ресурсларни давлат томонидан муҳофаза қилиш тадбирларини кучайтириш;

3. Ҳудудларда туристик салоҳиятни ривожлантириш, инфратузилма объектларини кенгайтириш, туристларни ҳудудда дам олишнинг ўзига хос хусусиятларидан хабардор қилиш орқали сифатли ва хавфсиз туристик-экскурсия хизматларини ташкил этишга алоҳида эътиборни кучайтириш;

4. Турли даражаларда туризмни бошқариш органлари тизимини ислоҳ қилиш, вазирлик ва идоралар таркибида тегишли бошқарув тузилмаларини шакллантириш, туризм ва маданий мерос соҳаси мутахассисларининг штатларини жорий этиш;

5. Туризм индустрияси учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, техник ва технологик янгиликларни ишлаб чиқиш ва

туризм бизнеси амалиётига жорий этиш билан шуғулланувчи таълим ва илмий ташкилотлар тармоғини кенгайтириш;

6. Миллий ва халқаро туристик бозорларда туристик ҳудудлар жозибадорлигини ошириш мақсадида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва реклама стратегиялари комплексини ишлаб чиқиш;

7. Ҳудудларда мавжуд ресурслар ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалардан фойдаланган ҳолда туристик маҳсулот ва индивидуал туристик хизматларни яратиш.

Бизнинг фикримизча, туризмни барқарор ривожлантириш ва уни самарали бошқариш учун туризмни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни реализация қилишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда маблағлар таъминотини шакллантириш зарур. Бундай жараённинг натижаси маълум бир ҳудуднинг туризмга нисбатан иқтисодий сиёсатини тавсифловчи ҳамда туристик салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда, маълум бир вақт учун ҳудудда ресурслар таъминотига эга туризмни ривожлантириш бўйича комплекс дастурни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш жараёни давлат ва ҳудудлар даражасида ташкил этилган.

Туризмни ривожлантириш бўйича миллий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш бўйича мавжуд тажрибасига асосланган ҳолда туризмни ривожлантиришни дастурлаш жараёни жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Бунга мисол сифатида, Самарқандда туристик марказни (Боқий шаҳар) бунёд этилиши хорижий ва ички туристик оқимни кескин даражада ошишига олиб келди. Шу билан бирга, соҳани ривожлантириш бўйича муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, уларга туризмни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва самарадорлигини баҳолашда туристик оқимнинг реал ҳолатига тўғри баҳо бериш ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш зарур. Туризмни ривожлантириш бўйича давлат даражасида баъзи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлса, ҳудудлар даражасида ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари ҳар қачонгидан ҳам долзарб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ҳар қандай туризмни ривожлантириш дастури қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: тадбирлар рўйхати; уларни амалга ошириш учун зарур ресурслар; уларни амалга ошириш шартлари; ижрочилар ва назоратни амалга ошириш учун масъул шахслар. Шунинг учун туризмни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш учун қуйидагилар зарур:

1) ҳудуднинг барча мавжуд геосиёсий, ҳудудий, демографик, ижтимоий-иқтисодий, ландшафт-иқлим, экологик ва бошқа хусусиятлари ҳамда заҳираларини ҳисобга олиш;

2) ҳудудда мавжуд туристик (табиий, тарихий, маданий, ижтимоий-иқтисодий), моддий, молиявий, меҳнат ва бошқа ресурсларни аниқлаш ва баҳолаш;

3) ишлаб чиқилган туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун унинг имкониятларини баҳолаган ҳолда, ҳудудда туризмни бошқариш органлари тизимини ўрганиш;

4) ҳудуд доирасида туризмнинг давлат, хусусий секторларининг қулай ва самарали фаолият юритиши ва ривожланиши учун имкониятларни ҳисобга олиш;

5) потенциал истеъмолчиларга эътибор қаратган ҳолда ҳудудий туризм бозори, қўшни вилоятлар ёки ҳудудларнинг туризм бозорлари бўйича маркетинг тадқиқотлари мажмуасини ўтказиш;

6) ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, демографик, инфратузилмавий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда туризмни ривожлантиришнинг ҳудудий чегараларини аниқлаш;

7) ҳудуднинг ахборот салоҳиятини, шунингдек, муайян ҳудудлар доирасида туризм инфратузилмасидан кўп мақсадли фойдаланиш йўналишларини аниқлаш;

8) ҳудуднинг туризм соҳасини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш бўйича таълим ва илмий муассасаларнинг имкониятларини баҳолаш;

9) туризмни ривожлантириш бўйича ҳудуднинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш, мавжуд муаммоларни ечиш ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизими доирасида уларни ҳал этиш йўналишларини ишлаб чиқиш;

10) ҳудуддаги туристик ташкилотларнинг имкониятлари ва уларнинг ички туризм бозорида ишлашга тайёрлиги, ҳудуднинг туризм маҳсулоти ва хизматларини шакллантириш ва амалга оширишни баҳолаш.

Юқорида айтилганларнинг барчасига асосланиб, биз, 1-расмда туризм кластерини шакллантириш ва туризмни ривожлантириш дастурларини миллий, ҳудудий ва маҳаллий даражалардаги ўзаро муносабатлар моделини таклиф қиламиз.



1-расм. Туристик кластерлашнинг ўзаро алоқадорлиги модели[6]

Ушбу моделдан бир нечта хулосалар чиқариш мумкин.

Биринчидан, ҳудудий ва маҳаллий даражада туризм кластерини шакллантириш кўп ҳолларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг туризм кластерини яратиш бўйича ўз ташаббусларини ўзаро ифода этган ҳамкорликдаги ўзига хос маҳсулотдир. Бундан ташқари, ҳудудий ҳокимият органларининг ташаббуси туризмни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш орқали, тадбиркорлар ташаббуси эса давлат-хусусий шериклик механизмлари орқали намоён бўлади.

Иккинчидан, туристик кластерлар миллий хусусиятлар ва манфаатларни кўзлаган ҳолда республиканинг бир қатор ҳудудларида ташкил этилган юқори даражадаги тузилмалар – туристик-рекреацион турдаги махсус иқтисодий зоналардир. Бунда туристик кластерларни яратиш ташаббуси нафақат тадбиркорлар ва ҳудудий ҳокимиятларга, балки

[6] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

давлат даражадаги ҳукумат тузилмалари ва туризм соҳаси бошқарувига ҳам тегишлидир.

Учинчидан, ҳар қандай ҳудудий ва маҳаллий даражалардаги ташаббуслар, шунингдек, бизнес ҳамжамиятининг ташаббуслари, албатта, кластерлаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасига ҳамда миллий даражада қабул қилинган туризм стратегиялари, концепциялари, мақсадли дастурларга мувофиқ бўлиши керак. Шунга кўра, туризм соҳасидаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳудудий даражада туристик кластерни шакллантиришни ташкил этиш ва амалга ошириш нуқтаи назаридан тартибга солиш ва назорат қилиш функцияларига эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). Докторлик диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2017. – 95 б.;

2. Елисеева, О. С. Роль региональных программ в развитии туризма и индустрии гостеприимства в современном российском обществе / О. С. Елисеева // Гуманитарные и социально-экономические науки. – 2007. – № 1(32). – С. 51-53.

3. Зырянов, А. И. Туристские кластеры Пермского края / А. И. Зырянов, С. Э. Мышлявцева // Туризм в глубине России – 2010: материалы международного научного семинара. – Пермь: ПГУ, 2010. – С. 3-10.

4. Ковынева, Л. В. Региональный туризм / Л. В. Ковынева. – Хабаровск: ДВГУПС, 2005. – С. 87-88.

5. Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. //Монография. «Зарафшон» нашриёти. 2017. – 300 б.;

6. Пардаев М.Қ. ва бошқалар «Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари», Монография, - Т.: Иқтисодиёт-молия нашриёти, 2008. – 260 б.;

7. Пўлатов М.Э., Мирзаев Қ.Ж. ва бошқалар. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўқув қўлланма. Т.:Фан ва технология, 2018. – 296 б.;

8. Тухлиев И.С. Туризм: назария ва амалиёт. – Т.: «Фан ва технология», 2018. – 400 б.;

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сон Фармони. https://lex.uz/docs/4143188

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA XIZMAT KO'RSATISHNI INNOVATSION ASOSDA RIVOJLANTIRISH

Jonuzokov Mirzabek Kulmamatovich
Toshkent davlat iqtisodiyot universtiteti
Iqtisodiyot va biznes fakulteti assistent o'qituvchisi +998901960196
mirzokm99@gmail.com

Annotatsiya: O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotning jadal rivojlanishi xukumatning bevosita ishtiroki ostida va chet el tajribasi asosida ko'rilayotgan jadal chora tadbirlar xizmatlar soxasida ilg'or va zamonaviy texnologiyalarning xayotda tatbiq etilishiga katta xissa qo'shmoqda.

Kalit so'zlar: raqamlashtirish, elektron xujjat, sun'iy aql, raqamli moliyaviy xizmatlar, xizmat ko'rsatish korxonalari

Аннотация: Бурное развитие цифровой экономики в Узбекистане при непосредственном участии государства и интенсивные меры, принимаемые на основе зарубежного опыта, во многом способствуют внедрению передовых и современных технологий в сфере услуг.

Ключевые слова: цифровизация, электронный документ, искусственный интеллект, цифровые финансовые услуги, предприятия сферы услуг.

Abstract: The rapid development of the digital economy in Uzbekistan under the direct participation of the government and the intensive measures taken on the basis of foreign experience greatly contribute to the implementation of advanced and modern technologies in the field of services.

Keywords: digitization, electronic document, artificial intelligence, digital financial services, service enterprises.

O'zbekiston iqtisodiyotini jadal rivojlantirishning muhim asoslaridan biri barcha iqtisodiy jarayonlarni raqamlashtirish hisoblanadi. Shunday ekan bu borada "2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi"da belgilanganidek: "Raqamli iqtisodiyotni asosiy "drayver"sohaga aylantirib, uning hajmini kamida 2,5 baravar oshirishga qaratilgan ishlarni olib borish" ustuvor vazifalardan hisoblanadi.

Shu bilan birga, bu borada Respublika hukumati qonunchiligi tomonidan bir qator me'yoriy-huquqiy xujjatlar qabul qilingan. Ayniqsa, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarori bilan 2023 yilga kelib raqamli iqtisodiyotning mamlakat YaIMdagi ulushi 2 baravarga ko'paytirilishi belgilanganligi yangi iqtisodiy innovatsion rivojlanish imkoniyatlarini ochib beradi.

Tatqiqotlar shuni ko'rsatmoqdaki Respublikamiz iqtisodiyotidagi mavjud raqamlashtirish jarayoni bir qator yangi iqtisodiy taraqqiyot imkoniyatlarini vujudga keltirdi. Jumladan, mamlakatimizda soliq to'lovchilar va soliq organlari o'rtasidagi munosabatlar tizimida yagona elektron platformani

yaratish orqali ma’lumotlarni kiritish, to’plash, shakllantirish, tahlil qilishning zamonaviy raqamli texologiyalarga asoslangan uslubiyati yo’lga qo’yilib, buning natijasida soliq hisobotlarini topshirish jarayoni 5-7 barobarga qisqardi.

Shuningdek, O’zbekiston Respublikasi tovarlar va xizmatlarning yagona elektron tasniflagichi uchun veb-portal joriy qilinib mahsulotlar va xizmatlar identifikatsiya kodlariga asoslangan elektron hisob-fakturalar yaratish imkoniyatiga ega bo’lindi.

Tahlillar shuni ko’rsatmoqdaki, birgina soliq tizimini raqamlashtirish juda katta iqtisodiy imkoniyatlarni yaratadi. Bugungi kunda jahon tajribasiga ko’ra soliqlarni to’lashdan bo’yin tovlash, sohadagi firibgarliklari va ma’lumotlarni saqlash, qayta ishlash, tahlil qilishning hozirgi holatida milliy hamda xalqaro darajada bir muncha muammolar mavjud. Misol uchun, Soliq, Adliya Tarmoqlari (Tax Justice Network[7]) tashkilotining 2020 yilgi hisobotida soliq firibgarligi va soliq to’lashdan bo’yin tovlash natijasida butun dunyo davlatlari yiliga 427 milliard AQSh dollari miqdorida ziyon ko’rishmoqda. Birgina AQShning o’zi har yili soliq to’lashdan bo’yin tovlash tufayli 188,8 milliard dollar yo’qotadi, Xitoy va Yaponiyaning bu boradagi yillik zararlari tegishli ravishda 66,8 va 46,9 milliard dollarni tashkil etyapti[8].

Mamlakatimiz iqtisodiyotini jadal rivojlantirishni yuqori bosqichga ko’tarish innovatsiyaga asoslangan raqamli texnologiyalar bilan bevosita bog’langan. Bu borada sun’iy aql va katta hajm(big data)li ma’lumotlar texnologiyalarini joriy etish qo’l keladi.

Shu bois Prezidentimizning 2021 yil 17 fevraldagi “Sun’iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish uchun shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to’g’risida"[9] gi qarorida ham “Raqamli O’zbekiston – 2030”[10] strategiyasiga muvofiq, soliq sohasida ham yuridik shaxslarning soliq tushumlarini tahlil qilish, soliq to’lovlaridagi tafovutlarni aniqlashda sun’iy intellekt texnologiyalarini qo’llashga alohida ahamiyat qaratilgan. Iqtisodiy jarayonlarni avtomatlashtirish hamda shaffoflikni oshirishda qo’l kelsa, katta hajmli ma’lumotlar (big data) esa soliq organlariga kelib tushadigan katta hajmdagi ma’lumotlarni saqlash, qayta ishlash, tushumlarni yanada yaxshiroq bashorat qilish hamda to’lovchilar va soliq organlari o’rtasidagi hujjat almashinuvini yaxshilash imkoniyatini beradi.

Raqamli texnologiyalar butun dunyo bo’ylab to’lovlar, kreditlash, sug’urta va aktivlarni boshqarishni qayta shakllantirib, moliyaviy hizmatlar iste’molchilari uchun muhim innovatsion vosita bo’lib xizmat qilmoqda.

---

[7] https://taxjustice.net/

[8] Fatxulla Faxriddin O’g’li Isoqulov. "Hududlarni barqaror rivojlantirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish", Ta'lim fanlari bo'yicha akademik tadqiqotlar, jild. 4, yo'q. SamTSAU konferensiyasi 1, 2023 yil, 197-202-betlar.

[9] O’zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori “Sun’iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish uchun shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to’g’risida”, PQ-4996-son, Toshkent sh., 2021-yil 17-fevral. www.lex.uz

[10] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni “Raqamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida, PF-6079-son, Toshkent sh., 2020 yil 5 Oktyabr. www.lex.uz

Jahon tajribasidan ko’rinib turibdiki raqamli moliyaviy xizmatlar va moliyaviy texnologiyalar butun dunyoda iqtisodiy jarayonlarda sezilarli o’zgarishlarga olib keldi. Jumladan:

• 2024 yilga kelib raqamli bank xizmatlaridan foydalanuvchilarning soni 3,6 milliarddan ortishi kutilmoqda (Juniper Research[11], 2020).

• Rivojlanayotgan mamlakatlarda to’lovlarni raqamli shaklda jo’natuvchi va qabul qiluvchi hisob egalarining ulushi 2014 yildagi 57 foizdan 2017 yilda 70 foizgacha oshgan (FinTech 2017[12]).

• 39 фоиз компаниялар биринчи навбатда молиявий технологияларни жорий этишга эътибор қаратишмоқда. (JDSpura, 2020[13]).

Rivojlangan mamlakatlarda o’tkazilgan tadqiqotlarga ko’ra, yaqin yillarda makroiqtisodiyot addiktiv, nano va biotexnologiya mezonlariga tayanadigan innovatsiyaga asoslangan raqamli texnologiyalarga asoslanishi mumkin. Shu munosabat bilan oqilona boshqaruv tizimida uchun zarur hisoblangan axborot ko’lami ortib boradi, ishlab chiqarish va fuqarolar muloqoti, biznes va davlat organlarini boshqarish tuzilmasi esa jiddiy o’zgarishlarni boshdan kechiradi.

Iqtisodiyotning xizmat ko’rsatish sohasini raqamli texnologiyalar asosida innovatsion rivojlantirish quyidagilar hisoblanadi:

- Xizmat ko’rsatish korxonalarida zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy qilish dasturlarini ushbu korxonalarni servis texnologik qayta jihozlash dasturlari bilan uyg’unlashtirish;
- Xizmat ko’rsatish korxonalari ta’minotining barcha bosqichlarini avtomatlashtirish va boshqarishni ta’minlash, shuningdek, bu orqali servis logistika va xarid xarajatlarini qisqartirish;
- Xizmat ko’rsatish korxonalari zamonaviy axborot tizimlari va dasturiy mahsulotlarni joriy etish hisobiga xizmatlar sifatini yaxshilash, ularning tannarxini, ishlab chiqarishdagi to’xtalishlarni kamaytirish, moliyaviy-iqtisodiy faoliyatning shaffofligini oshirish;
- Xizmat ko’rsatish korxonalari innovatsion avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimlari va dasturiy mahsulotlarni joriy etish bo’yicha normativ-huquqiy bazani takomillashtirish;
- Xizmat ko’rsatish korxonalari ishchi joylarni bosqichma-bosqich avtomatlashtirish hamda ishlab chiqarish jarayonlarini robotlashtirish, shuningdek, sun’iy intellekt texnologiyalarini joriy etish va boshqa shu kabilardan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. Fatxulla Faxriddin O’g’li Isoqulov. "Hududlarni barqaror rivojlantirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish", Ta'lim fanlari bo'yicha

[11] https://www.juniperresearch.com/home

[12] Fintekga investitsiyalarning global tahlili “The Pulse of Fintech Q4”, 5 bet. https://assets.kpmg.com/content/dam/kpmg/xx/pdf/2018/02/pulse_of_fintech_q4_2017.pdf

[13] https://www.jdsupra.com/

akademik tadqiqotlar, jild. 4, yo'q. SamTSAU konferensiyasi 1, 2023 yil, 197-202-betlar.

2. Fintekga investitsiyalarning global tahlili “The Pulse of Fintech Q4”, 5 bet. https://assets.kpmg.com/content/dam/kpmg/xx/pdf/2018/02/pulse_of_fintech_q4_2017.pdf

3. https://taxjustice.net/

4. https://www.jdsupra.com/

5. https://www.juniperresearch.com/home

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni “Raqamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida, PF-6079-son, Toshkent sh., 2020 yil 5 Oktyabr. www.lex.uz

7. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori “Sun’iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish uchun shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to’g’risida”, PQ-4996-son, Toshkent sh., 2021-yil 17-fevral. www.lex.uz

MANAGEMENT OF CONSUMER MOTIVATION FOR THE DEVELOPMENT OF DOMESTIC TOURISM

Nimatov Ibragim Khudayarovich - Ph.D. student in “Silk Road” International University of tourism and cultural heritage. +998 99 592 21 77 ibragim.nimatov@univ-silkroad.uz

Annotation. This article explores new approaches based on a review of existing methods and models for managing consumer motivation for the development of domestic tourism and analysing the effectiveness of existing methods.

Keywords: motivation of tourists, tourist area, consumer of tourist services, tourist destination, tourist demand, Samarkand region, management, cultural experience, tourism development.

Introduction

Managing consumer motivation is an important aspect of domestic tourism development. In the further development of domestic tourism, it is impossible to form the image of Uzbekistan as a favourable country for recreation and tourism without actively promoting the national tourist product of Uzbekistan in the domestic market. Currently, the task of promoting the regions of Uzbekistan and original tourism products should be a priority.

Countries with developed tourism have created their own "National Tourist Office" or "National Tourism Board" in order to highlight their tourism potential.

For example, Spain has 33 tourist offices in 25 countries, Malaysia has 35 offices in 24 countries, Japan has 21 offices in 18 countries, China has 22 offices in 14 countries, Turkey has 45 offices in 42 countries, Thailand has It has

29 offices in 18 countries, Indonesia has 23 offices in 16 countries, and India has 8 offices in 8 countries.

These tourist offices help to increase the tourism potential of their country and the flow of tourists. These "National Tourist Offices" exist only in Azerbaijan, in any of the countries located in Central Asia, among the CIS countries.

Literature review

Taking into account national and foreign sources, the literature was systematically reviewed, and statistical data on domestic tourism in the Samarkand region was analyzed. It was found that the main motives for visiting tourist places are natural beauty, historical attractions, cultural and spiritual heritage.

The development of domestic tourism is of great importance for the economy of Uzbekistan, and understanding consumer motivation is the basis of its growth. In the process of literature analysis, Uzbek scientists made comments and conclusions on the management of consumer motivation in the context of domestic tourism.

The motivating factors in Uzbekistan's domestic tourism are cultural and historical attractions, natural landscapes, local festivals and traditions, and public participation. Uzbekistan has a rich cultural and historical heritage, and ancient cities such as Samarkand are the main attractions. In their scientific work, Uzbek scientists have identified the cultural and historical factors that motivate local tourists to explore their heritage, and the country's diverse natural landscapes, from the Kyzylkum Desert to the Fergana Valley, provide ample opportunities for outdoor enthusiasts. They emphasized the importance of creation, lively festivals and traditions of Uzbekistan, such as Navruz, "Silk and Spices" festival, contribute to domestic tourism, and the influence of the participation of local residents on motivating tourists.

Research methodology

The research process used a systematic approach, abstract-logical reasoning, grouping, comparison, factor analysis, and sampling observation.

Analysis and results

Promotion of tourism regions of Uzbekistan should be carried out based on the following principles:

a) promotion of regions (resorts) should be carried out throughout the year, promotion should be intensified before holiday seasons;

b) promotion should be carried out through all available mass media:

- TV (including specialized channels, for example, worldwide);
- radio (in the form of advertising and information);
- popular publications;
- specialized publications (GEO, National Geographic, etc.) business press;
-Internet;

c) promotion should be carried out within the framework of joint programs with state authorities;

d) promotion should be carried out in close cooperation with tourist companies.

Promotion of tourist areas (resorts) of Uzbekistan is currently limited by the lack of regional tourist information centers, so-called tourist information centers, which are actively operating abroad (mainly tourist exporting countries).

The lack of clearly structured schemes and standards for the collection, analysis and presentation of information about tourist centers and the services provided in them is often not only among consumers of tourist products, but also among tourism professionals. also leads to an information vacuum. This situation significantly reduces the competitiveness of the tourism product of Uzbekistan against the background of well-established schemes of working with information in the field of tourism in countries with a developed tourism industry.

Full financing of the work of tourism offices abroad is carried out by the state or local administration. For example, in France, 80-85% of the activities of tourist offices are supported by budget funds. State and regional authorities provide the informational and legal basis for the development of the sector, and private companies, relying on this basis, develop infrastructure and bring income both for themselves and for local budgets.

Formation of a competitive tourist region in modern conditions is possible only on the basis of creating a package of integrated tourist services that satisfy the needs of a wide range of consumers. Naturally, attracting, receiving and serving tourists with different motivations and requirements requires the participation of private business, the participation of many private, state, local, mixed, joint firms and organizations.

The organization of regional tourist information centers allows to coordinate and promote their activities taking into account the interests of all participants. Thus, regional tourist information centers are a form of associative association between state and private business for the development of the most promising domestic tourism in the national and international tourist markets, management of consumer motivation and tourism promotion.

Conclusions and Recommendations

In conclusion, based on the studies carried out, the following conclusions can be drawn: 1. To allow each region to successfully operate in the field of tourism, avoiding competition with other tourist regions, and directing each of them to the maximum level suitable for a certain type of motivation and types of tourism. 2. Development of a methodology for forming a list of artificial motivation of tourists for the development of tourism in their regions. 3. Formation of the tourist resort infrastructure based on compliance with the list of typical spatial zones common to almost all tourist centers, regardless of specialization. 4. Domestic tourism cannot be further developed without active

promotion of the national tourist product in the domestic market. Formation of the main directions of domestic tourism development. 5. Expediency of uniting representatives of various organizations within regional tourist information centers. 6. Formation of certain standards for the development of regional tourist information centers of Uzbekistan.

References

1. Kaplan M. (2007). Motivatsiya nazariyalari doirasida qo'llaniladigan rag'batlantirish vositalarining xodimlar faoliyatiga ta'siri va qo'llanilishi *(Motivasyon Teorileri Kapsamında Uygulanan Özendirme Araçlarının İşgören Performansına Etkisi ve Bir Uygulama.)*. Magistrlik dissertatsiyasi, Atılım universiteti, Ankara.
2. Plotnik R. (2009). Psixologiyaga kirish *(Psikolojiye Giriş.)*. (Ç. T. Wide, Du.) Istanbul: Kaknüs nashrlari.
3. Goossens C. (2000). Turizm haqida ma'lumot va zavq motivatsiyasi *(Tourism Information and Pleasure Motivation. Annals of Tourism Research).* Turizm tadqiqotlari yilnomalari, 27 (2), 301-321.
4. Mashhur: (2013). Biznes hayotida motivatsiya nazariyalari. Ish va hayotda motivatsiya, S. Ünlü, E. Erog'lu, R. Gökdağ, M. Ergüven va Y. Tuna (Dü.). Eskishehir: Anadolu universiteti.
5. Nimatov I.X. (2022). Turistik xizmatlar bozorida motivatsiyalarini boshqarish. *Uchinchi Rernesansni shakillantirish sharoitida turizm sohasini rivojlantirish istiqbollari* (стр. 67). Samarqand: MCHJ "Navruz poligraf".
6. Жалилов Ж.Ғ. (2017). Корхоналарнинг маркетинг фаолиятида мотиватция усулларини қўллаш фаолияти. “Иқтисодиёт ва инноватцион технологиялар” илмий электрон журнал. № 6.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МУТАХАССИСЛИКЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Холматова Парвина Аслиддин қизи - мустақил изланувчи

Аннотация:Маълумки мамлакат иқтисодий ривожланишида таълим тизимининг ўрни бекқиёс.Мақолада сўнгги йилларда хукуматимиз томонидан ушбу тизим такомиллаштирилишига қаратилаётган эътибор ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Олий таълим 2030, технологик жараёнлар, инновацион таълим технологиялар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг юксак, умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаоликка, ижтимоий-сиёсий хаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш махоратига эга бўлган, истиқболл вазифаларн илгари суриш ва хал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган қоидаларни амалга ошириш мақсадида, талабаларда танқидий (аналитик) фикрлаш

кўникмаларини ривожлантиришни таъминлаш зарур. Демократик жамиятда, фуқароларнинг мувозанатлаштирилган танқидий фикрлаши, улар томонидан хар томонлама ўйланган ечимларини қабул қилиш қобиляти учун мухим омил бўлади. Асосланган танқидий фикрлаш, рақобатбардош бакалавр ва магистрларни энг асосий характеристикаларидан бири бўлиб қолиши керак. Бундай кадрлар иқтисодиётни ва халқнинг фаровонлигини янада ортиришни таъминлайди. Талабаларда танқидий фикрларни ривожлантириш олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркибини энг мухим вазифаларидан биридир. Ушбу вазифани ечишнинг асосий усули – хар бир фаннинг ўқув материалларида, айниқса ўқув ва назорат ёзма ишларни, курс лойихалари ва битирув малакавий ишларини, магистрлик битирув малакавий ишиларни бажаришда талабаларни танқидий фикрлаш кўникмаларини ва дарс машғулотларида компьтер ва ахборот технологияларидан фойдаланишни узлуксиз равишда ривожлантиришдан иборатдир. Бу ўқув жараёнининг такомиллаштиришни, олий ўқув юртларининг таълим хизмати бозоридаги рақобатбардошлиги ортиришини ва улардаги кадрлар тайёрлаш даражасининг ривожланган мамлакатлар қаторида чиқишини талаб қилади.

Бу борада “**Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси**”ги муҳим дастуриламал бўлмоқда.Фармонда Олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар этиб қуйидагилар белгиланган:

- таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш;

- олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар таъминлаш;

- педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш;

- олий таълим муассасалари ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш”.[14]

Олдимизга қўйилган шундай ўта муҳим ва долзарб вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш, биринчи навбатда олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибига, уларнинг илмий ва педагогик салоҳиятига боғликдир.

Бу борада олий ўқув юртлари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талаблар асосида қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш мақсадида шу йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси

[14] “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Халқ сўзи, 2017 йил 21-апрел.

Президентининг қарори бу ишларни янги сифат босқичига кўтаришга замин бўлади деб айтш мумкин.

Айни вақтда жаҳондаги энг нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, хорижий университетларнинг мутахассислари иштирокида турли анжуман ва конференциялар ўтказиш, ўзаро тажриба алмашиш профессор-ўқитувчиларнг билим ва дунёқарашини кенгайтиришга, уларнинг малакасини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз”.

Президентимиз эътироф этган ривожланган демократик давлатлар даражасида юқори малакали кадрларни тайёрлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ лозим:

Биринчидан – инновацион таълим технологияларнинг ҳозирги замон ҳолати илм-фаннинг юксалиб бораётган роли билан белгиланади. XX асрда, айниқса унинг иккинчи ярмида илм-фаннинг ривожланиш тезлиги суръати ошди. Ҳозирги пайтда илм-фан ривожининг юқори суръатлари ақлий меҳнатнинг борган сари автоматлаштирилиши туфайли амалга ошмоқда. Илм-фан ривожининг жадаллашуви илмий техникавий ахборотнинг жадал ўсишига ва тез-тез янгиланишига олиб келади. Жаҳонда ҳар йили минглаб китоблар, журналлар чоп этилади ва ўн минглаб диссертациялар ҳимоя қилинади. Кўриб турганимиздек, илм-фан ахборотининг ҳозирги замон ўсиш тезлиги ва ҳажми уларнинг ўтган 15-30 йилдаги ҳолатида кескин фарқ қилади. Илм-фан ривожи, бу маълумотли мутахассисларнинг фаолият доирасидир. Шунинг учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш тизими, уларнинг ўта иқтидорлиларига замонавий ахборот оқимини ўзлаштиришга, илмий текшириш фаолияти индивидуал ва мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга, илмий-техникавий ахборот ва ўқув илмий адабиёт билан ижодий ишлай олишларига имконият бериши лозим.

Икинчидан – ҳозирда замон фанининг шиддатли ривожи икки, уч ва ўндан ортиқ фанларни мужассамланишида янги турдаги фанлар пайдо бўлиши билан ҳам таъминланади. Маълум фанлар мужассамланишида туғилган янги фан - бу янги йўналишлар, муаммолар, мавзулар ва илмий масалалар демакдир. Бу масалаларни олий мактабнинг истеъдодли битирувчилари ҳал этиши лозим. Шунинг учун кадрлар тайёрлашни замонавий тизими, уларда ўзига хос ва ностандарт фикрлаш қобилиятини ўстириши, ўз устида доимий равишда чидам ва матонат билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш лозим. Таҳсил олувчи ҳайратлана олиши, мағрурлана олиши лозим, фақат шундагина у бошқаларни ўзининг ижодий иши билан ҳайратга солиши мумкин.

Учинчидан - фан-техниканинг тезкор ривожланиши, илмий-техникавий ахборотнинг шунга ўхшаш ахборот узатиш ва қайта ишлаш тезлигини оширишга олиб келади, бунинг асосида эса ҳисоблаш техникаси ётади. Таълимни индивидуаллаштирмасдан, замонавий информацион

тизимлардан фойдаланишни кўз олдимизга келтиришимиз мумкин эмас. Шунинг учун «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да «ўқитишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим технологияси ва воситаларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш» вазифаси қўйилган. Бу олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимларида бирдек долзарб ҳисобланди.

Тўртинчи – ИТТ хусусияти муҳандислик ечимлар турини кескин ошиши, материалларнинг тез-тез алмашинуви, технологик жараёнлар, машиналар конструкцияси, бошқариш тизимларининг автоматлаштириш даражасининг ошиши, илмий ютуқлар натижасини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш муддатларини камайиши ҳисобланади. Ҳозирги пайтда илмий ютуқларга эришиш муддатлари одатда бир йилдан ошмайди. Шунинг учун мутахассислар тайёрловчи барча тизимлар бир томондан улардан узлуксиз ўзгариб турадиган ишлаб чиқариш техника ва технология шароитида зудлик билан мослашувни шаклланишига йўналтирилиши, иккинчи томондан улар билимининг ҳаракатчанлиги, танқидий фикрлашув касбий фаолиятида ижодийлик ва мослашувчанлик каби хислатларга эга бўлиши зарур. Бу эса замонавий муҳандис ва ишчининг қиёфасидир.

Бешинчидан, жадаллашаётган илмий техник тараққиётнинг ортиб борадиган талабларига тўла жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш учун ўқитишни жадаллаштириш, инсон организмининг бутун имкониятларини, унинг онгини ўқитишда ишга солиш зарур. Бу эса ўқув жараёнида ахборот берилаётганидан, ўқув телевидениясидан фойдаланишни тақозо этади.

Олтинчидан - ҳар қайси одам туғилганидан бошлаб алоҳида индивидиум ҳисобланади, яъни ҳар кимнинг ўзига хос ақлий ривожланиши, таълим олишга қобилияти бўлади. Бундан келиб чиққан ҳолда, замонавий ўқитиш тизимининг вазифаси инсоннинг индивидуал қобилиятларини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТУРИСТИК РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАРМОҚ ВА ҲУДУДИЙ ТАРКИБИ

Алимардонова Зебунисо Мамаражабовна – “Ипак йўли” халқаро туризм ва маданий мерос университети мустақил изланувчиси
osiyo-niso@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақола Сурхондарё вилоятининг туристик ресурсларидан фойдаланишни тармоқ ва ҳудудий таркиби билан бир қаторда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларидан фойдаланиш имконини янги босқичга кўтарилаётганини ўрганишга ёрдам беради.

Калит сўзлар: Омонхона шифобахш булоғи, Шеробод туманидаги туз кони ва Олтинсой туманидаги Хўжаипок олтингугуртли шифобахш булоғи, Термиз халқаро савдо маркази, Қуруқ ва музлатгичли омборлар, логистика маркази зоналари, кўп функцияли тиббиёт клиникаси, меҳмонхона, ресторан ва овқатланиш жойлари.

Аннотация: Данная статья помогает изучить сетевую и территориальную структуру использования туристских ресурсов Сурхандарьинской области, а также возможности использования возможностей социально-экономического развития региона.

Ключевые слова: Целебный источник Омонхана, соляная пещера в Шерабадском районе и серный целебный источник Ходжаипок в Олтинсойском районе, международный торговый центр Термез, сухие и холодильные склады, зоны логистического центра, многофункциональная медицинская клиника, гостиница, рестораны и закусочные.

Abstract: This article helps to study the network and territorial structure of the use of tourist resources of Surkhandarya region, as well as the possibility of using the socio-economic development opportunities of the region.

Keywords: Omonkhana healing spring, salt mine in Sherabad district and Khojaipok sulfur healing spring in Oltinsoy district, Termiz international trade center, dry and refrigerated warehouses, logistics center zones, multifunctional medical clinic, hotel, restaurants and eateries.

Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва туризм соҳасини комплекс ривожлантириш бораси бир қанча ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Бунинг натижасида вилоятнинг туристик жозибадорлигини ошириш, инфратузилмасини яхшилаш, янги тадбиркорлик субъектларининг туризм соҳасига кириб келиши ва фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги “Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги 324-сон қарори асосида вилоятнинг салоҳиятли тоғли ҳудудларида кичик туризм зоналарини ташкил этиш кўзда тутилган.

Мамлакатимизнинг жанубий вилоятида бугунги кунда туризмнинг турли йўналишлари билан бир қаторда маданий, тиббий ва табиат туризмини жадал ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Туризм кластерларини яратишга киришилмоқда. Шунга асосан Бойсун туманида Бойсун тоғ туризми кластери, Сариосиё ва Узун туманларидаги Хонжиза тоғ тизмалари ёнбағри ҳамда Сариосиё туманидаги Сангардак қишлоғи ҳудудида Сариосиё тоғ туризми кластери, Шеробод туманида Шеробод тоғ туризми кластери ташкил этилади. Бойсун туманидаги машҳур “Омонхона” шифобахш булоғида, Шеробод туманидаги туз конида ва Олтинсой туманидаги Хўжаипок олтингугуртли шифобахш сув булоғи атрофида тиббиёт туризми ривожланади.

Ҳудудда кичик туризм зоналарини ташкил этиш бўйича, Туркиянинг “IdeaLIST” шаҳарсозлик, кўчмас мулк инвестицион компанияси билан тузилган шартномага асосан 2018-2019 йиллар давомида Бойсун туманининг Омонхона қишлоғи, Зовбоши тоғли ҳудудларини ўз ичига олган Бойсун кичик туризм зонасининг бош лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, Бойсун туманининг Омонхона қишлоғидан Зовбоши тоғли ҳудудигача бўлган ҳудудда анъанавий қишлоқ ҳаётини акс эттирувчи 3 та кичик – маданий, тиббий ва табиат туризми марказлари ташкил этилади.

Туризм марказлари тоғ-дор йўли линиялари орқали ўзаро боғланади. Шунингдек, пиёда сайр қилиш йўллари, эркин тоғ веломаршрути йўналишлари ташкил этилади. Лойиҳа 4 босқичда 20 йил давомида амалга оширилади. Лойиҳа қиймати 597 млн. АҚШ доллари бўлиб, 1,197 та янги иш ўрни яратилади. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида Бойсун кичик туризм зонасига 828 767 та туристларни жалб қилиш имкони бўлади.

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларидан фойдаланиш имконини берувчи яна бир лойиҳалардан бири, Термиз шаҳрида қурилиб фойдаланишга топширилаётган туристик эркин иқтисодий зоналардан бири INTERMEX – “Термиз халқаро савдо маркази”дир. Мазкур марказ мамлакатимизнинг Покистон, Эрон, Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон каби давлатлари билан ташқи савдо ҳажми ва интенсивлигини оширишга ва миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришга хизмат қилади. Маҳаллий ва хорижлик ишбилармонлар учун замонавий қулайликлар яратилаётган ушбу зона Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида анологияси йўқлиги билан ажралиб туради.

Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги “Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳрида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонига асосан барпо этилган “Термиз халқаро савдо маркази” юқори технологияларга асосланган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил

этиш, ҳудудий савдони ривожлантириб, маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишга мўлжалланган.

Сурхондарё вилояти ўзининг иқтисодий салоҳияти, муҳим географик ўрни, табиий имкониятлари билан мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Ерости ва ерусти бойликларига сероб воҳа Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистон давлатлари билан чегарадош. Вилоятни Афғонистон, Тожикистон ва Туркманистон билан боғловчи 372 километрдан иборат темир йўл ҳамда 14 та вокзал мавжуд. “Термиз халқаро савдо маркази” дан Термиз халқаро аэропортигача бўлган масофа 15, Термиз темир йўл вокзалигача 12 ва Термиз дарё портигача 17 километрни ташкил этади. Йирик иншоот Ўзбекистонни Афғонистон билан боғлайдиган Ҳайратон чегара-божхона постидан 300 метр узоқликда жойлашган. Мозори Шариф шаҳридан 99 километр, Душанбе шаҳридан 245 ва Туркманобод шаҳридан 441 километр масофада жойлашган “Термиз халқаро савдо маркази” тадбиркорлар учун жуда қулай коридор ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, замонавий марказ Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги товар айланмасини янада оширади. Бу ердан Афғонистон бозорига зарур бўлган маҳсулотларнинг 90 фоизини етказиб бериш имконияти юзага келади. 260 минг квадрат метр майдонни эгаллаган марказ 11 та асосий бинодан ташкил топган. Мамлакатимиздаги энг йирик савдо, ишлаб чиқариш ва логистика марказига айланаётган эркин савдо мажмуасида хорижлик тадбиркорлар учун ҳам барча шароит яратилган. Кенг, шинам меҳмонхона ва хостеллар, ресторан ва овқатланиш шохобчалари, автомобилларга хизмат кўрсатиш ва ёқилғи қуйиш нуқталари ҳамда бошқа инфратузилмалар яратилган.

“Термиз халқаро савдо маркази” афғонистонликлар ва қўшни давлатдан ўтаётган бошқа хорижий фуқаролар истисно тариқасида Ўзбекистонга кириш визасини расмийлаштирмасдан, паспорт назоратидан ўтган ҳолда 10 кун давомида марказда бўлиш тартиби жорий этилади. Тадбиркорларнинг чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга реализация қилинадиган ҳамда Афғонистонга олиб чиқиладиган товар ва хизматлари экспортга тенглаштирилиши белгиланган. Чет эл товарлари “эркин божхона зонаси” божхона режимига расмийлаштириш орқали жойлаштирилиб, мазкур товарлар билан чакана савдо операцияларини амалга оширишга рухсат берилади. Марказ ҳудудига Афғонистон томонидан кириш ва ундан чиқиш “Термиз-автойўл” ўтказиш пунктидан махсус техник воситалари билан жиҳозланган алоҳида йўлак орқали амалга оширилади. Марказдаги бинолар харидорларнинг тўлиқ мулкига берилади. Мулк эгалари учун солиқ имтиёзлари мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда мазкур марказда улгуржи ва чакана савдо қилиш учун уч мингдан ортиқ дўкон фаолият юритади. Ишлаб чиқариш майдончалари қурилган. Қуруқ ва музлатгичли омборлар, логистика маркази зоналари, 300 ўринли кўп функцияли тиббиёт клиника, 300 ўринли

меҳмонхона ва 300 ўринли хостел, ресторан ва овқатланиш жойлари, автомобилларга хизмат кўрсатиш ва ёқилғи қуйиш шохобчаси хизматлари жорий этилади. “Осиёнинг қоқ юрагида савдо қилинг!” шиори остида иш бошлаётган марказ мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, тадбиркорларга ишбилармонлик муҳитини яратиш ва ҳудуднинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги “Туризм тўғрисидаги” ЎРҚ-549-сон Қонуни;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳрида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6109-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги ПФ-26-сон Фармони;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарори;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-135-сон қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги “Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 324-сон қарори;
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 июлдаги “Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси ҳудудидан товарлар ва шахсларни ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 409-сон қарори.

KORXONALARDA INVESTITSIYAVIY KO‘CHMAS MULK VA VOSITALARNING FARQLI JIHATLARI, TA`RIFI VA TASNIFINI TAKOMILLASHTIRISH

Raxmanova Yulduz Sharafitdinovna – **SamISI mustaqil tadqiqotchisi Tel: (97) 446-03-60 raxmanova_yulduz@mail.ru**

Annotatsiya: *Ushbu maqolada investitsiyaviy ko‘chmas mulkning tarkibiy qismlari belgilab berilgan. Investitsiyaviy mulk va vositalarning farqli jihatlari va bir xil bo‘lgan jihatlari ochib berilgan. Investitsiyaviy ko‘chmas mulkdan olinadigan daromadlar o‘rganilgan. Shuningdek, investitsiyaviy ko‘chmas mulkni buxgalteriya balansida aks ettirish taklif etilgan.*

Kalit so‘zlar: *Investitsiyaviy ko‘chmas mulk, asosiy vositalar, aktivlardan foydalanish , ko‘chmas mulk (yer, bino), qayta baholash, moliyaviy ijara, investitsiyaviy daromadlar.*

Kirish. Respublikamizda ishlab chiqarishni modernizatsiya va texnik qayta jihozlash, raqobatbardoshlikni ta`min etish va yangi ish joylarini yaratish maqsadida xorijiy investorlar mablag‘larini keng jalb qilish asosida xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalarni ko‘paytirishga va ular faoliyatini rivojlantirishga katta e`tibor qaratilmoqda. Amaliyotimizda asosiy vositalar, nomoddiy aktivlar yoki investitsiyalari tushunchalari MHXSlari joriy qilingunga qadar ham amal qilgan. Lekin, ayrim muhim tushunchalar, jumladan investitsiyaviy ko‘chmas mulk, sotish uchun mo`ljallangan uzoq muddatli aktivlar, shartnomaviy aktivlar, soliq aktivlari, nazorat qilinmaydigan qatnashish hissasi va boshqa tushunchalar bizning amaliyotimiz uchun yangi bo‘lgan atamalardir. Ushbu tushunchalarni xalqaro standartlar asosida yangi talqinda ifoda etish, ularning mazmun va mohiyatini ochib berish, tan olish va baholash mezonlarini belgilash muhim ahamiyat kasb etadi.

2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida (2022) “Mamlakatda investitsiya muhitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirish, kelgusi besh yilda 120 milliard AQSh dollari, jumladan 70 milliard dollar xorijiy investitsiyalarni jalb etish choralarini ko‘rish” maqsadi belgilangan.

O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning 2020 yil 24 fevraldagi 4611-son “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risi”dagi qarorida (2020) aktsiyadorlik jamiyatlari va yirik korxonalarda MXSlarini to‘liq joriy qilish ko‘zda tutilgan. O‘rta va kichik biznes korxonalari uchun 2024 yildan joriy qilish ko‘zda tutilgan Moliyaviy hisobotning milliy standartlari (MXMS) aynan xalqaro standartlarga asoslanadi.

Korxonalarda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlar asosida investitsiyaviy mulkka doir axborotlarni aks ettirish o‘z navbatida ularning investitsion jozibadorligi, taqdim etiladigan axborotlarning shaffofligi hamda axborotlarning haqqoniyligini oshirishga xizmat qiladi. Bu o‘z navbatida invstitsiyaviy ko‘chmas mulk hisobini takomillashtirish borasida tadqiqot ishlarini olib borishni taqozo etadi. Yuqoridagi ma`lumotlar asosida ta`kidlashimiz mumkinki, ushbu maqola bugungi kundagi ahamiyatli va dolzarb mavzuga bag‘ishlangan.

Adabiyotlar sharhi. Izlanish davomida investitsiyaviy ko‘chmas mulk va vositalarning hozirgi kundagi ahvolini o‘rganib chiqishga e`tibor qaratildi hamda mavjud muammolarni bartaraf etish choralari o‘rganildi. O‘rganish davomida bu sohada ilmiy izlanishlar olib borgan iqtisodchi olimlarning fikrlari bilan ham tanishib chiqildi. CIPA sohibi Tatyana Shapunova (2022) investitsiyaviy ko‘chmas mulk to‘g‘risida o‘z fikrlarini quyidagicha bayon qiladi. “...ya`ni Investitsiyalar to‘g‘risidagi Qonunga mutloq muvofiqligi yaqqol ko‘rinadi: biznes markazining tezkor ijaraga topshirish uchun mo‘ljallangan ko‘chmas mulki – investitsiyadir.

Xalqaro standartlar qoidalaridan kelib chiqib O.Ne`matovning (2022) “Aktivlar – bu tashkilotning o‘tgan hodisalari natijasida yuza kelgan va nazorat qilinadigan hamda undan foydalanish korxonaga kelgusida iqtisodiy nafni keltiradigan iqtisodiy resurslardir. Iqtisodiy resurs deganda, iqtisodiy nafni yaratish potentsialiga ega bo‘lgan mol-mulkka bo‘lgan huquqning baholangan summasiga aytiladi.” degan fikriga qo‘shilgan holda xulosa qilishimiz mumkinki, investitsiyaviy ko‘chmas mulk aktivlar tarkibidagi iqtisodiy resursdir. U iqtisodiy resurslarning barcha talablariga javob beradi. Investitsiyaviy ko‘chmas mulklar:

-o‘tgan hodisalar natijasida yuzaga keladi;

-undan foydalanish yoki tutib turish kelgusida iqtisodiy nafni yuzaga keltiradi;

-katta ehtimol bilan ishonchli baholash mumkin bo‘ladi.

PWC auditorlik firmasi tomonidan tayyorlangan o‘quv qo‘llanmada (2020) “Investitsiyaviy ko‘chmas mulk – bu ijaradan yoki ko‘chmas mulkning qiymatining o‘sishidan daromad olish maqsadida mulkdorning yoki ijarachining (foydalanish huquqi shaklidagi aktiv sifatida) tasarrufida bo‘1gan ko‘chmas mulk (yer, bino, binoning bir qismi, yoki unisi ham bunisi ham)...” deb ta’riflaydi. Demak, ushbu ta`rifda yuqoridagi ta`riflardan farqli o‘laroq, “foydalanish huquqi shaklidagi aktiv sifatida” atamasidan foydalanishi, investitsiyaviy ko‘chmas mulklarning ma‘lum jihatlarini yanada chuqurroq ochiqlaydi.

Rossiya Markaziy banki tomonidan tasdiqlangan Nizomda (2021) investitsiyaviy ko‘chmas mulkka kengroq ta`rif keltirgan: “Ushbu Nizom maqsadlarida investitsiyaviy ko‘chmas mulk deganda, mulkdor yoki ijarachi tomonidan aktivdan foydalanish huquqi ko‘rinishida aktiv sifatida tutib turiladigan investitsiyaviy mulk (yer uchastkasi yoki bino, binoning bir qismi, yoki unisi ham bunisi ham) tushunilib, ijara to‘lovlarini olish (moliyaviy lizing shartnomalari bo‘yicha to‘lovlardan tashqari), yoki ushbu yer uchastkasi yoki bino, binoning bir qismi, yoki unisi ham bunisining ham qiymatining oshishi natijasida daromad olish ko‘zda tutilgan bo‘ladi hamda xizmat ko‘rsatish, ma`muriy va boshqaruv maqsadlarida, xavfsizlikni ta`minlash, atrof-muhitni muhofaza qilish maqsadlarida, shuningdek sanitariya-gigiena, texnik-ekspluatatsion va boshqa maxsus texnik normalar va talab uchun mehnat vositasi sifatida foydalanilmaydi, investitsiyaviy ko‘chmas mulk sifatida tasniflangandan keyin 12 oy ichida sotish rejalashtirilmaydi. Ko‘rsatilgan investitsiyaviy ko‘chmas mulk alohida asosiy vositalarning guruhini tashkil etadi.”

Boshqa mualliflar jumladan T. Yu.Drujilovskaya (2022), A.F. Myalkinalar (2023) ham o‘zlarining ilmiy maqolalarida 40-son BHXSda keltirilgan ta`rifni e`tirof etishadi. Robin Djoys (2017) tomonidan 40-son BHXSni banklarda qo‘llash bo‘yicha o‘quv qo‘llanma yaratilgan va rus tiliga tarjima qilingan. Unda investitsiyaviy ko‘chmas mulkni tan olish, baholash va

hisobotlarda aks ettirish masalalari yoritilgan. Bundan tashqari mamlakatimiz olimlaridan B.K. Hamdamov (2023) investitsiyaviy ko‘chmas mulk hisobini xalqaro standartlarga muvofiqlashtirish borasida tadqiqot ishlarini amalga oshirgan.

Tadqiqot metodologiyasi. Keltirilgan ta`riflarni sintez qilish asosida investitsiyaviy mulkning quyidagicha takomillashgan ta`rifini taklif etamiz va xulosa o‘rnida quyidagilarni ayta olamiz:

Xulosa va takliflar. Shunday qilib: Investitsiyaviy ko‘chmas mulk deganda, tashkilotning xususiy mulki hamda ijarachi tomonidan aktivdan foydalanish huquqi ko‘rinishida mulk sifatida tutib turiladigan uzoq muddatli moddiy aktivlarining bir qismi, ya`ni yer uchastkasi, bino, binoning bir qismi, yoki unisi ham bunisi ham bo‘lib, ularning qiymatining oshishi natijasida daromad olishi yoxud ijara to‘lovlarini olish (moliyaviy lizing shartnomalari bo‘yicha to‘lovlardan tashqari) ko‘zda tutilgan bo‘ladi, shuningdek odatdagi faoliyati bilan bog‘liq jarayonlarda, jumladan ishlab chiqarish, xizmat ko‘rsatish, ishlar bajarish, ma`muriy va boshqaruv maqsadlarida foydalanilmaydi hamda sotish uchun mo‘ljallanmaydi.

Ushbu ta`rif oldingi ta`rifdan bir qancha xususiyatlari bilan ajralib turadi. Ushbu ta`rifda investitsiyaviy ko‘chmas mulk deb nomlandi, uning uzoq muddatli moddiy aktiv ekanligi e`tirof etildi. Moliyaviy ijaraga olingan ko‘chmas mulkka oid bo‘lgan aktivlardan foydalanish huquqi degan tushuncha kiritildi. Bundan tashqari ta`rifda investitsiyaviy ko‘chmas mulkning tarkibiy qismlari kiritildi. Odatdagi faoliyati bilan bog‘liq jarayonlar tushunchasi va uning ko‘lami sanab o‘tildi. Investitsiyaviy aktivlarni tan olishning muhim shartlari kiritildi.

Investitsiyaviy ko‘chmas mulk quyidagilarni qamrab oladi:

- Odatdagi faoliyati davomida qisqa muddatli perspektivada sotish uchun emas, balki uzoq muddatdagi perspektivada qiymatining oshishidan naf olish maqsadida tutib turiladigan Yer;
- Ayni vaqtda kelgusida ishlatilishi aniqlanmagan yer. Agarda tashkilot mulkdor egaligidagi ko‘chmas mulk sifatida yerdan foydalanish yoki odatdagi faoliyati davomida qisqa muddatli perspektivada realizatsiya qilish uchun qaror qabul qilmagan bo‘lsa, u holda ushbu yer kapitalning o‘sishi uchun mo‘ljallangan deb hisoblanadi;
- Tashkilotning o‘z mulki hisoblangan yoki tashkilotda moliyaviy ijara bo‘yicha tasarrufida bo‘lgan va bitta yoki bir nechta operatsion ijara bo‘yicha taqdim etilgan bino;
- Hozirgi vaqtda band bo‘lmagan, lekin bir va bir qancha operatsion ijara shartnomalari bo‘yicha ijaraga topshirish uchun mo‘ljallangan bino;
- Kelgusida investitsion mulk sifatida foydalanish uchun quriladigan va taraqqiy ettiriladigan mulk.

Bizning fikrimizcha, standart talablaridan kelib chiqib tashkilot ko‘chmas mulkni investitsiyaviy ko‘chmas mulk sifatida e`tirof etishlari uchun quyidagi holatlar mavjud bo‘lishi kerak:

- Tashkilot o‘zining mulki hisoblangan ko‘chmas mulkni operatsion jarayonlarda (ishlab chiqarish, xizmat ko‘rsatish, ishlar bajarish, sotish yoxud ma`muriy boshqaruv) foydalanmasdan hamda sotish uchun mo‘ljallanmasdan uni kelgusida kapital qiymati oshadi degan maqsadda tutib turadi. Ayni vaqtda qiymati oshishini ko‘zda tutmagan bo’lsa ham kelgusida ishlatilishi aniq bo‘lmagan yer bundan istisno emas;
- Tashkilot binoning bir qismidan foydalanib, qolgan qismidan foydalanmasa va uning kapital qiymatining oshishini nazarda tutsa hamda foydalanilmaydigan qismini alohida identifikatsiyalash hamda baholash imkoniyati bo‘lsa, foydalanilmagan qismini investitsiyaviy mulk sifatida qayd qilishi mumkin;
- Tashkilotning operatsion ijaraga bergan o‘z ko‘chmas mulki;
- Tashkilotning moliyaviy lizingga olgan ko‘chmas mulki bo‘yicha operatsion ijaraga bergan aktivdan foydalanish huquqi.

Ijaraga beriladigan ko‘chmas mulk modelini quyidagi chizmada aks ettirishimiz mumkin bo‘ladi.



Ushbu tavsiyalarning amaliyotda qo‘llanilishi investitsiyaviy ko‘chmas mulk tushuncha ko‘lamini kengaytirishga, milliy hisob tizimimizni xalqaro amaliyotga yaqinlashtirishga, amaliyot xodimlari va o‘quvchilarni uslubiy tavsiyalar bilan ta`minlashga hamda hisobotning to‘g‘riligi va ishonchligini oshirishga asos bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1.2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi (2022) https://lex.uz/docs/5841063#5844066

2.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24-fevraldagi 4611-sonli “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” qarori (2020) //https://lex.uz/docs/-4746047

3.40-MSFO. Investitsion mulk. http://finotchet.ru/articles/157/

4.Tatyana Shapunova. Investitsiyaviy mulkka boshqacha nazar //https://gazeta.norma.uz/publish/doc/text107819_investiciyaviy_mulkka_boshqacha_nazar

5.O.Ne`matov. O‘zbekistonda nodavlat notijorat tashkilotlari aktivlari hisobini xalqaro standartlarga muvofiqlashtirish // Iqtisodiyot va jamiyat J. 7-son 2022https://www.iupr.ru/_files/ugd/b06fdc_e4e80f8bf22b4fb79e6abb6e856125f1.pdf?index=true

INNOVATSIYALAR - XIZMAT SOHASINI SAMARALI RIVOJLANISHNING ASOSIY OMILI

Xalimov Shaxboz Xalimovich –
SamISI “Raqamli iqtisodiyot” kafedrasi o‘qituvchisi

Annotatsiya. *Maqola xizmat ko'rsatish sohasidagi innovatsion o'zgarishlar asosida zamonaviy iqtisodiy sharoitlarda aholi farovonligini oshirish va iqtisodiy rivojlanish imkoniyatlarini aniqlashga bag'ishlangan. Xizmatlar sohasi innovatsiyalarining tarkibi va mohiyati haqidagi qarashlari keltirilgan. Xizmat ko'rsatish tizimining innovatsion faoliyatini rivojlantirish yo'nalishlari ko'rib chiqilgan.*

Kalit so'zlar: *innovatsiya, xizmat ko'rsatish sohasidagi innovatsiyalar, aholi turmush sifati, innovatsion jarayon, raqobatbardoshlik.*

Аннотация. *Статья посвящена выявлению возможностей повышения благосостояния населения и экономического развития в современных экономических условиях на основе инновационных изменений в сфере услуг. Представлены взгляды на состав и характер инноваций в сфере услуг. Рассмотрены направления развития инновационной деятельности системы обслуживания.*

Ключевые слова: *инновации, сервисные инновации, качество жизни населения, инновационный процесс, конкурентоспособность.*

Abstract. *The article is devoted to identifying opportunities to improve the well-being of the population and economic development in modern economic conditions based on innovative changes in the service sector. Views on the composition and nature of innovations in the service sector are presented. The directions for the development of innovative activities of the service system are considered.*

Key words*: innovation, service innovation, quality of life of the population, innovation process, competitiveness.*

Zamonaviy dunyoda innovatsiyalar iqtisodiyotning ishlashi va izchil rivojlanishining ajralmas tarkibiy qismidir, innovatsion komponentsiz iqtisodiyotning ishlab chiqarish va noishlab chiqarish sohalarida takomillashtirishga erishish mumkin emas. XXI asrda ishlab chiqarish va aylanma sohalarida innovatsion texnologiyalarni ishlab chiqish va joriy etish, korxonalarni tashkil etish va boshqarishning yangi usullari bozor raqobatining

asosiy omillariga, operatsion samaradorlikni oshirish hamda tovarlar va xizmatlar sifatini oshirishning kuchli vositasiga aylandi[1].

Xizmat ko'rsatish sohasining zamonaviy iqtisodiyotdagi o'rni ushbu sektorda iqtisodiy o'sishning fundamental omillari, ya'ni: yangi ilmiy bilimlar, intellektual kapital, axborot texnologiyalari, moliyaviy sektor xizmatlari, konsalting va boshqalar shakllanganligi bilan bog'liq. Bundan kelib chiqadiki, xizmat ko‘rsatish va servis sohasida iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va aholi turmush sifatini oshirishda muhim ahamiyatga ega bo‘lgan keng ko‘lamli ilmiy-texnikaviy, sifat va tarkibiy o‘zgarishlar dolzarb bo‘lib bormoqda.

Hozirgi vaqtda iqtisodiyotning turli tarmoqlari (shu jumladan xizmat ko'rsatish sohasi) va mamlakat aholisining hayot sifatini innovatsion rivojlantirish jarayonlarining o'zaro ta'siri ta'siri masalalari jamiyatda dolzarb va keng muhokama qilinmoqda[2]. Biroq, bu muammo bo'yicha ilmiy ishlanmalar juda tor tarzda taqdim etilgan. Iqtisodchi olimlar orasida V.A.Degterevaning[3] aholi turmush sifatini yaxshilashning asosi sifatida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish strategiyasini ishlab chiqish sohasidagi yechimlarni izlashga bag'ishlangan ishlarini alohida ta'kidlash joiz.

Xizmat ko'rsatish sohasidagi innovatsiya ijtimoiy ehtiyojlarni yanada samarali qondirishga qodir bo'lgan innovatsion faoliyat (xizmat ko'rsatish mahsuloti, texnologiya yoki uning alohida elementlari, xizmat ko'rsatish faoliyatini yangi tashkil etish va boshqalar) natijasidir. Asosiy innovatsiyalar mavjud, ya'ni xizmat ko'rsatishni tashkil etish va mijozlarga xizmat ko'rsatish sohasidagi innovatsiyalar butun xizmat ko'rsatish faoliyatini tashkil qilishni sezilarli darajada o'zgartiradi. Bundan tashqari, xizmat ko'rsatish jarayonining ayrim qismlari va jihatlarini yaxshilaydigan qisman innovatsiyalar mavjud. Har ikkisi ham xizmat ko‘rsatish faoliyatining turli jihatlarini takomillashtirish, xizmatlar ko‘rsatish vaqtini qisqartirish va iste’molchilarga qulaylik yaratish bilan ajralib turadi.

Xizmatlarni ishlab chiqarishdagi innovatsiyalarning asosiy turlarini ajratib ko'rsatamiz:

1. texnik, yangi turdagi asbob-uskunalar, qurilmalar, asboblar, shuningdek, texnik xizmat ko'rsatishda mehnatning texnik va texnologik usullarini joriy etish bilan bog'liq. Zamonaviy xizmat ko'rsatish sohasidagi eng sezilarli tendentsiya kompyuter texnologiyalarini joriy etish, mijozlar bilan ishlashni va umuman, xizmat ko'rsatishni ishlab chiqarishning butun jarayonini osonlashtiradigan axborot va texnologik innovatsiyalarning tarqalishi bilan bog'liq;

2. tashkiliy-texnologik, xizmatlarning yangi turlari, xizmat ko'rsatishning yanada samarali shakllari va tashkiliy mehnat standartlari bilan bog'liq;

3. boshqaruv usullari va shakllaridan foydalangan holda tashkilotlarning ichki va tashqi aloqalarini yaxshilashga qaratilgan boshqaruv;

4. keng qamrovli, bir vaqtning o'zida xizmat ko'rsatish faoliyatining turli tomonlarini va tomonlarini qamrab oladi.

Innovatsiyalarni joriy qilish zarurati raqobat va boshqa bir qator bozor talablari bilan rag'batlantiriladi. Ulardan foydalanishning ahamiyati iste'molchilarning ehtiyojlari va talablarini o'zgartirish bilan ham belgilanadi. Umuman olganda, ma'lum bir korxona yoki firma faoliyatini yangilash jamoaga o'z faoliyatida duch keladigan turli xil qarama-qarshiliklarni hal qilishga yordam beradi.

Innovatsion jarayon faol tadbirkor yoki xizmat ko‘rsatish sohasi xodimi tomonidan yangi g‘oyani ishlab chiqish bosqichidan boshlanadi. Ushbu g'oya amalga oshirish loyihasini yaratish jarayonida yanada chuqurlashtiriladi va aniqlanadi. Shundan so'ng, innovatsiya jarayoni innovatsiyani joriy etishda, shuningdek uni xizmat ko'rsatish amaliyotida tarqatishda davom etadi.

Innovatsiyalarning kiritilishi va tarqalishi uning barcha bosqichlarida ob'ektiv qonuniyatlarga ega bo'ladi. Demak, ekspertlar bu jarayon tabiatan ehtimoliy xususiyatga ega, deb hisoblashadi. Boshqacha aytganda, yangilik nima bo'lishini, u ma'lum bir jamoa yoki shaharda ildiz otishi haqida oldindan to'liq ishonch bilan aytish mumkin emas. Shu bilan birga, u bir joyda mustahkam o'rnashib olmasdan, boshqa joyda ildiz otishi mumkin. Innovatsiyaning tabiati asosiyga qanchalik yaqinlashsa, amalga oshirish natijasi shunchalik noaniq bo'ladi. Shuning uchun murakkab innovatsiyalarni rejalashtirish qiyin. Muayyan kompaniyalarda allaqachon sinovdan o'tgan kichik yaxshilanishlarni amalga oshirish osonroq va ularni amalga oshirishni taxmin qilish nisbatan osonroq. Bundan tashqari, innovatsiyalar jamoada ham, hamkorlar va iste'molchilar bilan o'zaro munosabatlarda ham manfaatlar to'qnashuviga olib kelishi mumkin.

Bularning barchasi bizni amalga oshirish jarayoniga alohida e’tibor qaratishga majbur qiladi. Ko'pgina xizmat ko'rsatish korxonalarida innovatsion menejerlar, ya'ni kompaniya ishiga innovatsiyalarni kiritish uchun boshqaruv faoliyati bilan professional ravishda shug'ullanadigan mutaxassislar mavjud.

Ammo umuman olganda, samarali innovatsiyalarni joriy etish korxonaga xizmatlar ko'rsatish jarayonining rentabelligini oshirishga, biznes imidjini mustahkamlashga va umuman bozorda o'z mavqeini barqarorlashtirishga imkon beradi.

Qoidaga ko'ra, innovatsion jarayonni menejerlarning o'zlari amalga oshirishni qanday belgilashlari va qaysi tarkibiy bo'linmalarda ishlashidan qat'i nazar, ishlab chiqarish, tashkiliy-texnologik, marketing va boshqaruv faoliyatining turli tomonlarini qamrab oladi. Innovatsion jarayonlarda menejerlar va marketing bo'yicha mutaxassislardan tashqari, xizmat ko'rsatuvchi korxona yoki kompaniyaning oddiy xodimlari va butun jamoasi bevosita ishtirok etadi. Bunday holda, amalga oshirish jarayoni vertikal ravishda yuqoridan pastgacha yo'naltiriladi. Agar yangilik muvaffaqiyatli amalga oshirilsa, iste'molchilar ushbu vertikalga qo'shila boshlaydilar. Bunday holda, innovatsiya keng tarqalish qobiliyatiga ega bo'ladi, innovatsiyaning muvaffaqiyati kompaniyaga savdo hajmini oshirishga, mijozlar sonini

kengaytirishga imkon beradi va shu bilan birga raqobatchilarni uning muvaffaqiyatini takrorlash istagini uyg'otadi.

Shuni ta'kidlash kerakki, xizmat ko'rsatish innovatsiyasining yuqoridagi barcha yo'nalishlarining integratsiyasigina iqtisodiy rivojlanish maqsadiga erishish va aholi turmush sifatini yaxshilashda sinergik samaraga erishish imkonini beradi. Bu boradagi asosiy nuqta innovatsion rivojlanish faoliyatini amalga oshirish uchun tashkiliy-boshqaruv sharoitlari va infratuzilmasini shakllantirishga asoslangan xizmat ko‘rsatish innovatsion faoliyati tizimini rivojlantirish bo‘lishi kerak. Xizmat ko'rsatish sohasining ijtimoiy ahamiyati va ko'p qirrali xususiyatini hisobga olgan holda, bunday tizimni yaratish innovatsion rivojlanishni davlat tomonidan tartibga solinmasdan amalga oshirib bo'lmaydi, bu nafaqat maqsadlarni belgilash nuqtai nazaridan, shuningdek, aholini va malakali kadrlarni innovatsiyalarni ishlab chiqish, joriy etish va ulardan foydalanishni rag'batlantirish va rag'batlantirish masalalarida ham ifodalanishi kerak. Mamlakatimizga kirib kela boshlagan xorijiy firmalar ham innovatsion jarayonlarga sezilarli ta’sir ko‘rsatdi. Maishiy xizmat ko'rsatish sohasi uchun ko'pchilik asosiy edi, ya'ni talab qilinadiganlar, bu faqat individual shakllar yoki xizmat ko'rsatish darajasini yaxshilash imkonini berdi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Алабугин А.А. Совершенствование методологии управления развитием предприятий сферы услуг // Вестник Южно-Уральского государственного университета. – Серия: Экономика и менеджмент. – № 41 (258). – 2011. – С. 99–105.

2. Потороко А.В., Окольнишникова И.Ю. Управление объемами продукции на предприятиях оптово розничной сети с целью оптимизации затрат предприятий сферы услуг // Вестник Южно-Уральского государственного университета. Серия: Экономика и менеджмент. – № 30. – 2012, с. 184-186.

3. Дегтерева В.А. Стратегические приоритеты развития сферы услуг в процессе повышения качества жизни населения Российской Федерации: автореферат дис. доктора экон. наук. – СПб, 2010. – 39 с.

RESPUBLIKADA QISHLOQ XO‘JALIGI MAHSULOTLARINING ISHLAB CHIQARISH HAJMI TAHLILI

Shukurov Ikrom Abdurashitovich
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti “Oliy matematika” kafedrasi o‘qituvchisi +99897-001-51-75, ikrom.shukurov@mail.ru

Annotatsiya: *Ushbu maqolada qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmi o‘sish sur’ati statistik ko‘rsatkichi yordamida prognoz qiymati aniqlangan. Aniqlangan prognozda ishlab chiqarishning so‘nggi 5 yildagi statistikasidan foydalanilgan va tahlil natijalari berilgan.*

Kalit so‘zlar: *Qishloq xo‘jaligi, renta, dehqonchilik, fermerchilik, chorvachilik, suv xo‘jaligi ishlab chiqarish, o‘rta qiymat, statistik qiymat, o‘rtacha o‘sish sur’ati, prognoz.*

KIRISH

Keyingi yillarda mamlakatimiz qishloq xo‘jaligini isloh qilish, xususan sohada davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish, bozor munosabatlarini keng joriy qilish, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtiruvchi, qayta ishlovchi va sotuvchi subyektlar o‘rtasidagi munosabatlarning huquqiy asosini mustahkamlash, sohaga investitsiyalarni jalb qilish, resurs tejamkor texnologiyalarni joriy etish hamda qishloq ho‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqaruvchilarni zamonaviy texnikalar bilan ta’minlash borasida muayyan ishlar amalga oshirilmoqda. Prezident tomonidan «Qishloq xo‘jaligida bilim va innovatsiyalar tizimi hamda zamonaviy xizmatlar ko‘rsatishni yanada rivojlantirish to‘g‘risida»gi farmon imzolandi. Farmon bilan Qishloq xo‘jaligida bilim va innovatsiyalar tizimini 2021-2025 yillarda ustuvor rivojlantirish konsepsiyasi tasdiqlandi.

METODOLOGIYA VA TAHLIL

Mamlakatimiz iqtisodiyotining muhim tarmoqlaridan biri bo‘lgan qishloq xo‘jaligi aholini oziq-ovqat mahsulotlariga, qayta ishlash sanoati tarmoqlarining xomashyoga bo‘lgan talabini qondiradi. Oziq-ovqat mahsulotlarining 90 foizga yaqini agrar tarmoqda tayyorlanadi. Shuningdek, bu soha aholining salmoqli qismining bandligini ta’minlab kelmoqda. Qishloq xo‘jaligi maxsulotlarining ishlab chiqarilishining o‘sish sur’ati keyingi davrlardagi prognoz ko‘rsatkichlari jamiyat iqtisodiyoti uchun muhim o‘ringa ega.

Qishloq xo‘jaligi - aholi uchun oziq-ovqat mahsulotlarini yetkazib beruvchi asosiy manbadir. Ayni vaqtda u keng istemol mahsulotlari ishlab chiqaruvchi sanoatning bir qancha tarmoqlari uchun xom-ashyo yetkazib beradi. Masalan, qishloq xo‘jaligi xom-ashyosining ulushi (qiymat jixatidan) ip-gazlama sanoatida barcha moddiy xarajatlarning 60 foizini, qandolat sanoatida salkam 70 foizni, yog‘ va sut sanoatida qariyb 80 foizni tashkil qiladi. Bularning hammasi shuni ko‘rsatadiki, qishloq xo‘jalik ishlab chiqarishni ko‘ngildagiday sur’atlar bilan rivojlanmasa, xalq turmush darajasini oshirishning hech qanday eng yaxshi programmasini ham ro‘yobga chiqarib bo‘lmaydi. Qishloq xo‘jaligining ahamiyati yana shu bilan belgilanadiki, xalq xo‘jaligida band bo‘lgan xodimlarning 27 foizi shu sohada mehnat qiladi. Qishloq xo‘jaligida mamlakat milliy daromadining taxminan uchdan bir qismi yaratiladi. Shu sababli mamlakat butun iqtisodiyotining o‘sish sur’atlari, mehnatkashlar farovonligini oshirish ko‘p jihatdan qishloq xo‘jaligining rivojlanish darajasiga bog‘liqdir.

O‘tgan 5 yil davomidagi qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqarishning o‘sish sur’ati ko‘rsatkichlarini tahlil qilamiz.

1-jadval.

Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqarishning o‘sish sur'ati.

Ko‘rsatkichlar	2018	2019	2020	2021	2022
Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqarishning o‘sish sur’ati, o‘tgan yilga nisbatan foizda	100,2	103,3	102,7	103,9	103,6

sur’ati ko‘rsatgichidan foydalangan holda tahlil etildi.

$Y_{n+i} = Y_n \cdot \bar{T}$ – i qadam oldingi prognoz qiymatni aniqlash formulasi,

$\bar{T} = (\frac{Y_n}{Y_1})^{\frac{1}{n-1}}$ - o‘rtacha o‘sish sur’atini topish formulasi.

$$\bar{T} = \left(\frac{Y_n}{Y_1}\right)^{\frac{1}{n-1}} = \left(\frac{103,6}{100,2}\right)^{\frac{1}{5-1}} = (1,033932135)^{\frac{1}{4}} = 1,0083$$

$$Y_6 = Y_5 \cdot \bar{T} = 103,6 \cdot 1,0083 = 104,45\%$$

Natijaga ko‘ra qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishning o‘sish sur’ati 2022 yilga nisbatan 2023 yilda 104,45%ga o‘sishini aniqladik.

XULOSA

Maqolada amalga oshirilgan tahlil natijasida qishloq xo‘jaligi maxsulotlarini ishlab chiqarish hajmi yildan yilga oshib borishini ko‘rishimiz mumkin. Jahon tajribasidan ma’lumki, yildan yilga qishloq xo‘jaligida yangi innovatsion texnologiyalarning joriy etilishi tufayli, ishlab chiqarish hajmi oshadi. So‘nggi yillarda yurtimizda amalga oshirilayotgan islohotlar tufayli qishloq xo‘jaligida mahsulot ishlab chiqarish hajmi ortmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. G.Nasriddinov, Ekonometrika, oq‘uv qo‘llanma, Toshkent, “Iqtisod-moliya”, 2008-yil.

2. И.А.Шукуров, Оценка спроса продуктов питания по тенденции временных рядов. «Ўзбекистонда фанлараро инновациялар ва илмий тадқиқотлар» журнали, 2022 йил 19-октябр, 12-сон материаллар тўплами, 417-б.

3. stat.uz – davlat statistika agentligi rasmiy sayti.

4. Shukurov I.A. Academic Research in Educational Sciences. Volume 4. Issue 4. 2023. ISSN: 2181-1385. Aholining kunlik daromadlari, o‘rtacha kunlik ish haqi va ishsizlarning ortacha yoshi o‘rtasidagi bog‘lanishning ko‘p omilli korrelyatsion regression tahlili, 91-96 b.

5. Shukurov I.A. Academic Research in Educational Sciences. Volume 4. Issue 4. 2023. ISSN: 2181-1385. Turistik firmalar faoliyatining ekonometrik tahlili, 429-434 b.

КОРПОРАТИВ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА БОШҚАРУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Холматова Парвина Аслиддин қизи - мустақил изланувчи

Аннотация:Кишилик жамияти тараққий этиб боргани сари уни бошқарув мураккаблашиб бораверади.Мақолада бошқарув орқали иқтисодий самарадорликни оширишни ифодаловчи омиллар кўрсатилган.

Калит сўзлар: инновацион фаолият, инновацияларни бошқариш, ишлаб чиқариш диверсификацияси.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар ҳамда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнига устувор аҳамият қаратилмоқда. Чунки, миллий иқтисодиётни тубдан янгилаш, жаҳон бозорида ҳар томонлама рақобатлаша оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар салмоғини янада ошириш вазифаларини корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини модернизациялашсиз амалга ошириб бўлмайди.

Корпоратив корхона – бу ташкилий тузилишидан қатъий назар ўзининг таъсисчилари, иштирокчиларининг аъзолигига асосланган корхона ҳисобланади[15].

Инновация (инновацион фаолият) – пировард натижаси маҳсулот, хизмат, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш шакли, технологияларнинг янги турларини яратиш ёки мавжудларини такомиллаштиришдан иборат бўлган фаолият бўлиб, у инновацияларни яратиш, ўзлаштириш ва кенг жорий этиш жараёнларини ўз ичига олади.

Инновацияларни бошқариш – бу инновацион жараён ёки фаолиятга нисбатан бошқарувнинг асосий функциялари – ташкил этиш, меъёрлаштириш, режалаштириш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва тартибга солиш таомилларини татбиқ этиш ҳисобланади.

Инновацион бошқариш эса – бу бошқарувнинг мазмун ва сифат жиҳатидан бошқарув фаолиятининг ўзига хос тавсифини англатади.

Ҳақиқатан ҳам, замонавий техника ва технологияларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши, ишлаб чиқариш моддий асосининг такомиллаштирилиши, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ёки хизмат турларини кўрсатишга ўтилиши ва бошқа аҳамиятли чора-тадбирлар корпоратив муносабатлар иштирокчиларининг иқтисодий манфаатлари балансининг ўзгаришига олиб келиб, мазкур жараёнларни рағбатлантирувчи янги уйғунлаштирувчи механизмларнинг ишга тушишини тақозо этади.

[15] Толковые словари. Образовательный ресурс. http://www.edudic.ru/biz/10526/

Корпоратив бошқарув шароитида модернизациялаш жараёнларининг нисбатан самарали амалга оширилишига имкон яратувчи омиллар мавжуд:

1. Модернизациялаш жараёнларини амалга ошириш учун тақозо этилувчи катта ҳажмдаги молиявий маблағларни жамлаш ва сафарбар этиш имконияти.

2. Эскирган техника ва технологияни замонавий, янги ишлаб чиқариш воситалари билан босқичма-босқич алмаштириб боришда корпоратив тузилманинг ички ишлаб чиқариш ва технологик алоқаларидан фойдаланиш.

3. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўп босқичли технологик жараёнларига эга бўлган корпоратив тузилмаларда диверсификациялаш имкониятларининг кенглиги.

4. Ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш ва бошқарув услубларини янги турларини яратувчи илмий лабораториялар ва тажриба конструкторлик ишларини молиялаштириш ва улар фаолиятини таъминлаш имкониятларининг кенглиги ва ҳ.к.

2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Стратегия илғор хорижий тажрибани, шу жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув бўйича тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарини (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) бошқариш ва ислоҳ қилишнинг мақсадлари, вазифалари ва устувор йўналишларини белгилайди.

Стратегияни амалга ошириш учун:

- давлат иштирокидаги корхонага нисбатан уни бошқариш сиёсати ишлаб чиқилади;
- давлат иштирокидаги корхона кузатув кенгаши корхонани бошқариш сиёсатини тасдиқлайди;
- давлат иштирокидаги корхона кузатув кенгаши Стратегияда келтирилган корпоратив бошқарув тамойилларини, давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари ижро этувчи орган томонидан жорий этилишини назорат қилади.

Ҳозирда корхоналар ишлаб чиқариш жараёнида замонавий техника ва технологияларнинг қўлланилиши қуйидаги имкониятларни келтириб чиқаради:

- жаҳон миқёсидаги талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши;
- маҳсулот таннархининг аҳамиятли даражада пасайтирилиши ҳисобига корхона молиявий натижа ва имкониятларининг кенгайиши;
- хомашё ва ресурсларнинг тежалиши;
- маҳсулот ва хизматлар янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқариш диверсификациясининг амалга оширилиши;
- атроф-муҳитга салбий таъсирнинг қисқариши ва ҳ.к.

Маълумки, корхона фаолиятини модернизациялашнинг асосий мақсади – моддий-техник базани такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда замонавий техника ва технологияларни қўллаш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишдан иборат. Бироқ, эътибор қаратиш лозимки, модернизациялаш жараёни кўп қиррали ва турли натижаларни келтириб чиқариш имкониятига эга. Бундан кўринадики, *модернизациялаш чора-тадбирларининг муқобиллиги ва натижаларининг турлилиги* мазкур жараён самарадорлигини баҳолаш заруратини келтириб чиқаради. Модернизациялаш жараёнлари самарадорлигини баҳолаш зарурлиги, шунингдек, *тармоқ модернизациялаш дастурларининг тўғри шакллантирилганлиги ва илмий асосланганлигини аниқлаш* орқали ҳам намоён бўлади. Модернизациялаш жараёнларини тартибга солиш умумий ҳолда икки жиҳатдан амалга оширилиши мумкин:

1) тармоқдаги модернизациялаш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини, уларни амалга оширишда вужудга келувчи анъанавий ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда олдиндан киритилган ташкилий-ҳуқуқий механизмлар орқали;

2) турли хил ички ва ташқи омиллар таъсирида рўй берувчи ўзгаришни тезкор аниқлаш ва улар бўйича муайян тузатишлар киритиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида**”** 29.03.2021 йилдаги 166-сон

2. Қосимова Д. С., Собиров А.А. Бошқариш назарияси асослари. – Т: ТДИУ, 2011. 340 б.

3. R. I. Gimush, F. M. Matmurodov Innovatsion menejment. – T.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2008. – 144 b

КАМБАҒАЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА АҲОЛИ ТУРМУШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ

Хушвақов А.Б. ҚарМИИ
таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар берилган бўлиб, минтақа аҳолисининг камбағаллик даражасини қисқартиришга оид тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: аҳоли, сифат , турмуш даражаси, камбағаллик, кам таъминланган оила, хусусий тадбиркорлик

Аҳоли турмуш даражаси тушунчаси - бу инсонларнинг яшаши учун мавжуд моддий ва маънавий ресурслар билан таъминланиши ва истеъмолини намоён қилади. Инсоннинг турмуш даражаси - бу моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ривожланиш даражаси, таъминланганлик миқёси ва уларни қондириш учун яратилган имкониятларни акс эттирувчи комплекс ижтимоий-иқтисодий категориядир. Турмуш сифати деганда инсоннинг эркинлик фаровонлиги, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда инсон маънавий соғлигини ҳар томонлама намоён этувчи тушунча бўлиб, унинг таркибига аҳолининг соғлиқ даражаси ва умрнинг давомийлиги, аҳолининг турмуш даражаси, аҳолининг турмуш тарзи киради. Бутун дунё бўйича аҳоли турмуш даражасини яхшилаш масаласида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, БМТ нинг Бош ассамблеясида 2000 йилда қабул қилинган, «Минг йиллик тараққиёт дастури»ни ҳамда 2015 йилда қабул қилинган «2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш дастурлари»ни, бевосита дунё мамлакатлари аҳолисини иқтисодий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экология бузилишини олдини олиш, аҳоли саломатлигининг ҳудудий ҳолати таҳлилига қаратилган тадбирларни айтиш мумкин.

Аҳоли турмуш даражасини барчамиз аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори ва истеъмол ҳажми миқдорининг ортиши ёки камайиши билан баҳолашга одатланганмиз. Лекин аҳоли турмуш даражаси, бевосита аҳоли турмуш даражаси сифатини баҳоловчи кўрсаткичлар анча кенгроқ тушунча ҳисобланади[16]. Шунинг учун турмуш даражасини аҳолининг моддий ва номоддий бойликларга эҳтиёжлари даражаси, шунингдек, ушбу эҳтиёжларни қондириш ва ривожлантириш учун жамиятдаги мавжуд шароитларни акс эттирадиган мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория сифатида аниқлаш мумкин[17].

[16] Ғойибназаров Б, Турғунов Т. Аҳоли турмуш даражаси ва унинг Ўзбекистонда ривожланишининг статистик таҳлили. “Иқтисодиёт ва таълим” журнали. 2018. - №3. – Б. 89.
[17] Социально-экономическая статистика. Учебник для ВУЗов. – М. ЮНИТИ-ДАНА. 2002. – С. 581.

Монографик кузатишлар натижасида, Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда камбағалликни қисқартиришда ва қашшоқликни хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан бир қатор ишлар амалий ишлар бажарилиб, ижобий кўрсаткичларга эришилди:

хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қонуний ҳуқуқлар жорий этилиб, уларнинг шахсий манфаатдорлигини ошириш ва манфаатларини муҳофаза қилиш тизими шакллантирилди;

хусусий тадбиркорлик эркинлигининг кафолатлари тизими шакллантирилди;

хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг енгиллаштирилган, рақамлаштирилган тартиби жорий этилди;

хусусий тадбиркорлик субъектларининг моддий-техник ресурсларни эркин сотиб олишига биржа савдолари орқали эришишга қулай шарт-шароитлар, имкониятлар яратилди;

товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотларини мажбурий стандартлаштириш ва сертификатлаш соддалаштирилди;

солиқ юкини пасайтириш ва соддалаштириш чоралари кўрилди; статистика ва солиқ ҳисоботининг қисқартирилган шакли киритилди;

хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти эркинлаштирилди;

иш бошловчи хусусий тадбиркорлар учун дастлабки сармояни шакллантириш ва бошқа шакллардаги янги молиявий қўллаб қувватлаш тизими жорий этилди ва бошқалар.

Қашшоқлик нафақат даромад ва тирикчиликни таъминлаш учун ресурсларнинг етишмаслиги. У очлик ва тўйиб овқатланмаслик, таълим ва бошқа асосий хизматлардан фойдаланишнинг чекланганлиги, ижтимоий камситиш ва четланиш, қарорлар қабул қилишда иштирок эта олмасликда намоён бўлади. 2015 йилда 736 миллиондан ортиқ одам қашшоқлик чегарасида яшаган. Дунё аҳолисининг 10 фоиздан ортиғи ўта қашшоқликда яшайди ва соғлиқни сақлаш, таълим ва санитария хизматларидан деярли фойдалана олмайди. Қашшоқликда яшовчи 25 ёшдан 34 ёшгача бўлган ҳар 100 эркакка шу ёшдаги 122 нафар аёл тўғри келади. 2030 йилга бориб 160 миллионга яқин болалар ўта қашшоқликда яшаши эҳтимоли кучли.

Бизнинг фикримизча, камбағалликни қисқартиришда юқоридаги давлат сиёсати ҳар томонлама хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришда ҳам қўл келади. Яъни, айтайлик, Қашқадарё вилоятида томорқасига эга бўлган фуқароларга экин экиши мустақил танланган, шунинг учун ўз-ўзини банд қилиш орқали аҳоли эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Бу эса қўшимча даромад қилиш ҳамда камбағалликдан чиқиш йўлидир.

Қашқадарё вилоятидаги туманлар бўйича ишловчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ҳақида сўровнома ўтказганимизда қуйидаги жадвал маълумотлари шаклланди.

Қашқадарё вилоятида ишловчиларнинг ўртача иш ҳақи 2018-2022 йилларда ўртача 37 %га ошган. Ўртача иш ҳақи юқори бўлган ҳудудлар 2022 йилда Ғузор (4132,3 минг сўм) ва Муборак туманлари (4102,4 минг сўм) ҳисобланади. 2019 йилда ҳам ушбу туманларда ишловчилар бошқаларига нисбатан энг юқори ўртача иш ҳақига эга бўлишган.

Энг паст иш ҳақи қайд этилган туманлар эса Қарши, Миришкор, Китоб, Яккабоғ, Қамаши, Касби, Деҳқонобод ва Чироқчи туманларидир. Қуйидаги жадвалда эса Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг даромадлари ҳақида маълумотлар берилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аҳолини марказлашган ичимлик сув таъминотини яхшилаш, ичимлик суви етиб бормаган ҳудудларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш аҳоли турмуш сифати даражаси кўрсаткичдир. Аҳоли саломатлиги ҳам айнан шу соҳа билан бевосита боғлиқ. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда глобал иқлим ўзгариши туфайли қуруқ фасллар давомийлигини ортиши, тоғларда қор заҳиралари майдонини қисқариши натижасида сув танқислиги хавфи юзага келиши аҳаоли турмуш даражасини пасайтирда. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз аҳолисини, айниқса 11 мингдан зиёд қишлоқларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Айниқса Қашқадарё ҳудудлари бўйича таҳлил қилганда сув таъминотида фарқлар кузатилади (1-жадвал).

1-жадвал

Қашқадарё вилояти аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланганлиги[18]

Ҳудудлар	Ичимлик суви			Табиий газ		
	2015 й	2017 й	2022 й[19]	2015 й	2017 й	2022 й
Қашқадарё	82,1	73,9	35,8	68,6	24,7	25,2

Жадвал маълумотларидан билиш мумкинки, Қашқадарё ҳудудида аҳолини марказлашган ичимлик сув билан таъминланган даражаси паст бўлган вилоятлар қаторига киради.

Шуни ҳам қайд қилиш зарурки, аҳоли фаровонлиги барқарорлиги ва турмуш сифат даражаси бевосита аҳолини табиий газ ва арзон нархларда электр энергия билан узлуксиз таъминланишига боғлиқ. Айниқса куз-қиш мавсумида табиий газ ва электр энергиясига ички талаб нисбатан юқори бўлади. Қашқадарёда аҳолини табиий газ билан таъминланганлик даражаси 2015 йил 68,6 фоизни, 2017 йил 24,7 фоизни ва 2022 йилда эса

[18] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг йиллик ҳисоботлари асосида тайёрланган.

[19] Йил охирига жаъми квартира (уйларга) нисбатан фоиз ҳисобида; “Ўзсувтаъминот” АЖ корхоналари томонидан ўтказилган ялпи хатлов натижаларига кўра ҳисобланган.

25,2 фоизни ташкил қилиб, ўтган ўн йил ичида 41,9 фоизга камайган Қашқадарёда, вилоятида газ таъминоти республика даражадан анча паст.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 январдаги “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2728-сонли қарори ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, эскирган уйларда яшовчиларнинг ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган бошқа тоифалардаги фуқароларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга қаратилди. Натижада аҳолининг уй-жой фонди орта борди 2.8-жадвал. Маълумотлардан кўринадики, Қашқадарё вилоятида кейинги олти йилда аҳолининг уй-жой фонди кўпайди. Айниқса, аҳолининг хусусий мулк бўлган уй-жой фонди 2017 йилда 41336,8 тадан 2022 йилда 55230,0 тага ортди. Қишлоқ жойларида аҳолини уй-жой билан таъминлашга Ўзбекистон Республика Президенти 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жой қуриш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2639 сонли қарори ҳуқуқий асос бўлди.

Бу турдаги уй-жойлар билан таъминлаш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ижтимоий мезонлар орқали аниқланади. Бу борада айниқса, кишиларда турар жойнинг йўқлиги ва турар жойда ижара шартларида ёки яшаш учун яроқсиз хонадонда яшаши, кўп болали, оиланинг кам таъминланганлиги, бошқа оилалар билан бир уйда яшаши, оила аъзолари орасида сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи, ногирон шахсларга устуворлик берилган.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши аҳолини ижтимоий жиҳатдан табақаланиш даражасини кескинлашувига олиб келади. Аҳолининг ижтимоий табақаланиш даражаси унинг даромад кўрсаткичлари орқали намоён бўлади. Аҳоли турмуш даражасини ва даромадларининг табақаланиш ҳолатини қуйидаги индикаторлар орқали баҳолаш мумкин, децил коэффициенти, квинтил коэффициенти фондлар коэффициенти, Жини индекси, даромадлар табақаланиши, ўртача ва минимал иш ҳақи ўртасидаги нисбат. Аҳоли даромадлари табақаланишини децил, квинтил коэффициентлари ва Жини индекси орқали таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Децил коэффициенти ижтимоий статистикада аҳолининг даромадлари бўйича табақаланишини баҳолаш ва турли гуруҳларга оид аҳоли даромадларини қиёсий таққослашга асосланган кўрсаткич бўлиб, энг бой аҳолининг 10 фоиз максимал даромадларини энг камбағал аҳолининг 10 фоиз минимал даромадларига нисбати тушунилади.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA KICHIK BIZNES KORXONALARDA: BUXGALTERIYA HISOBI VA HISOBOTINI TASHKIL ETISH

Eshonqulov Akmal Qudratovich
SamISI Buxgalteriya xisobi kafedrasi assistenti
tel: 991164721 akmaleshonqulov81@ gmail.com

Annotatsiya: Maqolada iqtisodiy rivojlanishning hozirgi sharoitida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning afzalliklari belgilab berilgan. Kichik biznesning O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyotidagi ulushini aks ettiruvchi statistik ma'lumotlar keltirilgan. Buxgalteriya hisobining kichik biznes sub'ektlariga xos xususiyatlari ko'rsatilgan, kichik biznes sub'ektlarining buxgalteriya hisobi va hisobotini tashkil etishni tartibga soluvchi qonunchilik va me'yoriy-huquqiy hujjatlarga umumiy nuqtai nazar berilgan.

Аннотация: В статье описаны преимущества малого бизнеса и частного предпринимательства в современных условиях экономического развития. Представлена статистическая информация, отражающая долю малого бизнеса в экономике Республики Узбекистан. Обозначены особенности бухгалтерского учета субъектов малого предпринимательства, а также дан обзор законодательства и нормативных правовых документов, регулирующих организацию бухгалтерского учета и отчетности субъектов малого предпринимательства.

Abstract: The article describes the advantages of small business and private entrepreneurship in the current conditions of economic development. Statistical information reflecting the share of small business in the economy of the Republic of Uzbekistan is presented. Features of accounting for small business entities are indicated, and an overview of the legislation and regulatory legal documents regulating organization of accounting and reporting of small business entities is given.

Kalit so'zlar : bozor iqtisodiyoti, tadbirkorlik, kichik biznes, xususiy tadbirkorlik, buxgalteriya hisobi, soddalashtirilgan hisob tizimi, autsorsing, elektron hisobot, buxgalteriya hisobining ishchi rejasi.

O‘zbekiston Respublikasida mustaqillikning dastlabki kunlaridanoq ijtimoiy yo‘naltirilgan bozor iqtisodiyotini yaratish va rivojlantirish yo‘nalishi belgilandi. Bozor iqtisodiyoti qator ustuvorliklarni nazarda tutadi. Bozor iqtisodiyotining ana shunday muhim ustuvor yo‘nalishlaridan biri tadbirkorlikdir. Jahon iqtisodiyoti rivojlanishining hozirgi sharoitida yirik kapital talab qiluvchi sanoat korxonalariga nisbatan ustunliklari tufayli kichik biznes va xususiy tadbirkorlikka ustunlik berilmoqda.

O‘zbekistonda kichik biznes sohasi izchil rivojlanmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasining statistik ma’lumotlari shundan dalolat beradi.

1-jadval.

Iqtisodiyot tarmoqlarida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning asosiy ko‘rsatkichlari hajmi.



Yuqoridagi jadvalda iqtisodiyot tarmoqlarida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlari hajmi ko'rsatilgan. Bu statistik ma’lumotlar kichik biznesning respublika iqtisodiyotidagi ahamiyatidan dalolat beradi. O‘zbekistonda jahonning rivojlangan mamlakatlari tajribasini hisobga olgan holda, iqtisodiy islohotlarning strategik yo‘nalishlaridan biri sifatida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishga katta e’tibor qaratilmoqda. Shu bilan birga, kichik biznes sub’ektlarini rivojlantirish va rag‘batlantirishda



qo‘llab-quvvatlash va tayanch bo‘lishga mo‘ljallangan zarur huquqiy-me’yoriy baza, buxgalteriya hisobi tizimi, soliq imtiyozlari va imtiyozlari bilan ta’minlash eng muhim vazifalardan biridir. ularning kichik biznes sohasidagi tadbirkorlik faoliyati.

Kichik biznes sub'ektlarida buxgalteriya hisobini tashkil etish ularda buxgalteriya hisobi xususiyatlarini aks ettiruvchi quyidagi qonunchilik va me'yoriy-huquqiy hujjatlarga muvofiq amalga oshiriladi:

- O‘zbekiston Respublikasining 2016-yil 13-apreldagi “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi O‘RQ-404-son Qonuni;

- O‘zbekiston Respublikasining 2012-yil 2-maydagi “Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to‘g‘risida”gi O‘RQ-328-son Qonuni;

- Milliy buxgalteriya hisobi standartlari (1-24-sonli MMS), xususan, Adliya vazirligi tomonidan 2013-yil 14-avgustda 2501-son bilan ro‘yxatga olingan “Kichik tadbirkorlik sub’ektlarining buxgalteriya hisobini yuritishning soddalashtirilgan tartibi” 20-sonli MMU;

- Moliya vazirining “Moliyaviy hisobot shakllari va ularni to‘ldirish qoidalari”ni tasdiqlash to‘g‘risidagi buyrug‘i O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2003-yil 24-yanvarda 1209-son ro‘yxatidan o‘tkazilgan va hokazo.

O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonunining 7-moddasiga muvofiq korxona rahbari bosh buxgalter rahbarligida buxgalteriya xizmatini tuzishga ham, shartnoma shartlarida buxgalteriya hisobini yuritishni ixtisoslashtirilgan, shuning uchun ham korxona rahbariga topshirishga haqli. -autsorsing firmalari deb ataladi [2]. So'nggi bir necha yil ichida autsorsing kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlari orasida mashhur bo'ldi. Shu bilan birga, kichik korxonalar va mikrofirmalar haqida gapiradigan bo'lsak, buxgalteriya hisobi va hisobotini tashkil etish va yuritish usullarini tanlashning asosiy mezoni buxgalteriya hisobining maqsadga muvofiqligi va samaradorligi bo'lishi kerak, ya'ni. buxgalteriya hisobining foydalari buxgalteriya hisobi xarajatlariga nisbatan tortilishi kerak. Bu mezon kichik korxonalar ega bo'lgan moliyaviy resurslarning nisbatan kichikligi bilan bog'liq.

O‘zbekiston Respublikasining “Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to‘g‘risida”gi Qonunining 17-moddasiga muvofiq kichik biznes sub’ektlari moliyaviy hisobotlarni faqat davlat statistika organlariga va davlat soliq xizmati organlariga taqdim etadi [3]. Bir necha yildirki, buxgalteriya hisobi yurituvchi subyektlarning moliyaviy hisobotlarini taqdim etuvchi organlar hisobotlarni elektron shaklda qabul qilib kelmoqda, bu esa, albatta, tadbirkorlar, xususan, kichik biznes sub’ektlari uchun foydali va qulaydir. Birinchidan, tejamkorlik printsipi - vaqtni tejash, hisobotning qog'oz shaklida jalb qilingan resurslar. Ikkinchidan, elektron hisobotning joriy etilishi natijasida hisobotlardagi xatolarni tezkorlik bilan tuzatish, statistika va soliq organlari mutaxassislaridan buxgalteriya hisobi va moliyaviy hisobotlarni qiziqtirgan masalalar bo‘yicha onlayn maslahatlar olish imkoniyati yaratildi.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub’ektlarida buxgalteriya hisobini tashkil etish bo‘yicha asosiy me’yoriy hujjat 20-sonli “Kichik tadbirkorlik sub’ektlari tomonidan buxgalteriya hisobini yuritishning soddalashtirilgan tartibi” Buxgalteriya hisobi milliy standarti hisoblanadi[4]. Ushbu standart kichik korxonalarning hisob siyosatini mustaqil ravishda shakllantirish qobiliyatini belgilaydi, bu esa buxgalteriya hisobi shaklini tanlashda erkinlik

beradi. Bundan tashqari, standart moliyaviy-xo'jalik faoliyati uchun standart Hisoblar rejasi asosida hisoblarning ishchi rejasini tuzishga imkon beradi. Bu hisobchiga buxgalteriya hisobi va moliyaviy hisobotni amalga oshirishda qulaylik yaratadi, chunki. buxgalteriya hisoblarining ishchi rejasida faqat sub'ekt tomonidan foydalaniladigan asosiy hisoblar mavjud, keraksiz buxgalteriya hisoblari bundan mustasno.

Moliya vazirining “Moliyaviy hisobot shakllari va ularni to‘ldirish qoidalari”ni tasdiqlash to‘g‘risidagi buyrug‘iga muvofiq, kichik tadbirkorlik sub’ektlari faqat yillik moliyaviy hisobotlarni taqdim etishlari shart, ularda “Buxgalteriya balansi” 1-shakl va 2-shakl ko‘rsatilgan. “Moliyaviy natijalar to‘g‘risida hisobot”, yirik korxonalar tomonidan taqdim etiladigan hisobotlarning qolgan qismi taqdim etilmaydi, bu ham kichik korxonalar tomonidan buxgalteriya hisobini soddalashtirish mezoni hisoblanadi [5].

Shunday qilib, iqtisodiyotni isloh qilish va modernizatsiya qilish jarayonida boshqa rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlarda bo‘lgani kabi O‘zbekistonda ham kichik biznes sohasi alohida o‘rin tutadi. Va bu sohada buxgalteriya tizimining to'g'ri asoslangan tashkil etilishi uning keyingi gullab-yashnashiga bog'liq.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasining sayti www.stat.uz.
2. O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi 2016 yil 13 apreldagi O‘RQ-404-son Qonuni, www.lex.uz sayti.
3. O‘zbekiston Respublikasining 2012-yil 2-maydagi “Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to‘g‘risida”gi O‘RQ-328-son Qonuni, www.lex.uz sayti.
4. O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2013 yil 14 avgustda 2501-son bilan ro‘yxatga olingan “Kichik tadbirkorlik sub’ektlarining soddalashtirilgan buxgalteriya hisobi tartibi” 20-sonli NAS, www.lex.uz sayti.
5. O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2003 yil 24 yanvarda ro'yxatga olingan, 1209-sonli ro'yxatga olingan "Moliyaviy hisobot shakllari va ularni to'ldirish qoidalari"ni tasdiqlash to'g'risida Moliya vazirining buyrug'i.

ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТУЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Юсупов Асрор Махманазар ўғли
ТМИ мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада қўшма корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузишда ҳисоб сиёсатини аниқ тамойиллар, усуллар, умумқабул қилинган шартлар ва қоидалар ҳамда амалий ёндошувлар асосида тўртта босқичли умумий қоидалар,

молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия ҳисобининг асосий объектлари ҳамда иловалар орқали тузиш тартиби очиб берилган.

Калит сўзлар: қўшма корхоналар, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, ҳисоб тизими, ҳисоб сиёсати, ишчи счётлар режаси, амортизация, умумий қоидалар, молиявий ҳисоботлар

Аннотация: статье описаны порядок составления финансовой отчетности совместных предприятий на основе международных стандартов, учетная политика, основанная на конкретных принципах, методах, общепринятых условиях и правилах, и четырехэтапные общие правила на основе практическихподходов, финансовая отчетность, основные объекты и приложений бухгалтерского учета.

Ключевые слова: совместные предприятия, международные стандарты бухгалтерского учета, международные стандарты финансовой отчетности, национальные стандарты бухгалтерского учета, система бухгалтерского учета, учетная политика, рабочий план счетов, амортизация, общие правила, финансовая отчетность

Abstract

The article describes the procedure for drawing up financial statements of joint ventures based on international standards, accounting policies based on specific principles, methods, generally accepted conditions and rules, and practical approaches, four-step general rules, financial statements, main objects of accounting and applications.

Key words: joint ventures, international accounting standards, international financial reporting standards, national accounting standards, accounting system, accounting policy, working chart of accounts, depreciation, general rules, financial reporting

Бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар жараёнида бухгалтерия (молиявий) ҳисобини ислоҳ қилиш жараёнига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 1992 йил 9 декабрда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги, 1996 йил 30 августда “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинган эди. 2000 йил 26 майда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги, 2016 йилнинг 13 апрелида “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунларнинг янги таҳрири[20] ва 2021 йил 25 февралдаги“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунинингянги таҳрирлари[21] қабул қилинди. Бухгалтерия Ҳисобининг Халқаро Стандартларига (IAS) асосланган ҳолда Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий стандартлари (1998-2016 йиллар) ишлаб чиқилди [1;2].

[20] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”(янги таҳрири). Тошкент ш., 2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон

[21] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 25.02.2021 йилдаги ЎРҚ-677-сон

Аммо Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби соҳасида ислоҳотлар бошланган даврдан буён ўтган 20 йилдан ортиқ давр давомида жаҳон иқтисодиёти камида иккита молиявий-иқтисодий инқирознинг бошдан кечирганлиги натижасида халқаро ҳисоб стандартларида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Афсуски, мазкур ўзгаришлар ўз вақтида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида ўз аксини топмади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур соҳага оид қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Булар жумласига 2015 йил 24 апрелда ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[22], 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини иновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари[23], 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори қабул қилинди [3;4].

Шу жиҳатдан Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IAS, IFRS) асосида такомиллаштириш долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

БҲХС 8 (2012) қоидаларига мувофиқ халқаро стандартлар муаомалаларга, бошқа ҳодисаларга ёки шароитга аниқ тегишли бўлганида, унга нисбатан қўлланиладиган ҳисоб сиёсати ёки сиёсатлари ушбу стандартни қўллаш билан аниқланиши кераклиги таъкидланади. МҲХСларни қўллашда субъектларига ёрдам бериш мақсадида қўллаш бўйича кўрсатмаларда улар МҲХСларнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги таъқидланади. МҲХСнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган кўрсатмаларни қўллаш мажбурийдир. МҲХСнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланмайдиган кўрсатмалар молиявий ҳисоботларга нисбатан талабларни ўз ичига олмайди. Операция, бошқа ҳодиса ёки шароитга аниқ тегишли бўлган МҲХС мавжуд бўлмаганида, тадбиркорлик субъектининг раҳбарияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ахборотни шакллантирадиган ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва қўллашда ўз мулоҳазасидан фойдаланиши керак. Молиявий ҳисоботлар қуйидагиларни таъминлагани туфайли ишончли бўлиб ҳисобланади:

[22] Ўзбекистон Республикаси Президентининг2015 йил 24 апрелдаги“Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ПФ-4720-сонфармон

[23] Ўзбекистон Республикаси Президентининг28.01.2022 йилдаги “2022 —2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ПФ-60-сонфармони

•субъектнинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимларини ишончли кўрсатади;

•операциялар, бошқа ҳодисалар ва шароитларнинг нафақат юридик шакли, балки иқтисодий моҳиятини акс эттиради;

•бетараф, яъни холис;

•эҳтиёткор;

•барча муҳим жиҳатларда тўлиқ.

Юқоридаги таъкидланганидек, мулоҳаза қилишда, раҳбарият қуйидаги манбаларга қараши ва уларнинг қўлланилиши мумкинлигини пасайиб борувчи тартибда кўриб чиқиши керак:

-МҲХСларда шунга ўхшаш ёки боғлиқ масалаларга тегишли талаблар;

-Концептуал асосда келтирилган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатларнинг таърифлари, тан олиш мезонлари ва баҳолаш концепциялари. Ҳисоб сиёсати юзасидан раҳбарият, шунингдек, стандартларни ўрнатадиган ва бухгалтерия ҳисоби бўйича стандартларни ишлаб чиқишда ўхшаш концептуал асосдан,бошқа бухгалтерлик адабиётлардан ва ушбу соҳада қабул қилинган амалиётлардан фойдаланадиган бошқа идоралар томонидан энг сўнгги чиқарилган стандарт тусидаги ҳужжатларни, улар келтирилган манбаларга зид келмаслигишарти билан, эътиборга олиниши мумкин.

БҲМС 1 га (1998) мувофиқ ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжатлари (буйруқ, фармойиш ва бошқалар) билан расмийлаштирилиши керак [2].

Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда субъект танлаб олган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжати чиқарилган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб қўлланилади, ҳисобот йили давомида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар бундан мустаснодир. Бунда улар хўжалик юритувчи субъектнинг барча таркибий бўлинмаларида (жумладан, алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларида) уларнинг қаерда жойлашганидан қатъийназар қўлланилади.

Янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъект танлаб олган ҳисоб сиёсатини мазкур қоидага мувофиқ молиявий ҳисобот биринчи марта эълон қилингунга қадар, лекин давлат рўйхатидан ўтиб юридик шахс ҳуқуқини олган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай расмийлаштиради. Субъект танлаб олган ҳисоб сиёсати юридик шахс ҳуқуқини олган (давлат рўйхатидан ўтган) кундан бошлаб қўлланиш мумкин, -деб ҳисобланади.

Субъект ўхшаш операциялар, бошқа ҳодисалар ва шароитларга тегишли ҳисоб сиёсатларини изчил равишда танлаши ва қўллаши керак. Агар қандайдир МҲХС моддаларнинг бундай тоифаларга бўлинишини талаб этса ёки рухсат этса, бундай ҳар бир тоифага тегишли бўлган ҳисоб сиёсати изчил равишда танланиши ва қўлланилиши керак бўлади.

БҲХС 8 га (2012) мувофиқ субъект янги ҳисоб сиёсатини ҳамма олдинги даврларга нисбатан қўллашнинг йиғилган таъсирини аниқлай олмаганлиги сабабли, ушбу сиёсатни ретроспектив тарзда қўллашни амалий имкони бўлмаса, унда бу субъект тегишли қоидага мувофиқ, янги ҳисоб сиёсатини қўллашни амалий имкони бор бўлган энг дастлабки даврнинг бошидан бошлаб истиқболли равишда қўллайди [1]. Шунинг учун у активлар, мажбуриятлар ва капиталга бўлган, ушбу санадан олдин юзага келадиган йиғилган тузатишнинг қисмини ҳисобга олмайди. Ҳисоб сиёсатига ушбу сиёсатни ҳар қандай олдинги даврга нисбатан истиқболли қўллашни амалий имкони бўлмаса, уни ўзгартиришга рухсат этилади. Шунингдек, стандартда қайси ҳолатларда янги ҳисоб сиёсатини бир ёки ундан кўпроқ олдинги даврларга нисбатан қўллашни амалий имкони бўлмаслиги бўйича кўрсатмалар келтириб ўтилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қўшма корхоналарда молиявий ҳисобни ташкил этишда ҳисоб сиёсатини шакллантириш зарур. Ҳозирги кунда молиявий ҳисоб молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этилиши белгиланган. Миллий стандарт ва халкаро стандартлар асосида ҳисоб сиёсатини тузиш фарқланади, унинг фарқли жиҳатларини 1-жадвалда келтириб ўтамиз.

1-жадвал

Ҳисоб сиёсати таркибининг халқаро ва миллий стандартлар асосида фарқли жиҳатлари[24]

ҲИСОБ СИЁСАТЛАРИ, ҲИСОБЛАБ ЧИҚИЛГАН БАҲОЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА ХАТОЛАР БҲХС №8	**ҲИСОБ СИЁСАТИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ БҲМС №1[25]**
СТАНДАРТНИНГ МАҚСАДИ	
Ушбу Стандартнинг мақсади ҳисоб сиёсатини танлаш ва ўзгартириш учун мезонларни ўрнатиш ҳамда ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатоларни тузатишни ҳисобга олиш тартибини ва уларга тегишли очиб бериладиган маълумотларни белгилашдан иборатдир.	Ушбу БҲМС хўжалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботлари, шунингдек турли хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари қиёсланишини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботини шакллантириш ва тузиш учун асосларни белгилаб беради.
БҲХС 8 қўллаш доираси	**БҲМС 1 амал қилиш соҳаси**
Ушбу Стандарт ҳисоб сиёсатини танлашда ва қўллашда, шунингдек ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришларни ва олдинги давр хатоларини тузатишни ҳисобга олишда қўлланилиши керак.	Ушбу БҲМС умумий мақсадларга мўлжалланган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш чоғида қўлланилади, улар ушбу Стандартнинг 12-бандида келтирилган. Айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботини

[24] Манба: Муаллифлар ишланмаси

[25] Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) 1-сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот». 1998.

	тайёрлаш чоғида ҳам, жамланган молиявий ҳисоботни тузиш чоғида ҳам шу Стандартга амал қилиш зарур.
СТАНДАРТНИНГ ҲИСОБ СИЁСАТИ	
Ҳисоб сиёсати – бу тадбиркорлик субъекти томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, усуллар, одатлар, қоидалар ва амалиётлардир.	Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш учун фойдаланадиган махсус тамойилларни, конвенцияларни, тартиб ва амалий ёндашувларни ифодалайди. Ҳисоб сиёсати молиявий ҳисобот барча мақбул БҲМСларни қўлланиш асосида тузиладиган тарзда ташкил этилиши керак.
БҲХС 8 ДА МАЪЛУМОТЛАРНИ ОЧИБ БЕРИШ	**БҲМС 1 ДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ОЧИБ БЕРИШ**
Ҳисоб сиёсатига ихтиёрий равишда ўзгартириш киритиш жорий даврга ёки ҳар қандай олдинги даврга таъсир қилганида, ушбу даврга таъсир қилиши мумкин бўлганида, тузатиш суммасини аниқлашни амалий имкони йўқ бўлган ҳолатлар бундан истисно, ёки келгуси даврларга таъсир қилиши мумкин бўлганида, тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни очиб бериши керак: (а)ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришнинг хусусияти; (б)янги ҳисоб сиёсатини қўллаш натижасида ишончли ва ўринлироқ ахборот таъминланишининг сабаблари; (в)имкони борича, жорий давр ва тақдим қилинган ҳар қандай олдинги давр учун қуйидагилар бўйича тузатиш суммаси (г)имкони борича, тақдим қилинган даврлардан олдинги даврларга тегишли бўлган тузатиш суммаси; ва (д)агар ретроспектив қўллашни бирор олдинги давр учун ёки тақдим қилинган даврлардан олдинги даврлар учун амалга оширишни амалий имкони бўлмаса, бундай вазият бўлишига олиб келган шароитлар ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш қачондан бошлаб ва қандай қилиб қўлланилганлигининг тавсифи.	Ҳисоботдан фойдаланиш учун ҳисоб сиёсатининг ўзига хос жиҳатларини очиб беришнинг устуворлигини кўриб чиқиш чоғида раҳбарлар бу ҳолат хўжалик юритувчи субъектнинг дуч келиши мумкин бўлган хатарларини ва келгусидаги пул маблағи ҳаракатларини баҳолашга имкон беришини эътиборга олиши лозим. Ҳисоб сиёсатини очиб бериш қуйидаги ахборотларни ўз ичига олади, лекин шу ахборотлар билан чекланиб қолмайди: 1. Фойдани акс эттириш: 2.Жамлаш тамойиллари; 3.Фаолият турлари билан қўшиб олиб бориш; 4.Биргаликдаги фаолият; 5. Моддий ва номоддий активларнинг акс этиши ва эскириши (амортизацияси); 6.Жалб этилган маблағ қийматининг сармояланиши ва ўзга харажатлар; 7.Капитал сарфлар; 8.Инвестиция мулки; 9.Молиявий воситалар ва инвестициялар; 10. Ижара; 11.Тадқиқот ва тараққиёт билан боғлиқ харажатлар; 12.Товар-моддий заҳиралар; 13.Солиқлар, жумладан муддати кечиктирилган солиқлар; 14. Заҳиралар; 15.Ходимларни сақлаб туриш харажатлари; 16.Хорижий валютани ўтказиш;

	17.Фаолият турларини, жўғрофий сегментларни ҳамда харажатларни сегментлар ўртасида тақсимлаш усулини белгилаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” (янги таҳрири). Тошкент ш., 2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон;
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 25.02.2021 йилдаги ЎРҚ-677-сон;
3. 2015 йил 24 апрелда ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”. 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон
5. БҲХС 8 “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”. 2012 йил 1 январь.
6. Рахимов М. “Бозор иқтисодиёти шароитида дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш”.: Автореф. дис.... канд. экон. наук -Т.: 1999.
7. Учетная политика предприятия: Формирование, раскрытие / О.В. Рожнова, С.Н. Гришкина. -М.: Экзамен, 2001. -158, [1] с.: табл.; 21 см.; ISBN5-8212-0244-2;

DAVLAT XIZMATLARI SIFATINI BAHOLASHNING USLUBIY JIHATLARI

Hasanov Habibullo Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tayanch doktoranti E-mail: khabibullieco@gmail.com, Tel: +99899 779 48 66

Annotatsiya: Tadqiqotda davlat xizmatlari sifatini baholashning metodologik jihatlari, xususan, davlat xizmatlari sifatinining tadbirkorlik va iqtisodiyot rivojlanishiga ta’siri o‘rganiladi. Shuningdek, davlat xizmatlari sifatini baholashning turli metodologiyalari, jumladan, xizmatlar sifati modellari, hukumat samaradorligini o‘lchash, davlat xizmatlari sifatining iqtisodiy rivojlanishga ta’siri va texnologik innovatsiyalar muhokama qilinadi. Tadqiqot to‘rtta asosiy ko‘rsatkichdan foydalangan holda davlat xizmatlari sifatini baholashning kompleks yondashuvini taklif qiladi va qulay ishbilarmonlik muhitini rivojlantirish uchun davlat xizmatlarining shaffofligi va samaradorligi muhimligini ta'kidlaydi. U mavjud adabiyotlardan kelib chiqib,

siyosatchilar, manfaatdor tomonlar va davlat xizmatlari sifatini oshirishga intilayotgan tadbirkorlar uchun qimmatli fikrlarni taqdim etadi.

Kalit so‘zlar: Davlat xizmatlari sifati, davlat xizmatlarini baholash, tadbirkorlik, ishbilarmonlik muhiti, uslubiy jihatlar

Davlat xizmatlari sifatini aniqlashning mustahkam va samarali metodologiyasini ishlab chiqish samarali boshqaruv, mas’uliyat va fuqarolar farovonligini ta’minlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Davlat xizmatlari fuqarolar hayotida hal qiluvchi rol o‘ynaydi, ularning kundalik turmush tarzi, turmush sifati va hukumatdan umumiy qoniqishiga bevosita ta’sir qiladi. Shu sababli, yaxshi tuzilgan metodologiya xizmatlar ko‘rsatish standartlarini baholash, takomillashtirish va qo‘llab-quvvatlash, shaffof va samarali davlat sektorini rivojlantirish uchun muhim vosita bo‘lib xizmat qiladi.

O‘zaro bog‘langan va tez o‘zgarib borayotgan bugungi dunyoda davlat xizmatlari sifati jamiyatlar va iqtisodiyotlarni shakllantirishda hal qiluvchi rol o‘ynaydi. Davlat xizmatlari sifatini aniqlashning yaxshi tuzilgan metodologiyasini ishlab chiqish nafaqat samarali boshqaruv uchun muhim, balki ihbilarmonlik muhitini sezilarli darajada yaxshilash salohiyatiga ega. Sifatli davlat xizmatlari va qulay biznes muhiti o‘rtasidagi to‘g‘ridan-to‘g‘ri munosabatlar barqaror iqtisodiy o‘sish, innovatsiyalar va ijtimoiy farovonlik uchun asos yaratadi.

Zamonaviy global biznes landshaftida davlat xizmatlarining sifati umumiy iqtisodiy va ijtimoiy muhitni shakllantirishda hal qiluvchi rol o‘ynaydi. Davlat tuzilmalari tomonidan taqdim etilayotgan davlat xizmatlari tadbirkorlik faoliyatiga bevosita ta'sir ko‘rsatadi. Bu infratuzilma, me'yoriy-huquqiy baza yoki ma'muriy jarayonlar bo‘ladimi, ushbu xizmatlarning sifati tadbirkorlik operatsiyalari, investitsiya qarorlari va raqobatbardoshligiga sezilarli ta'sir ko‘rsatishi mumkin. Shu sababli davlat xizmatlari sifatini aniqlashning mustahkam metodologiyasini ishlab chiqish barqarorlik, o‘sish va muvaffaqiyatga intilayotgan tadbirkorlik subyektlari uchun katta ahamiyatga ega.

Davlat xizmatlari sifatini baholash bo‘yicha tadqiqotlar davlat boshqaruvi, iqtisod, sotsiologiya va menejment kabi turli fanlarni o‘z ichiga olgan keng va xilma-xil sohadir. Olim va tadqiqotchilar davlat xizmatlari sifatini baholash metodologiyalari, asoslari va ko‘rsatkichlarini ishlab chiqish bo‘yicha keng ko‘lamli tadqiqotlar olib bordilar. Ushbu sohadagi tadqiqotning asosiy yo‘nalishlari quyidagilar:

Xizmat sifati modellari va asoslari. Tadqiqotchilar [1,2] davlat xizmatlari sifatini baholash uchun turli modellar va asoslarni taklif qilishdi. Ko‘zga ko‘ringan modellardan biri SERVQUAL modeli bo‘lib, u xususiy sektor xizmatlari kontekstida paydo bo‘lgan, lekin davlat xizmatlarini baholash uchun moslashtirilgan. Ushbu model xizmat sifatining beshta o‘lchovini ta'kidlaydi: aniqlik, ishonchlilik, sezgirlik, ishonch va hamdardlik. Tadqiqotchilar ushbu

modelni davlat xizmatlarining o‘ziga xos xususiyatlariga mos ravishda kengaytirdilar va moslashtirdilar.

*Hukumat samaradorligini o‘lchash***.** Hukumatlarning o‘zlari ko‘pincha davlat xizmatlarini ko‘rsatishda o‘z faoliyatini baholashda ishtirok etadilar. Bu xizmat sifati bilan bog‘liq turli ko‘rsatkichlarni kuzatib boruvchi samaradorlikni o‘lchash tizimlarini yaratishni o‘z ichiga oladi. Tadqiqotchilar [3,4,5] ushbu tizimlarni ularning samaradorligi, aniqligi va fuqarolar va biznesning ehtiyojlari va umidlariga mos kelishini baholash uchun tahlil qiladilar.

*Iqtisodiy rivojlanishga ta'siri***.** Ba'zi tadqiqotlar [6] davlat xizmatlari sifati va iqtisodiy rivojlanish o‘rtasidagi bog‘liqlikni o‘rganadi. Olimlar samarali infratuzilma, ishonchli transport tarmoqlari va samarali tartibga solish tizimlari biznes o‘sishiga, xorijiy investitsiyalar va umumiy iqtisodiy farovonlikka qanday hissa qo‘shishini o‘rganmoqda.

Texnologik innovatsiyalar va raqamli xizmatlar. Raqamli texnologiyalarning yuksalishi bilan tadqiqotchilar [7] onlayn portallar va elektron hukumat platformalari kabi raqamli davlat xizmatlari sifatini qanday baholash mumkinligini ham o‘rganishdi. Bunga foydalanuvchi interfeysi dizayni, kirish qulayligi, xavfsizlik va ma’lumotlar maxfiyligi kabi jihatlar kiradi.

Umuman olganda, davlat xizmatlari sifatini baholash bo‘yicha tadqiqotlar dinamik va rivojlanib bormoqda, bunda xizmatlardan foydalanuvchilar va manfaatdor tomonlarning ehtiyojlari va umidlarini tushunishga katta e'tibor beriladi. Ushbu tadqiqot siyosatchilar, davlat idoralari va korxonalar uchun xizmatlar ko‘rsatishni yaxshilash, iqtisodiy o‘sishni rag‘batlantirish va jamiyatga ijobiy ta'sir ko‘rsatish uchun juda muhimdir.

Bizning tadqiqotimiz tadbirkorlar uchun davlat xizmatlari sifatini har tomonlama baholashni o‘z ichiga oladi. Biz ushbu xizmatlarning samaradorligini baholash uchun 4 alohida ko‘rsatkichdan foydalangan holda kompleks yondashuvni qabul qildik. Har bir ko‘rsatkich hal qiluvchi ko‘rsatkich bo‘lib xizmat qiladi, bu bizga tadbirkorlik sub'ektlariga ko‘rsatilayotgan davat xizmatlarning umumiy sifatini tushunishimizga hissa qo‘shadi.

1. Davlat xizmatlarini ko‘rsatishda qonun hujjatlariga rioya qilinishi:

$$1 - \frac{N_{bx}}{N_{jx}} \quad (1)$$

N_{bx} - tadbirkorlik subyektlariga qonunchilikda belgilangan tartib buzilgan holda ko‘rsatilgan davlat xizmatlari soni;

N_{jx} - tegishli hududda tadbirkorlik subyektlariga ko‘rsatilgan jami davlat xizmatlari soni.

2. Tadbirkorlik faoliyatini tekshirish va taftish qilishda qonun hujjatlariga rioya qilish:

$$1 - \frac{N_{knt} + N_{ont}}{N_{jt}} \quad (2)$$

N_{knt} - Tegishli hududda Ma'muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksning 241^2-moddasi[26]ga asosan javobgarlikka tortilgan mansabdor shaxslar soni;

N_{ont} - Tegishli hududda Biznes-ombudsman tomonidan aniqlangan noqonuniy tekshirishlar soni;

N_{jt} - Yarim yil davomida tegishli hududda tadbirkorlik sub'ektlari faoliyatida o‘tkazilgan jami qonuniy tekshirishlar soni.

“*Davlat xizmatlarini ko‘rsatishda qonun hujjatlariga rioya qilinishi*” va **“***Tadbirkorlik faoliyatini tekshirish va taftish qilishda qonun hujjatlariga rioya qilish*” ko‘rsatkichlari davlat xizmatlarining belgilangan qonunchilik bazasiga qanchalik mos kelishi va tadbirkorlik faoliyati tegishli me'yoriy hujjatlarga muvofiq tekshirilayotganligini baholaydi. Bu tadbirkorlarning adolatli va shaffof tartibga solish muhitida ishlashini ta'minlaydi.

3. Ma’muriy qarorlarning haqiqiy emas deb topilishi darajasi:

$$1 - \frac{N_{nq}}{N_{jq}} \quad (3)$$

N_{nq} - Ma’muriy sudlar tomonidan haqiqiy emas deb topilgan mahalliy hokimlik qarorlarining soni;

N_{jq} - Mahalliy hokimlik tomonidan qabul qilingan jami qarorlar soni.

Ma’muriy qarorlarning haqiqiy emas deb topilishi darajasi - ma’muriy organ tomonidan qabul qilingan va sud tomonidan haqiqiy emas deb topilgan ma’muriy qarorlar foizini o‘lchaydigan ko‘rsatkichdir. U qonun hujjatlariga muvofiq bo‘lmagan yoki qaysidir ma’noda qonuniy nuqsonlari borligi aniqlangan qarorlar nisbatini aks ettiradi. Ushbu ko‘rsatkich ma'muriy organning qarorlar qabul qilish jarayonining qonuniy muvofiqligi va samaradorligini baholashga yordam beradi.

4. Davlat xizmatlardan onlayn (masofadan) foydalanish darajasi

$$\frac{N_{of}}{N_{jf}} \quad (4)$$

N_{of} - Tadbirkorlik subyektlari tomonidan onlayn (masofadan) foydalanilgan davlat xizmatlari soni;

N_{jf} - Tadbirkorlik subyektlari tomonidan jami foydalanilgan davlat xizmatlari soni.

Davlat xizmatlaridan onlayn (masofadan) foydalanish darajasi - texnologik integratsiyaning barometri bo‘lib xizmat qiladi. Bu ko‘rsatkich tadbirkorlarning davlat xizmatlaridan masofadan turib foydalanishi, ma’muriy jarayonlarni soddalashtirish va byurokratik to‘siqlarni minimallashtirish qulayligini aks ettiradi.

[26] Tadbirkorlik sub’ektlarining faoliyatini tekshirish va moliya-xo’jalik faoliyatini taftish qilish tartibini buzish

Ushbu to‘rt ko‘rsatkichning o‘rtacha qiymatlarini hisoblab, biz tadbirkorlarga ko‘rsatilayotgan davlat xizmatlari sifatini qamrab oluvchi baholash metodikasini ishlab chiqamiz. Ushbu yaxlit yondashuv davlat xizmatlarining nafaqat kuchli tomonlarini ta'kidlabgina qolmay, balki ularni yaxshilashni talab qiladigan sohalarni ham aniqlaydi. Bizning tadqiqotimiz siyosatchilar, manfaatdor tomonlar va tadbirkorlar uchun qimmatli tushunchalarni taqdim etish, biznesni rivojlantirish, innovatsiyalar va iqtisodiy taraqqiyot uchun qulay muhitni yaratishga qaratilganligi bilan dolzarb deb hisoblaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Alabdallat, Wesam. (2014). Evaluation of E-Government Services Quality: A Business Perspective. 10.13140/RG.2.2.17897.72807.
2. Brysland, A., & Curry, A. (2001). Service improvements in public services using SERVQUAL. Managing Service Quality: An International Journal, 11(6), 389-401.
3. Shuhrat Kuvandikov, & Khabibullo Khasanov. (2022). The Impact of Government Performance Indicators on the Business Environment: The Case of Uzbekistan. Modern Journal of Social Sciences and Humanities, 9, 98–103.
4. Al Athmay, A. A. A., & Fantazy, K. (2022). Performance measurement in the public sector: United Arab Emirates’(UAE) state of the art. J. Acad. Bus. Emerg. Mark, 2, 49-60.
5. Putri, L. E., & Aswar, K. (2020). Performance measurement of local government in Indonesia: A conceptual study. Information Management and Business Review, 12(1 (I)), 41-44.
6. Fisher, R. C. (1997). The effects of state and local public services on economic development. New England Economic Review, 53-66.

Mensah, I. K. (2019). Impact of government capacity and E-government performance on the adoption of E-Government services. International Journal of Public Administration.

O’ZBEKISTONDA TURIZMNI RIVOJLANISHI VA UNI MEMONXONALAR RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISHGA TA’SIRI

Ulugmurodov F.F. – SamISI “Raqamli iqtisodiyot” kafedrasi assistent stajyori

Sherqulov D.J. – SamISI “Raqamli iqtisodiyot” kafedrasi, bitiruvchi magistranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada O’zbekistonda turizmni rivojlanishi va uni memonxonalar raqobatbardoshligini oshirishga ta’siri hamda turizm sohasi va mehmonxonalari salohiyati o’rganildi. Shuningdek, ularda mavjud muammolar haqida so’z yuritildi.

Kalit so'zlar: turizm, strategik sektor, agro tur, xorijiy mijoz, raqamli xizmatlar, turist, mexmonxona, tarixiy obida.

Аннотация: В этой статье было рассмотрено развитие туризма в Узбекистане и его влияние на повышение конкурентоспособности гостиниц, а также потенциал индустрии туризма и гостиниц. Они также упомянули существующие проблемы.

Ключевые слова: туризм, стратегический сектор, агротуризм, зарубежный клиент, цифровые услуги, турист, гостиница, исторический памятник.

O'zbekistonda mustaqillik yillarida amalga oshirilgan keng ko'lamli islohotlar milliy davlatchilik va suverenitetni mustahkamlash, xavfsizlik va huquq-tartibot, davlatimiz chegaralari daxlsizligi, jamiyatda qonun ustuvorligini, inson huquq va erkinliklari, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik muhitini ta'minlash uchun muhim poydevor bo'ldi. Xalqimizning munosib hayot kechirishi, fuqarolarimizning bunyodkorlik salohiyatini ro'yobga chiqarish uchun zarur shart-sharoitlar yaratdi. Ulardan samarali foydalanish va jahon iqtisodiyotining shiddat bilan o'sishi hamda integratsiyasining hozirgi holati mamlakatimizda iqtisodiy islohotlarning yangi bosqichga ko'tarilishi zaruriyatini qo'ymoqda. Hozirgi kunda, xususan, o'tib borayotgan oxirgi uch yil davomida iqtisodiyotimizning barcha sohalarida keskin o'zgarishlar amalga oshirilib, ochiq siyosat asosida jahon iqtisodiyotiga integratsiya jadal sur'atlar bilan o'sib bormoqda. Jumladan, turizm sohasiga berilayotgan e'tibor jahon hamjamiyatining ham diqqat e'tiborida. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan turizm sohasini iqtisodiyotning asosiy tarmog'i sifatida rivojlantirish va sohani mamlakatning lokomotiv tarmoqlaridan biriga aylantirish vazifasi qo'yilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli Farmonida ham turizm sohasini rivojlantirishga alohida urg'u berilganligini ta'kidlash mumkin.

Turizm sohasini rivojlantirish maqsadida hukumat tomonidan, jumladan, shaxsan Prezident tomonidan bosqichma-bosqich kompleks qarorlar, farmonlar va davlat dasturlari qabul qilinmoqda. Jumladan, 2018 yilning o'zida 4 ta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti farmoni, 6 ta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori, 1 ta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti farmoyishi, 15 ta O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 2 ta O'zbekiston Respublikasi farmoyishi va 1 ta Davlat organlarining qo'shma qarori hamda 4 ta davlat dasturi qabul qilindi. 2016 yildan boshlab yangi saylangan Prezidentning ilk qarori turizm sohasini rivojlantirishga qaratilgan bo'lsa, 2019 yilgacha 14 ta Prezident qarori va 9 ta Prezident farmoni qabul qilindi.

So'nggi yillarda turizm sohasini rivojlantirish, turistlarga etarli sharoitlar yaratish, turizm infratuzilmasini shakllantirish hamda turistlarning xavfsizligini ta'minlash borasida belgilangan chora- tadbirlar huquqiy xujjatlar bilan

mustahkamlanib bormoqda. Islohotlar natijasida 2021 yilga kelib, turistlarning harakatchanligi mahalliy turistlar hisobiga ham, xorijiy turistlar hisobga ham 2020-yilga nisbatdan keskin o’sishi kuzatilmoqda (1-rasm).

1-rasm.



1-rasm. O’zbekiston Respublikasiga tashrif buyurgan turistlar soni[27]

O’zbekiston hukumatining turizm sohasini rivojlantirish borasidagi islohotlari natijasida pandemiyadan davrida 2021 yilda mahalliy turistlarning soni 7 milliondan, xorijiy turistlarning mamlakatimizga tashrifi esa 1,8 milliondan ortgani turizm sohasida keskin o’zgarishlar bo’ldi.

O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 5 yanvardagi qarori bilan 2019 yilning 1 fevralidan qo’shimcha 45 davlat bo’yicha vizasiz rejim joriy qilindi va 15 martdan elektron viza taqdim etiladigan mamlakatlar sonini 76 ta davlatga etkazildi. Bu esa yurtimizga kiruvchi sayyohlarning keskin ortishini ta’minlab berdi.

2020 yilda yurtimizga kelgan xorijiy turistlar tarkibini raqamlarda ko’radigan bo’lsak, jami MDX davlatlaridan kelgan 5,02 million turistlarning 45,6 foizi Qozog’iston, 21,2 foizi Qirg’iziston va 22,9 foizi Tojikiston hissasiga to’g’ri keladi. Bu esa qo’shni davlatlar fuqarolarining kirishi uchun yaratilgan qulay sharoitdan dalolat beradi.

Mamlakatimizga keladigan uzoq xorijiy turistlarning holatini tahlil qiladigan bo’lsak, yil boshidan berilgan viza tizimidagi o’zgarishlar o’zining ta’sirini ko’rsatib, uzoq xorijiy turistlarning soni ham ortgan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. «O’zbekiston Respublikasi turizmni rivojlantirish davlat qo’mitasi faoliyatini tashkil etish to’g’risida» O’zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori.2016 yil 2 dekabr, PQ-2666-son.

[27] Muallif tomonidan O"zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo"mitasi ma"lumotlari asosida hisoblangan.

2. “Turizm tarmog’ini jadal rivojlantirishga oid chora-tadbirlar to’g’risida” O’zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori. 2019-yil 5-yanvar. PQ-4095 son
3. O’zbekiston Respublikasi Turizmni Rivojlantirish Davlat Qo’mitasi statistika ma’lumotlari
4. www.uzbektourism.uz – O’zbekiston Respublikasi Turizmni Rivojlantirish Davlat Qo’mitasi rasmiy sayti
5. Ulugmurodov Farkhod Faxriddinovich, Maxmudov Javoxir Olimjonovich, Najmiddinov Shohruh Baxriddinovich, & Egamkulov Davlatbek Bakhodirovich. (2023). WAYS TO ACHIEVE HIGH EFFICIENCY WITH THE HELP OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN THE AGRO-INDUSTRIAL COMPLEX. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, *11*(4), 979–980.
6. Ulugmurodov Farkhod Faxriddinovich. (2023). MECHANISMS FOR FURTHER IMPROVEMENT OF THE EDUCATION SYSTEM IN THE DIGITAL ECONOMY. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, *11*(5), 722–724.
7. Ulugmurodov Farkhod Faxriddinovich, & Sharipov Boymurod Xatam o‘g‘li. (2023). MECHANISMS FOR IMPROVING THE EFFECTIVENESS OF EDUCATIONAL SERVICES IN THE DIGITAL ECONOMY. *Neo Scientific Peer Reviewed Journal*, *10*, 76–78.

QISHLOQ JOYLARIDA XIZMAT KO‘RSATISH SOHASINI RIVOJLANTIRISH VA AHOLI BANLIGINI TA’MINLASH ISTIQBOLLARI

Usmonov Murodbek Dusmurot o‘g‘li,
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
“Raqamli iqtisodiyot” kafedrasi o’qituvchisi
Egamkulov Davlatbek Bahodir o‘g‘li
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
Iqtisodiyot fakulteti IK-420 guruhi talabasi

Annotatsiya: Bu maqola qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasining rivojlanishini va bu sohadagi potentsialni oshirishning muhimligini ko'rsatadi. Unda aholi banligini ta’minlashning qanday boshqa sohalardagi ustuvorligi va xususiyatlari haqida gaplashiladi. Maqolada qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasining o'ziga xos tizimi va tashqi vaqtning o'rtacha changlanishlari ko'rsatiladi.

Maqola o'rtacha xalqaro moliya tashkilotlari, dastlabki investorlar, va qishloq iqtisodiyotiga qiziqish ko'rsatuvchi shaxslar uchun qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasidagi investitsiya va rivojlanish imkoniyatlarini ta'qib qilishni o'rganish uchun foydalanishi mumkin. Maqola ayni paytda qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish va aholi banligini oshirishning

boshqa sohalardagi ta'lim va ilmiy tadqiqotlarga qanday o'tishiga dair maslahatlar beradi.

Kalitli so‘zlar: Xizmat ko'rsatish, aholi banligi, mahalliy rivojlanish strategiyasi, qishloq iqtisodiyoti, tarif rejalarini yengillash, xizmat ko'rsatuvchilar uchun ta'lim va rivojlantirish, aholi qoniqishini oshirish.

Abstract: This article shows the development of the service sector in rural areas and the importance of increasing the potential in this area. It will talk about what other areas of priority and features of ensuring the banality of the population. The article will show the specific system of the service sector in rural areas and the average pollination of External time. The article can be used by moderate international finance organizations, early investors, and individuals interested in the rural economy to explore harassing investment and development opportunities in the rural service sector. The article at the same time provides advice on how the development of the service sector in rural areas and the increase of the banality of the population go to educational and scientific research in other areas.

Key words: Services, employment, local development strategy, agriculture, tariff mitigation, education and development of service providers, increasing public satisfaction.

Kirish. Qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasi joriyda katta o'zgarishlar yuz beradi. Bu o'zgarishlar o'rtacha odamning hayoti va iqtisodiy xavf-xatarlarini ta'sir qiladi. Qishloq joylarida xizmat ko'rsatishning rivojlanishi va aholi banligini ta’minlash istiqbollari muhimdir.

Bu maqola qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasini o'rganish va uning istiqbollari haqida mohiyatli tahlil qiladi. Qishloq iqtisodiyoti va aholi tuzilishi xususiyatlari, xizmatlarni o'zlashtirish va olib kelish usullari, tarif rejalarining yangilashini va xizmat ko'rsatish sohasidagi rivojlanishni o'rganish muhim muddatlardan biri bo'ladi.

Maqola qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasida investitsiya qilish, ta'lim va yangi xizmatlar yaratish, va o'zlashtirish jarayonini mustahkamlashning qanday yo'llarini ko'rsatadi. Shuningdek, aholi banligini oshirishning eng muhim vositalari va maslahatlari maqolada keltiriladi.

Asosiy qism. Maqolamiz mavzusi bo’yicha tadqiqotimiz davomida quyidagi muommolarni aniqladik va o’z yechimimizni taklif etdik.

- Aholi Talablarini Tushuntirish: Qishloq joylarining mahalliy aholisi o'zaro farqli talablarga ega bo'lishi mumkin. Xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish uchun aholining talablari va istaklarini tushuntish va o'rganish kerak. Bu, o'zlashtirish jarayonini amalga oshirish va xizmatlarni taqdim etishda aholi ko'rsatkichlarini oshirishga yordam beradi.
- Investitsiyalar Olish: Qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish uchun moliyaviy resurslarga ega bo'lish zarur. Bu resurslarni jalb etish uchun ilmiy, iqtisodiy va ijtimoiy ko'rishlar bilan investitsiyalarni jalb etish

lozim. Dastlabki investorlar, iqtisodiy tashkilotlar, yirik kompaniyalar, yoki xalqaro donorlar bilan hamkorlik qilish istiqbolini rivojlantirishda muhimdir.

- Ta'lim va Tadqiqot: Qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish uchun aholining bilim va ko'nikmalarini oshirish va yangi xizmatlar va texnologiyalarni o'rganish kerak. Bu maqsadga maqbul ta'lim dasturlari, tadqiqotlar va o'qituvchilar tayyorlash bo'yicha resurslar taqdim etishni talab qiladi.
- Infrastrukturani Rivojlantirish: Xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish uchun kerakli infrastruktura yaratish zarur. Bu transport, kommunikatsiya, axborot texnologiyalari va boshqa tuzilmalar o'rtasida aloqalar umumiydarligini oshirishni o'z ichiga oladi. Infrastrukturani rivojlantirish, xizmatlarni sifatini yaxshilash va taqdim etishni yengillashni o'z ichiga oladi.
- Mahalliy Hamkorlik: Qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish va aholi banligini oshirish uchun mahalliy jamoat tashkilotlarining va mahalliy iqtisodiyotni ko'rsatishlari muhimdir. Mahalliy hamkorlik, xizmat ko'rsatish sohasida yangi imkoniyatlarni yaratishda va aholi bilan ochiq muloqotda bo'lishda yordam beradi.
- O'zlashtirish va Yuritish: Xizmat ko'rsatish sohasini o'rganish va rivojlantirishda o'zlashtirish va yuritishning muhim roli bor. Bu, xizmatlarni o'zgartirish, xususiyatlarni yanada yaxshilash va sodda yechimlarni o'rganishni o'z ichiga oladi.

Maqolada bu muommo va yechimlar ko'rsatilishi, qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish va aholi banligini oshirish uchun qanday harakatlar qilish kerakligini tushuntiradi. Bu qadam-qadamda rivojlanishning qanday amalga oshirilishi va aholi talablarini qondirishga yordam beradi.

Xulosa va takliflar.

Bu maqola qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasining rivojlanishini va aholi banligini oshirishning muhimligini ta’qib qiladi. Maqola aholi banligini oshirish uchun qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasini o'rganishni o'z ichiga oladi va rivojlantirish istiqbollari haqida tahlil qiladi. Bu istiqbollarni tushunish va amalga oshirish uchun quyidagi takliflar keltirilgan:

1. Aholi Bilim va Ko'nikmalarini Oshirish: Qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish uchun aholi o'zlarining bilim va ko'nikmalarini oshirishni maqsad qilish kerak. Mahalliy ta'lim tizimlari va dasturlari yaxshi loyihalash va taqdim etilishi kerak.

2. Investitsiyalarni Jalb Etish: Qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish uchun moliyaviy resurslarni jalb etish zarurdir. Dastlabki investorlar va tashkilotlar bilan hamkorlik qilish va investitsiyalarni jalb etishning qo'llaniladigan usullari ko'rib chiqilishi kerak.

3. Tarif Rejalarini Yanada Yaxshilash: Xizmat ko'rsatish sohasidagi tarif rejalarini yanada yaxshilash va texnologik rivojlanishni oshirish kerak. Bu, xizmatlar bilan aholi o'rtasidagi munosabatlarni yaxshilash va yangi foydalanuvchilarni jalb qilishga yordam beradi.

4. Infrastrukturani Rivojlantirish: Qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish uchun kerakli infrastrukturaning yaxshilanishi muhimdir. Transport, axborot texnologiyalari, va kommunikatsiya sohasidagi yangi imkoniyatlar yaratish va xizmat ko'rsatish sohasini yanada rivojlantirishga o'z ta'siri bor.

5. Mahalliy Hamkorlik: Mahalliy jamoat tashkilotlari, bizneslar, va hokimiyatlar qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirishda hamkorlik qilishlari kerak. Mahalliy hamkorlik xizmat ko'rsatish sohasida yangi imkoniyatlarni yaratish va o'zlashtirishni oshirishga yordam beradi.

Takliflar:

Xizmat Ko'rsatish Sohasini O'rganish va Analiz Qilish: Qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasini o'rganib, aholi talablari va ko'nikmalarini tahlil qilish maqsadga muvofiqdir. Bu tahlilat natijasida, qaysi xizmatlar va texnologiyalarning qo'llanilishi kerakligi aniqlanadi.

Investitsiyalar va Hamkorliklarni Izlash: Xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish uchun moliyaviy resurslarni jalb etish uchun dastlabki investorlar, bizneslar va tashkilotlar bilan maslahatlashish kerak. Yirik kompaniyalar va moliyaviy tashkilotlar bilan investitsiya uchrashuvlarini o'rganish foydali bo'ladi.

Ta'lim va Tadqiqotlarni Oshirish: Qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish uchun aholining bilim va ko'nikmalarini oshirishning muhim roli bor. Bu maqsadla mahalliy ta'lim dasturlari, tadqiqotlar va o'qituvchilar tayyorlash bo'yicha loyihalar olib borish foydali bo'ladi.

Infrastruktura Va Texnologiyalarni Yangilash: Qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish uchun kerakli infrastruktura va texnologiyalarni yangilash muhimdir. Shuningdek, axborot texnologiyalari va onlayn platformalar qishloq joylarida xizmatlarni taqdim etish va xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish uchun qo'llanilishi kerak.

Xizmatlarni Mustahkamlash va Yangi Xizmatlar Yaratish: Xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish uchun mavjud xizmatlarni yaxshilash va yangi xizmatlar yaratish zarurdir. Aholi talablari va sohasidagi yangi imkoniyatlar asosida xizmatlarni mustahkamlash va yangilash foydali bo'ladi.

Ushbu takliflar va xulosa, qishloq joylarida xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish va aholi banligini oshirish uchun amalga oshirilishi mumkin bo'lgan qadam-qadamlar. Bu maqola aholi va iqtisodiy rivojlanishga ta'sir qilish uchun tajribali strategiyalarni o'rganish va amalga oshirish

Foydalanilgan adabiyotalar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni “O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020 — 2030-yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” PF-5853 23.10.2019 yil.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti farmoni “2022 — 2026 yillarga mo‘ljallangan YAngi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” PF-60 28.01.2022.

3. M.M. Muxammedov, S.A. Isxakova, B.B. Mardonov, Yu.P. Urunbaeva, Z.M. Muxammedova, Y.M. Xalikov Agrar islohotlar va aholi bandligi. Monografiya / Toshkent “Iqtisodiyot” nashriyoti, 2015, - 240 b.

4. M.M.Muxammedov., YU.P.Urunbaeva. Kichik tadbirkorlik va qishloq aholisi bandligi. Monografiya. - Samarqand: “Zarafshon” 2014. - 132 bet.

5. Baumol, William J. va William G. Bowen. "Performing Arts: The Economic Dilemma." New York: Twentieth Century Fund, 1966.

6. Dutz, Mark A., et al. "Light Manufacturing in Africa: Targeted Policies to Enhance Private Investment and Create Jobs." World Bank Publications, 2012.

7. Fan, Shenggen, and Ravi Kanbur. "Rural–urban transition in China: Policy options for structural change." The Chinese Economy 45.1 (2012): 109-135.

8. Porter, Michael E. "The Competitive Advantage of Nations." Harvard Business Review, 1990.

9. World Bank. "World Development Report 2008: Agriculture for Development." World Bank Publications, 2007.

10. World Bank. "World Development Report 2016: Digital Dividends." World Bank Publications, 2016.

11. Zhang, Xiaobo, et al. "Structural transformation in China, 1978–2012." The China Quarterly 221 (2015): 101-132.

ҲУДУДЛАРНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Алимардонова Зебунисо Мамаражабовна – “Ипак йўли” халқаро туризм ва маданий мерос университети мустақил изланувчиси
osiyo-niso@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада келтирилган маълумотлар илмий тадқиқотлар, инновацион жараёнларни бошқариш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, илмий-техник таълим тизимини модернизациялашнинг имкониятларини очиш, хориж технологиясини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, рақобатбардошлик йўналишларини аниқлаш ва ўрганишга ёрдам беради.

Калит сўзлар: стратегия, инновация, хавфсиз туризм, инфраструктура, илмий-техник, йирик хусусий саноат корпорациялари, давлат корхоналари.

Аннотация: Основываясь на опыте развитых стран в управлении научными исследованиями и инновационными процессами, информация, представленная в данной статье, поможет открыть возможности модернизации системы научно-технического образования, внедрения

зарубежных технологий в производство, выявить и изучить направления конкурентоспособности.

Ключевые слова: стратегия, инновации, безопасный туризм, инфраструктура, научно-техническая деятельность, крупные частные промышленные корпорации, государственные предприятия.

Abstract: Based on the experience of developed countries in the management of scientific research and innovation processes, the information presented in this article will help to open the possibilities of modernization of the scientific and technical education system, introduce foreign technology into production, and identify and study the directions of competitiveness.

Keywords: strategy, innovation, safe tourism, infrastructure, scientific and technical, large private industrial corporations, state enterprises.

Мамлакатимизда инновацион сайёҳлик лойиҳаларини яратиш, амалга ошириш ғояси, катта даромад олишни бошламасдан ҳам, сайёҳликнинг ривожланишига туртки бериши ва шу билан бирга аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш, даромадлар ўсишига фаол ҳисса қўшиши мумкин. Инновация доираси кенг қамровли бўлиб, у нафақат илмий-техник ишланмалар ва ихтироларни амалда қўлланишини қамраб қолмай, балки маҳсулот, жараёнлар, маркетинг ва ташкилий ўзгаришларни ўз ичига олади. Илмий-техникавий инқилоб жамиятнинг барча бўғинларига, шу сингари оммавий сайёҳликни шакллантиришга таъсир кўрсатиб, унинг моддий-техникавий асосига айланади.

Туризм фаолияти нафақат сайёҳлик хизматларини тақдим этиш, балки давлат ва иқтисодиётнинг кўплаб соҳалари учун даромад манбаи ҳисобланади. Бугунги кунда туризм ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг катализатори вазифасини бажарадиган транспорт, меҳмонхона ва ресторан хизматлари, савдо, қурилиш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш каби кўплаб муҳим тармоқларга катта таъсир кўрсатмоқда. Туризм - давлат ва ҳудудий даражаларда иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий ўзаро таъсирини тартибга солишнинг тизимли ёндашувини талаб қиладиган мураккаб тармоқлараро комплексга айланди.

Бунда давлатнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши зарур яъни, ҳудудларда туризм сиёсатининг стратегиясини белгилаш ва ривожлантириш, уларни амалга ошириш дастурлари, фаолият натижаларини таҳлил ва тадқиқ қилиш механизми, шунингдек, дунё мамлакатлари учун очиқ бўлиш, хавфсиз туризмни таъминлаш, туризм учун қулай шарт-шароитлар яратиш, зарур инфраструктура, дўстона муҳит яратиш учун турли компаниялар, ташкилотлар ва жамиятларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда инновация ва ҳамкорликни рағбатлантириш орқали туризм ва маркетингни қўллаб-қувватлаш, мамлакатнинг туристик жозибадорлигини яратишдир.

Инновацияларни жорий қилиш ва янги хизмат турларини ишлаб чиқиш турли хил иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг биргаликдаги саъйи-ҳаракатларини талаб қилганлиги сабабли, давлат томонидан қўллаб-қувватланмай туриб, инновацияларни жорий қилиш ва ривожлантириш мумкин эмас. Бунинг учун иккита схемадан фойдаланишни талаб қилади: ҳудудий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг махсус мақсадли дастурлари ва ажратмаларини амалга оширишда давлатнинг бевосита иштироки; туризм соҳасида ҳудудий мақсадли дастурларни амалга оширишда давлат, хусусий ва давлат-хусусий шерикчилиги тамойилларини жорий қилиш. Бу борада ҳудудий ва маҳаллий ҳокимиятлар ҳудудий туризм инфратузилмасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда биринчи навбатда мувофиқлаштириш кенгашини тузиши ва минтақадаги туристик ресурсларнинг салоҳиятини, унинг жозибадорлигини аниқлаши лозим. Шу сингари, ҳудудий ЯҲМни ошириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, илмий тадқиқот институтларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан ёндошиши керак. Дастурни амалга оширишда минтақадаги фаолият олиб бораётган хусусий ва давлат ташкилотлари имкониятларини ҳисобга олиш керак. Бундан ташқари ишлаб чиқиладиган дастурларнинг истеъмолчиларга йўналтирилганли ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Туризм инфраструктураси ривожланган мамлакатларда инновацияларни жорий қилишнинг замонавий давлат стратегиясига хос бўлган бир қатор умумий хусусиятларини кўриб ўтиш мумкин: илмий тадқиқотларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши; солиқ ва аммортизация сиёсатига мос ҳолда ривожланган контракт тизими ёрдамида бизнесга илмий тадқиқотлар учун таъсир ўтказиш; университетлар ва давлат илмий марказларида умуммиллий аҳамиятга эга илмий тадқиқотларни ўтказиш; таълим тизимини молиялаштириш ва такомиллаштириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш; илмий-техник маълумотларни тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва бошқалар. Францияда илмий-техник, инновацион тадқиқотларни олиб бориш ва ишлаб чиқишга жорий қилиш асосан уч йўналишда олиб борилади. Илмий тадқиқотларнинг биринчи асосий даражадаги ишлари илмий марказлар томонидан амалга оширилади. Мазкур марказлар асосан фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлайди. Шу сингари, ижтимоий ва иқтисодий фанлар бўйича тадқиқотларни молиялаш борасидаги миллий агентлик саналади. Францияда иккинчи йўналиш илмий-техника ва инновациялар устидаги тадқиқотларни ривожлантириш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг устунликларини прогноз қилиш ҳамда белгилаш бўйича ишлар йирик хусусий саноат корпорациялари ва давлат корхоналари томонидан амалга оширилади. Францияда бу борада бир қатор муаммолар мавжуд бўлишига қарамасдан йирик прогноз лойиҳаларини амалга ошириш бўйича катта тажрибага эга. Ҳусусан, атом ва молекуляр физикаси, қаттиқ

жисмлар физикаси ривожланиши бўйича прогнозлар амалга оширилган. Италияда илмий-техник, инновацион тадқиқотларни молиялаштиришда, техник имкониятларида муаммолари мавжуд тармоқларга оид корпорация ва кичик инновация фирмалари ўртасида мустаҳкам алоқани йўлга қўйган. Европанинг яна бир инновацияга алоҳида эътибор қаратган давлатлардан бири Данияда -Тармоқлар схемаси деб аталувчи механизм ишлайди. Бунда кичик инновация фирмалари тармоғига асос солинган бўлиб, улар томонидан ишлаб чиқилган инновацияларнинг асосий қисми Буюк Британия, Испания, Франция ва АҚШга экспорт қилинади.

Хулоса қилиб оладиган бўлсак, илмий тадқиқотлар, инновация жараёнларини бошқариш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кўриниб турибдики, илмий-техник таълим тизимини модернизациялашнинг имкониятларини очиш, хориж технологиясини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, рақобатбардошлик йўналишларини аниқлаш ва бошқа масалаларни ҳал этишга қаратилган. Европадаги баъзи бир давлатларда туристик бизнесни ривожлантиришда асосий йўналишлардан бири, бу инновацион технологик имкониятлардан тўғри фойдаланишидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон Фармони;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-135-сон қарори;

3. Dritsakis, N. (2004). “Tourism as a Long-run Economic Growth Factor: An Empirical Investigation for Greece Using Causality Analysis”, *Tourism Economics,* 10(3): 305-316;

4. Croes, R. (2011). *The Small Island Paradox, Tourism specialization as a potential solution, Lambert Academic Publishing;*

5. Glaser, B. y Strauss, A. (1967). The discovery of grounded theory: Strategies for qualitative research . London: Wiedenfeld and Nicholson.

ЗАДАЧА КОШИ ДЛЯ ЧЕТЫРЕХМЕРНОЙ СИСТЕМЫ КОШИ-РИМАНА

Маликов З., Муйдинова Ш.Н. СамГУ

В статье изучается задача продолжения решения линейных систем эллиптического типа первого порядка с постоянными коэффициентами в области G по ее известным значениям на гладкой части S границы ∂G.

Ключевые слова: Задача Коши, некорректные задачи, функция Карлемана, формулы продолжения.

THE CAUCHY PROBLEM FOR THE FOUR-DIMENSIONAL CAUCHY-RIEMANN SYSTEM

In this paper, we study the problem of continuation of the solution of linear systems of elliptic type of the first order with constant coefficients in the domain G according to its known values on the smooth part S of the boundary ∂G.
Key words: Cauchy problem, ill-posed problems, Carleman function, continuation formulas.

Пусть $x=(x_1,x_2,x_3,x_4)$ и $y=(y_1,y_2,y_3,y_4)$ точки четырёхмерного Евклидового пространства R^4, и $x^T=\left(x_1,x_2,x_3,x_4\right)^T$ - транспонированный вектор x.

Вводим следующие обозначения:

$$y'=(y_1,y_2,y_3),\quad x'=(x_1,x_2,x_3),\ r=\left|y-x\right|,$$

$$\alpha=\left|y'-x'\right|,\quad \alpha^2=s,\quad w=i\sqrt{u^2+\alpha^2}+y_4,\quad u\geq 0,$$

$$\frac{\partial}{\partial x}=\left(\frac{\partial}{\partial x_1},\frac{\partial}{\partial x_2},\frac{\partial}{\partial x_3},\frac{\partial}{\partial x_4}\right)^T,\frac{\partial}{\partial y}=\left(\frac{\partial}{\partial y_1},\frac{\partial}{\partial y_2},\frac{\partial}{\partial y_3},\frac{\partial}{\partial y_4}\right)^T,$$

$$U(x)=(U_1(x),U_2(x),...,U_n(x))^T,\ u^0=(1,1,...,1)\in R^n,\ n\geq 4.$$

Пусть G - ограниченная односвязная область в R^4 с границей $\partial G=S\cup Q$, состоящей из компактной связной части Q плоскости $y_4=0$ и гладкого куска поверхности Ляпунова S, лежащей в полупространстве $y_4>0$. Положим $\overline{G}=G\cup\partial G$.

Обозначим через $A_{l\times n}(x)$ класс матриц $D(x^T)$, элементами которых являются линейные формы с комплексными коэффициентами таких, что выполняется равенство $D^*\left(x^T\right)D\left(x^T\right)=E\left(\left(\left|x\right|^2+\lambda\right)u^0\right)$, здесь $D*(x^T)$ - сопряженная к $D(x^T)$ матрица, а $E(x)$ - диагональная матрица размерности $(n\times l)$, $n,l\geq 4$.

Рассмотрим задачу Коши

$$D\left(\frac{\partial}{\partial x}\right)U(x)=0\ ,\qquad x\in G\ ,\qquad (1)$$

$$U(x)\big|_S=f(x),\qquad (2)$$

относительно неизвестной функции $U(x)=\left(U_1(x),U_2(x),...,U_n(x)\right)^T$; $n\geq 4$, здесь, $f(x)$ - непрерывная функция, заданная на части S границы области G.

$$U(x)=\int_{\partial G}M(x,y)U(y)dS_y,\qquad (3)$$

где

$$M(x,y)=\left(E\left(\frac{1}{2r^2\omega_4}u^0\right)D*\left(\frac{\partial}{\partial y}\right)\right)D(t^T),$$

$t=(t_1,t_2,t_3,t_4)$ - единичная внешняя нормаль, проведенная в точке y границы ∂G, ω_4-площадь единичной сферы в R^4.

. Тогда интегральное представление (3) имеет вид

$$U(x)=\int_{\partial G} N_\sigma(x,y)U(y)dS_y, \quad x\in G, \qquad (7)$$

где

$$N_\sigma(x,y)=\left(E(\Phi_\sigma(x,y)u^0)D^*\left(\frac{\partial}{\partial y}\right)\right)D\left(t^T\right). \qquad (8)$$

Положим

$$U_\sigma(x)=\int_S N_\sigma(x,y)U(y)dS_y, \quad x\in G. \qquad (9)$$

Теорема 1. Пусть вектор-функция $U(x)$ класса $C^1(G)\cap C(\overline{G})$ является решением системы (1) и на части S границы ∂G удовлетворяет условие (2) а на части Q границы ∂G выполнено неравенство

$$|U(y)|\le M, \quad M>0, \quad y\in Q. \qquad (10)$$

Тогда для любого $x\in G$ и $\sigma>0$ справедливы оценки

$$|U(x)-U_\sigma(x)|\le \psi_4(\sigma,x_4)Me^{-\sigma x_4^2},$$

$$\left|\frac{\partial U(x)}{\partial x_i}-\frac{\partial U_\sigma(x)}{\partial x_i}\right|\le \omega_i(\sigma,x_4)Me^{-\sigma x_4^2}, i=1,2,3,4,$$

где $\psi_4(\sigma,x_4)$, $\omega_i(\sigma,x_4)$, $i=1,2,3,4$ функции зависящие от σ и x_4.

Следствие 1. При каждом $x\in G$ справедливо равенство

$$\lim_{\sigma\to\infty}U_\sigma(x)=U(x), \ \lim_{\sigma\to\infty}\frac{\partial U_\sigma(x)}{\partial x}=\frac{\partial U(x)}{\partial x}.$$

Библиографический список

1. Айзенберг Л.А. Формулы Карлемана в комплексном анализе. Новосибирск, «Наука»,1990. Ст. 247.

2. Тарханов Н.Н. Об интегральном представлении решений систем линейных дифференциальных уравнений первого порядка в частных производных и некоторых его приложениях. Некоторые вопросы многомерного комплексного анализа. Красноярск –1980. -С. 147- 160.

3. Ярмухамедов Ш. О задаче Коши для уравнения Лапласа // Дисс. докт. физ. –мат. наук, ВЦ СО АН СССР, Новосибирск, 1983.

V-SHO‘BA. RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BOSHQA TARMOQLAR VA SOHALARNI INNAVATSION ASOSDA RIVOJLANTIRISH MASALALARI

ТАДБИРКОРЛИКДА РИСКЛАР ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Бектемиров Абдумалик – СамИСИ “Инвестиция ва инновациялар” кафедраси мудири, и.ф.д., профессор

Аннотация: мазкур мақолада тадбиркорлик рискларининг моҳияти, уларнинг турлари ва рискларни баҳолашнинг назарий асослари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: тижорат рисклари, молиявий рисклар, соф рисклар, спекулятив рисклар, кредит риски, фойиз риски, валюта риски, молиявий фойдани оломаслик риски, дисперция, ўртача квадратик четланиш. Даромадлиликнинг ички меъёри.

Инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳаси, айниқса иқтисодиёт ва бизнес ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш билан боғлиқ. Бундай ноаниқликлар манбалари турлича бўлиши мумкин. Тадбиркорлик фаолиятида у ёки бу хўжалик операцияларини амалга оширишда йўқотиш хатари бўлади. Бундай йўқотишлар хавфи тижорат (тадбиркорлик) риски деб аталади.

Тижорат рисклари бу - бўладиган натижаларга ишончсизликни англатади. Тижорат рискларининг таркибий қисми бу молиявий рискдир. Молиявий риск бу қандайдир миқдордаги пул суммасини йўқотиш ёки ололмаслик хавфини англатади. Рисклар икки хил бўлади: соф ва спекулятив (чайқов риски). **Соф риск** зарар кўришни ёки ноллик натижага эришишни билдиради. **Спекулятив** риск (чайқов риски) ижобий, ҳам салбий натижаларга эришишни англатади (1-расм).



1-расм. Соф ва спекулятив рисклар ва уларнинг ва ҳосиласи.

Молиявий рисклар – бу спекулятив (чайқов) рискдир. Мулкдор (инвестор) ўз капиталини қуяр экан, унинг учун икки хил натижа, яъни даромад ёки зарар бўлишини олдиндан билади. Молиявий рисклар молия кредит ва биржа соҳасида, қимматли қоғозлар фонди билан амалга ошириладиган операцияларнинг табиатидан келиб чиқади.Молиявий

рискларга кредит рисклари, фойиз рисклари, валюта рисклари, молиявий фойдани бой беришдаги рисклар киради (2-расм).

Капитални инвестициялаш турли вариантларини танлаш орқали амалга оширилади. Бу вариантлар ичидан мақбулини танлашда эса доимо риск (хатар) ёнма-ён бўлади. Масалан қарз олувчи олган қарзини келгусидаги даромадларидан қоплашни режалаштиради. Лекин бу даромадларнинг ўзи эса номаълум миқдордир.



2-расм. Молиявий рискларнинг кўринишлари ва хусусиятлари

Шундай бўлиши мумкинки, кутилаётган даромад миқдори олган қарз суммасига етмаслиги мумкин. Шундай бўлсада, инвестор ўз капиталини инвестициялашда маълум бир рискли таваккал қилади яъни у ёки бу даражадаги рискни танлайди. Бундай ҳолатда инвестор олдида молиявий риск миқдорини аниқлаш ва муқобил вариантлар бўйича риск даражасини таққослаш вазифаси туради.

Бошқа рисклар каби молиявий рискларда ҳам йўқотишлар эҳтимолини математик ифодалаш имконияти мавжуд. Бунда статистик маълумотлардан фойдаланилади. Статистик маълумотларнинг даврийлиги қанча катта бўлса, риск даражасини аниқлаш ҳам шунчалик юқори аниқликка эга бўлади. Молиявий рисклар миқдорини аниқлаш учун ҳар ҳар қандай муайян ҳаракатнинг барча мумкин бўлган оқибатларини ва оқибатларнинг эҳтимолини билиш керак бўлади. Эҳтимоллик эса маълум бир натижаларга эришиш имкониятини билдиради. Эҳтимоллар назарияси усулларидан иқтисодий масалалар ечимида фойдаланишда, аввало ҳодисаларнинг юзага келиш эҳтимоли қийматларини аниқлашга келтирилади ва математик кутишнинг юқори қийматига асосланган ҳодисалардан энг мақбули танланади. Демак, муайян бир ҳодисанинг математик кутиш миқдори ана шу ҳодиса абсолют миқдорини унинг пайдо бўлиш эҳтимолига кўпайтирилганига тенг. Буни қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз:

Капитални қуйишнинг икки хил варианти мавжуд бўлиб, биринчи вариантда 1500 млн сўмлик фойда олиш эҳтимоли 0,6 га, иккинчи вариантда эса 2000 млн сўмлик фойда олиш эҳтимоли 0,4 га тенг. Унда капитални қуйишдан олинадиган фойда (яъни математик кутиш) миқдори қуйидагига тенг бўлади:

Биринчи вариант бўйича 900 млн сўмга (1500х0,6);

Иккинчи вариант бўйича 800 млн сўмга (2000х0,4) тенг бўлади.

Воқеа содир бўлиш эҳтимоли эҳтимоли объективлик ёки субъективлик усулда аниқланиши мумкин. Объективлик усули ҳодисанинг содир бўлиш частотасини ҳисоблашга асосланади. Масалан, агар қандайдир тадбир бўйича капитал қуйишда 200 та ҳодисадан 120 тасида фойда 1500 млн сўмга тенг бўлсин. Унда шу суммадаги фойдани олиш эҳтимоли 0,6 (120:200) га тенг бўлади. Субъективлик усулида эса субъективлик меъзонларига асосланади. Бундай тахминлар баҳоловчининг фикрини, унинг шахсий тажрибасини, экспертнинг баҳосини ёки молиявий маслаҳатчининг фикрини ўз ичига олиши мумкин. Шунда турли одамлар бир хил ҳодиса учун турли қийматни ўрнатишлари ва шу билан турли хил танловлар қилишлари мумкин.

Юқорида қараб чиқилган усуллар тадбиркорга аниқ бир қарор қабул қилишда фақатгина эҳтимоллик даражаси билан ёндашувни ифодалайди ҳалос. Шунинг учун рисклар миқдорини ва даражасини аниқлаш зарурати туғилади.

Тадбиркорликда вужудга келадиган рисклар миқдорини ва даражасини қуйидаги икки мезон асосида аниқлаш яхши натижа бериши мумкин:

1. Ўртача кутиш миқдори.
2. Кутилаётган натижанинг тебраниши.

Ўртача кутиш миқдори – бу ноаниқ ҳолатлар билан боғлиқ бўлган ходисаларнинг миқдорий кўрсаткичидир. Ўртача кутиш миқдори мумкин бўлган барча натижаларнинг ўртачаси ҳисобланиб бунда ҳар бир натижанинг эҳтимоли унинг частотаси сифатида фойдаланилади. Ўртача кутиш миқдори кутилаётган натижаларнинг ўртачасини ифодалайди. Ўртача миқдор ҳодисаларнинг умумлашма сонли характеристкаларини бериб, у қайси вариантни қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисидаги қарорни қабул қилишга асос бўла олмайди. Охирги қарорни қабул қилиш учун бу кўрсаткичларнинг тебранишини аниқлаш зарур. Яъни, кутилаётган натижаларнинг тебраниш миқдорини аниқлаш керак бўлади. Кутилаётган натижаларнинг - тебраниши кутилаётган миқдорнинг ўртача миқдордан четланишини билдиради. Бунинг учун амалиётда бир-бири билан жуда яқин бўлган кўрсаткичлардан фойдаланилади: дисперсия ва ўртача квадратик четланиш. Дисперсия қуйидаги формула орқали топилади:

$$\boldsymbol{\sigma^2 = \frac{\sum(x-\bar{x})^2\, n}{\sum n}}, \quad (1)$$

бунда: σ^2 - дисперсия;

x - кузатилаётган ҳар бир ҳодиса учун кутиш миқдори;

$\bar{x}$ - ўртача кутиш миқдори;

n –кузатувлар сони.

Ўртача квадратик четланиш қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum(x-\bar{x})^2\, n}{\sum n}}, \qquad (2)$$

бунда: σ - квадратик четланиш;

Ўртача квадратик четланиш ўзгарувчан сон билан бир хил ўлчовларда аниқланади. Дисперсия ва ўртача квадратик тебраниш абсолют тебраниш ўлчовлари ҳисобланади.

Таҳлил қилиш учун одатда вариация коэффицентидан фойдаланилади. Вариация коэффиценти ўртача квадратик четланишларнинг ўртача арифметик кўрсаткичига нисбати билан аниқланади, яъни:

$$V = \frac{\sigma}{\bar{x}} \times 100, \quad (5)$$

бунда: V – вариация коэффициенти, %:

Вариация коэффициенти бу нисбий кўрсаткичдир. Шунинг учун ҳам унинг миқдорига ўрганилаётган кўрсаткичнинг абсолют миқдорлари таъсир кўрсатмайди.

Тадбиркорликда рисклар турли усуллар ёрдамида ҳал этилади. Уларнинг асосийларига қуйидагилар киради: таваккалчиликдан қочиш, ушлаб қолиш, бировга бериш, унинг даражасини пасайтириш. Рисклардан қочишнинг энг оддий йўли бу у келтирадиган тадбирлардан четланишдир. Шуни айтиш керакки, иккинчи томондан бу тадбиркорнинг фойдадан қочиши билан баробардир. Рискларни ушлаб қолиш деганда, таваккалчиликни инвесторга юклаш тушунилади. Бунда барча жавобгарлик инвесторда бўлади. Рискларни бировга бериш, бу инвестор томонидан барча жавобгарликни бошқа бировга беришдир, яъни, масалан суғурта компаниясига.

Тадбиркорнинг молиявий риски, риск коэффициенти ёрдамида аниқланади:

$$\mathrm{K_r} = \frac{\mathrm{Z}}{\mathrm{X_m}}, \quad (6)$$

бу ерда: Z – зарарнинг максимал миқдори, сўмда;

X_m – хусусий молиявий ресурслар хажми, сўмда

Тадбиркорнинг молиявий рискини камайтиришда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

1. Диверсификация;

2. Танлаш ва натижалар тўғрисида қўшимча ахборотларга эришиш;
3. Лимитлаш;
4. Суғурталаш.

Диверсификация бу инвестиция қилинадиган маблағларнинг бир бири билан боғлиқ бўлмаган объектларга тарқатиш жараёнидир. Одатда бу усулдан инвестиция фондларида кенг фойдаланилади. Диверсификация таваккалчиликнинг маълум бир қисмидан қочиш имконини беради.

Баъзида инвестор натижалар аниқ бўлмаган ҳолларда қарор қабул қилади ва бу қарорлар чегараланган ахборотларга асосланади.Табийки, агар инвесторда тўлиқ ахборот бўлганда у яхшироқ прогноз қилади ва таваккал-чиликни камайтиради. Бу ахборотни товарга айлантиради. Ахборот қиммат-баҳо товар ҳисобланади ва инвестор бунинг учун катта маблағ тўлашга тайёр.

Лимитлаш бу лимит ўрнатиш бўлиб ҳаражатлар сотувлар, кредитлар суммалари чегаралари ўрнатилади. Лимитлаш таваккалчилик даражасини пасайтириш воситаси бўлиб, банклар овердрафт шартномасини тузишда ссудалар беришда,хўжалик субъектларининг товорларни кредитга сотишда (кредит картачкалар бўйича), йўл чеклари бўйича, инвесторларнинг капитал қуйилма миқдорини аниқлашда ишлатилади.

Суғурталашнинг моҳияти шундаки, инвестор таваккалдан қочиш мақсадида фойдасининг бир қисмидан воз кечишига тайёр. Бу усул кенг тарқалган усул ҳисобланади. Суғурталаш бу иқтисодий муносабатларнинг асосий турларидан биридир. Унинг учун суғурталанувчи ва суғурталовчи бўлиши мажбурийдир.

Хулоса. Юқорида келтирилган усуллар ва кўрсаткичлар тадбиркорлик фаолиятидаги рискларнинг миқдорий даражасини аниқлашга ёрдам беради. Шу билан биргаликда тадбиркорликда уларнинг лойиҳаларини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш бу лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этиш ёки этмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Фирсова О.А. Управление рисками организаций. Учебное пособие Орел: МАБИВ, 2014.-100с.

2. Самохвалова А.Р. Управление предпринимательскими рисками. Автореферат диссертации на соискание к.э.н.,Москва -2004.

3. Ахтамова Г.А. Управление предпринимтельскими рисками в сфере услуг. Автореферат диссертации на соискание к.э.н.,Москва -2004.

4. Зирченко Л.А. Совершенствование системы управления рисками в процессе развития предпринимательских структур. Диссертация на сосикание ученой степени к.э.н.,Санк Петербург – 2019.

5.Киселева И.А.,Н.Е.Симонович Оценка рисков в бизнесе: предпринимательские риски//Финансовая аналитика: проблемы и решения, 2017,т.10, вып.3.,стр.244-257.

6.Н.Ш.Кремер, Б.А. Путко Эконометрика

ЭЛАСТИЧНОСТЬ СПРОСА ДЛЯ МАЛЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Каршибоев Х.К. доцент СамИЭС

Аннотация: Концепция эластичности в экономической теории появилась достаточно поздно, но очень быстро стала одной из фундаментальных. Основным фактором, определяющим перекрестную эластичность различных товаров, являются потребительские свойства различных благ, их способность замещать или дополнять друг друга в потреблении.

Ключевые слова: спрос, объем, эластичность, подсчет, приращения, концепция, доход, анализ, товар, прирост, дуга, безмерная, детерминант, консалтинг, погрешность, ассиметричный, мажор.

Анализ спроса и предложения, позволил выявить общие направления изменения спроса и предложения под воздействием ценовых и неценовых факторов и сформулировать базовый закон — закон спроса и предложения. Однако часто исследователю бывает недостаточно знать, что рост цены вызывает сокращение объема спроса на товар, нужна более точная количественная оценка, ибо указанное сокращение может быть быстрым или медленным, сильным или слабым [1,2,3,4].

Чувствительность рынка к изменению цен, дохода или каких-либо других показателей рыночной конъюнктуры отражается в показателе эластичности, которая может быть охарактеризована специальным коэффициентом.

Общее понятие эластичности пришло в экономику из естественных наук. Впервые термин "эластичность" был использован и применен в научном анализе известным ученым XVII в., физиком и химиком Робертом Бойлем (1626-1691) при изучении свойств газов (знаменитый закон Бойля-Мариотта) [2,3,5,6].

Экономическое определение эластичности было впервые дано Альфредом Маршаллом в 1885 г. Известный английский ученый не изобретает это понятие, но используя достижения английских классиков (Адама Смита и Давида Рикардо) и математической школы в экономической теории, дает определение коэффициента ценовой эластичности спроса.

Введение эластичности в экономический анализ имеет огромное значение:

с одной стороны, коэффициент эластичности — это инструмент статистических измерении, в том числе активно используемый в маркетинговых исследованиях (консалтинговые фирмы в США берут от 50 000 до 75 000 долл. за подсчет эластичности для частных фирм);

с другой стороны, концепция эластичности служит важным инструментом экономического анализа, поскольку в науке недостаточно только измерить, необходимо еще и уметь объяснить полученный результат.

Сегодня нет ни одного раздела экономики, где бы не использовалось понятие эластичности: анализ спроса и предложения, теория фирмы, теория экономических циклов, МЭО, экономические ожидания и т.д.

Наиболее общее определение эластичности- отношение относительного приращения функции к относительному приросту независимой переменной.

$$\varepsilon = \frac{x^{\bullet} dy}{y^{\bullet} dx}$$

Для рассматриваемых нами функций спроса и предложения такими независимыми переменными могут быть цены данного или других товаров, уровень доходов, издержек и т.д.

Коэффициент эластичности показывает степень количественного изменения одного фактора (например, объема спроса или предложения) при изменении другого (цены, доходов или издержек) на1%. Эластичность спроса или предложения вычисляется как отношение процентного изменения величины спроса (предложения) к процентному изменению какой-либо детерминанты. Детерминанты - это факторы оказывающие воздействие на спрос или предложение. Различные товары различаются между собой по степени изменения спроса под воздействием того, или иного фактора. Степень реакции спроса на эти товары поддается количественному измерению с помощью коэффициента эластичности спроса [4, 5, 7].

Понятие эластичности спроса раскрывает процесс адаптации рынка к изменению основных факторов (ценой товара, ценой товара аналога, дохода потребителя).

Методы подсчета коэффициента эластичности:

При подсчете коэффициента эластичности используют два основных метода:

Эластичность по дуге (дуговая эластичность) — применяется при измерении эластичности между двумя точками на кривой спроса или предложения и предполагает знание первоначальных и последующих уровней цен и объемов.

$$E_{\text{ф}}^{\text{ф}} = \left(\frac{Q_2 - Q_1}{(Q_2 + Q_1)/2}\right) : \left(\frac{P_2 - P_1}{(P_2 + P_1)/2}\right) = \frac{\Delta Q}{\Delta P}$$

P_1 — начальная цена

P_2 — новая цена

Q_1 — первоначальный объем

Q_2 — новый объем

Использование формулы дуговой эластичности дает лишь приблизительное значение эластичности, и погрешность будет тем больше, чем более выпуклой будет дуга AB. Эластичность в точке (точечная эластичность) — используется в том случае, когда задана функция спроса (предложения) и исходный уровень цены и величины спроса (или

предложения). Данная формула характеризует относительное изменение объема спроса (или предложения) при бесконечно малом изменении цены (или какого-либо другого параметра).

$$E = Q'(P) * \frac{P}{Q(P)}$$

где:

$Q'(P)$ — производная функции спроса (или предложения) по цене;

P — рыночная цена;

$Q(P)$ — величина спроса (или предложения) при данной цене

Пусть функция спроса имеет вид $Q = 4 - 2 * P$. Оценить эластичность спроса по цене, при цене $P = 1$. Тогда, для подсчета коэффициента эластичности нам необходимо знать P,Q и dQ / dP.

При цене $P = 1$. $Q = 4 - 2 * 1 = 2$. Первая производная функции спроса $dQ / dP = -2$.

Подставим полученные значения в формулу точечной эластичности и получим $E = -2 * (1/2) = -1$.

Экономическая интерпретация приводит к мнению о том, что изменение цены на 1% относительно первоначальной цены P = 10 приведет к изменению величины спроса в противоположном направлении на 1%. Спрос характеризуется единичной эластичностью

Если, уравнение спроса задается в виде: P = 940 — 48*Q+Q^2, тогда оценка эластичности спроса по цене при объеме продаж Q = 10.

При Q = 10, P=940 — 48*(10)+10^2 = 560.

Значение dQ/dP находится следующим образом:

Математически доказано: dQ/dP = 1 / (dP / dQ)

И это дает нам: dQ/dP = 1 / (-48 +2*Q).

При Q = 10 получаем: dQ/dP = -1/28.

Сделав подстановку в формулу эластичности в точке, получаем:

E = (dQ/dP)*(P/Q) = (-1/28)*(560/10) = -2

Экономическая интерпретация приводит к мнению о том, что изменение рыночной цены на 1% относительно текущей цены P = 560, изменит величину спроса в обратном направлении на 2%. Спрос в данной точке эластичен.

Из определения эластичности и приведенных выше формул мажор вывести основные свойства эластичности:

Эластичность — это безмерная величина, значение которой не зависит от того, в каких единицах мы измеряем объем, цены или какие-либо другие параметры.

Эластичность взаимно обратных функций — взаимно обратные величины:

$$E_p^d = \frac{1}{E_d^p}$$

E_d — эластичность спроса по цене;

E_p — эластичность цены по спросу;

В зависимости от знака при коэффициенте эластичности между рассматриваемыми факторами может иметь место:

Прямая зависимость, когда рост одного из них вызывает увеличение другого и наоборот, например эластичность спроса на товары по потребительскому доходу E >0;

Обратная зависимость, когда рост одного из факторов предполагает убывание другого, например эластичность спроса по ценам E <0;

В зависимости от абсолютной величины коэффициента эластичности различают:

E = ∞, или абсолютная эластичность, когда незначительное изменение какого-либо параметра повышает (или понижает) объем на неограниченную величину.

|E| > 1, или эластичный спрос (предложение), когда параметр растет более высокими темпами, чем изменяется другой фактор.

E = 1, или единичная эластичность, когда рассматриваемый параметр растет теми же темпами, что и воздействующий на него фактор;

0 < E < 1, или неэластичный спрос (предложение), когда темпы роста рассматриваемого параметра меньше темпа изменения другого фактора;

E = 0, или абсолютная неэластичность, когда изменение какого-либо параметра рыночной конъюнктуры не влияет на величину рассматриваемого фактора;

Рассмотрим более подробно наиболее часто встречающиеся показатели эластичности:

прямую эластичность спроса по цене,

эластичность спроса по доходу,

перекрестную эластичность спроса,

эластичность предложения по цене.

Эластичность спроса по цене показывает степень количественного изменения спроса при изменении цены на 1%.

$$E = \frac{dq}{q} : \frac{dp}{p} = \frac{dq * p}{dp * q} = Q'(P)\frac{P}{q}$$

Для всех товаров, за исключением товаров Гиффена, коэффициент эластичности спроса по цене — является отрицательным.

Можно выделить три варианта зависимости объема спроса от колебания рыночных цен:

Неэластичный спрос имеет место в том случае, если приобретаемое количество товара увеличивается меньше чем на 1 процент на каждый один процент снижения его цены.

Увеличение приобретаемого товара больше чем на 1% и снижение его цены на 1%. Данный вариант характеризует понятие эластичности спроса.

Приобретаемое количество товара возрастает вдвое вследствие снижения его цены в два раза. Данная характеристика вводит понятие единичной эластичности.

$$E_p^d = \frac{\Delta Q}{\Delta P}$$

ΔQ — изменение величины спроса;

ΔP — изменение рыночной цены на товар;

Факторы эластичности спроса

Среди основных факторов, определяющих эластичность спроса по цене можно выделить следующие:

наличие и доступность товаров-заменителей на рынке (если не существует хороших заменителей какого-либо товара, то риск снижения спроса из-за появления его аналогов минимален);

временной фактор (рыночный спрос имеет тенденцию быть более эластичным в долгосрочном периоде и менее эластичным в краткосрочном);

доля расходов на товар в потребительском бюджете (чем выше уровень расходов на товар относительно доходов потребителя, тем чувствительнее будет спрос на изменения цены);

степень насыщения рынка рассматриваемым товаром (если рынок насыщен каким-либо товаром, например, холодильниками, то маловероятно, что производители смогут существенно стимулировать свой сбыт путем снижения цен, и наоборот, если рынок ненасыщен, то снижение цен может вызвать значительное увеличение спроса);

разнообразие возможностей использования данного товара (чем больше различных областей использования имеет товар, тем более эластичен спрос на него. Это связано с тем, что рост цены уменьшает область экономически оправданного использования данного товара. Напротив, уменьшение цены расширяет сферу его экономически оправданного применения. Этим объясняется тот факт, что спрос на универсальное оборудование, как правило, эластичнее спроса на специализированные приборы);

важность товара для потребителя (если товар является необходимым в повседневной жизни (зубная паста, мыло, услуги парикмахера), то спрос на него будет неэластичным к изменению цены. Товары, которые не столь важны для потребителя и приобретение которых может быть отложено, характеризуется большей эластичностью).

Факторы неэластичности спроса

Чувствительность различных групп потребителей к цене на один и тот же товар может существенно отличаться.

Потребитель будет нечувствителен к цене при следующих условиях:

Потребитель придает большое значение характеристикам товара (спрос неэластичен по цене, если "выход из строя" или "обманутые

ожидания" ведут к значительным потерям или неудобствам. Чтобы не попасть в такую ситуацию человек вынужден переплачивать за качество товара и приобретать те модели, которые хорошо себя зарекомендовали);

Потребитель желает иметь товар, сделанный на заказ, и готов платить за это (если покупатель желает приобрести товар, сделанный в соответствии с его индивидуальными потребностями, то он часто становится привязанным к производителю и готов оплачивать более высокую цену, как плату за хлопоты. Позже производитель может повысить цену на свои услуги без особого риска потерять покупателя)

Потребитель имеет значительную экономию от использования кометного товара или услуги (если товар или услуга позволяют сэкономить время или деньги, то спрос на такой товар неэластичен)

Цена товара мала по сравнению с бюджетом потребителя (при низкой цене товара покупатель не утруждает себя походами по магазинам и тщательным сравнением товаров)

Потребитель плохо информирован и делает не лучшие покупки.

Эластичность спроса по доходу можно определить по аналогии с ценовой эластичностью спроса как степень количественного изменения дохода на 1%.

$$E = \frac{dQ}{dI}\frac{I}{Q}$$

В силу того, что рост дохода увеличивает возможности совершения покупок, спрос на большинство товаров с увеличением доходов возрастает, т.е. эластичность спроса по доходу является положительной. Если при этом коэффициент эластичности по абсолютному значению крайне мал (0<E<1), то речь идет о товарах первой необходимости. Если же — достаточно велик (E>1), то о предметах роскоши.

Для товаров низкого качества, т.е. "относительно худших", эластичность спроса по доходу будет величиной отрицательной (E<0).

Коэффициент перекрестной эластичности характеризует степень изменения спроса на один товар при изменении цены другого товара на 1%.

В зависимости от характера взаимосвязи анализируемых товаров коэффициент может быть положительным, отрицательным или равен нулю:

Если E > 0, то товары являются взаимозаменяющими (например масло и маргарин). Повышение цены на один товар ведет к увеличению спроса на другой, его заменяющий.

Если E < 0, то товары считаются взаимодополняющими (например джин и тоник). Повышение цены на один товар ведет к сокращению спроса на другой.

Если E = 0, то товары считаются независимыми друг от друга и повышение или понижение цены на один товар не оказывает практически никакого влияния на величину спроса на второй товар.

Перекрестная эластичность может иметь ассиметричных характер, когда один товар строго зависит от другого. Например: рынок компьютеров и рынок ковриков для мышек. Сокращение цены на компьютеры вызывает рост спроса на рынке ковриков, но если снизится цена на коврики, то это не окажет никакого влияния на величину спроса на ПК [2, 3,7].

Коэффициент перекрестной эластичности может быть использован с определенными оговорками для определения границы отрасли. Высокая перекрестная эластичность группы товаров дает основание полагать, что товары принадлежат к одной отрасли. Низкая перекрестная эластичность одного товара по отношению ко всем прочим товарам свидетельствует о том, что он составляет отдельную отрасль. Если подобным же образом, несколько товаров имеют высокую перекрестную эластичность между собой, но низкую перекрестную эластичность по отношению к другим товарам, то эта группа товаров может представлять отрасль. Например, различные торговые марки телевизоров имеют высокую перекрестную эластичность между собой, но малую перекрестную эластичность с другими товарами для дома.

Основные трудности определения границ отрасли при помощи коэффициента перекрестной эластичности заключаются в следующем:

во-первых, трудно определить насколько должна быть высокой перекрестная эластичность в отдельной отрасли (например, перекрестная эластичность мороженых овощей может быть очень высокой, а перекрестная эластичность мороженых овощей и пельменей может быть довольно низкой, поэтому неясно — следует ли говорить об отрасли мороженных продуктов или о двух отраслях);

во-вторых, существует цепь перекрестной эластичности (так, между стандартными цветными и портативными цветными ТВ, с одной стороны, и между портативными цветными и портативными черно-белыми ТВ, с другой — существует высокая перекрестная эластичность. Однако между стандартными цветными ТВ и портативными черно-белыми перекрестная эластичность довольно слабая).

Коэффициент ценовой эластичности предложения показывает степень количественного изменения предложения при изменении цены на 1%.

$$E = Q_s'(P) * \frac{P}{Q_s}$$

Степень изменения объема предложения в зависимости от изменения цены характеризует эластичность предложения по цене. Мерой этого изменения является коэффициент эластичности предложения, рассчитываемый как отношение объема предложения к росту цен.

$$E_p^s = \frac{\Delta S}{\Delta P}$$

ΔS — изменение величины предложения;

ΔP — изменение рыночной цены на товар;

Основными факторами, определяющими эластичность предложения являются:

1. период времени (мгновенной, краткосрочный, долгосрочный)

для мгновенного периода предложение неэластично;

для краткосрочного периода производить может в определенных пределах адаптировать к изменяющейся цене;

для долгосрочного периода предложение эластично;

2. специфика производства (минимальный объем затрат на расширение производства);

3.возможности хранения изготовленной продукции;

4. максимально возможный объем производства при полной загрузке мощностей.

Изучение эластичности предложения является необходимым условием исследования относительного изменения предложения в соответствии с относительным изменением рыночной цены.

Если предлагаемое количество товара остается неизменным для перепродажи по любой цене, то имеет место неэластичное предложение. Когда же небольшое изменение цены вызывает сокращение предложения до нуля, а небольшое увеличение цены обуславливает увеличение предложения то данная ситуация характеризует абсолютно эластичное предложение.

Таким образом эластичность предложения изменяется под воздействием технического прогресса, изменения качественного и количественного состава используемых ресурсов, усиления ограниченности ресурсов применяемых при производстве того или иного товара, что ведет к уменьшению значения эластичности предложения [8].

Заключение

В наиболее общем виде функция спроса (или предложения) на товар зависит от огромного количества ценовых и неценовых детерминант.

Эластичность спроса (или предложения) по отношению к любой из детерминант характеризует чувствительность величины спроса (или предложения) к процентному изменению этой детерминанты, при том что другие детерминанты полагаются постоянными.

Математически это означает, что для определения эластичности в точке необходимо нахождение частной производной функции спроса (или предложения) по какой-либо детерминанте.

Литература

1. Основы микроэкономики: Учеб. пособие для вузов / Под ред. И.П. Николаевой. - М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2011.

2. Курс экономической теории. Учебник. Издание 5-е, исправленное дополненное и переработанное издание - Киров: АСА, 2006 г. - 832 с. Под общей редакцией проф. Чепурина М.Н., проф. Киселевой Е.А.

3. Макконнелл, К.Р. Экономикс: Принципы, проблемы и политика: Учеб.: Пер. с англ. / Кэмпбелл Р. Макконнелл, Стэнли Л. Брю. - М.: Инфра-М, 2012. - XXXV, 928 С.

4. Экономическая теория: Учебник /Под ред. В.Д. Камаева. - М.: Владос, 2011.

5. Экономика: учеб. / А.С. Булатов [и др.]; под ред. А.С. Булатова. - М.: Экономистъ, 2014. - 894 с.

6. Экономика: учебник / А.И. Архипов, д.э.н., проф., акад. РАЕН и др.]; под ред. д.э.н., проф., акад. РАЕН А. И. Архипова, к. э. н., доцента А. К. Большакова. - М.: Проспект, 2012. - 839 с.

7. Экономическая теория: Учеб. для вузов / А.Г. Грязнова, Т.В. Чечелева, Т.Д. Бурменко и др.]; Под ред. А.Г. Грязновой, Т.В. Чечелевой; Финансовая акад. при Правительстве Рос. Федерации. - М.: Экзамен, 2014. -442 с.

8. Эрнандо де Сото. Загадка капитала. Почему капитализм торжествует на Западе и терпит поражение во всем остальном мире / Пер. с англ. Б. Пинскер, науч. ред. Р. Левита -- М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2004. - 272 с.

AXBOROT TIZIMLARIDAN BUXGALTERIYA HISOBIDA FOYDALANISH

F.E.Jomonqulova t.f.n., dotsent (SamISI)

Annotasiya: *Ushbu maqolada axborot tizimlarining mohiyati, ularning buxgalteriya hisobida tutgan o'rni va ulardan foydalanish masalalari ochib berilgan.*

Kalit so'zlar: *axborot,buxgalteriya hisobi, avtomatlashtirish, dastur.*

Аннотация: *В данной стате раскрыты характер информационных систем, их рол в бухгалтерском учете, и их исползование.*

Ключевые слова: *информация, бухгалтерский учет, автоматизасия, программа.*

Annotation: *This article discloses the nature of information systems, their role in accounting and their use.*

Keywords: *information, accounting, automation, software.*

Hozirgi kunda mamlakatimizda faoliyat ko'rsatayotgan korxonalarda buxgalteriya hisobini avtomatlashtirish eng muhim masalalardan biridir. Chungi

hozirgi zamonaviy buxgalteriya dasturlari ma’lumotlar bazasini yaratish va uning asosida turli murakkablikdagi buxgalteriya hamda soliq hisobotlarini to’g’ri shakllantirish imkoniyatini beradi. Shuningdek, buxgalteriya hisobida xatoga yo’l qo’ymaslikda, ish vaqtini tejashda, zarur axborotlarni tezkor ravishda olishda avtomatlashtirilgan tizimning roli beqiyosdir. Qabul qilingan “Harakatlar strategiyasi”da e’tirof etilganidek: “Elektron hukumat” tizimini takomillashtirish, davlat xizmatlari ko’rsatishning samarasi, sifatini yuksaltirish va bu xizmatdan aholi xamda tadbirkorlik subyektlari tomonidan foydalanish imkoniyatlarini oshirish vazifalari belgilangan[28]. Mazkur vazifalarning to’laqonli bajarilishi boshqaruv tizimida zamonaviy kompyuterlardan keng foydalanishni taqozo qiladi.

Umuman olganda, “Buxgalteriya hisobi” o’zining ko’p yillik tarixiga ega. Faoliyat sifatida u kishilik jamiyatida xo’jalik yurituvchi subyektlarni paydo bo’lishi bilan vujudga kelgan. Ishlab chiqarishning rivojlanib borishi bilan mos ravishda buxgalteriya hisobi ham rivojlangan, uning shakl va mazmuni, yuritish texnikasi va usullari takomillashib borgan. Boshqaruv organlari xodimlari ichida aynan hisob-kitob ishlari bilan shug’ullanuvchi kasb egalari shakllangan. Shu yo’sinda buxgalteriya hisobi maxsus kasbga aylangan.

Shuning uchun, axborot texnologiyalari rivojlanayotgan bir paytda, korxonalarda buxgalteriya hisobini avtomatlashtirishga katta ehtiyoj sezilmoqda. Ilgari, buxgalteriya hisobini amalga oshirishi uchun buxgalterlardan juda katta mehnat hamda vaqt talab qilinar edi. Misol uchun, korxonalarda naqd pulsiz hisob-kitob operasiyalarini amalga oshirish uchun buxgalterlar to’lov topshiriqnomasini tuzishlari, bankka olib borib topshirishlari, bank qaydnomasini olib kelishlari, buxgalteriya yozuvlarini amalga oshirib jurnallarda qayd etishlari lozim edi. Bu esa, buxgalter kasbini qiyin va zerikarli kasbga aylantirib yuborgan edi. Endilikda, bu mashaqqatlarga ehtiyoj qolmadi. Chunki hozirgi sharoitda, buxgalterlar internet tarmog’iga ulangan kompyuterlar bilan bunday operasiyalarni oson va tez sur’atda bajaradilar.

Shu sababli, hozirgi zamon buxgalterlari oldiga qo’yiladigan eng asosiy talab va vazifalardan biri, bu buxgalteriya hisobining avtomatlashtirilgan tizimida hisobni yuritish hisoblanadi.

Hozirgi axborot texnologiyalari rivojlangan bir paytda, buxgalteriya hisobi avtomatlashtirilib borilmoqda. Bu esa, albatta, hisob-kitoblarning to’g’ri bo’lishini ta’minlaydi hamda iqtisodiy samaradorlikni oshiradi. Ammo buxgalteriya hisobini avtomatlashtirish korxona buxgalterining ishiga muayyan o’ziga xoslikni olib kiradi, chunki ushbu dastur yordamida hisobni bajarish maxsus dasturchilarning ko’magini talab etadi. Hozirgi kunda buxgalteriya hisobi va soliqqa solishga doir qonun hujjatlarida muntazam ravishda o’zgartish va qo’shimchalar kiritilyapti. Ularga muvofiq tarzda dasturni ham tezkorlik

[28] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган: “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.”

bilan yangilash darkor bo’ladi.

Maxsus dasturiy mahsulotlarni buxgalteriya hisobini avtomatlashtirishda katta tajribaga va obro’ga, sotilayotgan dasturlarning lisenziyalari va sifat sertifikatlariga ega bo’lgan professional firmalardan sotib olgan ma’qul. Dasturni tanlashda u qaysi korxonaga: kichik, o’rta yoki yirik korxonaga mo’ljallanganini hisobga olish, uning qay sohaga tegishliligiga e’tibor qaratish zarur.

Korxonalar faoliyatida zamonaviy kompyuterlardan foydalanish orqali sodir bo’layotgan turli xil jarayonlar to’g’risida tezkorlik bilan aniq axborotlarni shakllantirishga imkon yaratiladi. Ushbu masalalar turli mulkdagi korxonalarda olib borilayotgan buxgalteriya hisobini kompyuterlashtirish bilan bog’liqdir.

Buxgalteriya hisobining boshqaruvda tutgan o’rni asosan u bajaradigan axborot berish funksiyalarida, ya’ni axborot ta’minotida yorqin namoyon bo’ladi, Axborot tushunchasi lotincha so’zidan kelib chiqqan bo’lib, biron bir vaqt yoki hodisaning bayoni, izohi ma’nosini anglatadi. Hayotda axborotga moddiy dunyoning u yoki bu tomoni va unda sodir bo’layotgan jarayonlar to’g’risidagi ma’lumotlar deb qaraladi. Xo’jalik faoliyatida axborot deganda, keng ma’noda, atrof-muhit to’g’risidagi har qanday ma’lumotlar tushuniladi. Bu ma’lumotlar atrof-muhit bilan o’zaro aloqadan, unga moslashishdan va uning o’zgarishi jarayonidan olingan bo’lishi mumkin.

Axborot - bu yaratuvchisi doirasida qolib ketmagan va xabarga aylangan, bilimlar noaniqligi, to’liqsizligi darajasini kamaytiradigan hamda og’zaki, yozma yoki boshqa usullar (texnik vositalar, hisoblash vositalari va hokazo) orqali ifodalash mumkin bo’lgan atrof-muhit (obyektlar, voqyea-hodisalar) to’g’risidagi ma’lumotlardir.

Axborot korxona uchun quyidagi imkoniyatlarni beradi:

- korxonaning strategik, taktik va tezkor maqsad hamda vazifalarini belgilash;
- korxona, uning bo’linmalarning joriy holatini, ulardagi jarayonlarni nazorat qilish;
- asosli va o’z vaqtidagi qarorlarni qabul qilish;
- maqsadga erishishda bo’linmalar ishini muvofiqlashtirish.

Rekvizitlar iqtisodiy axborotning oddiy bo’linmas birliklari hisoblanadi. Ular obyektning muayyan xossalarini ifodalaydi. Rekvizitlar rekvizit-belgilar va rekvizit-negizlarga bo’linadi. Rekvizit-belgilar tavsiflanayotgan obyektning (harakat vaqti va joyi, ijrosi, familiyasi, ismi, otasining ismi va hokazo) sifatiy xossalarini ifodalaydi. Rekvizit-negizlar esa o’lchamning muayyan birliklaridan ifodalangan hodisalarning miqdoriy tavsifini beradi. Masalan, tovarlar hajmi - so’mlarda, reja bajarilishi - foizlarda. Alohida olingan rekvizit-belgilar va rekvizit-negizlar iqtisodiy ma’noni kasb etmaydi, shuning uchun bir-biri bilan boqliqligidagina qo’llaniladi. Iqtisodiy ma’no kasb etgan o’zaro bog’langan rekvizit-belgilar va rekvizit-negizlar ko’rsatkich deb ataladi. Har bir ko’rsatkich bitta yoki bir necha rekvizit belgidan tashkil topadi.

Hujjatlar ko’rsatkichlar asosida tuziladi, ya’ni bitta yoki bir nechta ko’rsatkichni o’z ichiga olishi mumkin. Hujjatlarda ulardagi axborot to’g’riligi uchun javobgar shaxslar imzosi albatta bo’lishi shart.

Buxgalteriya hisobining axborotli tizimlari asosida majmualarga birlashtirilgan, hisobning alohida uchastkalari tomonidan bajariladigan hisob vazifalarini hisoblash amalga oshiriladi. Vazifalar majmuasi iqtisodiy mazmunini aniqlash, tasdiqlangan sintetik scheyotlarni olib borish, birlamchi va yig’ma hujjatlar, hisoblash algoritmlarini o’zaro aloqalari hamda hisobning aniq uchastkasining uslubiy materiallari va me’yoriy hujjatlari bilan ta’riflanadi.

Shaxsiy kompyuter bazasida avtomatlashtirilgan ish joylarini tashkil qilinishi, korxonalarda mahalliy hisoblash tarmoqlarini yaratish, axborot bazasini tashkil qilish va iqtisodiy vazifalar majmuasini shakllantirishda yangi talablarni ilgari suradi. Shunda ma’lumotlarning taqsimlangan bazalari tizimini yaratish, turli foydalanuvchilar o’rtasida axborotlarni almashtirish, kompyuterda boshlang’ich hujjatlarni avtomatik shakllantirishning imkoniyatlari paydo bo’ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. O’zbekiston Respublikasi qonun «Buxgalteriya hisobi to’g’risida», 2016 yil 13 aprel, № O’RQ-404.

2. «O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha Harakatlar strategiyasi to’g’risida». O’z.R. Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2017 yil 7 fevraldagi 4947-son farmoni

3. Djumaniyazova M., Ikramov M., Tillashayxova M., Informasionnыye texnologii v ekonomike. Uchebnoye posobiye./ - T.: "IQTISOD-MOLIYA", 2010.

4. Accounting Information Systems, Seventh Edition. James A. Hall, 2011, South Western Cengage Learning, USA.

5. Bolibekov B., Musayev A., Turabbayyev B. Buxgalteriya hisobini avtomatlashtirish. O’quv qo’llanma. - T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2013 y.

6. Tulayev M.C. Buxgalteriya xisobida axborot tizimlari. O’quv qo’llanma. T.: Iktisodiyot, 2016.

7. Вычkova S. M., Ivaxnenkov S.V., Informasionnыye texnologii v buxgalterskom uchete i audite: Uchebnoye posobiye / - Moskva: “Prospekt”, 2005.

8. V. B. Utkin, K. V. Bapdin. Informasionnыye sistemы i texnologii v ekonomike. Uchebnik./ - Moskva: YuNITI-DANA, 2005.

ВЗАИМОСВЯЗЬ ЦИФРОВОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ И «ЗЕЛЕНЫХ» ИННОВАЦИЙ

Алиева С.С., к.э.н., доцент, Самаркандский институт экономики и сервиса, susanna2003@rambler.ru, +998906575534

Аннотация: В данный момент многие государства являются сторонниками внедрения «зеленых» инноваций, однако, к сожалению, имеется также немало факторов, которые, не смотря на все положительные стороны, оказывают сдерживающее действие на развитие данного сектора. Одним из таких факторов является финансовое обеспечение. Однако, его можно нивелировать посредством обширного развития в регионах услуг цифрового финансирования, что заметно облегчит доступ к финансовым ресурсам и позволит с меньшими затратами получить профинансировать проекты «зеленых» инноваций. В работе предложен ряд рекомендаций для успешного использования цифрового финансирования в секторе «зеленых» инноваций.

Ключевые слова: «зеленные» инновации, цифровизация, традиционное финансирование, цифровое финансирование, цифровая инфраструктура.

Цифровизация экономики имеет далеко идущие последствия для многих областей экономических исследований, не в последнюю очередь для монетарной экономики и самой концепции денег. При огромных объемах, данные, которые генерирует цифровая деятельность, открывают новые возможности и бросают вызов обществам и финансовой системе. При этом, оченов важно, чтобы финансовая система развивалась и становилась инновационной, особенно для развивающейся страны, каковым является Узбекистан.

Существующая литература в основном исследует факторы влияния «зеленых» инноваций с точки зрения экологического регулирования, экономического роста и государственных субсидий. Однако лишь немногие статьи критически изучают, как цифровые финансы влияют на «зеленые» инновации.

На основе теоретического анализа и эмпирических исследований мы приходим к следующим выводам. Во-первых, цифровые финансы могут улучшить количество и качество зеленых технологических инноваций, которые стали важной движущей силой зеленых инноваций в Китае. Результаты по-прежнему надежны после тестов на эндогенность. Во-вторых, результаты разнородного анализа показывают, что различные аспекты цифровых финансов могут улучшить «зеленые» инновации. К ним относятся широта охвата, глубина использования и степень оцифровки.

В-третьих, цифровые финансы косвенно улучшают «зеленые» инновации, главным образом за счет смягчения финансовых ограничений.

Узбекистан стал участником Парижского соглашения об изменении климата 12 декабря 2015 года[29]. Как и все, кто присоединился к Целям в области устойчивого развития ООН до 2030 года (United Nations (2017)) [4].

Цель снижения углеродных выбросов в экологию – важное стратегическое решение, принятое Республикой Узбекистан. Это обязательное условие достижения устойчивого экономического развития. Многие ученые придают большое значение роли инноваций в сфере «зеленых» технологий [3]. Зеленые инновации могут координировать связь между экономическим ростом и защитой окружающей среды [2], что имеет важное значение для «зеленого» экономического развития государства.

Продолжительные и регулярные вложения являются предпосылкой для реализации деятельности предприятий в сфере «зеленых» инноваций. Однако, на сегодняшний день, часто, финансовые возможности немалого количества компаний Узбекистана, не позволяют инвестировать в «зеленые» инновационные проекты. Имеется несколько существенных причин отказа от финансирования инноваций в области «зеленых» технологий:

1. Инновации в сфере «зеленых» технологий характеризуются продолжительным сроком отдачи инвестиций, значительным инвестиционным риском, что затрудняет получение долгосрочной и стабильной финансовой поддержки.

2. Действующие финансовые институты, представленные в большинстве своем, банками, направлены на максимизацию экономической выгоды и не готовы к высокорисковой деятельности, что приводит к труднодоступности предоставляемых финансовых услуг. Такие финансовые учреждения редко согласны мириться с рисками, связанными с кредитованием инновационных проектов в сфере «зеленой» экономики с высокими рисками и низкой доходностью. Решение вопроса финансирования проектов «зеленых» инноваций и стимулирования трансформации экономики в «зеленое» развитие стало важной задачей, для которой необходимо найти решение.

Одним из способов частичного решения данной задачи является цифровизация в финансовой сфере. Можно отметить значительные различия между цифровыми финансами и их традиционой формой. При использовании цифровых финансов применяются цифровые технологии, такие как big data, облачные технологии с применением Интернета, которые позволяют повысить эффективность финансовых услуг в том числе и за счет снижения стоимости этих услуг. Именно поэтому

[29] Соглашение было подготовлено взамен Киотского протокола в ходе Конференции по климату в Париже и принято консенсусом 12 декабря 2015 года, а подписано 22 апреля 2016 года 175 странами. Paris climate talks: France releases 'ambitious, balanced' draft agreement at COP21. ABC Australia (12 декабря 2015).

Стратегия развития Нового Узбекистана направлена в том числе и на «Увеличение до конца 2026 года уровня цифровизации производственных и операционных процессов в реальном секторе экономики, в финансовой и банковской сферах до 70 процентов» [1].

Существует связь между цифровым финансированием, «зелеными» технологическими инновациями и региональной неоднородностью. Цифровое финансирование стимулирует разработку и (или) внедрение «зеленых» инноваций за счет увеличения финансового обеспечения слаборазвитых территорий и увеличения широты охвата финансовых услуг. Финансовые услуги, предоставляемые традиционным способом, означают, что «зеленые» инновации в слаборазвитых регионах не могут в достаточной степени пользоваться нужными финансовыми услугами, при том, что цифровое финансирование обладает значительными преимуществами перед традиционными финансами из-за скорости применения цифровых информационных технологий. Именно поэтому, цифровые финансы незамедлительно решают задачу нехватки финансового обеспечения в регионах с дефицитом финансовых ресурсов, что на определенном уровне смягчает проблему финансирования «зеленых» инноваций в финансово дефицитных регионах, которым ранее, при традиционном финансировании были труднодоступны финансовые услуги. То есть, цифровое финансирование принесет ощутимое продвижению процесса «зеленых» инноваций в регионах с труднодоступным финансированием.

С одной стороны, нехватка традиционных финансов создает пространство для развития цифрового финансирования, направленное на поддержку развития инноваций с труднодоступным финансированием. С другой стороны, когда традиционные финансовые услуги широко распространены, финансовая система становится более устойчивой, вследствие чего цифровому финансированию трудно за непродолжительное время поднять уровень развития.

Следовательно, цифровое финансирование оказывает ограниченное влияние на уровень инноваций на территориях с необходимым количеством традиционных финансов.

Эти выводы приводят к следующим заключениям:

- таким территориям необходимо активизировать формирование цифровой финансовой инфраструктуры и ускоренно развивать условия цифрового финансирования для реализации финансового обеспечения таких территорий, способствуя таким образом разработке и внедрению «зеленых» инноваций;

- территориям, отличающимся малой коммерческой привлекательностью необходимо стараться снизить «эффект выкачивания» со стороны территорий с высокой коммерческой привлекательностью, поскольку различия в региональном развитии цифрового финансирования

невысоки. Также, они могут постараться получить больше средств для собственного инновационного развития;

- территориям следует сосредоточиться на увеличении охвата или уровня использования цифрового финансирования на основе саморазвития. На территориях с достаточным предложением традиционных финансовых услуг трудно обеспечить эффективное стимулирование инновационного развития за счет повышения предложения финансов территории. Поэтому этим территориям следует сконцентрироваться на улучшении глубины применения цифрового финансирования и создания устойчивых финансовых условий для инноваций путем улучшения эффективности финансовых услуг территории для стимулирования развития инновационных процессов. Территориям с нехваткой предложения традиционного финансирования необходимо уделить особое внимание увеличению охвата цифровым финансированием, чтобы обеспечить необходимый объем финансирования для инновационного развития территории.

Причем, значительно повышает уровень территориальных «зеленых» «инноваций» цифровое инклюзивное финансирование – за счет охвата и глубины использования, в то время как степень цифровизации не может стимулировать процесс «зеленых» инноваций. Инклюзивное финансирование обеспечивает «зеленым» инновациям более широкий доступ к финансовым средствам, необходимым для реализации необходимых им видов деятельности. Доступ к таким цифровым финансовым инструментам, как депозиты, кредиты, счета, переводы, приносит как прямой экономический эффект, так и в глубокой степени дает возможность оценить возможности для реализации эффективной экономической деятельности – финансовые услуги работают как инфраструктура.

Для эффективности данной политики необходимо исходить из реальной ситуации каждой территории, формулировать дифференцированные стратегии развития с учетом условий каждой территории, понемногу уменьшать региональный разрыв в цифровых инклюзивных финансах.

Необходимо стремиться не только к продвижению цифрового финансирования в сторону «зеленых» инноваций, но и для того, чтобы эффективно воспользоваться преимуществами цифровых инклюзивных финансов.

Кроме того, необходимо значительно улучшить институциональную структуру «зеленых» инноваций, для того, чтобы увеличить масштаб движущей силы цифрового инклюзивного финансирования таких инноваций. Также, необходимо регулярно обновлять финансовые услуги, связанные с «зеленым» инновационным процессом, понемногу улучшать и обогащать базу данных,

совершенствовать обмен информацией о «зеленых» инновациях. Необходимо сформировать систему оценки «зеленого» развития, увеличивая инвестиции и субсидии на «зеленые» инновации, а также стимулируя предприятия разрабатывать «зеленые» изобретения. Наконец, правительства на центральном и местном уровнях должны стимулировать ускорение развития в области «зеленых» инноваций, а также создать и улучшить систему защиты «зеленых» изобретений. Это может постепенно создать подходящую культурную атмосферу для «зеленых» инноваций.

Список литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы» от 28.01.2022 г. № УП-60. Цель 25.

2. Dayuan Li, Mi Zheng, Cuicui Cao, Xiaohong Chen, Shenggang Ren, Min Huang, The impact of legitimacy pressure and corporate profitability on green innovation: Evidence from China top 100, Journal of Cleaner Production, Volume 141, 2017, Pages 41-49

3. Suling Feng, Bo Sui, Huimin Liu, Guoxiang Li, Environmental decentralization and innovation in China, Economic Modelling, Volume 93, 2020, Pages 660-674.

United Nations (2017) Resolution adopted by the General Assembly on 6 July 2017, Work of the Statistical Commission pertaining to the 2030 Agenda for Sustainable Development.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИНИ БАҲОЛАШ

Мардонов Б.Б. СамИСИ «Рақамли иқтисодиёт» кафедраси докторанти, и.ф.ф.д. (PhD), доцент boxodir82@mail.ru +99882875535

Ҳар қандай мамлакат миллий иқтисодиётини юксалтиришда ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиришда меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш тараққиёт ва юксалишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Иқтисодиёти илғор ривожланган мамлакатлар тажрибаси, табиий ресурсларнинг мавжудлиги ёки умуман йўқлиги иқтисодий ўсиш учун катта тўсиқ бўла олмаслигини кўрсатди. Дунёда табиий ресурсларга ўта бой, лекин иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлмаган мамлакатлар ҳам бор. Бизнингча, табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати мамлакат миллий иқтисодиётининг салоҳиятини, жадал рнивожланиш имкониятларини белгилайди. Лекин мавжуд салоҳият ва имкониятларнинг рўёбга чиқиши, яъни уларнинг мамлакатда ишлаб чиқариладиган ялпи ички махсулот ҳажми ўсишининг, товарлар ва хизматларнинг мўл-кўллигини таъминлашнинг реал натижаларига айланиши фақатгина ишчи кучинин бевосита иштирокида, унинг ишлаб чиқариш жараёнига катта таъсири остида амалга ошади.

Шу боис иқтисодиётда банд ходимлар меҳнати самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш мониторингини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Мавжуд адабиётларда ва ҳозирги кундаги илмий тадқиқот ишларида ходимларнинг меҳнат самарадорлиги, иқтисодиётда жалб этилган инвестициялар миқдори, асосий фондлар билан қуролланганлик даражаси, иш ҳақи миқдори, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлари билан таҳлил қилинган. Миллий ҳисоблар тизимига кирувчи ушбу кўрсаткичлар аниқ бир вақт ичида ялпи махсулот ва хизматлар ҳажми ўзгариши динамикасини таққослашда муҳим аҳамиятга эга. Аммо иқтисодиётда банд бўлган ходимлар меҳнат самарадорлигини аниқлаш имконини бермайди. Шунинг учун ходимлар меҳнати самарадорлигини аниқлайдиган янги услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш долзарб вазифадир.

Постиндустриал жамиятда инсон иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланади. Соҳа ходимларнинг кайфияти, соғлиғи, хотиржамлиги, шижоати белгиланган мақсад ва марраларга эришишда муҳим рол ўйнайди. Шу сабаб ходимлар меҳнати муносиб рағбатлантирилиши лозим. Хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳоли меҳнати самарадорлигини ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия этамиз:

$$Ms = \frac{\text{Mu}}{\text{Q}+(\text{Q}*k)} \qquad (1)$$

Бу ерда: Ms- меҳнат самарадорлиги;

Mu - хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнат унумдорлиги;

Q – хизмат кўрсатиш соҳасининг ўртача иш ҳақи;

k-бу коэффициент, яъни ходимнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган баъзи фаолият турлари учун қилинган сарфлар. Бу коэффициент ходимнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган фаолият турлари учун қилинган харажатлар иш ҳақининг неча фоизини ташкил этилишига қараб аниқланади.

Ушбу формуланинг афзаллик жиҳати шундаки, бунда ходимнинг меҳнат натижаси ва сарфлари акс эттирилади. Яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, ходимнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган (хизматлар ҳажмини ошишига ва сифатини яхшиланишига таъсир этадиган баъзи хизмат турлари. Масалан, транспорт хизматлари, кўнгил очиш ва дам олиш каби хизмат турлари ва бошқалар) баъзи фаолият турлари учун қилинган сарфлар ҳам харажатлари таркибига киритилади. Бизнинг ҳисоб-китобларимизда ушбу хизмат турларидан фойдаланиш харажатлари жами харажатининг 25 фоизини ташкил этди (хронометраж йўли билан ходимларнинг харажатлар таркиби ўрганилди ва шундан ҳисоблаб чиқилди. k=0.25). Ваҳоланки, ушбу кўрсаткич ходимнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида

фойдаланиладиган баъзи фаолият турлари учун қилинадиган харажатларининг ошишига қараб ўзгаради.

Ушбу формула ёрдамида ҳисобланган меҳнат самарадорлик кўрсаткичи 1 га тенг (Ms=1), 1 дан катта (Ms>1) ёки 1 дан кичик (Ms<1) қийматга эга бўлиши мумкин. Агарда Ms=1 га тенг бўлса, (меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи миқдори ўзгармаган ҳолда) махсулот ҳажми ҳам бир фоизга ўсганда иш ҳақи ҳам бир фоизга ўсади. Меҳнат самарадорлигининг тенглиги ходимнинг барқарор ишлашини таъминлайди. Бундай ҳолат соҳада хизматлар ҳажми ошмайди, сифати ҳам ўзгармайди, янги иш ўринларини яратиш имконига эга бўлмайди.

Ms>1 бўлса, корхона нуқтаи назардан ижобий баҳоланади, соҳада хизматлар ҳажми ошиб, нархлар ўсиш суръати барқарорлашади, инфляция даражаси пасаяди, янги иш ўринларини яратиш, янги хизмат турларини жорий этиш ва ходимларни рағбатлантириш имкони яратилади. Иккинчи томондан иш берувчи ва ходим ўртасида иқтисодий манфаатлар мувозанати бузилади.

Ms<1 бўлса, меҳнат унумдорлиги меҳнат сарфларига қараганда бир мунча секинроқ суръатда ўсишини, шунингдек соҳада харажатлар миқдори ошаётганлигини, ходимлар салоҳиятидан, асосий воситалардан ва бошқа ресурслардан унумли фойдаланилмаётганлигини кўрсатади. Кейинчалик бу ҳолат соҳада аҳоли бандлигини қисқаришига, ишсизлар сонини ошишига олиб келади.

Модомики, тавсия этилаётган формулада меҳнат самарадорлиги натижасининг (Ms=1,Ms>1 ёки Ms<1) 1 га тенглиги, 1 дан катта ёки 1 дан кичиклиги корхона нуқтаи назардан, ёки айтайлик давлат нуқтаи назаридан яхши, ходим учун эса унинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари пасайишини ифодаласа, ёки аксинча бўлса унда натижанинг муайян зарарсиз нуқтасини топиш муҳим. Бунинг учун меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўртасидаги пропорциядан фойдаланиш лозим. Адабиётларда «меҳнат унумдорлигининг 1 фоизга ўсиши, иш ҳақини 0,7-0,8 фоизга кўпайиб боришини мақсадга мувофиқ[30]» деб, кўрсатишган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб тавсия этилаётган формула қиймати 0,7 ёки 0,8 га тенг бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу ҳолатда иш берувчи ва ходим ўртасида иқтисодий манфаатлари тўқнашмайди. Аксинча ходим хизмат кўрсатиш жараёнидаги харажатларини қоплаш (яхши ишлаб пул мукофотларини олиш) мақсадида бор имкониятларини ишга солади, иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланишга интилади. Бу, ўз навбатида, соҳада янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Юқорида тавсия этилган формула ёрдамида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида ходимларнинг меҳнат самарадорлиги ҳисоблаб чиқилди (2-жадвал).

[30] Плышевский Б.П. Соотношение динамики производительности и оплаты труда. // Вопросы статистики, №6.2006.-С.5.

2-жадвал

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш сохаси тармоқлари ходимларининг меҳнат самарадорлик кўрсаткичлари

Хизмат кўрсатиш тармоқлари	Йиллар				2022 йилнинг 2019 йилга нисбатан ўзгариши (+;-)
	2017	2018	2019	2022	
Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш	0,5	0,6	0,6	0,6	X
Яшаш ва овкатланиш хизматлари	0,4	0,4	0,4	0,4	X
Ташиш ва сақлаш	1,0	1,0	1,0	1,0	X
Ахборот ва алоқа	2,3	2,2	2,0	2,3	+0,3
Молия ва суғурта фаолияти	3,2	3,3	3,4	4,3	+1,0
Таълим	0,9	0,9	1,0	0,9	-0,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	0,7	0,8	0,9	0,9	X
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	0,5	0,7	0,8	0,8	X
Бошка турдаги хизмат кўрсатиш	0,1	0,1	0,1	0,1	X

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида ходимларнинг меҳнат самарадорлиги биз таклиф этган меъёрдан кўп, баъзилари эса 0,7 ва 0,3 пунктга кам эканлигини кўрсатди. Масалан, хизмат кўрсатиш соҳасининг улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш тармоғидаги ходимларининг меҳнат самарадорлиги 2022 йилда 2017 йилга қараганда 0,1 пунктга ошган бўлсада, у белгиланган меъёрдан 0,2 пунктга кам. Яшаш ва овқатланиш тармоғи ходимларининг меҳнат самарадорлик кўрсаткичлари ҳам 0,5 пункт кам. Юқорида таъкидланганидек, бу ҳолат меҳнат унумдорлигининг меҳнат сарфларига қараганда бир мунча секинроқ суръатда ўсаётганлигини, шунингдек соҳада харажатлар миқдори ошаётганлигини, ходимлар салоҳиятидан, асосий воситалардан ва бошқа ресурслардан унумли фойдаланилмаётганлигини кўрсатади ва бу жараённи ижобий баҳолаб бўлмайди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ахборот ва алоқа, молия ва суғурта хизматларини кўрсатувчи ходимларининг меҳнат самарадорлиги кўрсаткичлари эса соҳанинг бошқа тармоқларига қараганда бир мунча фарқ қилади. Масалан, ахборот ва алоқа хизматларини кўрсатувчи ходимларининг меҳнат самарадорлик кўрсаткичи 2 дан кам эмас, ёки айтайлик молия ва суғурта хизматларини кўрсатувчи ходимларининг меҳнат самарадорлик кўрсаткичи меъёрдан 2,6 мартага кўп. Бу ҳолатни жобий баҳолаш мумкин. Чунки бундай ҳолат бир томондан соҳада хизматлар ҳажми ошиб, нархлар ўсиш суръати барқарорлашади, инфляция даражаси пасаяди, янги иш ўринларини

яратиш, янги хизмат турларини жорий этиш ва ходимларни рағбатлантириш имкони яратилади. Иккинчи томондан эса иш берувчи ва ходимларнинг иқтисодий манфаатлари ўртасида зиддият пайдо бўлади. Яъни бундай вазиятда ходим иш берувчидан иш шароитларини янада яхшиланишини, иш вақтини қисқартиришни, иш ҳақини оширишни ва шу каби бошқа имтиёзларни талаб қилишга интилади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ташиш ва сақлаш хизматларини кўрсатувчи ходимларнинг меҳнат самрадорлиги эса 1 тенг. Бундай ҳолат хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланишига тўсқинлик қилади. Чунки, бундай вазиятда ходимлар барқарор ишлаши таъминланади. Лекин соҳада хизматлар ҳажми ошмайди, сифати ҳам ўзгармайди, янги иш ўринларини яратиш имконига эга бўлмайди. Шунинг учун ушбу тармоқ ходимларнинг меҳнат самрадорлигини ижобий баҳолаб бўлмайди. Бундай вазиятни хизмат кўрсатиш соҳасининг таълим тармоғида ҳам кўриш мумкин. Гарчанд, таълим тармоғида ходимларнинг меҳнат самрадорлиги 2017 ва 2018 йилларда 0,9 тенг бўлган бўлсада, 2019 йилга келиб ушбу кўрсаткич 1 тенг бўлди. 2022 йилда у яна 0,9 га тенг бўлди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг қолган тармоқларида жумладан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш, санъат, кўнгил очиш ва дам олиш тармоқ ходимларининг меҳнат самарадорлиги меъёр кўрсаткичига яқинлашган. Бироқ ушбу тармоқ ҳам 2020 йилда белгиланган меъёрдан 0,1 пунктга ошган. Демак ушбу тармоқда хизматлар ҳажмини ошириш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқиши тақозо этади. Бошқа турдаги хизмат кўрсатиш тармоқ ходимларининг мехнат самарадорлиги белгиланган меъёрдан 0,7 пунктга кам. Тадқиқотлар жараёнида амалга оширилган таҳлил натижалари хизмат кўрсатиш соҳасининг деярли барча тармоқларида ходимларнинг меҳнат самарадорлиги беқарорлигини кўрсатмоқда. Ушбу ҳолат ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг постиндустриал босқичига ўтиш жараёнида мазкур соҳанинг моҳиятига, унинг миллий иқтисодиётдаги мавқеи ва аҳамиятига, келажакда соҳанинг зиммасига юклатилган улкан вазифаларни бажариш борасидаги талабларига мос келмайди. Демак, соҳа ходимлари меҳнат самарадорлигини ошириш муаммоси янада актуллашади. Ушбу муаммони ҳал этиш мавжуд имкониятлардан ўринли ва унумли фойдаланиш зарур.

Хулоса

Хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳоли меҳнати самарадорлигини баҳолайдиган янги услубий ёндашувлар бўйича таҳлиллар олиб борилмас экан, ушбу соҳада аҳоли бандлигини таъминлаш борасида жиддий ўзгаришлар содир бўлмайди. Ечилиши амалий жиҳатдан муҳим бўлган муаммолар занжирида хизматлар соҳасида банд бўлган ходимлар иш ҳақисини меҳнат натижаларига мувофиқ ошириш, соҳанинг баъзи тармоқларини жумладан, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш, молия ва суғурта, таълим, туризм, яшаш ва овқатланиш хизматларини

кўрсатувчи тармоқларни кенгайтиришни биринчи даражали аҳамиятга эга деган тўхтамга келдик. Айнан ушбу хизмат турларини ривожлантириш ва унда аҳоли бандлигини таъминлаш соҳада кўп йиллар давомида жамланган миллий бойлик ва орттирилган тажрибадан фойдаланиш мамлакатда ялпи хизматлар ҳажмини ошириш имконини беради.

Таклифлар

Меҳнат самарадорлигини ижтимоий-иқтисодий категория сифатида уни аниқлаш учун муайян кўрсаткичлар тизимини талаб қилади. Шу нуқтаи назардан қаралганда ходимлар меҳнат самарадорлигини юқорида тавсия этилган формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек ушбу формула, ишлаб чиқариш миқёсига қараб меҳнат самарадорлигини корхона, тармоқ, минтақа, даражасида аниқлаш имконига эга. Хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳоли меҳнати самарадорлигини аниқлашнинг янги ёндашуви соҳада янги иш ўринларини яратиш, янги хизмат турларини жорий этиш, ялпи хизматлар ҳажмини ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Назария ва амалиёт. Дарслик.-ЎзР ФА “FAN”нашриёти, 2019 – Б.398.

2.Колесникова С.В.Эффективность использования трудовых ресурсов в организации // Вопросы экономики и упраления.- 2016.- №5 (7). – С.153-154.

3.Мухаммедов М.М., ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси.- Т.: “Fan va texnologiya”, 2018 й., Б.104.

4.Плышевский Б.П. Соотношение динамики производительности и оплаты труда. // Вопросы статистики, №6.2006.-С.5.

RESPUBLIKAMIZDA TIJORAT BANKLARDA RAQAMLI XIZMAT KO‘RSATISH

Boboqulov Sanjar Baxronkulovich
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti Raqamli iqtisodiyot kafedrasi dotsent v/b, i.f.f.d., (PhD) +998941891989 ferdu_www@mail.ru
Behruz Usmonov Samarqand iqtisodiyot va servis instituti talabasi Tel: +998931022025 E-Mail: behruz0727@gmail.com

Anotatsiya: Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyotga o’tish sharoitida mamlakatimizda raqamli bank va bank faoliyatini raqamlashtirish bo’yicha tadqiqotlar olib borilgan bo’lib, soha faoliyatini rivojlantirish uchun xulosa va tavsiyalar keltirilgan.

Kalit so’zlar: raqamlashtirish, innovatsiya, bank, raqamli bank, iqtisodiyot, moliya.

Mamlakatimizda tijorat banklari tomonidan ko‘rsatiladigan xizmatlar soni oshib borishi mijozlarga qulayliklar yaratishi va bank xizmatlarining sifatiga qarab mijozlarni bankni tanlash imkoniyati yaratiladi. Ko‘rsatiladigan xizmatlar tijorat banklari uchun ma’lum miqdorda daromad olib keladi. Keyingi yillarda bank xizmatlarining turlari va miqdori o‘sib, bu soha bank faoliyatining sezilarli yo‘nalishiga, ular daromadining manbalaridan biriga aylanib bormoqda. O‘zbekistonda tijorat banklari faoliyatining tahlili shuni ko‘rsatadiki, bank daromadida asosiy o‘rinni har xil xizmatlardan keladigan tushumlar tashkil qiladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ta’kidlaganlaridek: “Iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilanishini ko‘zda tutadigan “Raqamli iqtisodiyot milliy kontsepsiyasi”ni ishlab chiqishimiz kerak. Shu asosda “Raqamli O‘zbekiston-2030” dasturini hayotga tadbiq etishimiz zarur. Raqamli iqtisodiyot yalpi ichki mahsulotni kamida 30 foizga o‘stirish, korruptsiyani keskin kamaytirish imkonini beradi.”[31]. Bunday vazifalarni amalga oshirish iqtisodiy islohatlarning ustuvor vazifalari qatoridan joy olib, bank tizimini rivojlantirish zamonaviy ko‘rinishga kletirishni taqozo etmoqda. Buning samarali yechimi sifatida raqamli banklar faoliyatini rivojlantirish orqali aholi turmush farovonligini ta’minlash asosiy vazifalardan biri hisoblanadi. Bu holat o‘z navbatida ijtimoiy ishlab chiqarish jarayonlarini yangi iqtisodiy tartiblarga o‘tish jarayonini jadallashtirib, insonlar ijtimoiy-iqtisodiy faoliyatining ichki va tashqi jarayonlarini keskin o‘zgartiradi, tizimda korupsiya holatlarini oldini oladi, ijobiy siljishlar bo‘lishiga olib keladi.

Shu maqsadda bank xizmatlarini rivojlanishiga ko‘ra quyidagi turlarga bo‘linadi:

1. An’anaviy;
2. Noan’anaviy.

Banklarning ana’naviy xizmatlarini quyidagi rasmdan ko‘rish mumkin (1-rasm).



1–rasm. Banklarning an’anaviy xizmatlari[32].

[31] O’zbekiston Respublikasi Prezidenti 2018 yil 28 dekabrdagi 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Xalq so’zi. 2019 yil. 1 son

[32] Николаева Т.П.Банковский маркетинг:учебно-методический комплекс-М:изд.Центр ЕАОИ. 2015 – 224с

Tijorat banklarining an’anaviy bank xizmatlariga banklarning tashkil topishi bilan mijozlarga ko‘rsatilib kelinayotgan bank xizmatlari kirib, barcha banklarga xos xizmatlar hisoblanadi. Ya’ni, tijorat banklarining kreditlash operatsiyalari va depozit operatsiyalari anan’aviy xizmatlarning asosini tashkil etadi.



2–rasm. Banklarning noan’anaviy xizmatlari[33].

Banklarning noan’anaviy xizmatlariga biz odatda banklar faoliyatiga endi kirib kelgan bank xizmatlarini kiritishimiz mumkin. Bunday xizmatlar banklararo raqobatning rivojlanishi, kompyuter texnologiyalarining banklar ko‘rsatayotgan xizmatlarga joriy etilishi natijasida joriy qilingan xizmatlar hisoblanadi.

Tijorat banklarining noan’anaviy xizmatlari bank mijozlariga ko‘plab qulayliklarni yaratishi bilan bir qatorda banklar tomonidan ko‘rsatiladigan xizmatlar sifatini oshishiga va bank xizmatlari turlarini oshib borishiga bevosita ko‘maklashadi.

Yangi bank xizmatlarini amalga oshirishda mijozning bankka bog’lanish kanaliga qarab:

Telefon banking– statsionar telefonning tonal xizmati yoki bankning Call- centri orqali o‘z hisobraqamini boshqarish.

RS banking– shaxsiy kompyuter modemi va “Bank-mijoz” dasturi orqali o‘z hisobraqamini boshqarish.

Video-banking– “Infokiosk”lar va videokonferensiyalar orqali o‘z hisobraqamini boshqarish.

Mobil banking– mobil telefon orqali o‘z hisobraqamini boshqarish.

Internet-banking– shaxsiy kompyuter va internet tarmog’i orqali o‘z hisobraqamini boshqarish.

ATM banking– bankomatlar orqali o‘z hisobraqamini boshqarish.

Interaktiv televizion banking– zamonaviy televizor va internetdan foydalangangan holda o‘z hisob raqamini boshqarish.

[33] Николаева Т.П.Банковский маркетинг:учебно-методический комплекс–М:изд.Центр ЕАОИ. 2015 – 224 с

WAP-banking– mobil telefon va internet tarmog’i orqali o‘z hisobraqaminiboshqarish.

SMS-banking– qisqa xabarlar orqali o‘z hisobraqamini boshqarish.

STK-banking– mobil telefon sim-kartasiga o‘rnatilgan maxsus dastur orqali boshqarish (bunda aniq mobil tarmoq operatoriga bog’liq bo‘ladi).

Java-banking– mobil telefon o‘ziga o‘rnatilgan maxsus dastur orqali boshqarish (bunda mobil tarmoq operatoriga bog’liq bo‘lmaydi).

NFC-banking (Near Field Communication) – 5-10 sm oralig’ida ishlaydigan radiotarmoq orqali foydalaniladi. Bunda maxsus chip sotuvchinin terminalida joylashtiriladi va mijoz to‘lovni o‘tkazmoqchi bo‘lganida o‘z mobil telefonini ushbu terminalga yaqinlashtiradi, maxsus identifikatsion raqamlarni teradi va to‘lovni amalga oshiradi.

Bank xizmatlarini turli mezonlar bo‘yicha tasniflash mumkin: Jumladan:

– mijozlar ehtiyojlarini qondirishga yo‘naltirilishi jihatidan:

– bevosita xizmatlar *(direct dervices),*bevosita mijozlarning ehtiyojlarini qondiradi masalan, to‘lovlarni o‘tkazish, hisobvaraq ochish, investitsion xizmatlar;

– bilvosita xizmatlari *(related services),* mijozlarga taqdim etilishi bilan ularga qulaylik tug’diradigan va foydali bank xizmatlari bo‘lib, ularga (kliringxizmatlari, hom-banking, maslahat xizmatlari, plastik kartochkalar)

Internet-banking, koll-banking va boshka turli xizmatlarni kiritish ham bankichki texnologik holatiga katta talablar qo‘yadi. Bunday xizmatlar hamma banklarning cho‘ntagiga va yelkasiga to‘g’ri kelmaydi. Bankning barcha bo‘limlarining bosh ofis bilan onlayn tizimida ishlashi bugungi kun talabidir. Busiz bankning riteyl sohasida shakllanishi va rivojlanishi haqida gapirib ham bo‘lmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti 2018 yil 28 dekabrdagi 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Xalq so’zi. 2019 yil. 1 son

2. Қ.Ж.Мирзаев, С.Б. Бобоқулов, Б.Қ.Жанзаков, Рақамли иқтисодиёт,/ О’қув қо’лланма/ Самарқанд.: СамИСИ, “СТАП-СЕЛ” МЧЖ. Нашриёт матбаа бо’лими, -2022 й. 288 бет.

3. Николаева Т.П.Банковский маркетинг: учебно-методический комплекс-М:изд.Центр ЕАОИ. 2015 – 224с

4. http://vvv.Businessveek.kom/bvdaily/dnflash/jun2001/n20_9.htm).

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Мустафоев Ғолиб Султонмуродович
СамИСИ “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси в/б доценти
эл.почта: gmustafoyev@gmail.com

Аннотация: Ушбу илмий тадқиқотнинг мақсади, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш, ушбу соҳани замонавий янги хизмат турлари билан таҳлил қилиш, мавжуд ички ресурс ва имкониятларни белгилаш асосида қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш кўрсатгичларини ўсишини муҳокама қилишни амалга оширишдир. Тадқиқотлар қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини ўрганишни ўз ичига олади.

Калит сўзлар:Ялпи ички маҳсулот, хизмат кўрсатиш, хизматлар, доимий аҳоли, қишлоқ жойлари, кўрсатгичлар, ресурслар, рақамлар, иқтисодиёт.

Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш, биринчи навбатда, ушбу соҳани бугунги ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини чуқур таҳлил қилишни, ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни аниқлашни ва уларнинг ечимларини излаб топишни, мамлакатнинг мавжуд ички ресурс ва имкониятларни белгилашни, келажакда қишлоқ жойларида замонавий янги хизмат турларини аниқлашни ва улардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Шу мақсадлардан келиб чиқиб, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати, содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг миқдор ва сифат ўзгаришини акс эттирувчи рақамлар илмий тадқиқотлар асосида ўрганилди. Статистик кўрсатгичлар таҳлили ва муаллифнинг социологик илмий тадқиқотлари асосида хулосалар чиқариш муҳимдир.

Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасида, ўз-ўзини иш билан таъминлайдиган кўп сонли ишчиларни ва якка тартибда фаолият юритадиган корхоналарни топиш улар даромадлари тўғрисида маълумотларни топиш қийин. Бу хизмат кўрсатиш соҳасининг муаммоларидан бири сифатида ЯИМ таркибида акс этмайди ва ривожлантириш учун зарур бўлган қарорлар тўғри қабул қилинмаслигига сабаб бўлади. Жахон банкининг маълумотларига кўра Ўзбекистонда 2021 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ таркибидаги улуши 34,6 фоиз даражада бўлган (1- жадвал). 2021 йил 2020 йилга нисбатан +1,1 бирликга ўсиш кузатилган бўлса ҳам, қолган йиллар кесимида ўсиш даражаси паст. Қишлоқ жойларда ҳам хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 2021 йилга келиб ижобий ўсиш тенденциясини қайд этган. Лекин, 2021 йил 2020 йилга нисбатан атиги +0,2 бирликга ўсган.

1-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши, фоизда[34] *(2000-2021 йиллар)*

№	Кўрсатгичлар	Йиллар									2020 йил 2019 йилга нисбатан ўзгариши (+;-)
		2000	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	
1.	Хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши	37,1	35,8	35,9	35,7	33,7	31,8	32,2	34,6	35,7	+1,1
2.	Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси улушининг ўзгариши	5,4	5,7	8,4	6,4	6,2	5,5	5,1	5,7	5,9	+0,2

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида “....статистик ҳисоботларни тўғри юритиш ва давлатнинг иқтисодий салоҳиятини аниқ баҳолаш жуда муҳимдир”,[35] дея, таъкидлаганларидек хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам, йилдан-йилга кўрсатилаётган хизматларнинг таркибини тўғри аниқлаш, улар томонидан акс этган статистик рақамларни ҳаққоний кўрсатиш йўлига ўтилганлиги сабабли, кўплаб статистик кўрсаткичлар ва Ялпи ички маҳсулот статистикасини юритишда ҳам ўзгариш кузатилди.

[34] https://data.worldbank.org/indicator/NV.SRV.TOTL.ZS?contextual=default&locations=UZ&view=chart маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

[35] http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-12-2018 10/09/2022 соат 14:25.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси[36].

1-расмдан кўриниб турибдики, қишлоқ жойларида яшовчи доимий аҳоли сони 2016 йилда 15611,4 минг кишини ташкил этган. 2022 йилда эса 17338,7 минг кишига етган. 2022 йил 2016 йилга нисбатан ўзгариш суръати 111 фоизга ўсиб, ўсиш кўрсаткичи 2016 ва 2022 йиллар кесимида барқарор ва мўтадил ҳолатда бўлган. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳажми 2022 йил 2016 йилга нисбатан 143,6 фоизга ўзгарган. Аммо, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ҳажмининг 2016 йилдан 2022 йиллар оралиғи ўзгаришида барқарорлик мавжуд эмас. Шу сабабли қишлоқ аҳолисининг барқарор ўсаётган шароитида қишлоқ жойларидаги хизмат кўрсатиш ҳажмини ҳам барқарорлаштириш зарур. Ваҳолангки, замонавий иқтисодиётда аҳолнинг ўсиш даражасидан соҳанинг ўсиш даражаси юқори ва барқарор бўлиши шарт, чунки аҳолига муносиб хизматларни яратишда ва қишлоқ аҳолисининг талабини қондиришда турли таъсир этувчи омиллар қаторида қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасининг барқарор ўсиши, қишлоқ жойларида яшовчи аҳолининг фаровонлигини оширишда хизмат кўрсатиш соҳаси муносиб аҳамият касб этади. Қишлоқ аҳолисининг ўсиб бориши билан унинг талаби ҳам ўсиб боради ва бу талабларини қондириш учун аҳолининг ўсишига мос хизматлар талаб этилади. Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасининг барқарор ўсиши қишлоқ аҳолисининг ўсишидан ортда қолмаслиги зарур деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. https://data.worldbank.org/indicator/NV.SRV.TOTL.ZS?contextual=default&locations=UZ&view=chart
2. http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-12-2018
3. https://data.worldbank.org/country/uzbekistan

[36] https://data.worldbank.org/country/uzbekistan Last Updated: 25/12/2022 time 20:36 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Исхакова С.А.– СамИСИ Рақамли иқтисодиёт кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
Телефон: +998 (90) 2272274
isarvar@yandex.ru
Усманов М.Д. - СамИСИ Рақамли иқтисодиёт кафедраси тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий тузилиши, хизматларни сотиш ҳажмининг тобора ўсиб бориш сабаблари (жумладан, урбанизация даражасининг ўсиши, демографик тенденциялар, таълим ва тиббий хизматлар даражасининг ўсиши ва бошқалар) кўриб чиқилган. Муаллиф рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаб берган.

Калит сўзлар: тармоқлар, хизмат кўрсатиш соҳаси, рақамли иқтисодиёт, ривожланиш йўналишлари.

Рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ўрганиш ахборот ва интеллектуал сиғимли технологияларга, мутахассисларга талабларнинг янада мураккаблашувига ва хизматлар кўрсатишнинг янги форматларининг ривожланишига асосланган иқтисодий фаолиятнинг тубдан ўзгариши шароитида жаҳон ва миллий иқтисодиётларда давом этаётган ислоҳотлар нуқтаи назаридан жуда ҳам долзарбдир.

Ўзбекистонда ушбу тадқиқот йўналиши мамлакатимизни узоқ муддатларга ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси”[37] ва “Рақамли Ўзбекистон – 2030”[38] стратегияси нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади. Бу хужжатларда Ўзбекистонда билимлар жамиятини ривожлантириш, товарлар ва хизматларнинг мавжудлиги ва сифатини ошириш орқали мамлакатимиз фуқароларининг фаровонлиги ва турмуш сифатини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалалари кўриб чиқилган.

Иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда, электрон ҳужжат айланиши тизимлари жорий этилмоқда, электрон тўловлар ривожлантирилмоқда ва электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда. Маълумотларнинг тақсимланган реестри

[37]“2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармони.
[38]«Рақамли Ўзбекистон — 2030» Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сонли Фармони.

технологиялари, «сунъий ақл», суперкомпьютерлар имкониятларидан фойдаланиш, шунингдек, крипто-активлар бўйича фаолият жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларидан бири ҳисобланади. Маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиялари нафақат иқтисодиётнинг кўплаб секторларига, балки давлат бошқаруви тизимига ва бошқа жамоатчилик муносабатларига аста-секин жорий этилмоқда.

Маълумки, хизмат кўрсатиш соҳаси иккига бўлинади: хизматлар кўрсатиш ва ижтимоий соҳа. Хизматлар кўрсатиш соҳасига уй-жой коммунал хўжалиги, электр таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва канализация хизматлари, транспорт хизматлари ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари, алоқа ва телекоммуникация хизматлари, рақамли ва маиший техникани таъмирлаш хизматлари, савдо хизматлари, умумий овқатланиш хизматлари, маиший, суғурта хизматлари каби хизматлар киради.

Ижтимоий соҳага ижара, даволаш ва санаториялар, таълим, ахборот, юридик, молиявий, таржима, меҳмонхона, қўриқлаш, туризм, кўнгилочар ва дам олиш хизматлари каби хизматлар киради.

Ўзбекистонда 2017-2022 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиш динамикаси хизматларнинг асосий турларини ривожланишининг ижобий тенденцияларидан далолат беради (1-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатда 2017-2022 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш соҳасида жами хизматлар 3,0 мартага, яъни 2017 йилдаги 118 811,0 млрд. сўмдан 2022 йилда 357 554,5 млрд. сўмгача кўпайганлиги яққол кўриниб турибди. 2022 йил охирига келиб алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 22,9 трлн. сўмни ташкил қилган ва 2017 йилга нисбатан 14,7 трлн. сўмга ошган. Худди шундай тенденцияни деярли барча тармоқлар бўйича кузатиш мумкин.

Айни пайтда иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида савдо (24,8 %), транспорт (22,7 %) ва молиявий хизматлар (22,5 %) улушининг юқорилигини кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2017-2022 йилларда хизматлар соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилишидаги ўзгаришлар, млрд. сўм[39]

№	Тармоқлар ва соҳалар	Йиллар			2022 йилнинг 2017 йилга нисбатан ўсиши, марта
		2017	2021	2022	
1.	Алоқа ва ахборотлаштириш	8 196,7	17 755,1	22 917,6	2,8
2.	Молиявий хизматлар	15 023,8	59 733,3	80 431,0	5,3
3.	Транспорт хизматлари	36 217,2	67 202,9	81 006,6	2,2
	Шу жумладан: автотранспорт хизматлари	*20 232,9*	*36 253,3*	*41 318,3*	*2,0*
4.	Яшаш ва овқатланиш хизматлари	3 649,6	8 375,4	11 322,8	3,1
5.	Савдо хизматлари	32 006,9	72 483,2	88 847,9	2,8
6.	Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	4 026,5	8 081,1	9 674,3	2,4
7.	Таълим соҳасидаги хизматлар	4 402,0	12 102,6	15 395,7	3,5
8.	Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	1 701,5	5 105,9	6 384,2	3,7
9.	Ижара хизматлар	2 589,2	5 351,0	6 444,3	2,5
10.	Компьтер ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	2 329,2	4 680,5	5 842,3	2,5
11.	Шахсий хизматлар	3 134,4	6 799,8	8 713,9	2,8
12.	Меъморчилик, муҳандислик ишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	1 611,7	6 306,8	7 338,2	4,5
13.	Бошқа хизматлар	3 922,3	10 410,5	13 235,7	3,4
	Хизматлар - жами	**118 811,0**	**284 388,1**	**357 554,5**	3,0

Ушбу тенденция, яъни хизматлар ҳажмининг ўсиб бориши, моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришнинг глобал тенденциясига мос келади. Бизнинг фикримизча, бу тенденция келажакда ҳам давом этади. Бу қуйидаги сабаблар билан боғлиқ:

- урбанизация даражасининг ошиши (шунга мос равишда маиший, транспорт ва бошқа хизматларга талабнинг ортиши);

[39]Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари. Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти // https://lex.uz/pdfs/5841077 [Электрон ресурс]. Кириш санаси: 20/09/2023.

- бўш вақтнинг кўпайиши (туризм хизматлари, кўнгилочар хизматлар, шоу-бизнес, ўйин форматлари ва бошқаларга талабнинг ошиши);

- бир қатор демографик тенденциялар (шу жумладан, умр кўриш давомийлигининг ошиши ва кексалар учун кўрсатиладиган хизматлар рўйхатининг кенгайиши);

- мамлакат аҳолисининг таълим даражасининг ортиши (одамларнинг иккинчи ва учинчи таълимни олиш истаги, қўшимча таълим ва ўқитишнинг турли турларига бўлган талабнинг ошиши ва бошқалар);

- тиббий ёрдам кўрсатиш даражасининг ошириш (маслаҳат, профилактика ва даволаш учун тиббий хизматлар кўламини кенгайиши);

- коммуникацион алоқалар ва имкониятларнинг кенгайиши (мобил, компютер ва бошқа асбоб-ускуналарни таъмирлаш, кафолатли хизмат кўрсатиш, дастурий таъминотни янгилаш ва бошқаларга талабнинг ошиши).

- одамларнинг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган хизматлар сонининг кўпайиши.

Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар ҳажмининг ошиши шунингдек, ахборот технологияларининг ривожланиши ва истеъмолчилар талабининг мураккаблашиши, яъни мавжуд хизматлар турларининг ўзгариши ва янги хизматлар турларининг (учувчисиз транспорт учун хизматлар, молиявий воситачилик хизматлари ёки криптовалюталар бўйича консалтинг ва бошқалар) пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Ўтказилган тадқиқотлар рақамли иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг қуйидаги йўналишларини аниқлаш имконини берди:

1) Биринчи йўналиш - сунъий интеллектдан фойдаланишни кенгайтириш. Масалан, хавфсизлик хизматлари соҳасида кимёвий реакцияларни, фуқаролик ва ҳарбий авиацияда бошқариш жараёнларини тартибга солиш учун нейрокомпьютерлар, багажни текшириш учун янги қурилмалар, оммавий ва гавжум жойларда (аэропортлар, вокзаллар, портлар ва х.к.) одамларнинг юзлари ва ҳиссиётларини таниб олиш учун нейрон дастурлар яратилади, шахсни идентификациялаш, овозни, автомобил рақамини аниқлаш ва аэрокосмик тасвирларни таҳлил қилиш тизимлари ишга туширилади, бу еса террористик таҳдидлар даражасини сезиларли даражада камайтиради.

Савдо соҳасида электрон котиблар ва агентлардан фойдаланиш, ахборот тизимлари ва ижтимоий тармоқлардаги маълумотларни фильтрлаш (масалан, маҳсулотнинг жорий шарҳларини ва уларнинг ҳиссийлик даражасини кузатиш), ҳамкорликда фильтрлаш, янгиликлар тасмаларини тоифалаш, электрон савдо учун мақсадли маркетинг, қўлда ёзилган чекларни қайта ишлаш, имзолар, бармоқ излари ва овозларни тан олиш, тўлов тизимларида контрафактларни аниқлаш, истеъмолчилар,

рақобатчилар, етказиб берувчилар тўғрисидаги катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, бозордаги умумий вазият ва бозор ривожланиши ва улардаги хатти-ҳаракатларнинг аниқроқ прогнозларини шакллантириш, маҳсулот ва пул оқимларини оптималлаштириш, пластик ёки нейро-карталардан фойдаланган ҳолда транзакциялар хавфсизлиги ва бошқалар ривожланиб боради.[40] Умуман олганда, бу савдо хизматлари сифатини сезиларли даражада яхшилайди ва онлайн харидлар сонини оширади. Туризм соҳасида кўп каналли туризм хизмати – 7/24 кечаю кундуз веб-сайтлар, мобил иловалар, тезкор жавоб бериш ва туристик хизматлар мижозларига барча зарур маълумотларни тақдим этиш асосий бўлади. Мижозларнинг онлайн ёки офлайн режимида хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш жорий этилади, бу эса янада қимматли туристик таклифлар ва маҳсулотларни яратиш, истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда мижозлар билан ўзаро муносабатларнинг энг самарали усуллари ва каналларини танлаш имконини беради.

2) Иккинчи йўналиш - жамиятнинг инсон капиталига инвестицияларни кўпайтириш, яъни турли қатлам ва тоифадаги фуқароларнинг турли қобилиятлари, билимлари ва малакаларини ривожлантирувчи таълим, тиббий ва бошқа хизматлар рўйхатини кенгайтириш. Масалан, тиббиётда нейрочиплар, тиббий диагностика ва экспертиза ишлари учун янги асбоб-ускуналар яратиш, шунингдек, операцияларни амалга ошириш, нейротиббиёт асбоб-ускуналари ва протезларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган бўлиб, бу тиббий хизматни янада сифатли кўрсатиш имконини беради. Таълим соҳасида хотира ва интеллектни ривожлантиришнинг янги усуллари, нейроқурилмалар имплантацияси, ўз-ўзини ўрганувчи ва ўз-ўзини созлайдиган нейрон тармоқларини яратиш, ноёб эксперт тизимлари, илғор ўқитиш усулларини қўллаш, янги кадрлар тайёрлаш режалаштирилган.

3) Учинчи йўналиш - хизмат кўрсатиш соҳасининг мижозларга эътиборини ошириш. Инновацион рақамли технологиялардан фойдаланиш мижозлар учун ноёб шахсийлаштирилган таклифларни яратиш, виртуал ёрдамчи хизматларини тақдим этиш имконини беради (масалан, Google Assistant, Amazon Alexa ва Appledan Siri, қайсиким улар овозли, график ёки матн киритиш орқали жисмоний шахс учун вазифаларни бажаради). Бундай ечимлардан фойдаланиш ҳар хил турдаги хизматлар истеъмолчилари сонини ва уларнинг сифат даражасини сезиларли даражада ошириши, мижозлар профилини, уларнинг афзалликлари ва жойлашув маълумотларини ўрганиш асосида (стандартга қўшимча равишда) индивидуал таклифларни ишлаб чиқиш ва турли рақамли платформаларга асосланган кенг қамровли хизматлар пакетларини тақдим этиши мумкин. Бундай технологияларнинг хизмат кўрсатиш соҳаларига

[40]Панасенко С.В., Стукалова И.Б., Мазунина Т.А. Направления развития современной розничной торговли // Российское предпринимательство. – 2018. - Т.19. - № 3. - С. 599-608.

таъсири жуда катта бўлади ва бутун хизматларни тақдим этиш жараёнини оптималлаштиришга қаратилган бўлади.[41]

4) Тўртинчи йўналиш – аҳоли турмуш даражасини янада ошириш ва ҳар бир ижтимоий йўналтирилган давлатнинг (шу жумладан Ўзбекистоннинг) ушбу глобал мақсадига эришишга қаратилган хизматлар рўйхатини сезиларли даражада кенгайтириш. Бу йўналишда янада илғор рақамли коммуникациялардан, масалан, ижтимоий тармоқларда (истеъмолчиларнинг фикрларини аниқлаш учун форумлар, гуруҳ муҳокамалари, тест сайтларидан) фойдаланиш орқали истеъмолчиларнинг содиқлигини ошириш бўйича ишлар олиб борилади. Катта ҳажмдаги маълумотлар сканердан ўтказилади ва мижозларга масофавий хизмат кўрсатишнинг ноёб дастурлари (жумладан, ногиронлар учун инклюзив дастурлар) қўлланилади.

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг хавф-хатарлари ва таҳдидлари ҳам мавжуд, масалан шахсий маконга тажовуз қилишда инсон ҳуқуқларининг бузилиши хавфи, манипуляция хавфи, олинган индивидуал маълумотлардан оммавий фойдаланиш, зарарли қонунбузарликлар, маълумотлар сизиб чиқиши ҳолатларида янги технологияларга бўлган ишончнинг пасайиши ва бошқалар.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган омиллар орасида қуйидагиларни таъкидлаш лозим: малакали кадрлар етишмаслиги, компьютер жиноятларининг ўсиши ва узатиладиган ахборот ва уни қайта ишлаш жараёнларининг хавфсизлигини таъминлашда яхлитлик, махфийлик, аутентификация учун шарт-шароитлар етарли даражада ривожланмаганлигидир.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, бир қатор сабабларга кўра (демографик ўзгаришлар, урбанизация жараёнлари, тиббий, таълим ва бошқа хизматлар даражасининг ошиши) турли турдаги хизматларни сотиш ҳажмининг кўпайиши тенденциясини келтириб чиқарди. Рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш йўналишлари сфиатида қуйидагиларни таъкидлаш лозим, деб ҳисоблаймиз: сунъий интеллектдан фойдаланишни кенгайтириш, инсон капиталига инвестицияларни кўпайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасининг мижозларга эътиборини ошириш, аҳоли турмуш даражасини янада оширишга қаратилган хизматлар рўйхатини сезиларли даражада кенгайтириш.

[41]Исследование цифровой экономики Узбекистана. Центр экономических исследований.https://www.gazeta.uz/ru/2021/05/05/research/[Электрон ресурс]. Кириш санаси: 20/09/2023.

Адабиётлар рўйхати:

1. “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармони.

2. «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сонли Фармони.

3. Панасенко С.В., Стукалова И.Б., Мазунина Т.А. Направления развития современной розничной торговли // Российское предпринимательство. – 2018. - Т.19. - № 3. - С. 599-608.

4. Исследование цифровой экономики Узбекистана. Центр экономических исследований.

https://www.gazeta.uz/ru/2021/05/05/research/ [Электрон ресурс]. Кириш санаси: 20/09/2023.

5. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари. Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти // https https://stat.uz/uz/ [Электрон ресурс]. Кириш санаси: 20/09/2023.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

А.Д.Равшанов-ҚарМИИ, “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.

Д.Х.Сафаров-ҚарМИИ магистранти

Аннотация. Мақолада мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг инновацион шарт-шароитлари ва омиллари билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган. Тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг мавжуд муаммолар ўрганилган. Тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожлантиришга доир тизимли ислоҳотлар самарадорлиги баҳоланган. Мавжуд имконият ва шарт-шароитлар таъсирида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланиш йўналиш-ларини шакллантиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: ишлаб чиқариш омиллари, инновацион тадбиркорлик, инновацион фаолият, инновацион ривожланиш, тадбиркорлик фаолияти, инновацион маҳсулот, интенсив иқтисодий ўсиш.

Мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқариш омилларидан мақсадли фойдаланиш йўналишларини шакллантириш ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлиги ошириш жараёни инновацияларга бевосита боғлиқ. Инновациялар таъсирида ишлаб чиқариш жараёнида инсон омилининг роли борган сари чекланиш характерига эга бўлиб, моддий ресурслардан фойдаланиш

самарадорлигининг ортиши ҳисобига интенсив иқтисодий ўсишга эришиш имкониятлари юзага келади. Аксарият ҳолларда инновацион фаолият маҳсулот, иш ва хизматлар соҳасидаги янгиликларга асосланади.

Инновациялар, сифат жиҳатидан янги бозорларни шакллантиришга, ижтимоий эҳтиёжларни самрали қондиришга ҳисса қўшишга имкон берадиган тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришга асос яратади. Ўз навбатида инновациялар тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини таъминлашга ва унинг тузилмавий таркибини такомиллаштиришга олиб келади.

Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар замирида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ислоҳотлар таъсирида бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни; ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, аҳоли бандлиги таъминлаш билан бирга, иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнларидаги фаол иштироки орқали намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонига асосан “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш зарурлиги” мақсад қилиб белгиланиб олинган[42].

Юқоридаги ҳолатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда анъанавий жараёнлар билан бирга инновацион ривожланиш жараёнларига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг ташкилий элементлари мувофиқлиги таъминлаш, инновацион ривожлантиришнинг жорий ва истиқболли таъсир кўрсатиш механизмлари самарадорлигини оширишга заруриятнинг юзага келиши мазкур йўналишда тадқиқот жараёнларини амалга ошириш жараёнини долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг глобаллашуви ва бозор муносабатларини такомиллаштиришнинг амалдаги босқичи, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва инновацион ривожланиш омилларидан самарали фойдаланиш тизимини оптималлаштириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш жараёнларида ўз аксини топади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштироки ҳам муҳим аҳамиятга эга. 2022-

[42] Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони

йилда кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) экспорти ҳажми 5 695,8 миллион АҚШ долларини ёки умумий экспорт ҳажмининг 29,5 % ини ва импортининг ҳажми 15 154,1 миллион АҚШ долларини ёки жами импортнинг 49,4 % ини ташкил этди[43].

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланиш йўналишлари шакллантиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида инновацияларни тижоратлаштиришга йўналтирилган инвестициялар оқимини шакллантириш;
- тадбиркорлик субъектларининг инновацияларга максимал даражада таъсирчанлигини таъминлайдиган шароитларни (солиқ режими, божхона сиёсати, шу жумладан қулай инвестиция муҳитини яратишга қаратилган чора-тадбирларни) яратиш;
- тадбиркорлик фаолиятининг инновацион циклидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган амалий ва фундаментал тадқиқотлар толиб бориш;
- илғор технологияларни тижоратлаштириш соҳасидаги мавжуд вазиятни тубдан ўзгартириш заруриятини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи инновацион инфратузилмалар фаолиятини шакллантириш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” Стратегияси тўғрисидаги ПФ-158 сонли Фармони
2. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари https://stat.uz/uz/default/press-relizlar/17505-2022.

[43] Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари https://stat.uz/uz/default/press-relizlar/17505-2022

ОСНОВНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ МИРОВОГО ИНДУСТРИИ ТУРИЗМА И ГОСТЕПРИИМСТВА

Каршибоев Х.К., доцент СамИЭС

Аннотация: В статье рассматриваются проблемы оценки конкурентоспособности услуг на гостиничных предприятиях, в которых качество рассматривается как важный фактор конкурентоспособности объекта. В статье используются экспертный, факторный и параметрический методы оценки конкурентоспособности услуг на гостиничных предприятиях, также изучаются вопросы формирования требований и продаж через регрессионные ссылки.

Ключевые слова: обеспечение качества, «входящие», «исходящие», «общие» и «специфические» факторы, качество обслуживания, согласованность, надежность, точность, распознавание, скорость передачи данных, регрессия, соответствие цены и качества.

Annatotsiya: Maqolada mehmonxonalar korxonalarida xizmatlarning raqobatbardoshligini baholash muammolari ko'rib chiqiladi, bunda sifat ob'ektning raqobatbardoshligining muhim omili sifatida qaraladi. Maqolada mehmonxona korxonalarida xizmatlarning raqobatbardoshligini baholash uchun ekspert, faktorial va parametrik usullardan foydalaniladi, shuningdek regressiya aloqalari orqali talablar va sotuvlar shakllanishi o'rganiladi.

Kalit so'zlar: sifatni ta'minlash, "kiruvchi", "chiquvchi", "umumiy" va "o'ziga xos" omillar, xizmat ko'rsatish sifati, izchillik, ishonchlilik, aniqlik, tan olish, bod tezligi, regressiya, pul qiymati.

Abstract: The article deals with the problems of assessing the competitiveness of services at hotel enterprises, in which quality is considered as an important factor in the competitiveness of an object. The article uses expert, factorial and parametric methods for assessing the competitiveness of services in hotel enterprises, and also studies the formation of requirements and sales through regression links.

Keywords: quality assurance, "inbound", "outbound", "general" and "specific" factors, quality of service, consistency, reliability, accuracy, recognition, baud rate, regression, value for money

Туристический бизнес — одна из наиболее быстро развивающихся отраслей мирового хозяйства. По некоторым оценкам, международный туризм входит в число трех крупнейших экспортных отраслей, уступая нефтедобывающей промышленности и автомобилестроению.

Всемирный совет по путешествиям и туризму, промышленная группа со штаб-квартирой в Лондоне оценивают экономическую деятельность в области путешествий и туризма в 2017 г. в 3,6 трлн. долл., то есть приблизительно 11% валового мирового продукта, что делает ее самой крупной отраслью в мировой экономике. Современные доходы от

туризма оценивают в триллионы долларов США, что сопоставимо с ВНП «великих» держав[44].

Вклад индустрии туризма в структуру ВНП стран, наиболее популярных для посещения, пока весьма скромен.

Наибольшие доходы от туризма в ВНП имеют Австрия (8%), Испания (5,8%), Швейцария (5,2%). По темпам развития туризма выделяются Китай, Мексика, США. Вместе с тем в некоторых странах доходы от туризма являются определяющей статьей ВНП: Бермудские острова — 34,7%, Сейшельские острова — 27,4%, Антигуа — 58,5%, Багамы — 52,1%. По статистике в 49 наименее развитых странах мира туризм занимает второе место после нефти в качестве источника поступлений в иностранной валюте[45].

Туризм, как доходная и инфраструктурная сфера экономики, еще с советских времен обладал преимущественной базой в Узбекистане, что выгодно отличало эту центрально-азиатскую республику от большинства бывших союзных субъектов. Обусловлено это явление, прежде всего, географическим положением республики, большим потенциалом в области организации туристических привлекательных маршрутов и т.д.

Все это полностью объясняет то, что туризм на сегодняшний день играет одну из главных ролей в мировой экономике и является в настоящее время одним из самых прибыльных видов бизнеса в мире. Поэтому вопросы о будущем данной отрасли мирового хозяйства, о ее перспективах и динамике ее развития в наступающем третьем тысячелетии столь важны. В результате – туризм является сейчас одним из самых динамично развивающихся видов международного бизнеса. Интерес к туризму предпринимателей очевиден и объясняется рядом факторов. Во-первых, для того, чтобы начать заниматься туристским бизнесом, не требуется слишком больших инвестиций. Во-вторых, на туристском рынке вполне успешно взаимодействуют крупные, средние и малые фирмы. И при этом данный вид бизнеса позволяет быстро оборачивать капитал, а также (в сфере международного туризма) извлекать известные выгоды за счет валютных операций.

Ожидается постепенное смещение акцентов в развитии туризма от традиционных рынков Западной Европы, США, Японии и Канады к альтернативным рынкам, таким как Центральная и Восточная Европа, включая Россию, Китай, Южная Корея, Мексика, а также некоторые страны Ближнего Востока (табл.1.1.1.).

Таблица 1.1.1. Распределение объемов въездного туризма по регионам мира (международные туристские прибытия, млн. чел.)

Регионы мира	Прибытия				Прогноз	
	2010	2012	2015	2019	2020	2025
Всего	327,1	457,2	565,4	667,7	1006,4	1561,1
Африка	9,7	15,0	20,2	27,4	47,0	77,3
Америка (Северная и Южная)	64,3	92,8	108,9	130,2	190,4	282,3
Восточная Азия (Тихоокеанский регион)	31,1	54,6	81,4	92,9	195,2	397,2
Европа	212,0	282,7	338,4	393,4	527,3	717,0
Ближний Восток	7,5	9,0	12,4	18,3	35,9	68,5
Южная Азия	2,5	3,2	4,2	5,5	10,6	18,8

Одной из наиболее значимых тенденций развития мирового туризма является резкое усиление конкуренции на рынке туристического предложения как следствие появления все большего числа растущих стран с амбициозными планами привлечения туристов, а также перенасыщения на рынке однотипного туристского предложения. Рынок туризма весьма динамичен и незамедлительно реагирует на изменения условий приема туристов в туристских центрах. Например, цунами 2004 года в Тихоокеанском регионе серьезно пошатнуло позиции таких развитых туристских центров как Тайланд, Малайзия и Индонезия. В результате этого страны, стремящиеся сохранить, либо упрочить свои позиции на международном рынке, осуществляют планирование туризма на основе принципов устойчивого развития, предусматривают долгосрочные инвестиции в данную сферу и имеют четкие государственные стратегии развития туризма.

Основные составляющие стратегий, которые используются в мировой практике: детальный анализ собственных рынков с оценкой соотношения традиционных и перспективных направлений, учет общемировых тенденций и мультипликативного эффекта от развития туризма, проведение ежегодных международных кампаний под определенными запоминающимися девизами, а также широкое использование возможностей передовых информационных технологий как базовой платформы общения с потребителями туристских услуг. Сфера туризма при успешном развитии может стать одним из ключевых элементов, позволяющих создать условия для достижения стратегических целей развития страны, а именно, повышения благосостояния населения на основе динамичного и устойчивого экономического роста, обеспечения занятости населения, повышения уровня удовлетворения социальных и духовных потребностей, создания потенциала для будущего развития государства и укрепления международных позиций. Немаловажной тенденцией современного туризма является повышение роли государственной политики развития туризма страны в целом, а также целевого продвижения отдельных туристских продуктов на отечественном и международном рынках (рис. 1).



Рисунок 1.1. **Бюджеты национальных туристских организаций, выделяемые на рекламу, млн. евро, 2018 г.**

При условии проведения эффективной государственной политики туристская индустрия обеспечивает рост качества услуг, стимулирует развитие человеческого капитала, повышает качество жизни, создает и совершенствует инфраструктуру.

Список использованных источников

1. Азоев ГЛ. Конкуренция: Анализ, стратегия и практика. М.: ИНФРА-М, 1996.
2. Алексеев В. Практикум по маркетингу: Задачи, тесты, ситуации. М.: ИНФРА-М, 2001.
3. Амблер Т. Практический маркетинг. Издательство "Питер", 1999-400 с. (серия "Теория и практика менеджмента")
4. Андреева О.Технология бизнеса: Маркетинг: Учебное пособие. М.: ИНФРА-М, 1997.
5. Ассэль Г. Маркетинг: Принципы и стратегия. М.: ИНФРА-М, 2001.
6. Барышев А. Маркетинг: Учебник. М.: Академия, 2002.
7. Бейкер М. Маркетинг: Энциклопедия. СПб.: Питер, 2002.
8. Белявский И. Маркетинговое исследование: Информация, анализ, прогноз. М.: ИНФРА-М, 2001.

USING THE OPPORTUNITIES FOR SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE REGIONS IN THE DIGITAL ECONOMY

Bobokulov S.B. Economy and service Associate Professor of the Institute, PhD +998941891989
Qarshiyev S.A. – student (Samarkand Institute of Economy and Service)

Annotatsiya: Ushbu maqola O'zbekistonda raqamlashtirishni rivojlantirish, yangi zamonaviy texnologiyalarni olib kirish, nou-houlardan foydalanish, malakali kadrlarni bu ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga jalb etish haqida ma'lumot va xulosalar berilgan bo'lib, bu iqtisodiyot sohasini rivojlantirishga katta hissa qo'shishi haqida so‘z yuritiladi.

Kalit so‘zlar: raqamli texnologiyalar, elektron savdo, online ta’lim, murojaat protsessorlari, tijorat, inventarizatsiya, personalizatsiya, PayPal, transferwise.

Аннотация: В данной статье представлены информация и выводы о развитии цифровизации в Узбекистане, внедрении новых современных технологий, использовании ноу-хау, вовлечении квалифицированных кадров в это социально-экономическое развитие, что внесет значительный вклад в ведется развитие экономики.

Ключевые слова: Цифровые технологии, электронная коммерция, онлайн-образование, процессоры приложений, коммерция, инвентаризация, персонализация, PayPal, трансфер.

Annotation: This article provides information and conclusions about the development of digitization in Uzbekistan, the introduction of new modern technologies, the use of know-how, and the involvement of qualified personnel in this socio-economic development, which will make a significant contribution to the development of the economy is conducted**.**

Key words: digital technologies, e-commerce, online education, application processors, commerce, inventory, personalization, PayPal, transferwise.

Comprehensive measures are being implemented in our country for the active development of the digital economy, the widespread introduction of modern information and communication technologies in all sectors and areas, first of all, in public administration, education, health care and agriculture.

"Digital Uzbekistan - 2030" strategy (hereinafter referred to as the "Strategy") was developed in order to ensure the rapid digital development of economic sectors, the social sphere and the public administration system, including the further improvement of the mechanisms for providing electronic public services.

The strategy defines the strategic goals, priorities and medium- and long-term prospective tasks of the development of the digital economy and e-

government of the Republic of Uzbekistan, and based on the priorities set in the UN Sustainable Development Goals and the e-Government Development Ranking, digital technologies are more widely used. serves as a basis for implementation.

Using the opportunities of socio-economic development of regions in the conditions of the digital economy is a direction that performs very important tasks today. Digital technologies, communication systems, the Internet, e-commerce and other key indicators help to increase opportunities in business, education, health, general services and other areas.

In order to take advantage of the opportunities of socio-economic development, regions can perform several practical missions:

Business: In the context of the digital economy, by taking advantage of the socio-economic development opportunities of the regions, businesses can have opportunities to strengthen and increase the connections between different departments and sectors. For example, it is possible to increase the central district of online sales, trade and service sales, compare products, manage time, calculate rent and prices, advertise on social networks and collaborate to solve other problems. There are highly automated and data driven methods of digital commerce. It is used for shopping in online stores, analyzing customer demand, automatic payments, using data in inventory, managing discount and advertising campaigns, personalizing commerce and improving communication between service providers and customers. For example, the online platform Amazon.com is one of the most famous examples of the Digital Economy. They use the capabilities of the Digital Economy to personalize customer and tailored services, optimize decisions, inventory and discount management with the help of data analytics.

Management: Monitoring the innovations of digital economy and technologies, analyzing data, managing resources, managing deadlines and managing with the intention of work, provides opportunities for more modern and quality management and active improvement of work.

Education: Along with the digital economy, regions are also experiencing innovations in education. Online learning, automation of application processes, networked student security, implementation of information platforms such as webinars and e-experience centers, management of multiple methods and workflow optimization, business models that organize e-learning opportunities set in enterprises.

Document relations: Digital technologies are increasing the ways in which regions perform information. It provides an opportunity to communicate with personal information in banking and finance, work with electronic business relations, send letters electronically, and place contracts by cooperating with each other in regions.

Digital Economy in Banking and Finance: The digital economy has also given great opportunities to the banking and finance sector. This sector includes

central banks, data-driven tax systems, electronic money transfer systems, data-driven credit scoring, activity tracking and reporting systems, and more to demonstrate the use of the Digital Economy. For example, PayPal, transferwise, Payme and others are examples of electronic money transfer systems that use the opportunities of the Digital Economy.

Digital Economy in Commerce: Digital commerce is highly automated and data driven. It is used for shopping in online stores, analyzing customer demand, automatic payments, using data in inventory, managing discount and advertising campaigns, personalizing commerce and improving communication between service providers and customers. For example, the online platform Amazon.com is one of the most famous examples of the Digital Economy. They use the capabilities of the Digital Economy to personalize customer and tailored services, optimize decisions, inventory and discount management with the help of data analytics.

The use of digital economy and opportunities for socio-economic development of regions is beneficial to organizations and society. Acquiring today's modern communications is one of the most reasonable expenses, along with the need for speed, efficiency and innovation in service delivery.

REFERENCES

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-6079 dated 05.10.2020

2. Q.J. Mirzayev, S.B. Bobokulov, Ulugmurodov F.F. Methodical guide on "Raqamli Iqtisodiyot". https://uzlidep.uz/uz/news-of-party/11083 Site

3. https://www.undp.org/uz/uzbekistan/press-releases/yoshlarning-raqamli-iqtisodiyot-va-raqamli-tadbirkorlikni-rivojlantirish-imkoniyatlarini-kengaytirish

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ИМКОНИЯТЛАР

Ҳайитбоев Р. -СамИСИ-доцент в.б.
E-mail: temursayyoh@mail.ru
Тел:+998 93 722 77 82

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг мавжуд имкониятлари аниқланган ва бу имкониятлардан фойдаланиб, қишлоқ туризмини ривожлантириш бўйича тавсиялар берилган.

Аннотация: В статье определены имеющие возможности организац ии и развития сельского туризма и даны рекомендации по использования с этими возможностями в развития сельского туризма в Узбекистане.

Abstract: The article identifies the possibilities for organizing and developing rural tourism and provides recommendations for using these opportunities in the development of rural tourism in Uzbekistan.

Калит сўзлар: қадрият, демография, обод маҳалла, обод қишлоқ, туризм қишлоғи, туризм маҳалласи, туризм овули.

Ключевые слова: ценность, демография, благоустроенная махалля, благоустроенное село, туристическое село, туристическая махалля, туристический ауль.

Keywords: value, demographics, comfortable mahalla, comfortable village, tourist village, tourist mahalla, tourist aul.

Ишлаб чиқариш соҳаларида, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида имкониятларнинг борлиги ёки йўқлигининг сезилиши икки йўналишда бўлиши мумкин:

1. Аниқ билиниб, англаниб туриладиган имкониятлар.
2. Муаммолар билан боғлаган имкониятлар.

Ўзбекистоннинг миллий туризмидаги барча турларини ривожланти ришда келтирилган икки йўналишдаги имкониятлар ҳам мавжуд. “Мамлакатимизнинг бой ва қадимий тарихидан маълумки, аждодларимиз томонидан маҳаллаларни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш энг бебаҳо қадрият ва анъаналардан ҳисобланади. Мазкур қадриятларимизни изчил давом эттирган ҳолда кенг кўламли бунёдкорлик ишларини барча ҳудудларда амалга ошириш орқали қишлоқ аҳолиси учун муносиб шароитлар яратиш ва уларнинг турмуш маданиятини янада юксалтириш, энг асосийси, ёшларни хайрли ишларга даъват этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу билан биргаликда, мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизи яшайдиган қишлоқ жойларда салмоқли демографик, меҳнат ва иқтисодий салоҳият жамланишига қарамасдан улар учун зарурий шароитлар яратиб берилмаган, турмуш даражаси ва сифатини оширишга етарлича эътибор қаратилмаган. Жумладан, сўнгги йилларда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ҳиссаси юқори бўлган деҳқон-фермерларнинг ва бошқа тоифадаги аҳолининг ҳаётий-маиший эҳтиёжла ри тўлиқ таъминланмаган”[1].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бундай муносабатга чек қўйилиб, аҳолининг яшаш шароитини янада яхшилаш бўйича аниқ ва мақсадли тизим яратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29 мартдаги "Обод қишлоқ дастури тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, жорий йилда ҳар бир туманда 2 тадан қишлоқда, кейинги йилдан бошлаб эса ҳар йили ҳар бир туманда 3 тадан қишлоқда кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Президентимизнинг “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги қарори жуда чуқур таҳлилларга асосланганлиги, мавжуд ҳолатнинг очиқ кўрсатилиши ва шу асосда аниқ тадбирларнинг белгиланиши билан ажралиб туради. Ҳақиқатан ҳам, ўз олдига дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бирига айланиш мақсадини қўйиб, замонавий иқтисодиётни, ижтимоий муносабатларни шакллантириш йўлидан

бораётган давлат учун аҳолисининг қарийб ярми истиқомат қиладиган, мамлакат моддий бойлигининг салмоқли қисмини яратаётган қишлоқ ҳудудларининг тараққиётнинг магистраль йўлидан четда қолиб кетиши, бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайдиган бир шароитда яшаши тушуниш қийин бўлган вазият эди.

Ушбу жиддий масалага шахсан юртбошимиз ташаббуси билан ошкора эътибор қаратилганлиги қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш имкониятларини аниқлаш, мавжуд муаммоларни кўтариш ва уларни ҳал қилиш борасида давлатимиз қандай қадамларга тайёрлигини яна бир бор яққол кўрсатди. Таъкидлаш лозим, қабул қилинган қарор доирасида кўтарилган ва ўз ечимини кутаётган масалалар қайсидир бир ҳудуд, туман ёки қишлоқ эмас, балки бутун мамлакатимизни қамраб олган тизимли асосга эгалиги билан аҳамиятли. Ижро доирасида амалга ошириладиган ишлар қишлоқларимиз, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган миллионлаб ватандошларимиз тақдирига дахлдор[2.3.4.].

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори[1] «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ни амалга оширишни изчил давом эттириш орқали ҳудудларнинг йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш ва шу асосда аҳолининг фаровонлиги ҳамда турмуш даражасини янада юксалтиришда қишлоқларимизнинг «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақомига эгалигидан самарали фойдаланиш белгиланганлигини ўзи мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг давлат аҳамиятига эга эканлигини билдиради.



1-Расм. Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришдаги имкониятлар

Ватанимизда қишлоқ туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришда Президентимизнинг юқоридаги Қарорига асосланиб- *“Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришдаги имкониятлар”* ни аниқлаб ва белгилаб чиқдик (1-Расм).

Хулоса ва тавсия:

1.Қишлоқ туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-ижтимоий-иқтисодий тузилмаларини, белгиланган имкониятлар ни босқичма-босқич амалга ошириш, вилоят ва туман ҳокимликлари ўзларининг вилоят ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига қишлоқ туризмини ривожлантириш дастурларини киритиши ва бу дастурнинг бажарилишига маъсуллик қилишлари лозим.

2.Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантириш асосида қишлоқларимиздаги мавжуд ишсизликни ечиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқишни кўпайтириш ва сифатини ошириш,

қишлоқларнинг иқтисодини кўтариш, савдони ташкил қилиш, миллий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, халқаро ҳамдўстликни кучайтириш каби муҳим масалаларда катта ютуқларга эришишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 02.04.2021 йилдаги ПҚ-5048-сон.

2.Ҳайитбоев Р., Остонов Ў.,Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг долзарб масалалари. “Халқаро ва ички туризмни ривожлантириш муаммолари” республика илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд, 2016 йил, 2-3июн, 179-183 б.

3.Ҳайитбоев Р.Экологик туризм. Ўқув қўлланма, «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», Тошкент, 2021.-374 б.

4.Ҳайитбоев Р.Ўзбекистоннинг чўлларида туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари, Монография, «STAR-SEL» MCHL. Нашриёт-матбаа бўлими. Самарқанд, 2022.-175 б.

МАТЕМАТИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ МАССОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ

Каршибоев Х.К., доцент СамИЭС

Аннотация: В данной статье рассмотрены математические методы анализа организаций массового обслуживания, оказывающие различные услуги населению для выявления эффективности деятельности и нахождения путей оптимизации. В качестве применения математического аппарата в обслуживании рассмотрен крупный супермаркет со столом заказов для которого и приведён анализ. Также показано на примере обслуживания рабочих инструментами из кладовой с неявными потерями, а именно необходимо ли содержать ещё одного кладового или текущее положение выгоднее, чем содержание нового кладового.

Ключевые слова: теория массового обслуживания, математический аппарат, системы массового обслуживания, распределение вероятностей.

Аннотация: Ушбу мақолада фаолият самарадорлигини ва оптималлаштириш йўлларини аниқлаш мақсадида аҳолига турли хил хизмат кўрсатувчи ташкилотлар таҳлилининг математик усуллари кўрсатилган. Математик аппаратнинг қўлланилиши сифатида буюртмалар столи мавжуд бўлган йирик супермаркет мисол тариқасида қаралган ва унга таҳлил келтирилган. Шунингдек ишчиларнинг анжомлар билан таъминлаш иши сезиларсиз, юқотишларсиз ишлашига мисол келтирилган, яъни хозирги ҳолати фойдалироқми ёки яна бир ишчининг сақланиши фойдалироқмилиги кўрсатилган.

Калитли сўзлар: оммавий хизмат кўрсатиш назарияси, математик аппарат, оммавий хизмат кўрсатиш тизими, эҳтимоллар тақсимоти.

Abstract: In this article the mathematical methods of the analysis of the organizations of a queuing rendering various services to the population for identification of effectiveness of activity and finding of paths of optimization are considered. As application of a mathematical apparatus in an upkeep the large supermarket with an advance orders section for which is considered the analysis is provided. It is also shown on the example of an upkeep of workers by tools from the storeroom with implicit losses namely whether it is necessary to support one more stockman or the current situation is more favorable, than contents new stockman.

Key words: theory of a queuing, mathematical apparatus, systems of a queuing, probability distribution.

Теория массового обслуживания впервые применялась в телефонном обслуживании, а затем ив других областях хозяйственной деятельности.

Например, организация нормального процесса обслуживания покупателей связана с правильным определением следующих показателей:

количества предприятий данного торгового профиля, численности продавцов в них (в том числе и «механических»), наличия соответствующих основных фондов, частоты завоза товаров, численности обслуживаемого населения, плотности обращаемости и потребности в соответствующих товарах (по групповому и внутригрупповому ассортименту). Если предположить, что предприятие располагает необходимыми основными фондами, торгует товарами, имеющимися в достаточном количестве (при нормальной частоте завоза), то и тогда в процессе обслуживания остаются такие переменные величины, которые могут существенно повлиять на качество обслуживания.

Надлежит, следовательно, выбрать такой оптимальный вариант организации торгового обслуживания населения, при котором время обслуживания будет минимальным, качество – высоким, не будет излишних народно-хозяйственных затрат. Математический аппарат теории массового обслуживания облегчает решение этой задачи. При этом различают две формы обслуживания: с неявными потерями и с явными потерями.

Систему массового обслуживания с неявными потерями (правило очередей) можно показать на примере обслуживания рабочих необходимым инструментом (из обособленных кладовых промышленного предприятия).

Допустим, что в инструментальной кладовой работают два кладовщика.

Требуется определить, в какой мере они своевременно обеспечивают заявки на обслуживание, поступающие от рабочих; в очереди за инструментом дороже, чем дополнительное содержание еще одного или двух кладовщиков?

Таблица 1

Расчет полного числа приходов рабочих в кладовую

Число приходов в единицу времени (за15мин)	Наблюдаемое число приходов,%	Наблюдаемая частота приходов,%	Полное число приходов рабочих (гр.1х х гр.2)	Число приходов в единицу времени (за15 мин)	Наблюдаемая частота приходов,%	Наблюдаемая частота приходов,%	Полное число приходов рабочих (гр.1х х гр.2
1	2	3	4	1	2	3	4
	0	0	0	15	23	7,67	345
1	0	0	0	16	20	6,67	320
2	1	0,33	2	17	18	6,00	306
3	3	1,00	9	18	16	5,33	288
4	5	1,67	20	19	13	4,33	247
5	8	2,67	40	20	11	3,67	220
6	10	3,33	60	21	10	3,33	210
7	12	4,00	84	22	8	2,67	176
8	13	4,33	104	23	5	1,67	115
9	16	5,33	144	24	3	1,00	72
10	18	6,00	180	25	1	0,33	25
11	20	6,67	220	26	1	0,33	26
12	19	6,33	228				
13	21	7,00	273				
14	25	8,33	350				
					300	99,99	

Для решения данной задачи необходимы прежде всего хронометражные замеры о потоке требований на обслуживание единицу времени. Если хронометраж осуществлялся в течение дней каждый мин за смену (кроме начала и конца рабочего дня), то за этот отрезок времени было произведено

300 наблюдений (30 наблюдений, умноженное на 10). Время наблюдений (7) составит 4500мин (15 300). Причем таких промежутков, когда на склад никто не приходил или приходил только один рабочий, не наблюдалось, приход двух рабочих отмечался один раз, трех - три раза и т.д.

Частота при 300 наблюдениях равна

$$0{,}33(\frac{1}{300}\cdot 100),\quad \text{трех}\quad -1(\frac{3}{300}\cdot 100)\quad \text{ит.д.}$$

Для определения среднего числа приходов в единицу времени (X) исчисляется полное число приходов (N) как сумма произведений

числа приходов (количества пришедших в кладовую рабочих) на наблюдаемое число приходов.

Таким образом, среднее число требований на обслуживание, т.е. среднее

число приходов в единицу времени (X), составит

$$\lambda = \frac{N}{T} = \frac{4064}{4500} = 0{,}903 \text{ чел. - мин.}$$

Чтобы определить распределение вероятностей для длительности обслуживания при предположении, что закон распределения экспоненциальный, вычислим среднюю продолжительность одного обслуживания $(T_{облс})$; она равна 1,6 мин.

После этого можно установить интенсивность обслуживания (μ):

$$\mu = \frac{1}{T_{облс}}; \mu = \frac{1}{1{,}6} = 0{,}625 \text{ чел. – мин.}$$

В случае, когда $X < \mu,$ увеличение очереди не возникает, так как удовлетворение требований происходит не ранее их поступления. В нашем п Точно определить величину очереди как случайную нельзя. Можно вычислить вероятность того, что в момент времени (t) очередь будет характеризоваться числом требований $P_n(t)$:

$$P_n(t) = \sigma^n(1-\sigma);\ P_0(t) = (1-\sigma);\ \sigma = \frac{\lambda}{\mu},$$

где $P_0(t)$ – вероятность отсутствия требований.

В тех случаях, когда $a > 1,$ вероятность отсутствия очереди (σ_0) обычно берется из графиков (в нашем случае $a = 1{,}445$).

Для построения таких графиков воспользуемся таблицей значений P_0 для различных значений ст и n (n - количество кладовщиков в инструментальной кладовой).

По данным табл. 2, в нашем случае рассматривается многолинейная система, когда $n > 1$ (количество кладовщиков превышает единицу).

Таблица 2

Значения P_n

σ^n	2	3	4	5	6	7	8
1	0,333	0,363	0,367	0,367	0,367	0,367	0,368
2		0,111	0,130	0,134	0,135	0,135	0,135
3			0,037	0,046	0,049	0,049	0,050
4				0,013	0,016	0,017	0,018

Определим среднее время ожидания (T_c), которое складывается из среднего времени ожидания обслуживания в очереди $(T_{ож})$ и среднего времени обслуживания $(T_{обл})$:

Предположим, что у рабочего потери от простоев составляют 5, а содержание кладовщика – 4 ден. ед. в единицу времени. За период времени T в систему поступает $\lambda\ \ Г$ заявок, т.е. $1{,}445\ Г$ заявок.

Потери вследствие простоя рабочих при различном числе кладовщиков, расходы на заработную плату кладовщиков, а также суммарные затраты и потери приведены в табл. 3.

Таблица 3

Количество кладовщиков	Потери от простоя рабочих	Затраты на содержание кладовщиков	Суммарные затраты и потери
2	$3{,}213 \cdot 1{,}445 \cdot 5T = 23{,}214T$	8Т	$31{,}214T$
3	$1{,}799 \cdot 1{,}445 \cdot 5T = 12{,}998T$	12Т	$24{,}998T$
4	$1{,}635 \cdot 1{,}445 \cdot 5T = 11{,}813T$	16Т	$27{,}813T$

Из данных табл. 3 следует, что экономически выгоднее в инструментальной кладовой иметь трех кладовщиков, поскольку суммарные затраты и потери будут наименьшими $(\min 24{,}9987)$.

Порядок исчисления показателя качества обслуживания с явными потерями покажем далее для условий простейшего потока требований.

Стол заказов при крупном супермаркете оборудован четырьмя телефонами. Среднее число вызовов в течение часа составляет 96, среднее время, затрачиваемое на прием одного заказа, -2 мин. Требуется определить, как полно загружены приемщики заказов, какова вероятность отказа в обслуживании.

Степень загруженности приемщиков определяется по формуле

$$\mu_1 = \sum_{k=1}^{\mathrm{n}} \mathrm{KP_k} = \sum_{k=1}^{n} \frac{1}{(k_1 - 1)!} (\frac{\lambda}{\gamma})^n P_0$$

По условиям если $n = 4$(4 телефона, 4 приемщика заказов), $X = 96$ (число вызовов в течение часа); среднее время, затрачиваемое на прием одного заказа, составляет 2 мин, или $\frac{2}{60} = \frac{1}{30}$ единицу времени; значение параметра $\gamma = 1 : \frac{1}{30} = 30$, следовательно, $\frac{\lambda}{\gamma} = \frac{96}{30} = 3{,}2$. Величины вероятностей P_0, P_1, P_2, P_3, P_4 приведены в табл. 4. Значение членов второго столбца найдено по формуле

$$\frac{P_k}{P_0} = \frac{1}{k!} (\frac{\lambda}{\gamma}) = \frac{(3{,}2)^k}{k!}$$

Как известно,

$$\sum_{k=1}^{n} P_k = 1,$$

Отсюда

$$\frac{P_k}{P_0} = \sum_{k=0}^{4} \frac{P_k}{P_0} = \frac{1}{P_0} \quad \text{при } P_0 = \frac{1}{19{,}151} \approx 0{,}0522$$

Умножая каждое из значений $\frac{P_k}{P_0}$ на $P_0 = 0{,}0522$, получим величину P_k. Затем, умножая значения членов третьего столбца на значения первого столбца (на 0), второго (на 1) и т. д. и суммируя их, получим математическое ожидание числа занятых приемщиков:

$$\mu_1 = \sum_{k=0}^{4} KP_k = 2{,}4693.$$

Таблица 4

Число приемщиков	$\frac{P_k}{P_0}$	P_k	KP_k
0	1,0	0,0522	0
1	3,2	0,1670	0,1670
2	5,12	0,2673	0,5346
3	5,462	0,2851	0,8553
4	4,369	0,2281	0,9124
	19,151	0,9997	2,4693

Следовательно, каждый приемщик заказов будет занят в среднем 0,62

рабочего дня $(\frac{2{,}4693}{4})$.

Ответим на второй вопрос: какова вероятность отказа в обслуживании?

Для этого найдем вероятность того, что все приемщики будут заняты в момент обращения очередного клиента:

$$P_n = \frac{(\frac{\lambda}{\gamma})\frac{1}{n!}}{\sum_{m=0}^{n} \frac{1}{m}(\frac{\lambda}{\gamma})^m}$$

Подставляя значения - $n = 4$, найдем значение P_n: $P_4 = 0{,}23$.

Полученный результат показывает, что из 100 заказчиков в среднем 77 будут обслужены, а 23 – нет. Следовательно, обслуживающую систему нельзя признать достаточной (23% отказов); экономия на численности обслуживающего аппарата отрицательно влияет на качество обслуживания населения.

Число приемщиков отдела заказов целесообразно увеличить до пяти, тогда математическое ожидание числа не обслуженных заявок составит лишь 0,13. Иными словами, из 100 заказчиков будет обслужено 87, а 13 получат отказы. Таким образом, увеличение числа приемщиков на одного повысит качество обслуживания с 77 до 87.

Литература

1. М.И. Баканов, М.В. Мельник, А.Д. Шеремет. Теория экономического анализа. Учебник. / Под ред. М.И. Баканова. - М.: “Финансы и статистика” , 2007.

2. В.И. Колемаев и др. Теория вероятностей и математическая статистика. Учеб. пособия. –М.: «Высшая школа» 1991.

3. Экономическая теория: Учебник /Под ред. В.Д. Камаева. - М.: Владос, 2011.

4. И.Е.Гмурман. Теория вероятностей и математическая статистика. Учеб. пособия. –М.: «Высшая школа» 2009.

KORXONALARDA MOLIYAVIY AKTIVLARNING QADRSIZLANISHI

Bobur Boronov, SamISI, dotsent v.b.
Tel.: +998902709854, e-mail: bobur-boronov@mail.ru
Axmedov Mirjalol, SamISI, stajyor-tadqiqotchi
Tel.: +998980005597
e-mail: mirjalolabdusamadovich@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqolada moliyaviy aktivlarning qadrsizlanishi, uni aks ettiruvchi ko‘rsatkichlar, qadrsizlanishdan zararlarni hisobotda aks ettirish tartibi, unga doir yondashuvlar va stadiyalari ochib berilgan, takliflar ishlab chiqilgan.

Kalitli so‘zlar: moliyaviy aktivlar, moliyaviy aktivlar qadrsizlanishi, moliyaviy instrumentlar, foyda va zararlar hamda boshqa to‘plam daromadlar to‘g‘risidagi hisobot.

Аннотация: В этой статье рассматривается вопросы обесценения финансовых активов, его отражающие показатели, порядок отражения убыток от обесценения финансовых активов в финансовой отчетности, подходы и стадии их учета, разработаны предложения.

Ключевые слова: финансовые активы, обесценения финансовых активов, финансовые инструменты, отчет о прибылях и убытках и прочих совокупных доходах.

Abstract: This article discusses the issues of impairment of financial assets, its reflective indicators, the procedure for reflecting the loss from impairment of financial assets in the financial statements, approaches and stages of their accounting, proposals are developed.

Keywords: financial assets, impairment of financial assets, financial instruments, statement of profit or loss and other comprehensive income.

Moliyaviy aktivlar tushunchasi amaliyotimizga tabora keng kirib bormoqda. PricewaterhouseCoopers xalqaro auditorlik tashkiloti tomonidan tavsiya etilgan davr talablariga javob beradigan “Foyda va zararlar hamda boshqa to‘plam daromadlar” to‘g‘risidagi hisobotning formatida operatsion faoliyatdan olingan moliyaviy natijalarni aks ettiruvchi moddalardan ko‘ra moliyaviy aktivlar bilan bog‘liq operatsiyalar, jumladan, amortizatsiyalanadigan qiymati bo‘yicha hisobga olinadigan moliyaviy aktivlarning chiqib ketishidan foyda yoki zararlar, moliyaviy aktivlarni reklassifikatsiya qilishdan foyda va zararlar, qadrsizlanishdan foyda yoki zararlar, moliyaviy xarajatlar, boshqa to‘plam daromadlar orqali adolatli qiymati bo‘yicha hisobga olinadigan moliyaviy aktivlar bo‘yicha foyda va zararlar, qadrsizlanishdan zarar kabi moliyaviy instrumentlar bilan bog‘liq bir qancha moddalar ajratilgan. Bu moliya va iqtisodiyot rivojlanishi natijasi deb hisoblaymiz. Chunki, bugungi kunda kompaniyalar asosiy daromadini nafaqat asosiy operatsion faoliyatdan balkim, katta qismini moliyaviy aktivlar bilan bog‘liq operatsiyalardan olmoqda. Dunyoda moliya bozori tez sur’atlar bilan rivojlanmoqda, qaysiki har bir kompaniya faoliyatining ma’lum salmoqli qismi ushbu bozor bilan bog‘liq bo‘ladi. Shunday yangi kategoriyalardan biri bu moliyaviy aktivlarning qadrsizlanishi hisoblanadi. Ushbu tushunchaga doir adabiyotlardagi qarashlar va yondashuvlarga to‘xtalib o‘taylik.

Moliyaviy aktivlarning qadrsizlanishi o‘zi nima? Standartlar qoidalarga muvofiq, agar moliyaviy aktivlarning hisobdagi qiymati ular chiqib ketganda olinishi mumkin bo‘lgan summadan (qoplanadigan) ortiq bo‘lsa, u holda qadrsizlanishdan zarar tan olinadi va moliyaviy hisobotda aks ettirilishi talab etiladi. 39-son MHXS “Moliyaviy instrumentlar: tan olish va baholash” standarti talablariga muvofiq, moliyaviy aktivlarning qadrsizlanishini aks ettiruvchi ko‘rsatkichlarga quyidagilar kiritilgan:

- emitentda salmoqli moliyaviy qiyinchiliklar;
- shartnoma shartlarining haqiqatda buzilishi (foizlarni yoki asosiy qarzlarni to‘lashdan bosh tortish);
- qarz oluvchining moliyaviy qiyinchiliklari bilan bog‘liq iqtisodiy yoki huquqiy sabablar bo‘yicha kreditorlarga imtiyozli shartlarning taqdim etilishi;
- emitentning bankrotligi yoki moliyaviy qayta tashkil etilishining katta ehtimoli;
- debitorlik qarzlarni nominal summasini undirib olinishi qo‘ldan kelmaganligi holatlarini aks ettiruvchi debitorlik qarzlarining to‘lov muddatining retrospektiv tahlili.

Demak, yuqoridagi shartlardan ko‘rinib turibdiki, agarda korxonada qarz berish shartnomasida ko‘zda tutilgan asosiy qarz va foizlarni, debitorlik qarzlarini, to‘lagunga qadar ushlab turiladigan investitsiyalarning qaytarib ololmaslik ehtimoli amal qilsa, u holda qadrsizlanishdan zarar yuzaga keladi. Bunday hollarda zarar moliyaviy aktivlarning hisobdagi qiymati bilan moliyaviy aktivlar bo‘yicha samarali foiz stavkasi metodini qo‘llagan holda aniqlangan

kutilayotgan kelgusidagi pul oqimlarining joriy qiymati o‘rtasidagi farq sifatida aniqlanadi.

Moliyaviy aktivlarning qadrsizlanishi bo‘yicha kutilayotgan kredit zararini korxona xarajatlari hisobidan yaratishi shart. Standart tartib-qoidalarga muvofiq:

• amortizatsiyalanadigan qiymati bo‘yicha baholanadigan moliyaviy aktivlardan ko‘rilgan qadrsizlanishdan zarar (biznes maqsadi – shartnomada ko‘zda tutilgan pul mablag‘larini olish, qaysiki u qarzning asosiy summasi va foizlar summasini taqdim etadi) “boshqa to‘plam daromadlar” to‘g‘risidagi hisobotda “moliyaviy aktivlarning qadrsizlanishidan zarar” moddasida aks ettiriladi;

• boshqa to‘plam daromadlar orqali adolatli qiymati bo‘yicha baholanadigan moliyaviy aktivlar (biznes-model maqsadi – nafaqat shartnomada qayd qilingan pul oqimlarini olish, balki moliyaviy aktivlarni sotishni ham ko‘zda tutadi, qaysiki pul oqimlari ma’lumotlari qarzning asosiy qismi va foizlarni taqdim etadi). Bunday hollarda kutilayotgan kredit zararlari summasiga baholanadigan rezerv yaratilganda boshqa to‘plam daromadlar tarkibida aks ettiriladi .

9-son MHXS “Moliyaviy instrumentlar”ga muvofiq “kutilayotgan kredit zararlari” yagona modelini qo‘llashda kompaniya quyidagi yondashuvlardan birini qo‘llashi lozim:

• umumiy yondashuv, qaysiki asosiy ko‘pchilik kreditlar va qarzli qimmatli qog‘ozlarga nisbatan qo‘llaniladi;

• ixchamlashtirilgan yondashuv, qaysiki savdo debitorlik qarzlari, ijara bo‘yicha debitorlik qarzlari va shartnomaviy aktivlarga nisbatan qo‘llaniladi.

9-son MHXSga muvofiq yagona model uchta stadiyada o‘zgaradi :

1-stadiya. Moliyaviy instrumentlar, qaysiki ularga nisbatan:

• boshlang‘ich tan olingandan so‘ng kredit riskining salmoqli oshishi kuzatilmaydi;

• hisobot sanasida kredit riski o‘z-o‘zidan past bo‘ladi.

2-stadiya. Moliyaviy instrumentlar, qaysiki:

• boshlang‘ich tan olingan momentdan keyin kredit riskining salmoqli ko‘payishi yuz beradi;

• nisbiy ravishda, qaysiki qadrsizlanishning obyektiv isboti mavjud bo‘lmaydi.

3-stadiya. Hisobot sanasida qadrsizlanishining obyektiv belgilari mavjud bo‘lgan moliyaviy aktivlar.

Ushbu holatdan kelib chiqib, moliyaviy aktivlar hisobini takomillashtirishga doir quyidagi tadbirlarni amalga oshirish maqsadga muvofiq, deb hisoblaymiz:

- mamlakatimizda moliyaviy instrumentlarni tan olish, baholash va hisobotlarda aks ettirish tartibini belgilovchi Buxgalteriya hisobi milliy standartlarini ishlab chiqish kerak;

- moliyaviy aktivlarni tan olish, baholash va moliyaviy hisobotlarda aks ettirish bo‘yicha uslubiy tavsiyalar ishlab chiqish maqsadga muvofiq [3]. MHXSlari o‘rganayotgan o‘quvchilarining asosiy ko‘pchiligining fikri bo‘yicha eng qiyin tushuniladigan MHXSlari bu moliyaviy instrumentlarga oid standartlar deb e’tirof etishadi;

- moliyaviy aktivlarning qadrsizlanishi natijasida ko‘rilgan zararlarni moliyaviy aktivlarning amortizatsiyalanadigan qiymati yoki adolatli qiymati bo‘yicha baholanishini e’tiborga olib foyda va zararlar yoki boshqa to‘plam daromadlar to‘g‘risidagi hisobotda aks ettirishning uslubiy tartibini ishlab chiqish kerak.

Yuqoridagi tavsiyalardan me’yoriy-huquqiy hujjatlarni hamda korxonalar hisob siyosatini ishlab chiqishda foydalanilishi mumkin. Tavsiyalarning korxonalar amaliyotiga joriy qilinishi aktivlarni baholashni takomillashtirishga, hisobotlar sifatining oshishiga xizmat qiladi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. PricewaterhouseCoopers. Все права защищены. Этот материал подготовлен Академией PwC для экзаменов ДипИФР в 2018 году. file:///C:/Users/SamISI- ATM/Downloads/Учебное_пособие_дипифр2018.pdf ATM/Downloads/Uchebnoye_posobiye_dipifr2018.pdf

2. Финансовые инструменты – обзор основных изменений и ключевые понятия. https://www2.deloitte.com/content/dam/Deloitte/ua/Documents/webinar/30_11_17_webinar_IFRS_9.pdf

3. Boronov B.F. “Korxonalar moliyaviy aktivlarini baholash hamda moliyaviy hisobotlarda aks ettirish” bo‘yicha ilmiy-uslubiy tavsiyalar. Samarqand, SamISI. 2020. 36-b.

ИҚТИСОДИЁТДА РАҚОБАТ МУХИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Шарифов Шуҳрат Саидаҳмадович Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети доценти, и.ф.ф.д.

Ахмедов Аҳмад Баходир ўғли Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада рақобат муҳитини ривожлантириш, такомиллаштириш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган ижобий ишлар ва ўзгаришлар борасида муаллифларнинг фикр ва мулоҳазалари келтирилган.

Калит сўзлар: рақобат, рақобат мухити, рақобатбардошлик, статик рақобат, рақобат устунлиги.

Аннотация. В данной статье представлены взгляды авторов на позитивную работу и изменения в нашей стране по развитию и совершенствованию конкурентной среды.

Ключевые слова: конкуренция, конкурентная среда, статическая конкуренция, конкурентоспособность, конкурентное преимущество.

Annotation. This article presents the authors' views on positive work and changes in our country to develop and improve the competitive environment.

Key words: competition, competitive environment, competitiveness, static competition, competitive advantage.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши, дунё мамлакатлари миллий иқтисодиётлари таркибининг ўзгариши, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳаларининг устувор аҳамият касб этиши ҳамда хўжалик фаолиятининг ижтимоийлашув жараёнларининг жадаллашуви хизмат кўрсатиш корхоналари равобатбардошлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлайди.

Рақобатбардошлик ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг барқарор ва изчил ривожланиши асосий омили ва муҳим иқтисодий мезонидир. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги даражасининг ортиб бориши мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнини белгилашда ва ривожланган давлатлар қаторидан жой олишида муҳим ўрин тутади. Айнан шу йўналишда жаҳон тажрибасида кенг қўлланилаётган ва ўз самарасини бериб келаёган бир қатор микроиқтисодий омиллар мавжуддир.

Бозор иқтисодиёти ўзининг етуклик даражаси ва ривожланиш хусусиятларидан қатъи назар, рақобатнинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Рақобат товар хўжалиги ва бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси, уни ривожлантириш воситаси ҳисобланади. Рақобатнинг иқтисодий мазмунини тушуниб олиш унга турли нуқтаи-назардан ёндашишни талаб қилади. Мутахассислар фикрича, “рақобат бозор иқтисодиётининг ва умуман, товар хўжалигининг энг муҳим белгиси, ривожлантириш усулидир”.

Ф.Найтнинг фикрича, “рақобат фирмаларнинг чекланган тўловга қодир талаб учун кураши ёки бир қанча мустақил хўжалик бирликларининг ноаниқлик шароитида ўзаро муносабати”дир[46]. Унинг таълимотича, рақобатнинг функцияси технологияни танлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини танлашга боғлиқ бўлиб, бу бозор ҳақида ахборотни тушунишга ёрдам беради. Бунда рақобатнинг роли талаб ва таклифнинг ўзаро мослашувини таъминлаш ва барқарорликни ўрнатишда муҳим аҳамиятга эгадир. Рақобатнинг эволюцион талқинига кўра, “рақобат хулқ-атворнинг самарали шаклларини қидириш ва бир вақтнинг ўзида уларни саралаш амалга ошириладиган динамик жараён”дир.

Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат пировардида истеъмолчиларни ўзига жалб этиш учун курашни англатади. Рақобат

[46] Kotler, P. Marketing Management. 2 nd ed. Englewood Cliffs, N. J.: Prentice-Hall, 1972

истеъмолчилар ўртасида ҳам юз беради: улар товарларни қулай ва арзон нархларда сотиб олишга ҳаракат қиладилар, яъни харидор ҳар бир сарфланган пул бирлиги эвазига кўпроқ нафлиликка эга бўлишга интилади. Бу муносабатларни қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Рақобат иштирокчиларининг асосий мақсадлари

Чизмадан кўринадики, ишлаб чиқарувчилар ўртасида сарфланган харажатларнинг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ фойда олиш учун кураш боради. Мана шу фойда орқасидан қувиш натижасида улар товарларни сотиш доиралари, яъни қулай бозорлар, арзон хомашё, энергия ва арзон ишчи кучи манбалари учун курашади.

М.Портер концепцияси. 1982 йилда М.Портер кенгайтирилган рақобат концепциясини таклиф этди (2-расм). Унга кўра, фирманинг бозордаги рақобат афзаллигидан фойдалана олиш қобилияти у дуч келаётган рақобатгагина эмас, балки бозордаги потенциал рақиблар, ўринбосар товарлар, мижозлар ва етказиб берувчилар каби кучларнинг таъсирига ҳам боғликдир.



2-расм. М.Портернинг рақобат концепцияси[47]

Бунга мувофиқ, М.Портер концепциясини қуйидагича тасаввур қилиш ҳам мумкиндир (2-расм): Тармоқ ичидаги рақобат деганда бир тармоққа кирадиган фирмалар ўртасида товарларни ишлаб чиқариш ва

[47] Porter, M. E., and Spence, M. “Capacity Expansion in a Growing Oligopoly: The Case of Corn Wet Milling,” Discussion paper, Harvard Graduate Scool of Business Administration, 1978.

сотишнинг қулай шароитлари, яхши фойда олиш учун курашиш тушунилади.

Ҳар бир тармоқда корхоналарнинг техник даражаси ва меҳнат унумдорлиги даражалари турлича бўлганлиги сабабли улар чиқараётган товарларнинг индивидуал қиймати ҳам турличадир. Товар хўжалигида қиймат қонуни амал қилади, шу боис, турли индивидуал қийматлар ижтимоий бозор қийматига келтирилади.

Истеъмол бозори талабининг доимий ўзгарувчанлиги шароитида саноат

корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг долзарблиги ва натижавийлиги қуйидагиларга боғликдир:

халқаро ва миллий стандарт талабларига мос сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш ва истеъмолчи (харидор)лар талабини қондириш;

маҳсулот сотиш бозорларини кенгайтириш ва маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш;

технологик жараёнларнинг хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш орқали хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш.

А.Смит ва М.Веберлар таълимотига кўра, рақобатнинг мазмуни рақибга нисбатан устунликка эришиш бўлса, рақобатнинг объекти эса неъматлар, ресурслар, истеъмолчиларнинг товар сотиб олиш қобилиятидир. Й.Шумпетернинг таъкидлашича, “Рақобат – янгилик билан эскилик ўртасидаги кураш ёки бунёдкорона бузиш жараёнидир”.

Рақобатнинг функционал ифодасига кўра: “Рақобат – янгилик, янги имкониятлар топиш ва уларни қаноатлантириш усуллари” (И.Кирцнер) ёки

“Рақобат – бу ихтиро процедурасидир” (Ф.Фон Хайек)[48]. Ш.Эргашходжаеванинг фикрича эса, “Рақобат умумижтимоий категория бўлиб, ижтимоий жараёнлар қатнашчилари ўртасидаги яхшироқ яшаш шароити учун бўладиган курашни англатади”[49].

Рақобатнинг табиати, бозорнинг ҳолати ва ривожланиш жараёнини ўрганишда алоҳида ёндошувлар асос бўлиб хизмат қилади. Бунда статик ва динамик рақобат турларидан фойдаланилади. Статик рақобат – бу тузилмавий ёндошув бўлса, динамик рақобат хулқ-атвор, ишбилармонлик муҳити, функционал ва эволюцион ёндошувдир (3-расм).

Шундай қилиб, рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди. Бизнинг фикримизча, рақобат –иқтисодий манфаатларнинг тўқнашиши ёки юқори фойда (даромад) олиш, имижга ва нафлиликка эга бўлиш учун бозор субъектлари ўртасидаги курашдир.

[48] Hayek F.A. The Use of Knowledge in Society // American Economic Reviw. 1945. V.35. Sept. 4.
[49] Ш.Д. Эргашходжаева. Халқаро рақобат. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2013 й



3-расм. Рақобатнинг табиати ва бозорнинг ҳолатига йўналтирилган ёндошув.

Иқтисодиётдаги рақобат эса, яхши даромад кўриш, ўзи машғул ишни ривожлантириш учун бор қобилият ва имкониятларини тўлароқ ишга солиш жараёнидир. Дарҳақиқат, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг асосий мақсади – мамлакатдаги мавжуд табиий ва инсон ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда саноатлашиш самарасига эришмоқлик ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилмоғи лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. \\ Халқ сўзи. 2016 йил

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони.

3. Kotler, P. Marketing Management. 2 nd ed. Englewood Cliffs, N. J.: Prentice-Hall, 1972

4. Porter, M. E., and Spence, M. “Capacity Expansion in a Growing Oligopoly: The Case of Corn Wet Milling,” Discussion paper, Harvard Graduate Scool of Business Administration, 1978.

5. Hayek F.A. The Use of Knowledge in Society // American Economic Reviw. 1945. V.35. Sept. 4.

KO‘P TARMOQLI BALANS MODELI

Qarshiboyev X., dotsent. SamISI.
Qilichova F.X., bh-121 guruh talabasi. SamISI

Annotatsiya: *ikkita tarmoq bo’yicha zarur bo’lgan yalpi mahsulot hajmini hisoblash thlili o’rganilgan.*

Kalit so’zlar*: balans, ko’p tarmoqli, iqtisod moduli, narmoqlararo balans.*

Аннотация: *Изучен анализ вычисления объёма необходимой валовой продукции по двум каналам.*

Ключевые слова: *баланс, многоканальная модель экономики, межотраслевой баланс.*

Annotation: *the analysis of the calculation of the volume of the necessary gross production by two channels.*

Key words: *balance, multi-channel model of economy, interbranch balance.*

Balans tahlilining maksadi - makroekonomikada vujudga keladigan ko‘p tarmoqli xo‘jalik yuritishning effektivligi bilan bog‘liq savolga javob berishga to‘g‘ri keladi: har bir n tarmoqning mazkur mahsulotga bo‘lgan talabni qondirish uchun ishlab chiqarish hajmi qanday bo‘lishi kerak? Bunda har bir tarmoq bir tomondan, ma’lum bir mahsulotning ishlab chiqaruvchini, boshqa tomondan - ham o‘z mahsulotini, ham boshqalar ishlab chiqargan mahsulotning iste’mol qiluvchisi bo‘lib chiqadi.

Tarmoqlar orasida bog‘liqlik, qoidasiga ko‘ra, tarmoqlararo balans jadvallarida o‘z aksini topadi, uning matematik modeli esa 1936 yilda amerika iqtisodchisi V.Leontev tomonidan ishlab chiqilgan bo‘lib, ularni tahlil qilishga imkon beradi [1].

Faraz qilaylik, n ishlab chikarishning n tarmog‘i, har biri o‘z mahsulotini ishlab chiqarish ko‘rilmoqda. Ishlab chiqarilgan mahsulotning bir qismi mazkur sanoat korxonasi ichki ishlab chiqarish ehtiyojlariga sarflanadi, boshqa qismi esa oxirgi maqsadlar uchun (moddiy ishlab chiqarish sohasidan tashqarida) shaxsiy va ijtimoiy iste’mol qilish uchun.

Ma’lum vaqt davomida ishlab chiqarish jarayonini ko‘rib chiqamiz (masalan, yil).

Quyidagi ko‘rsatkichlarni belgilaymiz: x_i - umumiy (yalpi) mahsulot xajmi i - tarmoqning $(i = 1,2,...,n)$;

x_{ij} - mahsulot hajmi i-chi va j-chi tarmoqning ishlab chikarish jarayonida iste’mol qiluvchi $(i, j = 1,2,...,n)$;

y_i - ishlab chiqarish bo‘lmagan iste’molchi uchun i tarmoqning oxirgi ishlab chiqargan mahsuloti hajmi.

Agar i-chi tarmoqning yalpi mahsuloti hajmi n tarmoqli iste’mol qiladigan mahsulot hajmi va oxirida olinadigan mahsulot summasiga teng bo‘lsa, unda

$$x_i = \sum_{j=1}^{n} x_{ij} + y_i \quad (i = 1,2,...,n). \qquad (1)$$

(1) tenglama balans bog‘lanishi deyiladi. (1) tenglamaga kirgan barcha kattaliklar narx ko‘rsatkichlariga ega bo‘lib, ularni baholi tarmoqlararo balansida ko‘rib chiqamiz.

To‘g‘ri harajatlar koeffitsiyentini kiritamiz

$$a_{ij} = \frac{x_{ij}}{x_j}, \ (i, j = 1,2,...,n), \qquad (2)$$

bular i -chi tarmoq birlik mahsulotini ishlab chiqarish uchun j -chi tarmoq mahsulotiga harajatlarni ko‘rsatadi.

Faraz qilaylik, vaqtning ma’lum oralig‘ida a_{ij} koeffitsiyentlari o‘zgarmas bo‘lib, ishlab chiqarish texnologiyasiga bog‘lik bo‘lsin. Bu moddiy sarflarning yalpi mahsulot ishlab chiqarishga chiziqli bog‘liqligini ko‘rsatadi, ya’ni

$$x_{ij} = a_{ij} x_j, \ (i, j = 1,2,...,n) \qquad (3)$$

natijada mazkur asosda tuzilgan tarmoqlararo model chiziqli bo‘lishini hosil qilamiz.

Endi (1) balans munosabati quyidagi shaklda bo‘ladi:

$$x_i = \sum_{j=1}^{n} a_{ij} x_{ij} + y_i \quad (i = 1,2,...,n). \qquad (4)$$

Quyidagicha belgilashlarni kiritamiz

$$\mathrm{X} = \begin{pmatrix} \mathrm{x}_1 \\ \mathrm{x}_2 \\ \dots \\ x_n \end{pmatrix}, \quad A = \begin{pmatrix} a_{11} & a_{12} & .... & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} & .... & a_{2n} \\ .... & ..... & .... & ..... \\ a_{n1} & a_{n2} & ..... & a_{nn} \end{pmatrix}, \quad \mathrm{Y} = \begin{pmatrix} \mathrm{y}_1 \\ \mathrm{y}_2 \\ \dots \\ y_n \end{pmatrix}$$

bu yerda X -yalpi mahsulot vektori, Y - oxirgi mahsulot vektori, A - to‘g‘ri sarf matritsasi (texnologik yoki strukturaviy matritsa).

U holda (1) sistemani matritsa ko‘rinishida quyidagicha tasvirlash mumkin:

$$X = AX + Y \qquad (5)$$

Tarmoqlararo balansi asosiy masalasi X yalpi mahsulot ishlab chiqarishning shunday vektorini topish kerakki, ma’lum to‘g‘ri sarf qilinadigan A matritsasi oxirgi mahsulot Y berilgan vektorini ta’minlaydi.

(5) tenglamani quyidagi ko‘rinishda yozib olamiz:

$$(E - A)X = Y \qquad (6)$$

Agar $(E - A)$ matritsasi maxsus bo‘lmagan bo‘lsa, ya’ni $|E - A| \neq 0$ u holda (6) tenglikdan X ni topamiz

$$X = (E - A)^{-1} Y \qquad (7)$$

$S=(E-A)^{-1}$ matritsasi to‘la harajatlar matritsasi deb ataladi.

Ma’lumki, S matritsaning har bir s_{ij} elementi $i-$ chi tarmoqli yalpi mahsulotini ishlab chiqarishi bo‘lib, $j-$chi tarmoqli $y_j=1$ $(j=1,2,...,n)$ oxirgi mahsulotini ishlab chiqarishini ta’minlaydi.

Masalaning iktisodiy mazmunidan kelib chiqqan xolda x_i manfiy bo‘lmasligi, manfiy bo‘lmagan ko‘rsatkichlarda $y_i \geq 0\ u\ a_{ij} \geq 0$, bu yerda $(i, j=1,2,...,n)$.

$A \geq 0$ matritsasi unumdorlik deb ataladi, agar ixtiyoriy $Y \geq 0$ vektori uchun (6) tenglamaning $X \geq 0$ yechimi mavjud bo‘lsa. Bu holatda Leontev modeli ham unumdorlik deb ataladi.

Jadvalda hisobot davridagi balans bajarilishi keltirilgan pul birligida

Tarmoq		Iste’mol		Oxirgi mahsulot	Yalpi mahsulot
		energetika	mashinasozlik		
Ishlab chiqarish	Energetika	7	21	72	100
	Mashinasozlik	12	15	123	150

Har bir tarmoq bo‘yicha zarur bo‘lgan yalpi mahsulot hajmini hisoblang, agar energetika tarmog‘idagi oxirgi mahsulot mikdori ikki barobar oshsa, mashinasozlikda esa avvalgi bosqichda saqlansa.

Quyidagilarga egamiz

$$x_1=100,\ x_2=150,\ x_{11}=7, x_{12}=21, x_{22}=15; y_1=72, y_2=123.$$

(2) formula ko‘ra to‘g‘ri sarf-harajatlar qilinadigan koeffitsiyentlarni topamiz:

$a_{11}=0{,}07, a_{12}=0{,}14, a_{21}=0{,}12,\ a_{22}=0{,}10$ ya’ni to‘g‘ri sarf- harajatlar matritsasi $A=\begin{pmatrix} 0{,}17 & 0{,}14 \\ 0{,}12 & 0{,}10 \end{pmatrix}$ manfiy bo‘lmagan elementga ega va unumdorlik kriteriyasini qanoatlatiradi:

$$\max\{0{,}17+0{,}12;\ 0{,}14+0{,}10\}=\max\{0{,}19; 0{,}24\}=0{,}24<1.$$

Shuning uchun ixtiyoriy Y oxirgi mahsulot vektori uchun zarur bo‘lgan yalpi mahsulot hajmini X ni (7) formuladan topamiz:

$$X=(E-A)^{-1}Y$$

To‘la harajatlar matritsasini aniqlaymiz $S=(E-A)^{-1}$:

$E-A=\begin{pmatrix} 0{,}93 & -0{,}24 \\ -0{,}12 & 0{,}90 \end{pmatrix}$. Shunday qilib $|E-A|=0{,}8202\neq 0$. S ni topamiz.

$$S=(E-A)^{-1}=\frac{1}{0{,}8202}\begin{pmatrix} 0{,}90 & 0{,}14 \\ 0{,}12 & 0{,}93 \end{pmatrix}$$

Shart bo‘yicha oxirgi mahsulot vektori $Y=\begin{pmatrix} 144 \\ 123 \end{pmatrix}$. U holda (4) formulaga ko‘ra yalpi mahsulot vektorini topamiz:

$$X = \frac{1}{0{,}8202}\begin{pmatrix} 0{,}90 & 0{,}14 \\ 0{,}12 & 0{,}93 \end{pmatrix}\begin{pmatrix} 144 \\ 123 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 179{,}0 \\ 160{,}5 \end{pmatrix},$$

ya'ni, yalpi mahsulotni energetika tarmog'ida 179,0 kelishilgan birlikka, mashinasozlikda esa – 160,5 kelishilgan birlikka ko'paytirish zarur.

Adabiyot

1. Н.Ш.Кремера. Высшая математика для экономистов. М: "ЮНИТИ". 1998.

LOGISTIKADA RAQAMLI IQTISODIYOTNING O'RNI

Suyunova Kamilla Baxromovna «Marketing» kafedrasi dots.,v.b. PhD Sharopova Marjona Akbarovna magistr Samarqand Iqtisodiyot va Servis institute +998915590245 marjonasharopova@icloud.com

Annotatsiya: Maqolada logistikada raqamli texnologiyalardan foydalanishning asosiy tendentsiyalarini o'rganish natijalari keltirilgan. Logistika faoliyatini raqamlashtirishni rag'batlantiruvchi va cheklovchi omillar aniqlangan. Bunga misollar keltirilib, yetakchi korxonalar faoliyatida logistika operatsiyalarini amalga oshirish jarayonida raqamli texnologiyalardan foydalanish tajribasi umumlashtirilgan.

Kalit so'zlar: Logistika, raqamli iqtisodiyot, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, blokcheyn texnologiyalari

Zamonaviy iqtisodiyot jadal rivojlanayotgan tizim bo'lib, u global o'zgarishlarni rag'batlantiradigan axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va raqamli yechimlardan keng foydalanish bilan tavsiflanadi. Sanoat doirasidagi logistika faoliyati uni amalga oshirish uchun yondashuvlar, usullar va texnologiyalarni izlashda jiddiy qayta ko'rib chiqishni talab qiladi. Shu munosabat bilan raqamli texnologiyalardan foydalanish imkoniyatlarini o'rganish, ularni rivojlantirish istiqbollari va shartlarini aniqlash dolzarb bo'lib qoladi.

Turli tadqiqotlar natijalari bo'yicha raqamli iqtisodiyotning dunyo iqtisodiyotidagi salmog'i 4,5 foizdan 15,5 foizgachani tashkil etadi. Jahon axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sektorida yaratilayotgan qo'shilgan qiymatning deyarli 40 foizi va blokcheyn texnologiyalari bilan bog'liq patentlarning 75 foizi AQSH va Xitoy xalq Respuplikasi xissasiga to'g'ri keladi[50].

Mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 13-fevral kuni axborot texnologiyalarini rivojlantirishga bag'ishlangan tadbirda keltirgan statistik ma'lumotlariga muvofiq AQSHda raqamli iqtisodiyotning yalpi ichki

[50] Махкамова М.А. Развитие инновационного предпринимательства на селе. Достижение науки и техники АРК № 7 2002, Москва. С. 37-40.

mahsulotdagi ulushi 10,9 foiz , Xitoyda 10 foiz Hindistonda 5,5 foizni tashkil etadi. O'zbekistonda bu ko'rsatkich 2 foizdan ham oshmaydi[51].

Ayni paytda O'zbekiston raqamli iqtisodiyotga o'tish bosqichida .Unga ko'ra , O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "RAQAMLI O'ZBEKISTON-2030,"strategiyasini tasdiqlash va uni samarali malga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida 2020-yil 5-oktabrdagi, PF-6079-sonli farmoni yurtimizda raqamli iqtisodiyotga o'tish siyosatida yangi sahifa ochdi[52].

Strategiya O'zbekiston Respublikasining raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni rivojlantirishning strategic maqsadlari, ustuvor yo'nalishlari hamda o'rta va uzoq muddatli nistiqbolli vazifalarini belgilaydi, shuningdek, BMTning Barqaror ustuvor vazifalaridan kelib chiqib, raqamli texnologiyalarni yanada keng joriy etish uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

Xususan, elektron hukumat tizimini takomillashtirish, dasturiy mahsulotlar va axborot-texnologiyalarining mahalliy bozorini yanada rivojlantairish, respublikaning barcha hududlarida IT-parklarni tashkil etish, shuningdek, sohani malakali kadrlar bilan ta'minlash ko'zda tutuvchi 220 dan ortiq ustuvor loyihalarni amalga oshirish boshlangan.

Zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining logistika operatsiyalarini amalga oshirish jarayoniga integratsiyalashuvi logistikani tashkil etishda yangi yondashuvni - Logistics 4.0 ni shakllantirdi, bu esa ta'minot zanjiri sub'ektlarining tashkiliy hamkorligi funktsiyalarini sifat jihatidan yangi darajada bajarishga imkon beradi. Bizning fikrimizcha, Logistics 4.0 ta'minot zanjiri bo'ylab tovarlarni ilgari surish jarayonida texnologik innovatsiyalardan foydalangan holda ko'p darajali ta'minot zanjirlarini shakllantirish va boshqarish bo'yicha faoliyat sifatida tushunilishi kerak, bu uning barcha ishtirokchilarining o'zaro ta'sirini o'rnatish va munosabatlarini muvofiqlashtirishga qaratilgan. Logistics 4.0 ni ta'minot zanjiri ishtirokchisi darajasida qo'llash natijasida innovatsion texnologiyalar turbulent bozor sharoitida ta'minot zanjirini tezda shakllantirish, o'zgartirish va optimallashtirish va prognoz qarorlarini qabul qilish ehtimolini baholash, ya'ni samarali o'zaro ta'sirni tashkil qilish imkonini beradi. Ta'minot zanjiri ishtirokchilarining barcha funktsional quyi tizimlarining bozor muhiti bilan ham, bir-biri bilan ham bog'liq.

O'zaro ta'sirning samaradorligi quyidagi jihatlarda namoyon bo'lishi mumkin:

1) logistika operatsiyalarini avtomatlashtirish va robotlashtirish, bashoratli hisob-kitoblarning yuqori aniqligi, narsalar Internetidan foydalanish va boshqalar orqali individual bo'g'inlar darajasida ham, butun ta'minot zanjiri darajasida logistika aylanish vaqtini qisqartirish;

[51]https://stat.uz/uz/2-uncategorised/5221-o-zbekiston-aholisi

[52] O'zbekiston raqamli iqtisodiyotga o'tish bosqichida. Unga ko'ra, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining ''RAQAMLI O'ZBEKISTON-2030,, strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida 2020-yil 5-oktabrdagi, PF-6079-sonli farmoni yurtimizda raqamli iqtisodiyotga o'tish siyosatida yangi sahifa ochdi

2) etkazib berish sifatini va “mukammal tartibni” yaxshilash, bu nafaqat aniq, balki etkazib berishga ta’sir qiluvchi omillarni ham hisobga olishga imkon beradigan bashoratli tahlil vositalaridan foydalanish orqali yuqori rejalashtirish aniqligi bilan ta’minlanadi;

3) Sun’iy intellekt va katta ma’lumotlar tizimlaridan foydalanish orqali logistika xizmatlarini farqlash;

4) yangi daromad manbalarini shakllantirish va sotish hajmining o’sishi hisobiga iste’molchilarning mavjud ehtiyojlari yoki umidlarini tahlil qilish asosida innovatsion mahsulotni yaratish va sotishni faollashtirish imkonini beruvchi narsalar interneti va bulutli texnologiyalar kontseptsiyasini qo’llash;

5) Internet of Things texnologiyalari, sun’iy intellekt tizimlari va katta ma’lumotlardan foydalanish orqali xarajatlarni optimallashtirish va logistika jarayonlarining xavfsizligini oshirish.

Xulosa qilib Logistics 4.0 ning rivojlanishiga avvalo, o’zaro ta’sir muhitini virtualizatsiya qilish, ishbilarmonlik munosabatlari ishtirokchilarining virtual o’zaro ta’siri global telekommunikatsiya muhitidan foydalanish orqali ta’minlanadi. Bu logistika va boshqaruv qarorlarini qabul qilishning barcha funktsional sohalarida operatsiyalarga sarflangan vaqtni minimallashtirish orqali logistika tsiklini optimallashtirish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “RAQAMLI O’ZBEKISTON-2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to’g’risida 2020-yil 5-oktabrdagi ,PF-6079-sonli farmoni

2. Махкамова М.А. Развитие инновационного предпринимательства на селе. Достижение науки и техники АРК № 7 2002, Москва. С. 37-40.

3. Qudbiyev N.T. [2021] Xalqaro moliyaviy hisob standartlariga o’tish dolzarblig - Relevance of the transition to international financial accounting standarts.SJ international journal of theoretical and practical research, [1] 2,56-64

4. https://stat.uz/uz/2-uncategorised/5221-o-zbekiston-aholisi

ИҚТИСОДИЁТГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ИНСТИТУИЦОНАЛ АСОСЛАРИ

Шарифов Шуҳрат Саидаҳмадович Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети доценти и.ф.ф.д.

Ахмедов Аҳмад Баходир ўғли Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети талабаси

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда олиб борилаётган туб иқтисодий ўзгаришлар жараёнида иқтисодий тараққиётини барқарорлаштириш, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш, миллий иқтисодиётимизни жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини таъминлашда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳуқуқий-институционал асослари келтирилиб, муаллиф фикр-мулоҳозалари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: инвестиция, хорижий инвестиция, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, инвестицион ресурслар, инвестицион жозибадорлик, иқтисодий интеграциялашув.

Аннотация. В статье представлены правовые и институциональные основы привлечения иностранных инвестиций для стабилизации экономического развития, расширения производственного и экспортного потенциала, обеспечения интеграции нашей национальной экономики в мирохозяйственную систему в процессе коренных экономических преобразований в стране.

Ключевые слова: инвестиции, иностранные инвестиции, финансирование инвестиционных проектов, инвестиционные ресурсы, инвестиционная привлекательность, экономическая интеграция.

Annotation. The article presents the legal and institutional framework for attracting foreign investment to stabilize economic development, expand production and export potential, ensure the integration of our national economy into the world economic system in the process of fundamental economic transformations in the country.

Key words: investments, foreign investments, financing of investment projects, investment resources, investment attractiveness, economic integration.

Ҳозирги кунда республикамиз ҳукумати томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга йўналтирилган алоҳида ҳаракатлар билан бир қаторда хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмокда. Жумладан, хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётимизга жалб этиш ва улар ёрдамида ташкил этиладиган корхоналарнинг фаолиятини йўлга қўйиш юқорида айтиб ўтилган долзарб вазифаларнинг ечимини излаш йўлида қилинадиган муҳим ишлар жумласига киради.

Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсишини, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришни, миллий иқтисодиётимизни жахон хўжалиги тизимига итеграцияланашувини таъминлашга, тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторларга зарур кафолатларни яратиб беришга хизмат қилувчи муҳим лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши, зарур норматив-ҳуқуқий базанинг яратилиши кутилган натижаларни бермокда.

Бугунги кунга келиб республикамизда хорижий сармоядорларнинг мамлакатимиз ҳудудларида фаолият юритишига доир зарур қонунчилик базаси яратилган. Жумладан, 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги ва «Хорижий инвесторларнинг хуқуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида»[53]ги Қонунларига киритилган қўшимча ва ўзгаришлар қабул қилинган бўлиб, улар мамлакатимизда хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналар фаолиятини тартибга солувчи қонуний-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши фикримизнинг асосидир.

Хорижий инвесторлар учун Ўзбекистонда турли шаклларда инвестицияларни амалга ошириш имконияти яратилган. Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ўзларига берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

Шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона уни таъсис этиш йўли билан ёки мавжуд (фаолият юритиб турган) корхонада иштирок этиш улушини (пайини, акцияларини) ёхуд бундай корхонани бутунлай, шу жумладан хусусийлаштириш жараёнида чет эллик инвестор томонидан сотиб олиниши натижасида ташкил этилиши мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, хорижий инвесторлар Ўзбекистон бозорига кириб келишида ишлаб турган корхонани сотиб олиш амалиёти кўпроқ хусусийлаштириш жараёни билан боғлиқ бўлиб, айрим ҳолларда эса бозорда юқори мавқега (шу жумладан, телекоммуникация, кимё саноати ва қурилиш материаллари каби соҳаларда) эга бўлган корхоналарга инвестиция қилиш билан боғлиқ. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатига олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари учун адолатли ва тенг ҳуқуқли режим, уларнинг тўлиқ ва доимий ҳимояси ҳамда хавфсизлиги таъминланиши кўрсатилади. Бундай режим Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари томонидан амалга

[53] Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 29.04.2019 йилдаги ПҚ-4300-сон.

оширилаётган инвестицияларнинг тегишли режимига қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас. Мазкур тартиб алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, хорижий инвесторлар фаолияти учун қулай шароит яратилганлигини кўрсатади. Маълумки, чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга алоҳида солиқ, божхона ва бошқа имтиёзлар берилган бўлиб, улар айни пайтда барча бозор иштирокчиларига берилган турли қўшимча имтиёзлардан ҳам фойдаланиш имкониятига эга.

Чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кафолатланган ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилганда уларни тиклаш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, шу жумладан халқаро шартномалари билан тартибга солинади.

Хусусан, бошқа ваколатлар билан бир қаторда Адлия вазирлиги чет эл инвесторлари ва бундай инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан назорат қилиш органлари ҳамда маҳаллий хокимият ва бошқарув идораларининг инвесторларнинг ҳуқуқларини бузувчи қарорларини тўхтатиб қўшиш ҳамда тегишли давлат ва бошқарув органларига бундай қарорларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқи берилган. Бизнинг фикримизча, бундай ёндошув чет эл инвесторлари фаолияти билан боғлиқ муносабатларда қонун устуворлигини таъминлашга ва инвесторлар ҳуқуқларини изчил ҳимоя қилишга қаратилган муҳим омил ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатларда кенг қўлланилаётган яна бир рағбатлантирувчи чора шундан иборатки, агар мамлакатдаги кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирса, унда чет эллик инвесторларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб маълум бир муддатга қўллаш кафолатланади. Ушбу чора Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам ўз аксини топган бўлиб, хорижий инвесторларга инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўллаш кафолати берилади. Чет эллик инвестор ўз хоҳишига кўра янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгадир.

Хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимояланишига хизмат қилувчи механизмдан оқилона ва ўринли фойдаланишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун мамалакатимизда қулай шарт-шароитлар яратилганидан, давлатимиз томонидан бу соҳага жиддий эътибор берилаётганидан далолатдир.

Бозор иқтисодиёти ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади.

Республикамизда инвестицион сиёсатни амалга ошириш мақсадида ҳар йили инвестицион дастур қабул қилинади. Жумладан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, устувор тармоқларга инвестициялар киритиш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини жадаллаштириш, модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишга хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш ва шулар асосида республикамиз иқтисодиётини барқарор ва бир маромда ривожлантиришни таъминлашга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги Президент Қарори қабул қилинди.

Мамлакатимиз Президенти томонидан 2021 йил 7 апрелда "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда 15 апрелда "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Президент Фармонида ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, максимал даражада қулай инвестиция иқлимини яратиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ойдинлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик фаолиятини юритиш шароитларини тубдан яхшилаш, янги иш жойларини барпо этиш ва иқтисодиётнинг хусусий секторида аҳоли бандлигини ошириш чоралари кўзда тутилган.

Ушбу ҳужжат билан 2021-2026 йилларда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Унда олтита йўналишдаги вазифалар белгиланган.

Яъни тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш, давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларидаги самарани кўпайтириш, ошкоралигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштиришнинг институционал тизимини такомиллаштиришда кўзда тутилган. Шунингдек, корпоратив бошқарувни, субъектларни кредитлаш механизмларини ривожлантириш, уларга кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириш, солиқ маъмурчилигини соддалаштириш, сифатни бошқариш стандартларини жорий этиш ва хусусий мулкдорлар ролини ошириш шулар жумласидандир.

Фармонда қайд қилинган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бир ой муддатда ўзларининг расмий веб-сайтларида тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга солувчи ахборотларни жойлаштириб, кейинчалик уларни доимий равишда янгилаб боришни таъминлашларининг ўзига хос аҳамияти эътироф этилди.

Бундан ташқари, Фармонга кўра, жорий йилнинг 1 июнидан давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида чоп этилмаган уларнинг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларини тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар талабларини бузиш ҳолатлари учун тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чораларини қўллаш тақиқланади. Ҳужжатда жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб қурилиш материаллари саноати, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатида фаолият олиб бораётган кичик корхоналар ходимларининг йиллик ўртача сони икки баробарга оширилиб, икки юз нафаргача бўлиши ҳам белгиланган.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривржлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради;

Инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқиёсда жалб қилиш, хорижий инвесторларни ўз маблағларини мамлакат иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган, жумладан:

- кўрилган зарарларни қопланиши учун кафолатлар;

- солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар;
- хорижий инвесторлар капиталини сақланиши учун кафолатлар;
- фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги;
- миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти;
- божхона имтиёзларининг мавжудлиги;
- хорижий инвесторларнинг мулклари ва уларнинг ўзларини хавф-хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизимини яратилганлиги.

Адабиётлар:

1. Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. — М.: Прогресс, 1978. –Б. 117.
2. Самуэльсон П. Экономика.- М.: МГП “АЛГОН” ВНИИСИ. 1992.- С. 204.
3. Юсупов А. Хорижий инвестициялар — корхоналар иқтисодий тараққиёт омили. /Ж. Бозор, пул ва кредит. 2014, № 11.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 29.04.2019 йилдаги ПҚ-4300-сон.
5. Нурмухамидова, М. Х. Минтақалар инвестиция жозибадорлигини ошириш ва уларни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш / М. Х. Нурмухамидова, С. В. Мамажанова, А. Х. Шоев. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. 2020. № 11 (301). С. 282-284.
6. URL: https://moluch.ru/archive/301/67986/ (15.03.2022).

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA ERKIN IQTISODIY ZONALARDA SANOAT KORXONALARINI INNOVATSIYA ASOSIDA RIVOJLANTIRISH MASALALARI

Boymurodov Jonon Komiljonovich Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti doktoranti (tel: +99890504-30-09) jasurleader077@gmai.com

Annotatsiya. *Ushbu maqolada erkin iqtisodiy zonalarda sanoat korxonalarini rivojlanishtirishda innovatsiya, uning o‘rni va ahamiyati nazariy jihatdan tahlil qilib, ularni innovatsion rivojlantirishga oid taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.*

Kalit so‘zlar: *erkin iqtisodiy zona, erkin iqtisodiy zonalarning rivojlanish bosqichlari, innovatsiya, innovatsion salohiyat, innovatsion faoliyat, sanoat koxonalari innovatsion faoliyati.*

Аннотация. *В данной статье теоретически анализируются инновации, их роль и значение в развитии промышленных предприятий свободных экономических зон, а также разрабатываются предложения и рекомендации по их инновационному развитию.*

Ключевые слова: *свободная экономическая зона, этапы развития свободных экономических зон, инновации, инновационный потенциал, инновационная деятельность, инновационная активность производственных помещений.*

Annotation. *This article theoretically analyzes innovation, its role and importance in the development of industrial enterprises in free economic zones, and develops proposals and recommendations for their innovative development.*

Keywords: *free economic zone, stages of development of free economic zones, innovation, innovative potential, innovative activity, innovative activity of industrial premises.*

Bugungi kunda mamlakatimizda 23 ta erkin iqtisodiy zonalar faoliyat olib borayotgan bo‘lsa, ularning 20 tasi 2016-yildan keyingi davrda tashkil etilgan. Bunda umumiy erkin iqtisodiy zonalardan tashqari alohida sohalar, jumladan, to‘qimachilik, maishiy texnikalarni ishlab chiqarish, yarim tayyor mahsulotlarni qayta ishlash kabi muhim sohalarda erkin iqtisodiy zonalar faoliyati yo‘lga qo‘yilganligini alohida qayd etib o‘tish zarur. Bu jarayon o‘z navbatida mamlakatimizda erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini rivojlanish bosqichlarga bo‘lib o‘rganishni taqozo etmoqda. O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikga erishgan davrdan keyingi vaqtda erkin iqtisodiy zonalar tashkil etilishi, faoliyat yo‘nalishlari hamda huquqiy-normativ bazalarini tashkil etish jarayonlarini alohida o‘rganib chiqishni maqsadga muvofiq deb hisobladik (1-jadval).

1-jadval

Erkin iqtisodiy zona (EIZ)larning rivojlanish bosqichlari[54]

Xususiyatlari	**Erkin iqtisodiy zonalar**	
	2016-yilgacha	**2016-yildan hozirgi davrgacha**
Paydo bo‘lishi	Navoiy EIZ (2008-y.) Angren EIZ (2013-y.) Jizzax EIZ (2013-y)	Urgut EIZ, Xazorasp EIZ, Qo‘qon EIZ, G‘ijduvon EIZ va boshqalar (barchasi 2017-y.).
Tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi	Erkin iqtisodiy zonalar faoliyati buyrokratik va tizimli boshqaruv xususuiyatlariga ega bo‘lib, asosan yopiq boshqaruv ko‘rinishida faoliyat ko‘rsatgan.	Tashkiliy-iqtisodiy mexa-nizmning liberallashuvi, sanoat korxonalari nizomiga muofiq demokratik, ochiq, shaffof faoliyati, shuningdek, boshqaruv, tashkiliy jarayonni raqamlashtirish hamda innovatsiya asosida faoliyat ko‘rsatishi.
Davlat tamonidan huquqiy tartibga solinishi	EIZlar faoliyatining huquqiy asosini 1996-yil 25-aprelda qabul qilingan “Erkin iqtisodiy zonalar to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni tashkil qiladi.	Erkin iqtisodiy zonalarda imtiyoz va perefrensiyalar O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini faollashtirish va kengaytirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PF-4853-son farmoni.
Davlat	Davlat tomonidan soliq	Kiritilgan kapitalning miqdoriga qarab

[54] Muallif tadqiqotlari asosida ishlab chiqilgan.

tamonidan qo‘llab-quvvatlanishi	imtiyozlari va subsidiyalar berish.	soliq imtiyozlarining berilishi, ishlab chiqarish tarmoqlarining zarur bo‘g‘inlari yuzasidan aylanma daromaddan, bojxona to‘lovlaridan imtiyozli davrlarni berish, ishlab chiqarilgan tovarlarni eksport qilishda bojxona imtiyozlarini berish.

Yuqoridagi jadval ma’lumotlari tahlil qilishimiz natijasida dastavval mamlakatimizda erkin iqtisodiy zonalarning dastlabki bosqichi 2008-yilda faoliyat ko‘rsatishni boshlagan bo‘lib, 2016-yilga qadar ularning soni uchtani tashkil etgan. Birinchi bosqich davrdagi EIZlarning imtiyoz va imkoniyatlarini chegaralanganligini ko‘rishimiz mumkin. 2016-yildan to hozirgi vaqtgacha bo‘lgan davrda 20 ta EIZ o‘z faoliyatini yo‘lga qo‘yilgan bo‘lib, ularning davlat tamonidan qo‘llab-quvvatlanishi, berilgan imtiyozlar va yaratilgan shart-sharoitlar EIZlarda faoliyat ko‘rsatyotgan sanoat korxonalarining rivojlanib borishini kuzatishimiz mumkin.

Fikrimizcha, yaratilgan imkoniyatlar EIZlar faoliyatini samarali yuritilishida zamin yaratmoqda. Ammo, bu tendensiyani yanada yuksaltirish imkoniyatlari mavjud bo‘lib, xususan, sanoat 4.0 tizmini joriy etish orqali mamlakatimizda sanoat sohasida tub islohotlarni amalga oshirish, mulkchilik huquqlarini tasarruf etishda normativ o‘zgartirishar kiritish, jahon bozorida xaridor ko‘p bo‘ladigan tovarlarni ishlab chiqarish bo‘yicha investorlarga keng imkoniyatlar yaratib berish, erkin raqobat muhiti shakllantirishni yanada takomillashtirish orqali sof raqobat muhitini yaratish, xodimlar malakasini qayta tayyorlash jarayonlarini xorijiy mamlakatlarda tashkil etish, zarur kadrlarni tayyorlash bo‘yicha islohotlarni amalga oshirish hamda EIZlar faoliyati bilan bo‘g‘liq tarmoqlar o‘rtasida klaster tizimini tashkil etish asosida EIZlarda sanoat korxonalarining innovatsion salohiyatini shaklantirish hamda soha faoliyati samaradorligini oshirish mumkin.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida EIZlarda faoliyat ko‘rsatayotgan sanoat korxonalarini rivojlantirish va ularning samaradorligini oshirishda innovatsiyalarning o‘rni beqiyosdir. Chunki, sanoat korxonalarining barqaror faoliyat ko‘rsatishi hamda raqobatbardoshligini oshirish, ularni modernizatsiya va diversifikatsiya qilishda muhim ustuvor yo‘nalishlardan biri bu – innovatsion muhitni shakllantirish hisoblanadi. Shu sababli, “innovatsiya” kategoriyasining mazmun, mohiyatini nazariy jihatdan tahlil qilishni maqsadga muvofiq deb topdik. Innovatsiya, uning iqtisodiy mazmuni, mohiyati, turlari, amal qilish xususiyatlari, milliy iqtisodiyot hamda xalqaro miqyosdagi o‘rni va rolini ochib berishga bir qator xorijiy va mahalliy iqtisodchi olimlar o‘zlarining ilmiy izlanishlari va nazariy qarashlarini keltirib o‘tgan.

Xususan, “Innovatsion faoliyat”ning yetakchi tadqiqotchilaridan biri iqtisodchi olim Robert Taker hisoblanib, uning fikricha: “**innovatsiya** – yangi g‘oyalarni ishlab chiqish va ularni amalga oshirishdir. Uning ijodiy jihatidan eng muhimi - bu yangi g‘oyalarni yaratish hisoblanadi. Zero, g‘oyalar bo‘lmasa,

innovatsiya uchun imkoniyat ham bo‘lmaydi, aynan g‘oyalarni amaliyotga tadbiq etish innovatsiyaning o‘ziga xos belgisidir. Innovatsiyaning maqsadi iste’molchi tomonidan qabul qilinadigan yangi qiymatni yaratishdan iborat”[55] degan g‘oyani ilgari suradi. U o‘zining tadqiqot ishlarida innovatsiyani tasniflashda 3 xil turga ajratadi. Ular quydagilar:

1. Mahsulot yoki xizmat innovatsiyasi - mijoz muammosini hal qilishning yangi usulini amaliyotga tatbiq etish natijasi bo‘lib, ushbu faoliyat mijozga ham, yangilikni joriy etuvchi korxonaga ham foyda keltiradi;

2. Jarayon innovatsiyasi - ishlab chiqarish korxonalari uchun xarajatlarni kamaytirish, sifatni yaxshilash, aylanish muddatlarini qisqartirish, mahsulotni ishlab chiqish va yetkazib berish muddatlarini yoki mahsulotlarni keng unifikatsiya qilish imkoniyati ko‘rinishida foyda keltiradigan yangi ishlab chiqarish usullari va texnologiyalarini joriy etishni nazarda tutadi;

3. Strategik innovatsiya - taklif etilayotgan mahsulot va xizmatlarning marketingi yoki reklamasiga yangi yondashuvlarni beradi, sotishning yangi usullarini joriy etishga, xaridorlarga xizmat ko‘rsatish yoki mahsulotning bozorda joylashishini yaxshilashga olib keladi. Uning natijasi korxona iste’molchilarning maqsadli guruhlarini qanday o‘zgartirishi va bozorga qanday kirishi, ya’ni mahsulot yoki xizmatlarni oxirgi iste’molchiga yetkazib berish[56] kabi turlarni o‘z ichiga oladi.

Mahalliy olimlarimizdan A.U.Burxanov, Sh.X.Muminov va X.X.Xudoyqulovlar tomonidan chop etilgan darslikda innovatsiyaga quyidagi ta’rif berilgan: “innovatsiya – bu yangi yoki takomillashgan mahsulot ko‘rinishda sotilgan, bozorda realizatsiya qilinadigan innovatsion faoliyat hamda amaliy faoliyatda foydalaniladigan yangi va takomillashgan texnologik jarayonning yakuniy natijasidir”[57]. Bundan tashdari, A.B.Bektemirov, N.X.Ruzibayeva va R.I.Azimovalar innovatsiyaga oid ilmiy izlanishlarida “innovatsiya – bu yuqori iqtisodiy va ijtimoiy samara olish maqsadida ishlab chiqarish jarayoniga ilg‘or ilm-fan yutuqlarini joriy etish yoki bilan yangi tovarlar yaratish yoki ishlab chiqarilayotgan tovarlar sifatini oshirishdir. Innovatsiya har bir sohada bo‘lishi mumkin. Masalan, fanda, uning bir yo‘nalishida yirik yangiliklarga erishish, kashfiyotlar yaratish, izlanishlarda, ilm sohasida yangi ilm va bilimlarni ochish, texnika va texnologiyalarni yangi avlodini yaratish, ishlab chiqarish sohalarida, xizmat ko‘rsatishda yangi usullarni kiritish va boshqalar shular jumlasidandir. Iqtisodiyotda esa fan,

[55] Роберт Б.Такер. Инновации как формула роста. Новое будущее ведущих компаний. М.: Олимп-бизнес, 2006. 224 с.

[56] Роберт Б. Такер. Инновации как формула роста. Новое будущее ведущих компаний. М.: Олимп-бизнес, 2006. 224 с.

[57] A.U.Burxanov, Sh.X.Muminov, X.X.Xudoyqulov. Investitsiya va innovatsiyalar. – T.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2021. – 462 b.

texnika, texnologiyalar sohalarida erishilgan eng so‘nggi yutuqlarni qo‘llashni bildirishi mumkin”[58]deb e’tirof etishgan.

Yuqoridagi olimlarning fikrlaridan kelib chiqib, bizningcha, “innovatsiya” kategoriyasi ta’rifiga turlicha yondashuvlarni hisobga olgan holda, “**innovatsiya -** bu inson kapitalining mahsuli, ya’ni yangi yoki takomillashtirilgan mahsulot, g‘oya, ishlanma, yangicha usullar, tovar ko‘rinishida taqdim etilgan yangi moddiy va nomoddiy predmetlarni tushunilishi kerak”. Ya’ni, ishlar, xizmatlar, g‘oyani tijoratlashtirish jarayonida iqtisodiy yoki boshqa turdagi samaraga erishish uchun o‘zgartirish natijasida olingan mahsulotlarni ishlab chiqarish, qo‘llash, mahsulotlarni ishlab chiqarish va sotish jarayonida takomillashtirish usuli yoki texnologiyasidir. Shu o‘rinda ta’kidlab o‘tish joizki, sanoat korxonalarida innovatsiya yoki innovatsion faoliyatni rivojlantirish uchun avvalo insonlar bilimi, ko‘nikmasi va malaka darajasini yuksaltirish lozim va albatta ushbu jarayon innovatsiyalarni shakllantirishda xizmat qiladi. Bu esa, o‘z o‘rnida innovatsion faoliyatni rivojlantirish bilan birgalikda inson kapitalini ham rivojlantirishni taqozo etmoqda. O‘z navbatida, vaqt o‘tishi bilan yangi sifatlarning paydo bo‘lishi va ma’lum samaradorlikka erishish bilan yangilik innovatsiyaga aylanadi. Sanoat korxonasining innovatsion salohiyati uning faoliyatida zamonaviy sharoitda shakllanishi, xususiyatini namoyon etishda innovatsiyaning korxona miqyosida nafi tegishi hamda tabiiy resurslarni tejagan holda ko‘p mahsulot va xizmatlar yaratishi hamda korxonaga foyda keltirishi bilan izohlash maqsadga muvofiqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risidagi”gi PF-60-sonli Farmoni.
2. Роберт Б. Такер. Инновации как формула роста. Новое будущее ведущих компаний. М.: Олимп-бизнес, 2006. 224 с.
3. A.U.Burxanov, Sh.X.Muminov, X.X.Xudoyqulov. Investitsiya va innovatsiyalar. – T.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2021. – 462 b.
4. A.B.Bektemirov, N.X.Ruzibayeva, R.I.Azimova. Investitsiya va innovatsiyalar. O‘quv qo‘llanma /– Toshkent: 2020. – 432 b.

[58] A.B.Bektemirov, N.X.Ruzibayeva, R.I.Azimova. Investitsiya va innovatsiyalar. O‘quv qo‘llanma /– Toshkent: 2020. – 432 b.

TURIZM SOHASINI RAQAMLASHTIRISH SAMARADORLIGI OSHIRISH IMKONIYATLARI

Danabaev Bekjan Ma’rufovich Samarqand shahar hokimiyati Tel: 998906553434 uzb_bek07@mail.ru

Annotatsiya. Maskur maqolada turizm sohasini sifatini oshirish va samaradorligini tahlili va amaliyotdagi o’zgarishlar, mulohazalar va takliflar bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: turizm, raqamlashtirish, turizm samaradorligi, turizm infrastrukturasi, investitsiya, turizm daromadlari, marketing.

Аннотация. В статье Маскура описан анализ повышения качества и эффективности индустрии туризма, а также изменения в практике, комментарии и предложения.

Ключевые слова: туризм, цифровизация, эффективность туризма, инфраструктура туризма, инвестиции, доходы от туризма, маркетинг.

KirishRaqamlashtirish iqtisodiyoti turizm sohasida ma'lumotlarni yaxshilash, tahlil qilish, samaradorlikni oshirish va strategik qarorlar qabul qilishda muhim ahamiyatga ega bo'lib, turizm sohasining rivojlanishini qo'llab-quvvatlaydi.

Turizmda raqamlashtirish sifatini oshirish, turizm sektori bo'yicha to'plangan ma'lumotlarning sifatini va bu ma'lumotlardan olingan tahlil natijalarining yuqori sifatini ta'minlashga oid jarayonlarni ifodalayadi. Aksariy turizm tashkilotlari va mamlakatlar, turizm ma'lumotlarini to'plash, saqlash va ularga murojaat qilish uchun raqamlashtirishni amalga oshirishda muhim qadam qilishmoqda.

Turizmda raqamlashtirish sifatini oshirish uchun quyidagilarni amalga oshirish mumkin ya’ni quyidagi rasmda jarayonlarni tahlil qilib chiqishimiz mumkin. **Turizmda raqamlashtirish sifatini oshirish jarayonlari**



Manba: Muallif tomonidan ishlab chiqildi

Ma'lumotlarni to'plashda sifatni ta'minlash: Ma'lumotlar to'plab chiqish jarayonida sifatni ta'minlash uchun ma'lumotlarning yagona to'plamda yig'ilishi, to'plangan ma'lumotlar uchun xato darajasini pastilash, to'plangan ma'lumotlarning yagona standartlarga mos kelishi kabi qoidalarni amalga oshirish kerak.

Ma'lumotlar analizi va tahlil sifatini oshirish: Raqamlashtirilgan ma'lumotlarni tahlil qilish va natijalarini ta'riflashda sifatni oshirish uchun tahlil metodlarini to'liq qo'llash zarur. Tahlil usullari, statistikalar, grafiklar, model va dasturlashlar, ma'lumotlar bazalari va boshqa ilmiy-yuridik vositalar orqali natijalar olish va ularga ma'lumotlar qo'shish uchun sifatli usullardan foydalanishni talab qiladi.

Xalqaro standartlarga rioya etish: Turizm sohasidagi raqamlashtirishda xalqaro standartlarga rioya etish sifatni oshirishda katta ahamiyatga ega. Bu standartlar, ma'lumotlar yig'ilish, saqlash, ma'lumotlar muhokamalari va tahlilini bajarish, xatolar va nusxalanishlarga qarshi himoya turlarini o'rnatish, ma'lumotlarni himoya qilish va ma'lumotlar ulushi sifatini ta'minlash kabi jarayonlarda yordam beradi.

Ma'lumotlar ustunligini ta'minlash: Ma'lumotlar ustunligi, turizm ma'lumotlarining to'g'ri, to'liq va ishonchli bo'lishini ta'minlaydi. Bunday ustunlikni ta'minlash uchun avtomatlashtirish, ma'lumotlar bazalari va tizimlar, ma'lumotlar xavfsizligi va himoyasi, ma'lumotlar tarqatishni ta'minlash va ma'lumotlar o'zlashtirish bo'yicha sifatli tizimlar va protseduralar qo'llanilishi kerak.

Ma'lumotlar ulushi va ulush bo'yicha taqsimlash: Turizm sohasidagi ma'lumotlar raqamlashtirilishida ma'lumotlar ulushi va ulush bo'yicha taqsimlashning sifatini oshirish ham muhimdir. Bu, turizmga oid ma'lumotlarni turistlar, sayohat turlari, mamlakatlar, joylar, sayohat davomiyligi va boshqalar kabi kategoriyalar bo'yicha taqsimlashni o'z ichiga oladi. Bu taqsimlash, ma'lumotlar ustida tahlil va taqdimotning samaradorligini oshiradi.

Turizmda raqamlashtirish sifatini oshirish, ma'lumotlar yig'ilish, analiz qilish, tahlil qilish, ma'lumotlar ustunligini ta'minlash va ma'lumotlar ulushi bo'yicha taqsimlashni qo'llash orqali amalga oshiriladi. Bu jarayonlar turizm sohasidagi ma'lumotlarning sifatini oshirishda muhim rol o'ynaydi va turizmning strategik rivojlanish va maqsadlarni erishishida yordam beradi.

Turizm samaradorligi turizm sektoriga o'z xizmatini ko'rsatish, mamlakatning iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishiga yordam berish asosida keng foyda olib keluvchi bir qator ko'plab faktorlardan iboratdir. Bu samaradorlik, turizm sohasidagi xizmatlar va aktivliklar orqali amalga oshiriladi hamda turizmning mamlakatning iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik taraqqiyotiga qanday ta'sir ko'rsatishi haqida ma'lumotlar beradi. Ushbu samaradorligi bir qancha yo'nalishlardan iborat bo'lib, ular turistlarni tortish, mehnat va kapitalni jalb qilish, mamlakatdagi mahsulotlarni sotish, xizmatlar yaratish va turizm infrastrukturasi rivojlanishini o'z ichiga oladi va mamlakatning iqtisodiy

to'g'ridan-to'g'ri daromadiga, ish joylarining yaratilishi va ekologik muhitni saqlashga qaratilgan ko'rsatkichlar bilan o'lchaydi.

Xulosa va takliflar, Turizm sohasini raqamlashtirish samaradorligini tahlil qilish, turizm daromadlarining o'sishi, xarajatlar va kirimlar orasidagi munosabatlar, turizm mahsulotlarining sifati va sifatli tizimlar, talab va tendentsiyalar tahlili bo'yicha foydali ma'lumotlar beradi. Ushbu tahlillar turizm sohasidagi samaradorlikni oshirish strategiyalarini belgilash, maqsadlarni aniqlash va turizm faoliyatlarini rivojlantirishda muhim ahamiyatga ega. Shunday ekan O'zbekistonda turizm sohasini rivojlantirish muhimdir hisoblanadi. Bunda asosan ekonomik islohotlar o'tkazish lozimdir. Turizm sohasini rivojlantirish, O'zbekistonning ekonomik diversifikatsiyasiga va daromadlarning diversifikatsiyasiga qo'shimcha manfaatlar olib keladi. Turizm, turistlar tomonidan xarajat qilingan mablag'lar, joylarda ish o'rinlari yaratish, xizmatlar sohasidagi vakansiyalar va boshqa iqtisodiy imkoniyatlarni oshiradi. Bundan tashqari, kultural-malakaviy bog'liqlidir. Shu bilan bir qatorda biz turizmning samaradorligini oshirish ko'rsatkichlarini ham bosqichma-bosqich ko'rib chiqishimiz lozim hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. Raximov Z.O., Ismailov N.I. Rivojlanayotgan raqamli iqtisodiyotda raqamlashayotgan turizmning ahamiyati./ Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universitetining Axborotnomasi. Nukus 2020 yil 3-son (ISSN 2010-9075). 42-45 bet.

2. Sh.M.Mirziyoyev "Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi faoliyatini tashkil etish to'g'risida" gi PF-2661-sonli Farmoni, 2016 y 2 dekabr.

3. Sh.M.Mirziyoyev "Turizm, sport va madaniy meros sohalarida davlat boshqaruvi tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi Farmoni, 2021 yil 6 aprel.

4. http://www.samstat.uz

5.41.http://www.lex.uz

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ

Умарова Раъно Суннатхоновна
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
Самарқанд вилояти филиали бош инспектори
Телефон:+99897-104-15-01
Электрон почта: ranoumarova5059@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини рақамлаштириш йўналишида бугунги кунда амалга

оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, яратилаётган янги дастурий-аппарат комплекслар доирасидаги электрон масофавий ўқув платформалар, давлат хизматчиларини касбий ва шахсий компетенцияларини ривожлантириш йўналишида илғор хорижий давлатлар тажрибаси, шунингдек, масофавий онлайн платформаларни янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган таклифлар тўғрисида батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, давлат фуқаролик хизмати, рақамлаштириш, электрон платформа, дастурий-аппарат комплекси, мобил илова, рақамли давлат хизмати, масофавий таълим

Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт шароитида давлатимизда ахборот коммуникацион технологияларнинг роли сезиларли даражада ошиб бормоқда, бу эса рақамли трансформациянинг ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон учун долзарблигини билдиради. Ҳақиқатан ҳам, рақамли трансформация жамиятни янада модернизация қилиш ва рақамли иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш салоҳиятига эга. Шу нуқтаи назардан, амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг келгуси етти йилга мўлжалланган “Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида барча асосий соҳаларни рақамлаштириш ҳамда мамлакатда ҳақиқий инновацион ахборот жамиятини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада ошириши, коррупция ва “қора иқтисодиёт”нинг асосий кушандаси бўлганлиги сабабли давлат хизматини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда ишонч билан айтиш мумкинки, рақамли иқтисодиёт кириб бормаган соҳа Ўзбекистонда мавжуд эмас, шу жумладан, давлат фуқаролик хизматида ҳам ахборот технологияларга асосланган инновацион қулайликларнинг яратилаётганлиги рақамли иқтисодиётнинг кенг кўламли ислоҳотларидан бири саналади.

Бугун замоннинг ўзи ҳар бир тизимга рақамли технологияларни жалб этишни, хусусан, давлат фуқаролик хизматида инновацион технологияларни кенг қўллашни талаб этмоқда. **Рақамли ўзгаришлар давлат фуқаролик хизматида ҳам кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан давлат фуқаролик хизматини рақамлаштириш йўналишида** “Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлил тизими” дастурий-аппарат комплекси ишга туширилди. Ушбу комплекс тизим давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида республикамизда ўхшаши бўлмаган тизим ҳисобланади. Мазкур дастурий аппарат комплекси республикамизнинг барча вазирлик ва идоралари билан ҳамкорликда яратилмоқда. Дастурий-аппарат комплексидаги қуйи

тизимлар бир қатор вазирлик ва идоралар томонидан шакллантирилган маълумотлар базасига интеграция қилинган. Ушбу тизим орқали давлат фуқаролик хизматчиси ўз фаолияти билан боғлиқ маълумотлар билан ишлаши ва қўшимча интерактив хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга.

Дастлаб ҳуқуқий асосларга тўхталсак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сон Фармони 1-иловаси 4-устувор йўналиш "Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш" йўналиши 81-мақсадда давлат фуқаролик хизматини меритократия, ҳалоллик ва профессионаллик тамойиллари асосида ташкил этиш белгиланган. Стратегиянинг 81-мақсадида айнан давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз малака ошириб бориш тизими билан қамраб олиш даражасини 100 фоизга етказиш мақсад қилинган.[59]

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030" стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-300-сон қарори[60] 4-илова 17-бандида Давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий компетенциялари ва алоҳида хизматларини холис ва адолатли баҳолаш, давлат фуқаролик хизматчиларининг малакасини тизимли равишда ошириш ва рағбатлантиришни таъминловчи Миллий "Карьера модели" электрон платформасини жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги зиммасига юклатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5843-сон Фармонига[61] мувофиқ Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг асосий вазифаларидан бири этиб, давлат фуқаролик хизмати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни изчил такомиллаштириб бориш, давлат фуқаролик хизматчилари шахсий маълумотларининг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда улар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш вазифаси белгиланган.

Давлат бошқарувида давлат хизматчиларининг билим, малака ва кўникмаси асосий ўринга эга эканлигини инобатга олиб, уларни

---

[59] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон

[60] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030" стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-300-сон қарори https://lex.uz/pdfs/6600390

[61] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 06/19/5843/3900-сон; 12.02.2021 й., 06/21/6168/0111-сон; 09.03.2021 й., 06/21/6184/0192-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 06/21/6256/0636-сон

ривожлантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Айнан давлат хизматчиларини касбий ва шахсий компетенцияларини ошириш, хусусан, уларнинг малакасини ошириш мақсадида рақамли технологиялардан фойдаланиш амалиёти Ўзбекистонга ҳам кириб келмоқда. Дастлаб ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, давлат хизмати тизими узоқ йиллардан бери мавжуд бўлган бир қатор мамлакатларда давлат хизматчиси ўзини ривожлантириши учун замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиб келмоқда.

Хусусан, Россия Федерацияси халқ хўжалиги ва давлат хизмати академиясида таълимда замонавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун юқори малакали раҳбар ва мутахассисларни тайёрлайдиган онлайн интенсив малака ошириш курслар йўлга қўйилган. Ушбу онлайн курсларда дунёнинг исталган нуқтасидан тингловчилар ўзлари танлаган мавзулар бўйича ўқиши мумкин. Реал вақт режимида давлат хизматчилари ўзларининг ишдаги муаммоларини дунёнинг турли бурчакларидан ҳамкасблари билан муҳокама қилишлари ва амалий машғулотларда кўникмаларини оширишлари мумкин.[62]

Маълумки, Сингапур давлатининг ривожланиши таълимга катта эътибор берилганлиги билан аҳамиятли. Сингапур давлат хизматчиларини онлайн малакасини ошириш мақсадида LEARN (Рақамли машғулот) иловасини ишлаб чиқди. Ушбу илова иш берувчиларга ўзларининг таълим платформаларини ишлаб чиқишга ортиқча маблағ сарфламасдан ходимларининг тезкор малакасини оширишга имкон беради. Умуман олганда Сингапур давлат хизматига аллақачон сунъий интеллектни киритган бўлиб, давлат хизматчилари ундан самарали фойдаланиб келмоқда. Платформада машғулотлар синхрон ва асинхрон шаклда амалга оширилади. Платформадан фойдаланиш жуда қулай бўлганлиги сабабли кўпгина давлат хизматчилари уни афзал кўради.[63]

Бирлашган Араб Амирликлари Телекоммуникациялар ва рақамли ҳукумат вазирлиги давлат хизматчилари учун “Виртуал академия” лойиҳасини ишга туширган бўлиб, у “Ақлли ҳукуматнинг виртуал академияси” номи билан машҳур. Академиянинг мақсади тадбиркорлик, ахборот технологиялари ва ижтимоий соҳада кўникмаларни ривожлантириш бўйича тренинг ва ўқув курсларни олиб боришдан иборат. Академияда юқоридаги йўналишлар кесимида 50 дан ортиқ бепул онлайн курслар мавжуд. Таълим хизматлари тренер бошчилигида виртуал кўринишдаги машғулотлар, мустақил шаклдаги онлайн дарслар каби бир қатор йўналишларда кўрсатилади.[64]

[62] https://gscm.ranepa.ru/additional-education/online-courses/
[63] Civil service college annual report 2021-2022 https://www.csc.gov.sg/files/csc-annual-report_fy21-(final).pdf
[64] https://u.ae/en/information-and-services/education/lifelong-learning-programmes

“Jahiz” - БАА федерал ҳукуматдаги давлат хизматчилари учун янги келажак кўникмаларини шакллантиришга мўлжалланган интерактив электрон платформа бўлиб, ушбу платформанинг мақсади келажакда давлат хизматчилари учун зарур бўладиган 20 та асосий кўникмаларни малака ошириш йўли билан ўргатишдан иборат. Келажак кўникмалари - бу давлат хизматчиларига юзага келиши мумкин бўлган хавф ва ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, иш самарадорлиги ва натижадорликни ошириш, қолаверса келажакка тайёр бўлиш имконини беради. Бундан ташқари БААда Келажак кўникмалари дастури ҳам мавжуд бўлиб, ушбу дастур меҳнат бозорида ахборот технологияларга асосланган келажак касбларида ишлаш истаги бўлган давлат хизматчилари ва талабаларга мўлжалланган. 12 ой давом этадиган маъруза, семинар ва тренинглардан иборат бўлган махсус курслар орқали тингловчилар бир-бирлари билан тажриба алмашишлари мумкин бўлади.[65]

Ўзбекистонда ҳам давлат хизматчиларининг малакасини рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ошириш тизими амалиётга жорий қилинган. Ушбу усул айниқса, пандемия даврида кенг тарқалган бўлиб, давлат хизматчилари масофадан туриб малакасини ошириш имкониятига эга бўлди. Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда давлат хизматчиларнинг малакасини оширишда онлайн ўқитиш шаклидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиладиган малака ошириш курсларининг бир нечта йўналишлари мавжуд. Жумладан:

1. Реал вақт режимида ўтказиладиган онлайн вебинарлар;
2. Реал вақт режимида ўтказиладиган онлайн тренинг ва амалий машғулотлар;
3. Тингловчига қулай вақтда кўрса бўладиган онлайн платформалар;
4. Мобил илова кўринишидаги электрон ўқув платформалар;
5. Оффлайн режимда ҳам ишлайдиган электрон ўқув платформалар ва ҳ.к.

Ўзбекистонда юқоридаги йўналишларнинг барчасидан фойдаланган ҳолда давлат хизматчиларининг малакасини ошириш имконияти синовдан ўтказилган. Хусусан, “Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлил тизими” дастурий-аппарат комплекси таркибида давлат хизматчиларининг билим ва малакасини ошириб бориш, ходимларни масофавий ўқитиш мақсадида ilm.argos.uz[66] платформаси жорий этилган. Ушбу платформада давлатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида долзарб бўлган мавзуларда тақдимот ва видео дарслар юклаб

[65] https://u.ae/en/information-and-services/jobs/future-skills-for-youth/special-programmes-for-developing-future-skills

[66] https://ilm.argos.uz/courses

борилади. Ушбу платформада давлат фуқаролик хизматчилари учун алоҳида инглиз тили, лидерлик, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича курслар ҳам бор. Ушбу платформа орқали давлат фуқаролик хизматчилари ижтимоий-сиёсий билимларини ривожлантириб боришлари, платформага жойланган адабиётлардан ўзларига қулай бўлган исталган вақтда ортиқча сарф-харажатларсиз фойдаланишлари мумкин.

Амалиётга жорий қилинган яна бир электрон ўқув платформа Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Бош-илмий методик марказнинг ягона ахборот таълим портали орқали давлат фуқаролик хизматчилари учун ишлаб чиқилган махсус дастур асосида масофавий ўқув курсларнинг ташкил этилганлиги бўлди. Ушбу масофавий платформада давлат хизматчилари ишдан ажралмаган ҳолда, ўзларига қулай бўлган вақт ва шароитда олдиндан юкланган видеодарслар ва маъруза матнлари билан танишиб, ҳар бир модул юзасидан олган билим ва кўникмаларини тест синовлари ёрдамида синовдан ўтказиш имкониятига эга бўлди. Энг аҳамиятлиси, ушбу масофавий платформа ёрдамида Республика бўйлаб минглаб давлат хизматчиларининг қисқа вақт ичида, ортиқча сарф-харажатларсиз малакаси оширилиб, давлат хизмати соҳасида билим ва кўникмалари ривожлантилди. Тест синовлари натижасида модулни тўлиқ ўзлаштирмаган тингловчиларга платформа модулни яна қайтадан ўзлаштириш имконини тақдим этди. Бундан ташқари, курс якуни билан ҳар бир тингловчининг my.argos.uz платформасидаги шахсий маълумотлари базасида малака оширганлиги тўғрисидаги сертификати автомат юкланганлиги катта қулайликлардан бири бўлди.

Шунингдек, яқин йиллардан бошлаб Ўзбекистон ҳам бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда хорижий мутахассис ва экспертларни жалб қилган ҳолда давлат фуқаролик хизматчилари учун онлайн масофавий ўқув курслари ташкил этилмоқда. Ушбу курсларда асосан давлат хизматчиларининг юмшоқ кўникмалари (Soft skills) ривожлантирилмоқда.

Юқоридаги амалиётга татбиқ этилаётган электрон ўқув платформалар, масофавий ўқув дастурлар давлат фуқаролик хизматида инсон омилини камайтиришга, кадрлар сиёсати соҳасида бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, қисқа вақт ичида, кам маблағ сарфлаган ҳолда катта контингентни бир вақтнинг ўзида малакасини оширишга хизмат қилади. Ушбу масофавий платформалар иш берувчиларга ҳам ходимларини ўқитиш, хизмат сафари харажатлари учун ажратиладиган маблағларни тежаш имконини беради. Қолаверса, давлат хизматчиси ишдан ажралмаган ҳолда янги билим ва кўникмалар орттириши, мавжуд кўникмаларини янада ривожлантириши, турли ҳамкасблари билан тажриба алмашиши, хорижий мутахассислардан замонавий ва келажак

кўникмаларига эга бўлиши, иш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш имконига эга бўлади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида давлат хизматчиларининг малакасини оширишда рақамли технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш масаласи юзасидан мавжуд муаммолар ҳам таҳлил қилиниб, бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди. Жумладан:

- Ўзбекистонда ҳам илғор хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилиниб, давлат фуқаролик хизматчилари учун ягона масофавий қайта тайёрлаш ва малака ошириш электрон платформасини яратиш;
- масофавий платформада ўқувнинг турли шакллари ва дастурларидан фойдаланиш;
- масофавий ўқув платформанинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида интерактив имкониятлардан фойдаланиш;
- давлат хизматчиларининг масофавий тарзда мустақил малакасини ошириш учун давлат органларининг иш берувчилари томонидан шароитларни яхшилаш;
- давлат фуқаролик хизматчиларининг малакасини ошириш ва компетенцияларини ривожлантиришни рағбатлантириб бориш тизимини ишлаб чиқиш;
- вазирлик ва идоралар ҳузуридаги давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим муассасалари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиб, ўқув курслар якунида тақдим этиладиган сертификат ва дипломларнинг ягона базага интеграциясини йўлга қўйиш.

Хулоса ўрнида айтиб ўтадиган бўлсак, давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини рақамлаштириб, унга инновацион усуллар билан ёндашиш рақамли иқтисодиёт шароитида давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритиб келаётган давлат фуқаролик хизматчиларнинг касбий ва шахсий компетенцияларини қисқа муддатда, кенг қамровда ривожлантиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-300-сон қарори https://lex.uz/pdfs/6600390.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5843-сон Фармони.

4. https://gscm.ranepa.ru/additional-education/online-courses/
5. Civil service college annual report 2021-2022 https://www.csc.gov.sg/files/csc-annual-report_fy21-(final).pdf
6. https://u.ae/en/information-and-services/education/lifelong-learning-programmes
7. https://ilm.argos.uz/courses - Давлат фуқаролик хизматчилари малака ошириш электрон платформаси.

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA TADBIRKORLIKNI INNOVATSION ASOSDA RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

Raxmonova Aziza Tolibovna
Samarqand iqtisodiyot va servis instittuti tayanch doktoranti
90-250-34-30

Annotatsiya: Maqola bugungi kundagi Respublikamiz oldida turgan dolzarb masalalarni yechimini topishga qaratilgan “raqamli tadbirkorlikni” rivojlantirish bo‘yicha konseptual yondashuvlarni, hamda xorij tajribasini o‘rganish va uni Respublikamizga mos jihatlaridan foydalanishning yangi yo‘nalishlarini taklif etish, shuningdek O‘zbekiston Respublikasida “raqamli tadbirkorlikni” rivojlantirish uchun taklif va tavsiyalar berishga bag‘ishlangan.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, raqamli tadbirkorlik, innovatsiya, virtual muhit, raqamli texnologiyalar, tijoratlashtirish.

Аннотация: В статье представлены концептуальные подходы к развитию «цифрового предпринимательства», направленные на поиск решений актуальных проблем, стоящих сегодня перед нашей Республикой, а также предложены новые направления изучения зарубежного опыта и использования его аспектов, подходящих для нашей Республики, а также «Цифровой» в Республике Узбекистан посвящен выработке предложений и рекомендаций по развитию предпринимательства.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровое предпринимательство, инновации, виртуальная среда, цифровые технологии, коммерциализация.

Abstract: The article proposes conceptual approaches to the development of "digital entrepreneurship" aimed at finding solutions to the urgent issues facing our Republic today, as well as study of foreign experience and new directions of using it for our Republic, as well as "digital" in the Republic of Uzbekistan. is dedicated to making proposals and recommendations for the development of entrepreneurship.

Key words: digital economy, digital entrepreneurship, innovation, virtual environment, digital technologies, commercialization.

Raqamli iqtisodiyot -bu siyosiy - iqtisodiy, ilmiy - ijtimoiy, madaniy va ma’rifiy munosabatlardagi aloqalarni raqamli texnologiyalarni qo‘llash

yordamida amalga oshiruvchi yangi tizim bo‘lib,raqamli iqtisodiyot sharoitida “raqamli tadbirkorlik” alohida ahamiyatga egadir.

Raqamli iqtisodiyotni asosiy vazifalar:[67]

- raqamli biznes va tadbirkorlikni yaratish;

- korxonalarni barqaror rivojlantirishga yordam beruvchi investitsiyalar bilan ta’minlashga alohida e’tibor qaratish;

-innovatsion faoliyatni amalga oshiruvchi malakali kadrlar bilan ta’minlash.

Raqamli iqtisodiyot kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlanishida alohida ahamiyatga egadir.

Shu o‘rinda ta’kidlab o‘tishimiz zarurki, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni asosiy xususiyatlari quyidagilardan iboratdir; texnologik va boshqaruvni egiluvchanligini ta’minlay olish.

Hozirgi raqamli iqtisodiyot asrida biznesni yuritish qoidalari ham o‘zgarib borayotganligini kuzatish mumkin. An’anaviy iqtisodiyot sharoitida xaridorlar ishlab chiqaruvchi tomonidan qanday tovar yoki xizmatlar taklif etilsa shunga qanoat qilgan bo‘lsa, raqamli iqtisodiyot sharoitida esa iste’molchi bozorga o‘z xohishini, takliflarini bayon etadi. Raqamli transformatsiyalar biznesmenga zamonaviy bozorga bog‘lanish uchun o‘z biznesini yaxshilashga majbur etadi. Raqamli iqtisodiyotda xarajatlarni qisqarishi natijasida ko‘rsatilayotgan xizmatlarning qiymati arzonlashib boradi, daromad topishning yangi yo‘nalishlarini keltirib chiqaradi.

Bundan tashqari, raqamli tadbirkorlikni rivojlantirish natijasida, tovar va xizmatlar global bozorlarga tezda taklif etiladi, mazkur tovar va xizmatlar xususida esa dunyoning istalgan hududiga ma’lumotlar taqdim etiladi. Raqamli tadbirkorlik yangi biznes modellarni ishlab chiqilishini, yangi bozorlarga kirib borish imkoniyatlarini yaratadi.

Raqamli tadbirkorlar ishlab chiqarishga yangi texnologiyalarni kiritadilar va avtomatlashtirish jarayonini amalga oshiradilar. Raqamlashtirish va globallashuv bir birlari bilan uzviy bog‘liqdir.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida tadbirkor ishlab chiqarishni yangidan yangi kombinatsiyalarni yaratadi, o‘z faoliyatiga turli xildagi yangi texnologiyalarni tatbiq etadi. Hozirgi vaqtda dunyo miqyosida tadbirkorlikni yangi ko‘rinishlari, ya’ni raqamli tadbirkorlik, innovatsion tadbirkorlik,venchur tadbirkorligi kabilar rivojlanmoqda

Raqamli iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida ishlab chiqarish jarayoniga innovatsiyalarni, zamonaviy axborot texnologiyalarni joriy etish iqtisodiyotning yangi bilimga yo‘naltirilgan tarmoqlarini paydo bo‘lishiga olib kelmoqda. Iqtisodiyotning innovatsion sektorini, shuningdek “raqamli

[1]. Tolametova Z.A. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi. –Toshkent: “Fan va texnologiya”, 2017. 400 b.

tadbirkorlikni" shakllanishi va rivojlanishi ishlab hiqaruvchilarni raqobatbardoshligini oshirish imkoniyatini yaratadi.[68]

Raqamli iqtisodiyot sharoitida "raqamli tadbirkorlik" aloxida axamiyatga ega bo'lib, unda tadbirkorlik faoliyatida mukammal innovatsion qarorlarni qabul qilish muhimdir.

O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni shakllantirish jarayonida "raqamli tadbirkorlikni" rivojlantirish innovatsion jarayonlari bilan bevosita bog'liqdir. Innovatsiya –yangilik kiritish ularni turli soha, tarmoqlarda qo'llashdir.

Mamlakatni jadal innovatsion rivojlantirish uchun ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik jihatdan yangilash jarayonlariga ilmiy-amaliy tadqiqotlar natijalarini va nou-xau ishlanmalarni keng joriy etish, shuningdek ilmiy muassasalar va real iqtisodiyot tarmoqlari korxonalari o'rtasida hamkorlikni o'rnatish zarurdir.

Shu bilan birga, innovatsion g'oyalar, texnologiyalar va loyihalarni to'laqonli realizatsiya qilish, ularni xorijiy investitsiyalarni jalb qilishning dolzarbligini hisobga olgan holda ishlab chiqarish tarmoqlariga amaliy joriy qilishga salbiy ta'sir ko'rsatayotgan bir qator omillar mavjud. Xususan:

birinchidan, xorijiy innovatsion va ilmiy markazlarni, yetakchi investitsion fondlarni, texnologik agentliklarni, texnoparklar va boshqa manfaatdor subyektlarni mahalliy innovatsion ishlanmalarni amalga oshirishda ishtirok etishga faol jalb etish borasida yetarli darajada chora-tadbirlar amalga oshirilmayapti;

ikkinchidan, davlat organlari va xususiy sektor vakillari, erkin iqtisodiy va kichik sanoat zonalari ishtirokida ishlab chiqarish joriy etilgan va muvaffaqiyatli qo'llanilayotgan texnologiyalarni namoyish etish darajasi pastligicha qolmoqda;

uchinchidan, qulay investitsion muhitni shakllantirish, innovatsion g'oyalar va loyihalarni ishlab chiqish va joriy etish sohasiga investitsiyalarni keng jalb qilish, ilg'or va ilmiy hajmdor texnologiyalarni faol tarqatishning samarali tizimi mavjud emas;

to'rtinchidan, respublika viloyatlari kesimida ilmiy va innovatsion faollik past, bir ishtirokchining qayta-qayta jalb etilishi esa, har yilgi taqdim qilinadigan innovatsion ishlanmalar va mahalliy amaliy tadqiqotlarga bo'lgan buyurtmalar portfel tematikalarining takrorlanishiga olib kelmoqda;

beshinchidan, texnologiyalarni tijoratlashtirish va ularni tashqi bozorlarga olib chiqish, milliy innovatsion tizimni shakllantirish bo'yicha amaliy tavsiyalar ishlab chiqish jarayonlariga ko'maklashishning amaldagi mexanizmlarining samarasi past va kutilgan natijalarni bermayapti.

Xulosa va munozara. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyotini tarmoqlarini, jumladan tadbirkorlik faoliyatini innovatsion usulda

[68] Tolametova Z.A. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash jarayonida mehnat bozorini rivojlanish yo„nalishlari 2014. Toshkent . Iqtisodiyot" 305 b

rivojlantirish O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoev tomonidan qo‘yilgan eng dolzarb vazifalardan biridir. Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish mamlakatimiz fuqarolarining turmush farovonligini oshirish, kambag‘allikni kamaytirish, iqtisodiy taraqqiyotga erishishning muhim shartidir.

Bugungi kunda dunyodagi rivojlangan mamlakatlarda aholi daromadlarining o‘sishi birinchi navbatda tadbirkorlikda innovatsion jarayonlarning to‘g‘ri tashkil etilishi hamda “raqamli tadbirkorlikni” doimiy ravishda takomillashtirib borilayotgani bilan bog‘liqdir.

Raqamli iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida Respublikamiz oldida turgan muhim vazifalardan biri jahon bozorida raqobatbardosh bo‘lgan mahsulotlar ishlab chiqarish va xizmatlar ko‘rsatishni keng yo‘lga qo‘yishdir.

Bugungi kundagi asosiy vazifalardan biri tadbirkorlar o‘rtasida sog‘lom raqobatni ta’minlash orqali, narxlarni pasaytirish va jahon bozorida raqobatbardosh, eksportbop sifatli mahsulotlarni ishlab chiqarishni kengaytirishdir. Xalqaro tajribani o‘rgangan holda monopoliya sohalariga xususiysektor uchun yanada keng yo‘l ochish, “raqamli tadbirkorlikni” rivojlantirish va shu orqali raqobat muhitini shakllantirish lozim

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhati

1. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – Toshkent, 2016. 56-b.

2. Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. - T.: O‘zbekiston, 2017. 488-b.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-4947- son farmoni.

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori, 27.04.2018 yildagi PQ-682-son. Hujjat 04.07.2023 sanasi holatiga Innovatsion g’oyalar, texnalogiyalar va loyihalarni amaliy joriy qilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida.

5. Erenberg R. Dj., Smit R.S. Sovremennaya ekonomika truda. Teoriya i gosudarstvennaya politika. – M.: MGU, 2016.

6. Tolametova Z.A. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash jarayonida mehnat bozorini rivojlanish yo‘nalishlari 2014. Toshkent . “Iqtisodiyot” 305 b.

АҲОЛИНИНГ ДАМ ОЛИШИДА МИЛЛИЙ ПАРКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ ВАЗИФАЛАР

Урунова Н.У. - СамИСИ, мустақил тадқиқотчи E-mail: urunova0423@mail.ru Тел: +998915292577

Аннотация: мақолада аҳолининг барча ижтимоий-иқтисодий қатламлари дам олишини ташкил қилиш ва ривожлантиришда миллий паркларда экологик-рекреация шароитларини яратишдаги вазифалар келтирилган.

Аннотация: В статье приведены задачи по создание эклогическо-рекреационные условие для организации и развития отдых всем социально-экономическим слоям населении.

Калит сўзлар: ноёб, минтақа, миллий боғ, халқ боғи, миллий парк, стратегия, рекреация, ўрмон фонди, глобаллашув.

Ключевые слова: уникальный, зона, национальный сад, народный сад, национальный парк, стратегия, рекреация, лесной фонд, глобализация.

Аҳолининг соғлиғини сақлаш, турмуш фаровонлигини ошириш ва маданиятини юксалтириш давлат миқёсидаги долзарб масалалар ҳисобланади. Бундай долзарб муаммоларни ҳал қилишда миллий туризмдаги хизматлардан фойдаланиш энг самарали омиллардан биридир. Ўзбекистоннинг миллий туризмида аҳолининг дам олишини ташкил қилиш ва ривожлантиришни экологик ва рекреация туризмларини ривожлантириш орқали амалага ошириш барча давлатларда энг самарали амалий усул ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда аҳолининг дам олишини ташкил қилиш ва ривожлантиришда экологик-рекреацияни ташкил қилиш бутунжаҳон туризмида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан етакчи йўналишга айланиб бормоқда. Чунки, глобаллашув жараёнида инсоннинг руҳий ва жисмоний дам олишини таъминлаш туризмнинг асослари ҳисобланади. Биз экологик-рекреациянинг асл моҳиятини билганимиз ҳолда аҳолининг дам олишидаги асосий йўналишлар, манбалар, объектларини аниқлашимиз, республикамиз аҳолисининг руҳий ва жисмоний дам олиши ҳозиргача қандай амалга оширилган, аҳоли руҳий ва жисмоний дам олишда қандай объектларни танлаши каби муаммоларни ўрганишимиз керак.

Мамлакатимиз аҳолисининг экотуризм-рекреацияли ҳудудларида дам олишида уларнинг экологик маданияти ва экологик билимларини оширишга, табиатни муҳофаза қилиш қонунларини яхши билишига ва ҳурмат қилишига, табиатни ва унинг ресурсаларини муҳофаза қилиш дастурларига ихтиёрий ҳамкорлик қилиш ишларига тайёрлашимиз, экотуризм-рекреация туризмларида дам олишнинг тартиб қоидаларини, тамойилларини ўргатишимиз лозим бўлади.

Экотуризм-рекреацияли фаолиятни ташкил қилиш мажмуали хусусиятларга эга бўлиб, ҳар қандай экологик-рекреация тизимида дам

олувчилар гуруҳи, табиат мажмуалари, техник инфратузилмалар, хизмат кўрсатиш соҳалари, меҳнат ресурслари, ташкилий-иқтисодий ва ташкилий-тарқалиш тизимлари ўзаро алоқада, ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори бўйича тоғ ва тоғолди ҳудудларида ноёб ҳамда йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турларини, ўрмон ресурсларини муҳофаза қилиш, такрор кўпайтириш, қайта тиклаш ҳамда ўрмон фонди ерларида экотуризмни, экологик рекреацияни янада ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ўрмон фонди ерларида «Оролқум», «Поп», «Омонқўтон», «Юқори Тўпаланг» ва «Боботоғ» миллий боғларининг ташкил этилиши *аҳолига экотуризм-рекреация дам олиш хизматларини кўрсатишнинг* долзарблигини билдиради[1].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оҳалик Оқбўйра-Миронкул” кичик туризм зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори лойиҳасида[2]:-“Туризм зонасида замонавий туризм инфратузилмаси объектларини, *туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларни таъминлаган ҳолда махсус функционал ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини яратиш* бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг инвестицияларини жалб қилиш” белгиланган.

Келтирилган долзарб масалаларни ҳал қилиш учун, аҳолининг дам олишини ривожлантиришда унинг ижтимоий-иқтисодий қатламларига мос равишда экотуризм-рекреация хизматларини кўрсатишнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бу йўналишларни республикамизнинг миллий ва халқ боғларида ишлаб чиқишнинг жуда катта имкониятлари мавжуд. Чунки, ҳозирда мамлакатимизнинг аҳолиси ва қисман хорижлик туристлар миллий боғларимиз ва халқ боғларида дам олишаяпти. Халқаро мезонлар бўйича миллий боғларимиз ва халқ боғлари кейинги тадқиқотларда миллий парк деб аталмоқда. Бу албатда ҳозирги туризмда ишлатилаётган атамаларга тўғри келади.

Эътироф этишимиз лозимки, миллий паркларимизда юқорида келтирганимиздек, дам олиш нархининг баландлигидан, аҳолини иқтисодий жиҳатлардан таъминланган қисмигина дам олишмоқда. Албатда бу ҳолат аҳоли ўртасида кўплаб ноаниқликларни ва норозиликларни келтириб чиқаради ва бу ҳолатлар ҳукумат олдидаги муаммоларга айланади.

Аҳолининг дам олишини ташкил қилиш ва ривожлантиришдаги муҳим масаланинг моҳияти шундан иборатки, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида экотуризм-рекреация ҳудудларида хизматлар кўрсатиш нархларининг қимматлигидир. Табиийки, аҳолининг турли ижтимоий-иқтисодий қатламлари экотуризм-рекреация ҳудудларида юқори нархларда

дам олишнинг моддий имкониятларини топаолмайдилар. Шу сабабли, экотуризм-рекреация ҳудудларида аҳолининг қониқарли қийматларда дам олишининг ижтимоий-иқтисодий, меъёрий даражалари давлат маблағлари ҳисобидан қопланиши зарур.Иккинчидан, аҳолининг дам олишида “Халқаро экотуризм ташкилоти” ишлаб чиқган экотуризмнинг тамойилларига амал қилиш ҳам кутилган натижаларни беради. Бу тамойиллар жаҳондаги барча давлатларининг раҳбарларига тарқатилган бўлиб, ҳар бир давлатлар экотуризмни ташкил қилганда ушбу тамойилларга амал қилиш талаб қилинади.

Маълумки, Президентимиз раҳбарлигида қабул қилинаётган ва амалга оширилаётган ислоҳатлар натижасида халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий яшаш тарзлари тобора ошиб бормоқда. Шу сабабли, аҳолининг турли ижтимоий-иқтисодий қатламлари учун миллий паркларда ҳозирдан дам олиши шароитларини яратиш талаб қилинмоқда.

Аҳолининг дам олишида Ўзбекистоннинг миллий паркларида экологик ва рекреация туризмларини ташкил қилиш ва ривожлантириш нинг самарадорлиги қисман тадқиқ қилинган[3.4.]. Яъни, инсоннинг рекреация фаолияти, дам олиш эҳтиёжлари ишлаб чиқариш кучлари билан боғлиқ ва ташқи муҳитнинг объектив омиллари таъсиридаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларда шаклланади. Экологик-рекреацияда дам олишнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини белгилаганимизда аҳолининг руҳий ва жисмоний дам олиш объектларининг тавсиф ва таърифини кенгайтиришимиз, рекреацияли фаолиятни ташкил қилиш мажмуали хусусиятларга эга бўлишини ҳисобга олишимиз лозим.

Иккинчидан, экологик-рекреацияли фаолият-дам олиш замонамиз нинг муҳим ижтимоий-иқтисодий омилларига айланиб бориши ташвиқот қилиниш лозим. Миллий паркларда дастлаб аҳолининг ижтимоий-иқтисодий қатламларини ҳисобга олган ҳолда экологик-рекреация инфратузилмаларини яратиш маҳаллий аҳолининг барча қатламлари учун дам олиш омилларининг юзага келганлигини билдиради. Шу нуқтаи-назардан бизнингча, миллий паркларимизда аҳолининг барча ижтимоий-иқтисодий қатламлари учун қулай шароитлар яратишда мавзуда келтирилган вазифаларни бажаришимиз лозим.

Хулоса ва тавсиялар:

1.Ўзбекистоннинг миллий паркларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий қатламлари дам олишининг ҳуқуқий-меъёрий мезонларини ишлаб чиқиш, миллий паркларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий қатламлари учун экотуризм ва рекреация хизматларини кўрсатишнинг аҳамиятини таърифлаш, мақсади ва вазифаларини белгилаш;

2.Миллий паркларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий қатламлари дам олиши учун табақалашган экотуризм-рекреация хизматларини кўрсатишни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг давлат миқёсидаги аҳамиятини асослаш;

3.Миллий паркларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий қатламлари дам олишини ташкил қилиш ва ривожлантиришда фойдаланиладиган экотуризм-рекреация ресурсларининг таснифи ва тавсифларини тайёрлаш;

4.Миллий паркларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий қатламлари дам олишини ташкил қилиш ва ривожлантириш учун табақалашган экотуризм-рекреация хизматларини кўрсатишнингстратегик йўналишлари ни ишлаб чиқиш;

5.Миллий паркларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий қатламлари учун дам олишини ташкил қилиш ва ривожлантиришда хориж давлатларининг миллий паркларда экотуризм-рекреациясининг замонавий хизматлар кўрсатиши тажрибаларидан фойдаланишдаги йўналишлар бўйича тавсиялар яратиш;

6. Миллий паркларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий қатламлари учун дам олишини ташкил қили ва ривожлантиришда экотуризм-рекреация хизматларини кўрсатишнинг табақашган рекламалари, маршрутлари ва экскурсияларини яратишнинг йўналишлари бўйича тавсиялар тайёрлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрмон фонди ерларида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Тошкент ш.,2022 йил 4 март,93-сон

2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оҳалик-Оқбўйро-Миронқул» кичик туризм зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори лойиҳаси.

3.Урунова Н., Туризм, рекреация, бўш вақт ва дам олишнинг назарий асослари. СЕРВИС, Ж, № Самарқанд, 2022.- 43 б.;

4.Урунова Н., Аҳолининг дам олишида экотуризм-рекреация ресурсларидан фойдаланиш. “Образование, нуки и культура в эпоху цифровизации. III Международная научно-практическая интернет конференция. Нур-Султан, 25.06.2022.- 223 б.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ОПТИМАЛЬНОГО ПЛАНА ТРАНСПОРТНЫХ ЗАДАЧ, ИМЕЮЩИХ НЕКОТОРЫЕ УСЛОЖНЕНИЯ В ИХ ПОСТАНОВКЕ

асс. Фахриддинова Сарвиноз Фазлиддиновна
Самаркандский институт экономики и сервиса
sarvinozfakhriddinova@gmail.com

Аннотация: При нахождении решения ряда конкретных транспортных задач часто бывает необходимо учитывать дополнительные ограничения, которые не встречались выше при рассмотрении простых вариантов данных задач. Здесь рассмотрим определение оптимального плана транспортных задач, имеющих некоторые усложнения в их постановке.

Ключевые слова: *модель, оптимизация, рациональное использование, промышленные смеси, производственная мощность, объем производства, ресурсы предприятия, материальные ресурсы.*

Остановимся подробнее на некоторых возможных усложнений в постановке транспортных задач.

1. При некоторых реальных условиях перевозки груза из определённого пункта отправления A_i в пункт назначения B_j не могут быть осуществлены (запрещены перевозки или блокирование соответствующих клеток таблицы данных задачи). Для определения оптимальных планов таких задач предлагают, что тариф перевозки единицы груза из пункта A_i в пункт B_j является сколь угодно большой величиной M, и при этом условии известными методами находят решение новой транспортной задачи. При таком предположении исключается возможность при оптимальном плане транспортной задачи перевозить груз из A в B.

2. В отдельных транспортных задачах дополнительным условием является обеспечение перевозки по соответствующим маршрутам определенного количества груза. Пусть, например, из пункта отправления A_i в пункт назначения B_j требуется обязательно перевести d_{ij} единиц груза. Тогда в клетку таблицы данных транспортной задачи, находящуюся на пересечении строки A_i и столбца B_j, записывают указанное число d_{ij} и в дальнейшем эту клетку считают свободной со сколь угодно большим тарифом перевозок M. Для получения, таким образом новой транспортной задачи находят оптимальный план (запасы и потребности делаются меньше на d_{ij}).

3. В некоторых транспортных задачах требуется найти оптимальный план перевозок при условии, что из пункта отправления A_i

в пункт назначения B_j перевозится не больше чем α_{ij} единиц груза, т.е. $x_{ij} \le \alpha_{ij}$.

Сформулированную задачу можно решить так. В таблице исходных данных задачи для каждого j-го ограничения предусматривают дополнительный столбец, т.е. вводят дополнительный пункт назначения. В данном столбце записывают те же тарифы, что и в столбце B_j, за исключением тарифа, находящегося в i-й строке. Здесь тариф равен M. При этом потребности B_j считают равными α_{ij}, а потребности вновь введенного пункта назначения полагают равными $b_j - \alpha_{ij}$. Решается полученная транспортная задача методом потенциалов, и будет найден оптимальный план или установлена неразрешимость исходной задачи.

Метод минимальной стоимости

Суть метода состоит в том, что из всей таблицы стоимостей выбирают наименьшую и в клетку, которая ей соответствует, помещают меньшее из чисел a_i или b_j. Затем из рассмотрения исключают либо строку, соответствующую поставщику, запасы которого полностью израсходованы, либо столбец, соответствующий потребителю, потребности которого полностью удовлетворены, либо и строку и столбец, если израсходованы запасы поставщика и удовлетворены потребности потребителя. Из оставшейся части таблицы стоимостей снова выбирают наименьшую стоимость, и процесс распределения запасов продолжают пока все запасы не будут распределены, а потребности удовлетворены.

Составим с помощью этого метода опорный план уже рассмотренной задачи. Выбираем в таблице наименьшую стоимость (эта стоимость, помещенная в клетке A_2B_3). Помещаем туда 120 единиц. Исключаем из рассмотрения 3-й столбец и распределим дальше, пока все запасы не будут распределены, а потребности удовлетворены.

	B_1	B_2	B_3	B_4	B_5	Запасы
A_1	60^2	70^3	^{4}	10^2	^{4}	140
A_2	^{8}	^{4}	120^1	^{14}	60^1	180
A_3	^{9}	^{7}	^{3}	20^7	40^2	160
Потребности	60	70	120	130	100	480

В результате получаем план: $X=(x_{11}=60,\ x_{12}=70,\ x_{14}=10,\ x_{23}=120,\ x_{25}=60,\ x_{34}=120,\ x_{35}=40)$, остальные переменные равны нулю. План не содержит циклов и состоит из семи положительных перевозок, следовательно, является невырожденным опорным планом. Определим его стоимость:

$$Z = 60 \cdot 2 + 70 \cdot 3 + 10 \cdot 2 + 120 \cdot 1 + 60 \cdot 1 + 120 \cdot 7 + 40 \cdot 2 = 1450 \text{ (единиц)}.$$

Общая стоимость уменьшилась. Этот метод дает более близкий к оптимальному план, чем метод северо-западного угла. Еще существуют

такие методы построения первоначального опорного плана, как метод двойного предпочтения.

Литература:

1. Данко П.Е., и др. Экономико-математические методы и модели в упражнениях и задачах. – М: Высшая школа. 1998 ч. 1.2
2. Шапкин А.С. Задачи с решениями по высшей математике, теории вероятностей, математической статистике, математическому программировании. –М.: 2008. -432с.
3. Крамер Н.Ш., Путко Б.А. Тришин И.М. Математика для экономистов: от арифметики до эконометрики. Учебное справочное пособие. –М. : Высшее образование. 2009. -646с.
4. Красс М.С. , Чупринов Б.П. Основи математики и её приложения в экономическом образовании: Учебник. –М. : Дело. 2006. -720с.
5. Эрмаков В.И. «Обший курс висшей математики ддя экономистов».-

Экономико-математические методы и модели для экономистов. Учебник.-МИ.: ЮНИТИ-ДАНА. 2008.-479с.

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ

Хушвақов А.Б.-ҚарМИИ
таянч докторанти

Аннотация:Ушбу мақолада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришнинг йўллари ва аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар берилган бўлиб, минтақа аҳолисининг камбағаллик даражасини қисқартиришга оид тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: камбағаллик, камбағал қатлам, кам таъминланган оила, аҳоли, сифат , турмуш даражаси, хусусий тадбиркорлик

Бугунги кунда дунёда камбағалликнинг келиб чиқиш сабаблари, камбағалликни қисқартириш бўйича илмий тадқиқотлар кенг кўламда давом этмоқда. Жумладан, истеъмол савати, яшаш минимуми, минимал истеъмол ҳаражатлари миқдорининг оптимал нуқтаси ҳамда, камбағаллик ва қашшоқлик чегараларини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва бунда хусусий тадбиркорлик йўналишларини бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Аммо, камбағаллик мезонларини аниқлаш ва олдини олиш бўйича такомиллашган тизимнинг йўқлиги, мавжудларининг ҳам ҳар бир давлатнинг ўз ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда такомиллашувга муҳтожлиги, камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик орқали эришиш мумкин.

БМТ томонидан 2015 йилнинг 25 сентябрида барқарор ривожланишни таъминлаш, камбағаллик муамосини бартараф этиш, инсонларнинг эркин яшаш ва табиат ресурсларидан фойдаланишда тенгсизликка барҳам бериш, очлик ва бошпанасизликни олдини олиш, атроф-муҳитни тоза сақлаш ва келажак авлодларга бус-бутун ҳолда неъматлардан баҳраманд бўлишликни таъминлаш мақсадида “Дунёмизни ўзгартириш: 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Кун тартиби” дастури 193 давлат томонидан маъқулланиб қабул қилинган. Ушбу муҳим ҳужжат барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қиладиган 17 та бош мақсад, 169 та мақсадли вазифа ва 230 та кўрсаткични қамраб олган бўлиб, келажакда сайёрамизда истиқомат қилаётган аҳолининг ўткир муаммолар сирасига кирадиган қашшоқлик ва очликка барҳам бериш, тўйиб овқат емасликни олдини олиш, иқлим ўзгаришларига дош бериш орқали инклюзив ўсишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби муаммоларни ўз ичига қамраб олади[69].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида камбағалликни қисқартириш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаган бўлса, 2020 йил 29 декабрдаги Мурожаатномасида камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари ва йўналишлари борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Мурожаатномада таъкидлаганидек: “Ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмаяпти, дега-ни. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўлаяпти, деган савол ҳар куни қийнайди. Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир”[70].

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, камбағалликни қисқартиришда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш сифатини яхшилашга эришиш мумкин. Ушбу амални қуйидагича ташкил этиш мақсадга мувофиқдир:

[69]Доклад ООН о Целях в области устойчивого развития, 2019 год
[70]Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 29 январь

- хусусий тадбиркорлик жисмоний ёки юридик шахслар (корхона) томонидан амалда ўзининг шахсий (хусусий) мулки асосида ташкил этиш;
- жамоа тадбиркорлиги - фукаролар гурухининг жамланма мулки асосида ташкил этиш;
- аралаш тадбиркорлик - битта (ёки бир неча) юридик шахс (корхона) ва бир неча жисмоний шахслар мулкини бирлаштириш асосида ташкил этиш;
- кўшма тадбиркорлик - икки ёки ундан ортик юридик шахслар (шу жумладан чет эл корхоналари) мулкини бирлаштириш йўли билан ташкил килинади;
- шартномавий тадбиркорлик - мулк эгаси бўлмаган корхона рахбари (ёки бошка масъул лавозимдаги ходим - менежер) томонидан шартнома асосида амалга оширилади. Бунда мулк эгаси ёки унинг ишончли вакили (идораси) томонидан ишлаб чикаришни уюштириш ва бошкариш бўйича белгиланган хукук мажбуриятлар ва жавобгарлик ишга олинган томонга, яъни корхона рахбари ёки бошка масъул лавозимдаги ходимга юкланади;

Камбағалликни қисқартириш мақсадида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилган бўлиб, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятининг асосий йўналишлари куйидагилар этиб белгиланган:

- хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш;
- хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- хусусий тадбиркорликни номолиявий қўллаб-қувватлаш (онлайн-маслаҳат хизматлари, ўқув марказлари, бизнес-инкубаторлар) тизимини шакллантириш;
- хусусий тадбиркорликни кенгайтиришни рағбатлантиришга, замонавий технологияларни ўзлаштиришга, экспортни кўпайтиришга, доимий иш ўринларини яратишга йўналтирилган воситаларни жорий этиш;
- хусусий тадбиркорликни субъектларининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси, бошқа моддий-хом ашё ва молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш.

Бизнинг фикримизча, камбағалликни қисқартиришда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида мавжуд ушбу муаммоларни самарали ҳал этиш учун республика ҳукуматининг бу соҳани қўллаб - қувватлашга қаратилган стратегик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Бундай концепциянинг асосида номутаносибликларни

бартараф этишга, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан самаралироқ фойдаланишга имкон берувчи тузилмавий ўзгаришлар ётмоғи лозим.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, камбағалликни қисқартиришда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш концепциясида асосий эътибор биринчи навбатда иқтисодий салоҳиятга эга фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб - қувватлаш, тармоқ ва ҳудуд учун зарур, аммо паст рентАбелли соҳаларнинг ривожи учун қулай имкониятлар яратиш, республиканинг ижтимоий - иқтисодий сиёсати йўналишлари ва мақсадларига мос фаолият юритаётган хўжалик тузилмаларини рағбатлантириш, ҳудудий аҳамиятга эга маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарга солиқ имтиёзлари белгилаш, лизинг хизмати ва инвестицион хатарларни суғурталаш тизимини кенгайтириш ва молиявий имкониятлари чегараланган кичик тадбиркорлик корхоналарининг банк кредитларидан фойдаланишига йўл очувчи шароитларни таъминлаш вазифаларига қаратилмоғи керак.

Камбағалликни қисқартиришда Ўзбекистон Республикасида қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини жорий қилиш, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг фойдаланишни йўлга қўйиш.

ҳар бир маҳалла кесимида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан фуқароларининг яшаш шароитлари ва ижтимоий аҳволи ўрганилиб, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш.

аниқланган ижтимоий аҳволи ночор аҳоли қатламларининг рўйхатини шакллантириш ва уларнинг ҳар бирида қандай имкониятлар мавжудлигини ўрганилиши ва шунга асосланган ҳолда камбағалликни тугатишнинг аниқ манзилли йўналишларини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

мамлакатимизда меҳнат бозори ва унинг таркибини сифат жиҳатдан ривожлантириш, ишчи кучи миграцияси жараёнларини таҳлил қилиш, такомиллаштириш ҳамда меҳнат ресурсларини тақсимлаш борасида ўзаро мувофиқликдаги ишларни олиб бориш баробарида аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш принципини жорий қилиш эвазига бандлик муаммосини ҳал қилишга киришиш.

мамлакатимиз миқёсида ва унинг барча ҳудудларида, уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдорлардаги даромадлар

даражасини ишлаб чиқиш ва жорий қилинишини тезлаштириш ҳам мақсадга мувофиқ.

маҳаллалар томонидан рўйхатга олинган аҳолининг камбағал ва ишсиз қатламлари, айниқса аёллар ва ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касбий таълим бўйича маҳаллий эҳтиёждан келиб чиқиб, бюджет ҳисобидан ўқув курсларини очиш ва уларни касбга тайёрлаш ишларини жадаллаштириш ҳам мақсадга мувофиқ.

тегишли маълумотлар асосида ҳар бир ҳудуд бўйича камбағаллик даражасини аниқлаш, уларни баҳолаш бўйича тегишли индикаторлар ишлаб чиқиш, ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудудда қанчадан камбағал оилаларнинг мавжудлиги маҳаллалар кесимида аниқ белгилаш ва уларни камайтириш бўйича маҳаллий ҳокимият томонидан аниқ чораларни қўллаш.

ҳар бир ҳудудлар кесимида камбағалликни қисқартириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни молиялаштириш, унинг қанча қисми Давлат бюджетидан, қанчаси маҳаллий бюджетдан, қанчаси тадбиркорлар ҳисобидан ажратилиши бўйича аниқ манбаларни ҳам белгилаш ва уларнинг назоратини олиб бориш.

ҳар бир ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари доирасидаги камбағалликни қисқартиришга қаратилган лойиҳаларни ўз муддатида ва сифатли бажаришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, ҳудуднинг эҳтиёжига мос бўлган янги иш ўринларини яратиш.

ҳудудлараро ривожланишнинг табақалашувини қисқартириш чораларини кўриш, қаерда иш ўринлари яратилиши лозим бўлса, ўша жойда янги иш ўринларини яратиш, ҳудудларда саноат зоналарини ташкил этиш, уларни жойлаштириш юзасидан услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, уларни ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш.

Камбағалликни қисқартиришнинг бир йўли сифатида оилавий ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу борадаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф қилиш, мазкур соҳани молиялаштиришнинг содда тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг қўллаш лозим:

қишлоқ жойларда камбағалликни қисқартириш учун ишлатилмай келаётган ер участкаларини ҳозиргидек, ёшларга тақсимлаш тизимини янада давом эттириш ва такомиллаштириш мақсадида йирик тадбиркорларга сув иншоотларини қуриш ва уларни белгиланган тартибда фойдаланувчиларга сотиш тизимини жорий этиш механизмини яратиш;

мамлакатимизда давлат миқёсидаги ва ҳудудлар бўйича қабул қилинадиган ижтимоий-иқтисодий дастурларда белгиланган вазифаларни белгилашда камбағаллик даражасига таъсирини инобатга олиш ва имкон қадар ушбу муаммонинг ечимига қаратишга аҳамият бериш.

мамлакатимизда ишлаб чиқариш объектларини янгидан барпо қилишда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишда асосий эътиборни камбағалликни қисқартириш масаласига йўналтириш мақсадга мувофиқ.

ёшларнинг қайси мутахассис ёки қайси даражадаги ўқиши (ўрта, ўрта махсус, олий) бўлмасин, барчасида ўзини ўзи иш билан таъминлаш кўникмасига ўргатиш, уларга назарий ва амалий дарслар орқали шу соҳага оид билимларни беришни ўқув режасига киритиш лозим.

аҳолида мавжуд томорқадан самарали фойдаланишга катта эътибор бериш ва бу тадбирни янада такомиллаштириш лозим.

ўзимиздаги мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишдек катта имкониятимиздан самарали фойдаланиш учун, меваларни саралаш, стандартлаштириш, сақлаш масалаларига алоҳида аҳамият бериб, ностандарт бозор “тортмайдиган” маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳам аҳолининг моддий салоҳиятини янада ошириш имконини беради.

камбағалликни қисқартишнинг муҳим йўналишларидан бири ички туризмни ривожлантириш масаласи бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистоннинг нафақат қадимий шаҳарларидаги сайёҳлик имкониятлари, балки соҳани ривожлантириш учун бошқа имкониятлар ҳам чексиз.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ички имкониятлар хисобига озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини бартараф этиш йўллари.

Ахмедов Жамол Ахмедович Озиқ-Овқат ва қишлоқ хўжалиги сохасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази таянч докторанти

Глоббалашув жараёнида ахолини экологик хавфсиз сифатли ва арзон озик-овкат маҳсулотлари билан таъминлаш хозирги даврнинг актуал муаммоларидан биридир. Жахон микёсида ахолини озик-овкат билан таъминлаш учун миллиардлар маблаглар талаб клинади. Қадимдан то хозиргача булган давргача ахолини репродуктив соғлигини, узоқ умр куришини таъминлашда бу омил мухим роль уйнайди. Мамлакатимизда ахолини хавфсиз озик-овкат билан таъминлаш хар доим асосий масала булиб келган.

Тараққиёт стратегиясининг асосий йуналишларидан бири хам айнан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлиги бежизга эмас.

Хозирги глоббаллашув жараёнида дунё ахолисини кескин купайиб бораётганлиги, ахоли сонинг малтус назарияси буйича ошиб борётганлиги хамда ахолининг озиқ-овқат махсулотларига булган кундалик эхтиёжи яъни талабнинг ошиб бориши билан изоҳландиган бу жараён муракаб

ижтимоий-иктисодий масалалардан ҳисобланиб озиқ-овқат билан таъминлашда куйидаги омилларга асосий эътиборни каратиш керак :

Биринчидан дунё халқларини хавфсиз озиқ-овқат билан таъминлаш учун бутун дунё халқлари биргаликда харакат қилишлар яъни улар уртасида ягона иктисодий хамкорликни йўлга қўйиш учун халқаро озиқ-овқат ташкилотини тузиш хамда давлатлараро қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган озик-овкат маҳсулотлари ва ахолининг истемол қилайотган озиқ-овқат маҳсулотлари хажми туғрисидаги ишончли ахборот алмашинувини таъминлаш керак;

Иккинчидан мамлакатлар планетар масштабда озиқ-овқат масаласини хал қилмасдан яъни дунё ахолисини озиқ-овқатга булган эхтиёжини таъминламасдан туриб тараққий қилган давлатлар сафига қушилиши мушкулдир.

Мамалакатимизда хам бу сохада илғор хорижий тажрибалар асосида иш олиб борилмоқда жумладан қишлоқ хўжалигида туб бурулишлар амалга оширилмоқда Ўзбекистон Республикаси аграр минтақа хисобланганлиги сабабли ахолини озиқ-овқат маҳсулотлари бўлган талабини хамда харбий озиқ-овқат таъминоти базасини таъминлаш имкониятига эга бўлиб озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш даражаси бўйича

-Таъминланган озиқ-овқат хавфсизлиги даражасидаги мамлакат хисобланади яъни қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш давлатнинг ички эхтиёжларини асосан қондиради ва истеъмол ахолининг зарурий минимал даражасидан юқори бўлиб мамлакат ишлаб чиқарувчилари томонидан таъминланади.[1]

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асосий тармоқ бўлган қишлоқ хўжалигининг ривожлантирилиши кўп жихатдан сув ресурислари қай даражада мавжудлиги ва самарали фойдаланишга боғлиқ .

Бугунги кунда Республикамизда сув ресурисларидан самарали фойдаланиш уларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва модирнизатсия қилиш жадал равишда олиб борилмоқда 2018 йилгача Республика бўйича сув тежовчи техналогиялар асосида суғориладиган экин майдонлари 28 минг гектарни ташкил этган булса бу курсаткич 2023 йилга келиб 1 милион гектарни ташкил этиб жами суғориладиган ер майдонининг 27 фоизини ташкил этади тахлилларга кура 2025 йилга бориб республикамиз бўйича 2 милион гектарни жами суғориладиган ер майдонининг54 фоизинида сув тежовчи техналогиялар жорий этилади шу билан бирга республикамизда сувни тежовчи техналогияларни ва бутловчи қисимларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарувчи корхоналар сон 2023 йил холатига кура 50 тагача етди. Сувни тежовчи техналогиялар асосида махсулот етиштирилаётган экин майдонларида сув 50 фоизга, менирал уғитлар 30 фоизга, ёқилғи-мойлаш материаллари 35 фоизга, иш ҳаққи 25 фоизгача камайшига эришиш мумкин. [2]

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига булган талабини қондириш ва харбий озиқ-овқат базасини таъминлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни хомашё билан таъминлаш жараёнида қишлоқ хўжалигидаги ғалла ва эрта баҳорги экинлардан бушаган майдонларида такрорий экинлар жойлаштириш ва улардан маҳсулот етиштириш ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хажмини ошириш ҳамда маҳсулот етиштириш самарадорлигини ошириш муҳим ахамият касб этади.

1.Абулқосимов Хасан Пирназарович.,Саидахмедова Нодира Илхамовна. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари.иқтисод ва молия 2021 й 1 (137)

2. Янги Ўзбекистон газитаси 2023й 14 июнь 116-сон 4 бет

Қишлоқ хўжалигида такрорий экинларни экиш ва маҳсулот етиштиришдан кузланган асосий мақсад қуйдагилар.

1) Ўзбекистон Республикаси аграр минтақа ҳисобланганлиги ва табъий иқлим шароитидан ҳамда қишлоқ хўжалигидаги мавжуд экин майдонларининг ички имкониятдан келиб чиқган холда Аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларига булган талабини қондириш,

2) Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Республикасининг 48% аҳолиси қишлоқ жойларда яшайди мехнатга яроқли аҳолининг аксар қисми (3718000 киши) қишлоқ хўжалигида фаолият юритиб келмоқда қишлоқ жойларида яшовчи аҳолининг даромадларини ошириш ва уларни мавсумий мехнат билан таъминлаш

3) Қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан ва сув ресурсларидан унумлий фойдаланиш, тупроқнинг унумдорлигини ошириш ва ер дегридатциясига қарши курашиш.

4) Давлат зиммасидаги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва харбий озиқ-овқат таъминоти юкини камайтириш, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш хажмини ошириш ва уларнинг экспорт хажмини ошириш.

Дехқон хўжалиги маҳсулотларини етиштириш инвеститсия, вақт, билим ва мехнат куникмаси ҳамда техник ресурисларини талаб этувчи мўраккаб жараён хисобланади. Дехқон хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёни экин майдонига экинларни жойлаштириш, уруғ униб чиқгандан то пишиб етиулгунига қадар булган вигитатция даври ва хосилни еғиб олиш, сақлаш, қадоқлаш ва истемолчиларга етказиб бериш каби уч босқичга булинади.

Қишлоқ хўжалиги экин майдонларида такрорий экинларни жойлаштириш жараёни дехқончилик маҳсулотларини етиштирувчи субъектлардан қуйидаги жихатларга алохида этибор қаратишни талаб этади.

– Ҳудуднинг таъбий иқлим шароитидан келиб чиқган холда қишлоқ хўжалиги экин майдонларида такрорий экин сифатида жойлаштирилиши

кузланаётган экинларнинг ҳосилдор ва эртапишар навларини танлаш зарур. Ушбу босқичда уруғ навининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида экиш учун тавсия этилган экинларнинг давлат реестирига киритилган, синов натижаларида юқори кўрсатгичга эришилган, уруғнинг шу худуднинг тупроғига, таъбий иқлим шароитига тез мослашувчан ва касалликларга чидамлилик даражасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шу уринда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида такрорий экин сифатида экиш мумкин булган карошканинг “санте” ҳамда “симфония” навларини таҳлилига этибор қаратсак 2001 йилда давлат реестирига санте 9703873 рақами билан Андижон (2), Бухоро (3), Жиззах (4), Наманган (6),Самарқанд (8), Сирдарё (10) ва Тошкент (11) вилоятлари бўйича киритилган. Ўшбу навнинг хусусиятлари 2000 йилда хосилдорлиги гектаридан 39 тонна таъми 5,0 балл, ўрта эртапишар нав, ўсув даври 80-90 кун, касалликларга чидамли. Картошканинг симфония нави 2001 йилда Давлат Реестирига 9938119 рақами билан Андижон (2), Жиззах (4), Наманган (6),Самарқанд (8), Сирдарё (10) ва Тошкент (11) вилоятлари бўйича киритилган. Ўшбу навнинг хусусиятлари 2000 йилда хосилдорлиги гектаридан Тошкент вилоятида 18 тоннани, Андижон вилоятида 24 тоннани ташкил этган, таъми 5,0 балл, ўрта кечки нав, ўсув даври 130-135 кун, касалликларга чидамли, қурғоқчилик ва иссиққа бардошли туганакнинг уртача вазни 200-230 г, кўриниши бир текис ва чиройли юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб Республикамизнинг жанубий ҳудудларидаги ҳамда хаво ҳарорати куз мавсумининг охирларига бориб пасайиш эхтимоли булган ҳудудларидаги сув таъминот қийинроқ булган экин майдонларида картошканинг симфония навини такрорий экин сифатида жойлаштириш мақсадга мувофиқ бироқ июнъ, июлъ ойларидаги хаво хароратини ошиб кетишини ҳисобга олиб тупроқнинг намлик даражасини миёрда сақлаш чорасини олдиндан куриб қўйиш ёкий айни уша вақтнинг охирларига туғрилаб экин майдонларига уруғни жойлаштириш тавсия этилади.

Хулоса ва таклифлар.

1. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотига булган талабини қондириш комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олганлиги қишлоқ хўжалиги ерларининг хусусияти ва ҳудуднинг таъбий иқлим шароитидан келиб чиқиб экин турларини минтақа ва ҳудудлар бўйича жойлаштиришнинг илмий асосланган дастурини ишлаб чиқиш зарур; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жойлаштириш жараёнида вақтдан оқилона фойдаланишни хамда қишлоқ хўжалиги ерларидан унумлий фойдаланишни кўзлаган холда замонавий ахборот техналогиялари дастурий маниторинг тизимини жорий этиш хамда қишлоқ хўжалиги ерларида қандай экин турлари ва қанча хажимдаги экин майдонга жойлаштирилгани тўғрисидаги ахборотни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи субъектларнинг ўзлари

жойлаштириши ва улар ўртасида ўзаро ахборот алмашинувини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи субъектларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида берилаётган имтиёзлар турини янада ошириш лозим ва шу билан биргаликда фермер хўжаликларининг ғалла ҳамда эрта бахорги экин майдонларидан бўшаган ва ўзлари фойдаланмаётган ерларни такрорий экин сифатида ижарага олувчи субъектларнинг фаолиятини қонун билан ҳимояланган шартномавий тизимини хамда уларнинг ер ва сув учун тўлов миқдорини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Ўтган йиллар давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жойлаштириш жараёни маркзий режалаштириш асосида олиб борилганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги ерларида жойлаштирилган айрим турдаги экинларни бўзиш ҳолатлари мавжуд эди. Ушбу холатдан зарар курган субъектнинг кўрган зарарини қоплаш кафолатланмаган эди. Қишлоқ хўжалик ерларидан қисқа муддат давомида ижара асосида фойдаланаётган субъектнинг фаолиятини қонун билан ҳимояланиши уларга бир қатор имкониятлар яратиш билан бир қаторда уларнинг ишончини ошишига олиб келади.

3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришдан кўзланган асосий мақсад кишилик жамиятини озиқ-овқат маҳсулотига бўлган эхтиёжини қондиришнинг ўзи булиб қолмасдан балкий озиқ-овқат маҳсулотларини инсонларнинг соғлиги ва ҳаётига жиддий тасир кўрсатишини хам инобатга олиш зарур. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёнида минерал ўғитлардан фойдаланишда миёр даражасига жиддий этибор қаратиш лозим чункий инсон истемол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари инсон организмида турли хил касалликлар келиб чиқишида ёки касалликларни енгишда асосий омил бўлиб ҳисобланади шунинг учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда тупроқнинг умдорлигидан келиб чиқган холда кимёвий минерал уғитлардан фойдаланишни ва кимёвий минерал уғитларни қуллаш жараёнини назорат қилишни илмий ташкил этиш зарур.

4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уларни хажмини ошириш, сифатини яхшилаш ҳамда аҳолини мехнат билан бандлиги ва даромадларини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари яқинида хусусий биолабаратория ва агрокансалтинг марказларини ташкил этиш, уларнинг техник ва дастурий таъминотлари, биолабаратория бино иншоатлари қурилиши учун имтёзли кредитлар таъсис этиш зарўр. Шунингдек уларнинг касбий фаолиятини химоя қилувчи ва тартибга солувчи қарорлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Респбликаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Респбликасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Пф-4947-сонли фармонинг 1-иловаси.

2. Абулқосимов Ҳ.П.,Расулов Т.С. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йуналишлари. Монография. – Т.: “фан ва техналогия”, 2017 йил.

3. Саидова Д.Н.,Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва Озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қулланма. – Т.: ЎзФА Асосий кутубхонаси босмахонаси нашриёти, 2016 йил.

4. Умирзоқов У.П.,Тошбойев А.Ж., Рашидов Ж.,ТошбойевА.А., Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. – Т.: “иқтисод ва молия” нашриёти 2008 йил.

5. Абдуғанийев А., Абдуғанийев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004 йил

6. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қулланма. – Т.: Экстремум пресс нашриёти 2011 йил

7. Сайдахмедова Н.И. Бозор иқтисодиёти шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йуналишлари. Монография. – Т.: “фан ва техналогия”, 2018 йил.

8. Абулқосимов Хасан Пирназарович.,Саидахмедова Нодира Илхамовна. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари.иқтисод ва молия 2021 й 1 (137)

SAMARQAND VILOYATIDA AGROTURIZMNING INNOVATSION YO‘NALISHLARI VA ISTIQBOLLARI

Usmonov Murodbek Dusmurot o‘g‘li SamISI,
Raqamli iqtisogiyot kafedrasi o’qituvchisi,
usmonov.murodbek95@gmail.com,
+998937220855

Annotatsiya: Mazkur maqolada qishloq joylarida agrar turizmni jadal rivojlantirish yangi ish o‘rinlarining yaratilishi, daromadining ko‘payishi, mahalliy aholi yashash darajasining oshishi, qishloq aholisining ijtimoiy va madaniy jarayonlarning tezlashishi, qishloq xo‘jaligi mahsulotlari va mahalliy ishlab chiqarilgan tovarlarga talabning oshishi ko‘rib chiqilgan.

Kalitli so‘zlar: Aholi, agroturizm, daromad, jarayon, mahsulot, ishlab chiqarish, talab.

Abstract: In this article, the rapid development of agrarian tourism in rural areas, the creation of new jobs, the increase in income, the increase in the standard of living of the local population, the acceleration of the social and cultural processes of the rural population, and the increase in the demand for agricultural products and locally produced goods are considered.

Key words: Population, agrotourism, income, process, product, production, demand.

So‘nggi yillarda Samarqand viloyatida agroturizmni rivojlantirishga, uning milliy iqtisodiyotdagi mavqeini mustahkamlashda alohida ahamiyat

berilmoqda.Natijada viloyatda turizm salohiyatidan samarali foydalanish borasida imkoniyatlar kengaymoqda.

Turizm sohasining jadal rivojlanayotganligi turistik resurslardan samarali foydalanishga erishilganligi tufayli jahon miqyosida turistlar soni oshib bormoqda. Xususan, mamlakatimizga ham turist sifatida tashrif buyuruvchilar soni yildan-yilga ko‘paymoqda.2019- 2022 yillarda Samarqand viloyatida turizm sohasini rivojlantirib viloyatga turist sifatida tashrif buyuruvchilar soni yildan-yilga ko‘payib borayotganligini va, ayni bir paytda, turizm xizmatlari tarkibida tarkibiy o‘zgarishlar sodir bo‘layotganligidan dalolat beradi.

Hozirgi davrning muhim masalasi iqtisodiyotni rivojlantirish aosida aholining turmush darajasi va sifatini yuksaltirishdan iboratdir. Viloya axolisining 63 % qishloq joylarida istiqomat qilishadi. Agrar sohada amalga oshirilayotgan modernizatsiyalash, islohotlar, ishlab chiqarishni jarayoni natijasida yuqori va unumli texnika natijasida qo‘llash malakasiz mehnatning siqib chiqarilishi ishsizlikni yuzaga keltirayotganligi qishloq joylarda ishsizlik muammolarini yanada keskinlashtirilmoqda.

1-jadval

2019 — 2022 yillarda Samarqand viloyatida turizm sohasini rivojlantirishning maqsadli parametrlari[71]

T/r	Ko‘rsatkichlar	2019 y.	2020 y.	2021 y.	2022y.
1.	Ichki tashrif buyuruvchilar (ming kishi yiliga)	2 500	2 800	3 100	3 500
2.	Xorijiy turistlar soni (ming kishi yiliga)	509	720	950	1 200
3.	Turizm xizmatlari eksporti (mln AQSH dollari)	139	224	360	558
4.	Mehmonxonalar va shu kabi joylashtirish vositalari soni (dona)	150	180	200	250
5.	Joylashtirish vositalaridagi xonalar soni (birlik)	3 425	3 772	4 280	4 700
6.	Joylashtirish vositalaridagi o‘rinlar soni (birlik)	4 891	5060	5150	6150
7.	Mehmon uylari soni (nafar)	150	230	250	300
8.	Turoperatorlar soni (nafar)	170	195	230	270

Shu sababli mehnat resurslariga boy hisoblangan bo‘lgan qishloq joylarida yangi ish o‘rinlarini yaratishda, bandlik agrar sohada yuzaga kelayotgan bir qator ziddiyatlarni bartaraf etishda va qishloq aholisining farovon

[71] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 30.09.2019 йилдаги 828-сон.

turmushni ta’minlashda agrar turizmni rivojlantirish asosiy vazifalardan biri deb hisoblaymiz.

Mamlakatning qishloq joylarida agrar turizmni jadal rivojlantirish asosida quyidagi ijobiy natijalarni qo‘lga kiritish quyidagilar bilan aniqlik kiritishimiz mumkin:

- qishloq joylarida yangi ish o‘rinlarining yaratilishi;
- qishloq aholisining daromadining ko‘payishi, mahalliy aholi yashash darajasining oshishi;
- qishloq aholisining ijtimoiy va madaniy jarayonlarning tezlashishi;
- mahalliy madaniyat o‘choqlarining yaratilishi, xalq ijodiyoti, an’analari, udumlarining saqlanishi va rivojlanishi;
- qishloq xo‘jaligi mahsulotlari va mahalliy ishlab chiqarilgan tovarlarga talabning oshishi;
- turli mamlakatlardan kelgan turistlarga hududimizning va miliy urf-odatlarimizning o‘ziga xos jozibadorligini namoyon etish va boshqalar.

Shunday qilib, agrar turizmni rivojlantirishni nazariy masalalari, uning mamlakat iqtisodiyotida tutgan o‘rni va aholi turmush darajasining yuksaltirishdagi rolini asoslab berish muhim nazariy masalalardan biridir. Mazkur masalaning muhim jihatlaridan yana bir yo‘nalishi agrar turizmni turlari, ularning tasnifi va har birining mazmunini ham ochib berishdan iboratdir.

Agro-turizmni rivojlantirish imkoniyatlari juda keng. Buni quyidagilarda yaqqol ko‘rish mumkin:

-*boy madaniy merosga* ega ekanligimiz. Buyuk ipak yo‘lida joylashgan Samarqand, Buxoro, Xiva kabi shaharlarning qadimiy yodgorliklarga boyligi buning tasdig‘idir;

-*qulay geografik o‘rinda* joylashganligi, ya’ni mamlakatning markazida transport tugunida joylashganligi. Bu bevosita turizmni rivojlanishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi;

-*o‘ziga xos tabiiy-iqlim sharoitlarga* ega ekanligi, bepoyon cho‘llar, dashtlar, vodiylar hamda tog‘liklarning mavjudligi. Bu hududlar takrorlanmas bioxilma-xillikka ega bo‘lib, yil davomida turizm faoliyati bilan shug‘ullanishga imkon beradi. Ayniqsa, sog‘lomlashtirish, sport-turizm yo‘nalishlari uchun resurslar etarli. Alohida muhofaza qilinadigan tabiiy hududlarda esa ekoturizmni rivojlantirish imkoniyatlari mavjud;

-viloyatning *rekreatsiya-gidromineral resurslariga* boy. Bu, o‘z navbatida, aholini davolashga, sog‘lomlashtirishga imkon beradi. Jumladan, Kattaqo‘rg‘on shahri “Nagornaya” temiryo‘l stansiyasida (Samarqand viloyati) sanatoriya-kurort, profilaktika muassasalarida bu resurs turidan keng foydanilmoqda. Mamlakatimiz bir qancha mineral suv manbalariga ega. Bu, o‘z navbatida, sog‘lomlashtirish turizmini rivojlantirish uchun katta imkon beradi;

-xududning *diniy-tarixiy yodgorliklar*, ayniqsa, islom dini rivojlanishiga hissa qo‘shgan ulamolar vatani hisoblanadi. Imom Al-Buxoriy, Al-Motrudiy

(Samarqand) kabi ulug‘ zotlarning qadamjolari mavjudligi diniy turizmni rivojlanishi uchun asos hisoblanadi;

-noyob xalq urf-odatlari, marosimlari. Boy o‘tmishga ega xalqimizning takrorlanmas urf-odat, an’analari mavjud. Xalq ijodiyoti namunalari, hunarmandchilik mahsulotlari hech kimni befarq qoldirmaydi. Undan tashqari, folklorshunoslikning rivojlanganligi sayyohlarni ham o‘ziga jalb qiladi.

O‘zbekistonda tarixiy-madaniy, arxitektura, arxeologiya ahamiyatidagi 7 mingdan ortiq turistik ob’ektlar mavjud. Ulardan 545 tasi arxitektura, 578 tasi tarixiy, 1457 tasi san’at yodgorliklari va 5500 dan ortig‘i arxeologik ahamiyatiga jalb etilgan. Hozirgi kunda 200 dan ortiq ob’ektlar ta’mirlanmoqda, 500 tasi esa ta’mirlanishga muhtoj. Ko‘p mamlakatlar tajribasiga ko‘ra, ta’mirlanish jarayonining o‘zi turistlar uchun qiziqarli hisoblanadi. Undan tashqari, respublikamizda 300 dan ortiq muzeylar, 1200 ta xalq ijodiyoti tashkilotlari mavjud. Bunday turistik resurslardan agroturizmni rivojlantirish maqsadida foydalanish o‘ta muhimdir.

Agroturizmning mamlakatimizda rivojlanish istiqbollari porloq. Chunki mamlakatimiz agrar-industrial xo‘jalikka ega bo‘lib, juda ko‘p mehnat resurslari qishloq xo‘jaligida band. Shu jihatdan oladigan bo‘lsak, agroturizm yuqori daromad keltiruvchi xizmat ko‘rsatish sohasiga aylanishi mumkin.

Samarqand viloyatida olib borgan izlanishlari agro-turizmni rivojlantirish uchun turizmga xizmat qiluvchi ishlab chiqarishni rivojlantirish, ular uchun shart-sharoitlarni yaratish lozimligini ko‘rsatdi. Hozirgi kunda turistlar uchun sovg‘abop buyumlar ishlab chiqarish viloyatida ancha yaxshi yo‘lga qo‘yilgan. Ammo bu ishlab chiqarishning turlarini qishloq joylarida yanada kengaytirish, bunda kasanachilikka keng yo‘l berish kabi ishlarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir.

Agroturizmni rivojlantirish qishloq joylarida mintaqa turizmi va mehmonxona xo‘jaligini rivojlantirishda asosiy rol o‘ynaydi. Turizmda tashkiliy masalalar ko‘p bo‘lib, unda, ayniqsa, boshqaruvning o‘rni katta. Viloyatda boshqaruvni yangi zamonaviy usullarga o‘tkazish, ya’ni menejmentni takomillashtirish lozim. Undan tashqari, turizmni tashkil etuvchilar hisoblangan turoperator va turagentlik xizmatlarini rivojlantirish maqsadga muvofiq. Samarqand iqtisodiyot va servis institutida bu yo‘nalishlar uchun mutaxassislar tayyorlanayotgani katta ahamiyatga ega. Bu esa qishloq joylarida turfirmalarning ko‘payishiga olib kelib, o‘z navbatida, sog‘lom raqobat muhitini kuchaytiradi.

Samarqand viloyati agro-turizmni tashkil etish va rivojlantirish borasida katta turistik salohiyatga ega bo‘lib, bu erda yana qo‘shimcha tarixiy, diniy, madaniy-etnografik turistik resurslarga boy hisoblangan qishloq joylarining mavjudligi ulkan turistik imkoniyatlardan dalolat beradi. Bu salohiyatdan agro-turizm faoliyatida samarali foydalanish uchun quyidagi ishlarni amalga oshirish kerak deb hisoblaymiz:

- mintaqada mavjud agro-turistik resurslar asosida yangi turistik marshrutlarni shakllantirish hamda ekskursiya xizmatini takomillashtirish;
- “Tur xizmatlar paketi”ni shakllantirishda iste’molchilar talabiga javob bera oladigan paketlar narxini to‘g‘ri belgilash;
- Agro-turmahsulotlarning xaridorgirligini oshirish maqsadida targ‘ibot-tashviqot, reklama jarayonini rivojlantirish;
- turistik firmalarning faoliyatini agro sayyohlik sohalariga yo‘naltirish;
- Agroturizm bozorining rivojlanish imkoniyatlarini hisobga olgan holda, chet el mamlakatlaridan keluvchi sayyohlarning tashrif maqsadlari va xususiyatlarini o‘rganish, ularga eng qiziqarli yo‘nalishlarni taqdim etish;
- xizmatlar turini, ayniqsa, sayyohlik yo‘nalishiga kiritiluvchi xizmatlar turini kengaytirish orqali turistik firmalar daromadini ko‘paytirish;
- xalqaro sayyohlik agro-ko‘rgazmalarini tashkil etish va o‘tkazish.

Agro-turizmini rivojlantirish borasidagi taklif va tavsiyalari amaliyotga tadbiq qilinsa, endi shakllanib kelayotgan agro-turizmni yanada rivojlantirish uchun bir qancha ichki imkoniyatlar ochiladi. Pirovardida milliy iqtisodiyot yanada rivojlanadi, qishloq aholisining farovon yashash imkoniyatlari kengaydi.

Adabiyotalar ro‘yxati:

1.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni “O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020 — 2030-yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” PF-5853 23.10.2019 yil.

2.O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti farmoni “2022 — 2026 yillarga mo‘ljallangan YAngi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” PF-60 28.01.2022.

3.M.M. Muxammedov, S.A. Isxakova, B.B. Mardonov, Yu.P. Urunbaeva, Z.M. Muxammedova, Y.M. Xalikov Agrar islohotlar va aholi bandligi. Monografiya / Toshkent “Iqtisodiyot” nashriyoti, 2015, - 240 b.

4.M.M.Muxammedov., YU.P.Urunbaeva. Kichik tadbirkorlik va qishloq aholisi bandligi. Monografiya. - Samarqand: “Zarafshon” 2014. - 132 bet.

FISKAL SIYOSAT SAMARADORLIGINI OSHIRISH ORQALI BYUDJET TAQCHILLIGINI MINIMALLASHTIRISH

Fattoyev Olimjon G‘ayrat o‘g‘li – assistent-stajer, Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

Annotatsiya. Maqolada jahonda va mamlakatimizda yuz berayotgan iqtisodiy o’zgarishlar sharoitida davlat byudjeti taqchilligini minimallashtirishning zarurligi hamda uning iqtisodiyotga ta’siri to’g’risida fikrlar keltirilgan. Shuningdek, byudjet-soliq siyosatini samarali boshqarish orqali byudjet taqchilligini kamaytirish va iqtisodiy o’sishni ta’minlash bo’yicha tavsiyalar shakllantirilgan.

Kalit so’zlar: davlat byudjeti, byudjet taqchilligi, soliq, soliq imtiyozlari, soliq to’lovchi, bojxona, fiskal siyosat, soliq tushumlari.

Аннотация. В статье рассматривается необходимость минимизации дефицита государственного бюджета и его влияние на экономику в условиях экономических изменений, происходящих в мире и в нашей стране. Также были даны рекомендации по сокращению дефицита бюджета и обеспечению экономического роста за счет эффективного управления бюджетом и налоговой политики.

Ключевые слова: государственный бюджет, дефицит бюджета, налог, налоговые льготы, налогоплательщик, таможня, фискальная политика, налоговые поступления.

Abstract. The article presents the need to minimize the state budget deficit and its impact on the economy in the context of economic changes occurring in the world and in our country. Recommendations were also made to reduce the budget deficit and ensure economic growth through effective budget management and tax policy.

Key words: state budget, budget deficit, tax, tax benefits, taxpayer, customs, fiscal policy, tax revenues.

Jahonda davlat moliyasi tizimida kuzatilayotgan surunkali byudjet taqchilligi va uning faol qarzli moliyalashtirish siyosati, uning makroiqtisodiy barqarorlik va izchil iqtisodiy o’sishga ta’siri borasida tadqiqotlar olib borilmoqda. Shuningdek, hozirgi kunda davlat moliyasi tizimida davlat qarzlarining iqtisodiyotga oid bir qator ilmiy konsepsiya va tadqiqotlar ustida ham ishlar olib borilmoqda. Xususan, bu borada davlat moliyasi tizimidagi «devalvatsion qarz qopqoni» konsepsiyasi, makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlash sharti sifatida «Aktiv byudjet taqchilligini qarzli moliyalashtirish» qoidasi davlat qarzlarini boshqarishning makrofiskal va makromonetar ko’rsatkichlari o’zaro ta’sirchanligiga asoslangan zamonaviy konsepsiyalari ishlab chiqilgan.

Qarz siyosati mamlakatdagi byudjet taqchilligi yoki ijtimoiy muammolarning oldini olishga yo’naltirilgan kambag’allikka qarshi kurashish bilan birga iqtisodiy rivojlanishning ustuvor yo’nalishlari bo’yicha ilmiy tadqiqotlar olib borishni talab etadi.

O’zbekistonda 2022-2026 yillarga mo’ljallangan yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasining «Milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o’sish sur’atlarini ta’minlash» deb nomlangan uchinchi ustuvor yo’nalishidagi 21-maqsadda «Davlat byudjeti taqchilligini qisqartirish va 2023-yildan yalpi ichki mahsulotga nisbatan uning 3 foizdan oshib ketmasligini ta’minlash» va «Davlat qarzini boshqarishda yiliga yangi jalb qilingan tashqi qarz miqdori 4,5 milliard AQSH dollaridan oshib ketmasligini ta’minlash» belgilangan. Yuqoridagi strategik maqsaddan ham ko’rinib turibdiki, davlat byudjeti taqchilligi va davlat qarzlarini boshqarishda makrofiskal ko’rsatkichlar tizimi elementi sifatida ularning o’zaro uyg’unligini ta’minlash va chegaraviy mezonlarini belgilash istiqbolda davlat moliyasi barqarorligining kafolati sifatida namoyon bo’ladi.

Davlat o’z zimmasiga yuklatilgan siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy vazifalarni to’liq o’z muddatlarida hamda ijobiy hal etishi uchun kerakli moliyaviy asos talab etiladi. Ushbu moliyaviy asosning markaziy bo’g’inini davlat byudjeti tashkil etadi. Davlat moliyasini sog’lomlashtirish, uning daromadlari va xarajatlarining mutanosibligini ta’minlash mamlakatimizda amalga oshirilayotgan byudjet-soliq tizimidagi islohotlarning hozirgi bosqichida yanada muhim ahamiyat kasb etmoqda. Hozirgi davrda davlat byudjeti taqchilligi muammosi nafaqat iqtisodchi olimlarning, balki dunyodagi qoloq yoki rivojlanayotgan mamlakatlar bilan bir qatorda iqtisodiyoti taraqqiy topgan mamlakatlar hukumatlarining ham asosiy diqqat-e’tiboriga tushgan umumiqtisodiy holat hisoblanadi. Ayniqsa, ushbu muammo hamon davom etayotgan jahon moliyaviy-iqtisodiy rivojlanish davrida muhim ahamiyat kasb etadi. Bu, o’z navbatida, bir qator davlatlarda, avvalo, rivojlangan mamlakatlarda katta miqdordagi davlat byudjeti taqchilligi va davlat qarzlarini keltirib chiqardi hamda moliyaviy nomutanosiblikning yuzaga kelishiga sabab bo’ldi.

Fiskal yoki byudjet-soliq siyosati iqtisodiy jarayonlarni boshqarish va mamlakat iqtisodiy taraqqiyotini qo’llab-quvvatlash maqsadida davlatning mamlakatda kechayotgan iqtisodiy jarayonlar va hodisalarga ongli ravishda aralashuvidir. Fiskal siyosatning milliy iqtisodiyot barqarorligiga ta’siri ijobiy yoki salbiy bo’lishi mumkin.

Fiskal siyosatda o’ziga xos ziddiyatlar mavjud. Ushbu ziddiyatlar bir tarafdan davlat xarajatlarining ortishi bilan yalpi talabni rag’batlantirsa, ikkinchi tarafdan ortib borayotgan davlat xarajatlarini qoplash maqsadida soliq tushumlari sifatida tushayotgan daromadlar darajasining oshirilishi iqtisodiy o’sishning pasayishiga hamda umumiy talabning kamayishiga sabab bo’ladi.

Jahon moliyaviy inqirozi sharoitida byudjet-soliq siyosatini takomillashtirish uslublari keng ko’lamli ishlab chiqarishni, davlat va xususiy shaxs sherikchiligini rag’batlantirishni, tarmoqlar moliyasi kapitali oqimlarini tartiblashtirish choralari bilan uzviy bog’liq bo’ladi.

1-jadval

Soliq to’lovchilar tomonidan 2017-2022 yillarda soliq turlari bo’yicha foydalanilgan soliq imtiyozlari tahlili[72] ***(mlrd. so’m)***

№	**Soliq turlari**	**Yillar**				
		2017	2018	2019	2020	2021
1.	Qo’shilgan qiymat solig’i	8 450,4	14 989,5	25 318	25 902,1	27 637,9
2.	Aylanmadan olinadigan soliq (Yagona soliq to’lovi)	1 216,8	1 325,70	164,8	146,8	111,1

[72] Muallif ishlanmasi (Davlat bojxona qo’mitasi hisoboti ma’lumotlari asosida).

3.	Foyda solig'i	496,1	1 700,4	2 012,2	2 102,1	1 117,4
4.	Yer solig'i	99,8	1 154,0	439,2	1 340,8	3 221,5
5.	Suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq	1 512,4	798	541,8	699,6	836,2
6.	Mol-mulk solig'i	2 781,9	897,3	382,4	477,6	678,6
7.	Yagona yer solig'i	198,9	29,6	129,1	-	-
8.	YAIT va sug'urta badali	322,2	495,8	148,5	396,6	489,3
2.	Aylanmadan olinadigan soliq (Yagona soliq to'lovi)	1 216,8	1 325,70	164,8	146,8	111,1

1-jadval ma'lumotlariga ko'ra 2017- yilda qo'shilgan qiymat solig'i bo'yicha taqdim etilgan soliq imtiyozlari hajmi 8 450,4 mlrd. so'mni tashkil etgan bo'lsa, 2018- yilda 14 989,5 mlrd. so'm, 2019- yilda 25 318 mlrd. so'm, 2020- yilda 25 902,1 so'm, 2021- yilda 27 637,9 mlrd. so'mni tashkil etgan. Aylanmadan olinadigan soliq (yagona soliq to'lovi) bo'yicha taqdim etilgan soliq imtiyozlari miqdori 2017- yilda 1 216,8 mlrd.so'mni, 2018- yilda 14 989,5 mlrd. so'mni, 2019- yilda 164,8 mlrd. so'mni, 2020- yilda 146,8 mlrd. so'mni, 2021- yilda 111,1 mlrd.so'mni tashkil etdi.

Mamlakatimizda soliq siyosati sohasida olib borilayotgan islohotlar hozirgi kunda tadbirkorlarimiz uchun rag'batlantiruvchi ahamiyatga ega, ya'ni soliq stavkalarini pasaytirish, soliq imtiyozlari va preferensiyalarini berish orqali iqtisodiyotga tushayotgan soliq yukini kamaytirishga qaratilgan.

Bularning barchasi mamlakatning investitsiyalarni jalb qilish va yangi texnologiyalarni tadbiq etish borasidagi imkoniyatlarini oshirish, raqobatbardosh, eksportga mo'ljallangan ishlab chiqarishni rivojlantirish va makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlash, oqilona fiskal siyosatni yuritish, shu bilan birga, tadbirkorlik sub'yektlari faoliyatlarini rivojlantirish uchun zarur shart-sharoitlar yaratish orqali iqtisodiy inqirozga uchrashlariga yo'l qo'ymaslik uchun zarur.

Berilgan soliq imtiyozlari soliq to'lovchilariga o'z mablag'larini ishlab chiqarishni kengaytirish, yangi ish o'rinlari yaratish, aylanma mablag'larni to'ldirish, ish haqini oshirish va korxonalarning moliyaviy ahvolini yaxshilashga yo'naltirishlariga sharoit yaratadi.

Bundan tashqari, davlat byudjeti defitsitining oqibatlaridan biri soliq stavkalarining oshishida kuzatiladi. Chunki, davlat o'z byudjet defitsitini moliyalashtirishda ma'lum bir miqdorda mablag'ga egalik qilish maqsadida xususiy sektor bilan raqobat qilishga majbur bo'ladi. Bunday raqobat avvalo soliq stavkalarining oshishida kuzatiladi. O'z navbatida soliq stavkalarning o'sishi ikki boshqa bir oqibatni yuzaga kelishida omil bo'lib xizmat qiladi:

1. Soliqqa tortish jarayonini tartibga solib turuvchi huquqiy hujjatlarni

xalqaro amaliyotda keng qo’llanilib xalqaro huquqiy tamoyillarga moslashtirish yo’nalishida rivojlantirish;

2. Soliqlarni byudjetga o’z vaqtida va belgilangan summalarda tushib turishini ta’minlashni takomillashtirishning navbatdagi yo’nalishidir.

Soliqlarni byudjetga o’z vaqtida va belgilangan summalarda tushib turishini ta’minlashni takomillashtirish asosiy yo’nalishlarining yana biri soliq tushumlari darajasining rejalashtirilishi va prognozlashtirilishi bilan bog’liqdir.

Xulosa sifatida quyidagi takliflarni aytishimiz mumkin:

1. Davom etayotgan jahon moliyaviy inqirozi va iqtisodiy rivojlanishga bo’lgan kuchli talab sharoitida to’rtta asosiy yo’nalish - mahsulot eksportini rag’batlantirish, import o’rnini bosish, kichik va xususiy tadbirkorlikni yanada rivojlantirish hamda mamlakat korxonalarini qayta jixozlash va modernizatsiya qilishga ko’maklashish bo’yicha mamlakatimizda amaldagi imtiyozlar yaqin besh yil davomida saqlab qolinishi zarur. Natijada, mamlakatda barqaror iqtisodiy rivojlanishini ta’minlash osonlashadi. Bu esa byudjet taqchilligini qisman bo’lsa ham chetlab o’tishga zamin yaratadi;

2. Soliqlarni o’z vaqtida davlat byudjetiga tushishini ta’minlash uchun quyidagi o’zgartirish va qo’shimchalarga e’tibor qaratish lozim:

a) hududiy mulkning daromadliligini (hududning moliyaviy jihatdan ta’minlaganlik va byudjet samaradorligi koeffitsiyentlaridan foydalanish orqali), hudud ixtisoslashgan tarmoqlarining texnikaviy yangilanishiga ehtiyojini, mehnatga haq to’lashning ahvolini, hududning resurs bazasini, hududning eksport-import operatsiyalarini amalga oshirishdagi ishtirokini, ishlab chiqarish va ijtimoiy infratuzilmaning sifatini, transport magistrallari bilan ta’minlaganligini va x.k.larni to’g’ri baholash;

b) hududning iqtisodiy o’sish sur’atlarini hisobga olgan holda soliq tushumlarining hajmini rejalashtirish;

c) viloyatlar iqtisodiyotining resurslarini tashkil qiluvchilarni va mulklarning turlarini inventarizatsiya qilish asosida ularning (viloyatlarning) ijtimoiy-iqtisodiy ehtiyojlarini rejalashtirish;

3. Soliq to’lovchilarning byudjet bilan bo’ladigan o’zaro munosabatlaridagi ijobiy va salbiy holatlarni har tomonlama o’rganish, shu munosabatlar rivojlanishining qonuniyatlarini aniqlash.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Malikov T.S. Byudjet-soliq siyosati. O’quv qo’llanma. – T.: Iqtisod – moliya, 2019. – 329 b.

2. Hamdamov B.K., Ostonakulov A.A. Byudjet nazorati. O’quv qo’llanma. – T.: Iqtisod – moliya, 2018. – 194 b.

3. Davlat bojxona qo’mitasi hisoboti ma’lumotlari.

ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўринов Йигитали Муратович
Мустақил тадқиқотчи, Бухоро Муҳандислик-технология институти

Аннотация. Иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичидаги энг асосий муаммолардан бири – товар ва хизматларни пировард истеъмолчига етказиш бериш ҳисобланади. Бу эса чакана сотувчиларнинг бозордаги мавқеининг ортиб боришини, ишлаб чиқарувчилар ва уларни етказиб берувчилар билан ҳамкорлик шартларини белгилаш қобилиятининг ошиши ҳамда истеъмолчилар хулқ-атвори ва истеъмоли ўсиб бориши билан изоҳланади. Ушбу масалаларнинг бугунги кундаги аҳамиятидан келиб чиқиб, мазкур мақолада чакана савдо корхоналарида инновацион хизматлар кўрсатишнинг имкониятлари таҳлил этилган ва хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: чакана савдо, инновация, хизмат сифати, хулқ-атвор, қадрият, технологиялар.

Дунё миқёсида чакана савдо сезиларли даражада трансформацион жараёнларни ва тизимли ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Постиндустриал иқтисодиётда Интернетнинг ривожланиши чакана савдо тизимидаги инқилобий жараёнларга сабаб бўлди. Бу ўзгаришлар ўз кўлами бўйича инновацион ва табиатига кўра беқиёсдир. Шундай экан кўпчилик чакана савдо ташкилотлари бутунлай янги бозорларни эгаллаётган бўлса, бошқалари эса маҳсулотларга киритилган истеъмол қийматини якуний истеъмолчига етказишнинг мавжуд ва ўрнатилган усулларини ўзгартирмоқда.

Бугунги кунда кўпчилик йирик чакана сотувчилар мульти-сотиш каналларига айланди, уларда бир хил мижоз турли хил транзакция мақсадларида бир хил савдо нуқталари билан турли йўллар билан ўзаро муносабатда бўлади. Бунда биринчидан, харидор маҳсулот ва хизмат ҳақида бирламчи маълумотларни олиш учун Интернетдан фойдаланади, кейин у савдо майдончасига ташриф буюриши ва яна муқобил маҳсулотлар ёки фойдалироқ таклифларни қидиришни бошлаши мумкин. Ундан кейин у онлайн-дўконда харидларни амалга оширади, савдо бўлими ёки қўллаб-қувватлаш ва хизмат кўрсатиш бўлими билан телефон орқали боғланиб, харидни амалга оширади. Кўпгина чакана сотувчилар CLV (Customer lifetime value[73]) маркетинг кўрсаткичи асосида ўзларининг доимий ва содиқ мижозлари базасини яратишни мақсад қилган ҳолда, маҳсулотларни сотишдан мижозларни жалб қилиш ва ушлаб туриш ҳаракатларини кенгайтиришга ўтишди.

[73] Мижознинг бир умрлик қадр-қиммати (CLV) мижозлар тажрибаси дастурининг бир қисми сифатида кузатилиши зарур бўлган асосий статистикаларидан биридир. CLV нафақат харид асосида, балки бутун муносабатларда мижознинг компаниянгиз учун қанчалик қадрли эканлигини ўлчовидир.

Натижада, замонавий чакана савдо фаолияти тобора кенгроқ турларни қамраб олиб, уларнинг анъанавий чегараларидан ташқарига чиқмоқда ва мақсадли бозорларни кенгайтирмоқда ҳамда мижозлар ва ҳамкорлар билан мулоқот қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқмоқда. Масалан, баъзи чакана сотувчилар ўз мижозларининг аниқланган эҳтиёжларини энг яхши қондириш учун хусусийлаштириш технологияларидан оммавий равишда фойдаланмоқдалар, бошқалари эса ўз маҳсулот ассортиментини мавсумий тенденцияларга тезда мослаштириш учун таъминот занжирини такомиллаштириш ва модернизация қилиш технологияларидан самарали фойдаланмоқдалар. Юқоридаги иккинчи тур бўйича мисол Испаниянинг Inditex компаниясини Massimo Dutti, Bershka, Puli'n'B ear ва бошқа брендлар бўйича fast fashion[74] технологияси – бу йилига беш марта кўпроқ кийим-кечак тўпламларини ишлаб чиқариш ва осиб қўйиш имконини беради. Баъзи сотувчилар кунига 24 соат, ҳафтасига 7 кун давомида мавжуд савдо автоматлари ёрдамида маҳсулотларни сотишнинг янги усулларини ишлаб чиқдилар. Сотувчилар яна бир категорияси бир вақтнинг ўзида бир нечта турли сегментларни ва ҳатто бозор жойларини самарали равишда қондиришга ва узоқни кузлаган стратегиядан самарали фойдаланишга (кичик миқдордаги кенг маҳсулот турларини сотишга) интилмоқдалар.

Чакана савдода инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил этиш бўйича фаолиятнинг предмети ва асосий нуқтаси бўлган қуйидаги асосий ташқи муҳит омиллари аниқланди:

– истеъмолчилар: чакана савдо инновациясининг муваффақияти истеъмолчиларни реал ёки жорий эҳтиёжларини чакана савдо бозорида мавжуд бўлган бошқа таклифларга қараганда самаралироқ қондириш қобилиятига боғлиқ бўлганлиги сабабли мижозларнинг яширин эҳтиёжларини аниқлаш асосида уларнинг инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга жалб қилиш муҳимлигини ифодалайди; кўплаб чакана сотувчилар харидорларни инновацияларга жалб қилиш чакана инновациялар учун асосий муваффақият омили эканлигини тан оладилар;

– меъёрий-ҳуқуқий база чакана бизнесдаги инновациялар билан бевосита боғлиқ бўлган ташқи муҳит омилларни англатади, чунки у чакана савдода инновацияларни қўллашнинг муайян қоидалари ва йўналишларини белгилайди ва баъзи ҳолларда бутун инновацион жараённи сезиларли даражада чекловчи омил бўлиб хизмат қилади; қонунчиликнинг инновацион жараёндаги роли кўплаб давлатлар ҳукуматлари томонидан узоқ вақтдан буён эътироф қилинган бўлиб, улар ўзларининг конституциявий ҳуқуқларидан турли соҳаларда, жумладан,

[74] Тез мода - бу кийим саноатининг сўнгги подиум тенденциялари ва юқори мода дизайнларини такрорлаш, уларни арзон нархларда оммавий ишлаб чиқариш ва чакана савдо дўконларига тезда олиб кириш, талаб энг юқори бўлган бизнес моделини тавсифлаш учун ишлатиладиган атама.

чакана савдода инновацион жараёнларни фаоллаштириш учун фойдаланадилар ва уларни амалга оширилишини ташкил этишга ҳисса қўшадилар;

– чакана бозор конъюнктураси умумий муаммолар, бозор имкониятлари, рақобат, етказиб берувчилар кучи ва чакана бизнесга замонавий технологияларнинг кириб бориш даражасига асосланади, саноат контекстида инновацияларнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигининг асосий омиллари рақобат ва таъминот занжири бошқаруви, замонавий алоқа ва IT технологиялари ҳам чакана инновациялар учун катта имкониятларга эга.

Аниқланган ташқи муҳит омиллари чакана сотувчилар учун инновацияларга бўлган эҳтиёжни ва заруратни келтириб чиқаради ҳамда уларни кучини турли хил бозорларда мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилашга йўналтиради. Натижада уларнинг бизнесини унумдорлиги ва самарадорлиги ошади (1-жадвал).

1-жадвал

Ташқи муҳит омиллари, уларнинг хусусиятлари ва чакана савдода инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш йўналишлари[75]

Субъектлар ва бозор ҳолати	Ташқи муҳит хусусиятлари	Чакана савдо корхоналари олдида турган муаммолар
Истеъмолчилар	Демографик ўзгаришлар, ахборот технологиялари билан ҳаётий услубнинг ўзгариши, ўрта синфнинг ўсиши, шахснинг индиви-дуаллашуви, гетерогенлик, урбанизация даражасининг кенгайиши, харидорлар талабининг ошиши.	Аҳолини кексайиши, мослаштириш ва шахсийлаштириш зарурати, муайян миқёсда товарларнинг мавжудлиги, товарлар ва тақдим қилинаётган хизматларнинг сифати, турлича даромадларга эга харидорлар учун сифатли сервиснинг кўрсатилиши, турли хил истеъмолчилар учун товарларни қадоқлаш ҳажмини ўзгартириш зарурати, товар ва савдо брендларини аниқ жойлаштириш.
Меъёрий-ҳуқуқий база	«Чакана савдо тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш, давлатнинг барқарор сиёсати, савдо фаоллигини ошириш, сертификатлаш, божхона сиёсати самарадорлигини ошириш.	Етказиб берувчилар билан ўзаро муносабатларни амалга ошириш-нинг янги чизмасини ишлаб чиқиш, хизмат сифатини ошириш, товар-ларни модификациялаш ва қадоқлашни

[75] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

		маҳаллийлаштириш.
Бозор конъюнктураси: рақобат	Ҳудудий бозорда янги рақобатчиларни кириши учун тўсиқларни камайтириш, чакана брендларнинг вертикал ва горизонтал экспансияси, вертикал рақобат, ташкиллаш-тирилмаган савдонинг стихияли улушининг катталиги, глобал чакана савдо тармоғи бозорига киришдаги таҳдидлар.	Бозорнинг ўрни ва улушини ҳимоялаш, ички ва ташқи ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш сифатини мавжуд эмаслиги, чакана савдо брендларини жойлашувининг аниқ эмаслиги, сифатсиз менежмент.
Етказиб берувчилар	Товар ишлаб чиқарувчилар-нинг вертикал интеграция-си, заиф логистик тармоқ, маҳаллий етказиб берувчиларни товарлар-ни талаб қилинган миқдори ва сифати ҳамда сифатли логисти-кани таъминлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги.	Инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишга етказиб берувчиларни киритиш, етказиб берувчилар билан ўзаро алоқаларнинг ички занжири бўйича ахборотларни мувофиқлаштириш, логистика тармоғини оптималлаш-тиришнинг умумий масалалари.
Технологиялар	Электрон тижорат, мобил тижорат, медия ва ижтимоий тармоқлар, ҳудудларда IT-технологиялардан фойдаланиш даражасининг пастлиги, банк карталарини жорий қилишнинг мураккаблиги.	Товарлар аклифи билан янги технологияларни интеграциялаш зарурати, мобил тижорат ва нақд пулсиз тўлаш шаклига ўтиш, янги ахборот технологияларини оммалаштириш.

Ҳозирги шароитда мамлакатимизда чакана савдо субъектлари ўртасидаги рақобат муҳити шароитида стратегик ташаббусни қўлга киритишга интилаётган ва киритган кўплаб дўконлар ва чакана савдо тармоқларининг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Шу билан бирга, савдо фаолиятини тартибга солиш бўйича маъмурий чораларнинг кўрилиши ва кичик чакана савдо субъектлари фаолияти устидан назорат кучайтирилиши миллий савдо бизнесида кичик чакана савдо фаолиятининг ролини нисбатан пасайишига сабаб бўлди. Бироқ, кичик чакана савдо фаолияти ҳали ҳам мавжуд бўлиб, улар харидорларга яқинлиги, мобиллиги ва бизнес жараёнларида мослашувчанлиги туфайли рақобатбардош бўлиб қолишда давом этади. Ушбу ҳолатда сотувчилар чакана савдо майдонларининг квадрат метрига товар айланмасини ошириш мақсадида мавжуд ҳудудларда ўз бизнеслари самарадорлигини ошириш орқали интенсив ривожланиш йўлига ўтишга мажбур бўладилар.

Бу омиллар чакана савдони фаоллаштириш жараёнига мувофиқ келувчи чакана савдода инновацион маркетинг салоҳиятини шакллантириш зарурлигини намоён этади. Мамлакатимиз чакана

савдосини интенсив ривожлантириш чора-тадбирларидан бири чакана савдода инновациялардан фойдаланиш ҳисобланиб, улар чакана савдо операторлари фаолиятида ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши мумкин.

Мазкур тадбирларнинг мақсади инновацион жараённинг йўллари ва йўналишларини бирламчи аниқлаш, шунингдек, инновациялар билан боғлиқ ташкилотни ўзгартириш бўйича раҳбариятнинг ташаббусини эълон қилишдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда чакана савдонинг инновацион йўналишларидан бири – бу электрон савдо ҳисобланади. Унинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар мавжуд бўлиб, бизнинг фикримизча, улар қуйидагилардан иборат:

– географик омиллар (макро даражада иқтисодий интеграцияни талаб қиладиган ҳудудлар ва миллий бозор субъектларининг узоқлиги билан боғлиқ чекловларни иқтисодий фаолиятга таъсирини камайтириш);

– жаҳон бозорида миллий товарларимиз рақобатбардошлигини ошириш мақсадида жами савдо харажатларини қисқартириш ҳамда савдо тизимининг иқтисодий муносабатларини назорат қилишни такомиллаштириш, давлат бюджетини кўпайтириш мақсадида молиявий ташкилотларнинг савдо операцияларини тартибга солишни етарли даражага кўтариш ва назоратни оқилоналаштириш;

– дунё ахборот оқимига қўшилиш, ахборот алмашиш тармоқлари, телекоммуникация воситаларини етарли даражадаги ривожланиш даражасига эришиш, компьютер технологияси ва замонавий ахборот алмашиш воситаларини амалиётга тўлиқ жорий этишни назарда тутувчи зарурий техник ва технологик имкониятларни тадрижий ривожланиши;

– банклараро ва мижозларга масофавий хизмат кўрсатишга йўналтирилган маълум банк технологияларининг муайян ишланмаларини мавжудлиги;

– савдо муносабатлари иштирокчилари (ишлаб чиқарувчилар, маҳсулотлар, ҳаридорлар, банклар, суғурта компаниялари ва бошқалар)нинг ахборот хавфсизлиги ва ахборотларни криптографик ҳимоясини таъминлаш воситалари ҳамда техник ечимларни мавжудлиги.

Адабиётлар рўйҳати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида»ги 2021 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони.

2. «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли Қарори.

3. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик I – кисм, – Тошкент, «Иқтисод-молия» 2010.

4. Подопригора О. В. Инновации как стимулирующий фактор роста реализации продукции предприятий розничной торговли в условиях цифровизации //Вектор экономики. – 2022. – №. 6 (72).

РАЗВИТИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ НА ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОМ ТРАНСПОРТЕ

Мухамедова Ситора Илхомовна
Самаркандский институт экономики и сервиса, Ассистент-стажёр

Аннотация. В статье исследована роль цифровых технологий в экономике, уровень использования специальных программных средств и интернет-технологий на транспорте в сравнении со средними значениями по предпринимательскому сектору экономики. Рассмотрены перспективы развития цифровой экономики на железнодорожном транспорте.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровые технологии, специальные программные средства, транспортная инфраструктура, железнодорожный транспорт, инновации, «цифровая железная дорога».

TEMIR YO'L TRANSPORTIDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANISHI

Annotatsiya. Maqolada raqamli texnologiyalarning iqtisodiyotdagi o‘rni, darajasi ko‘rib chiqiladi iqtisodiyotning biznes sektori uchun o'rtacha qiymatlarga nisbatan transportda maxsus dasturiy ta'minot va Internet texnologiyalaridan foydalanish. Temir yo‘l transportida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish istiqbollari ko‘rib chiqildi.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, raqamli texnologiyalar, maxsus dasturiy ta'minot, transport infratuzilmasi, temir yo'l transporti, innovatsiyalar, "raqamli temir yo'l"

DEVELOPMENT OF DIGITAL ECONOMY IN THE RAILWAY SECTOR

Abstract. The article considers the role of digital technologies in the economy. The focus is on the use of special software and Internet technologies in the transport sector in comparison with the average values for the business sector of the economy. The authors consider the prospects of digital economy in the railway sector.

Keywords: digital economy, digital technologies, special software, transport infrastructure,railway transport, innovations, "digital railway".

В современном обществе все более актуализируются вопросы, связанные с перспективами развития цифровой экономики и затрагивающие интересы как экономических субъектов, так и обычных людей.

Цифровая экономика – развивающаяся ускоренными темпами сфера жизни, которая, по мнению экспертов, полностью переформатирует привычные хозяйственные связи и существующие бизнес-модели.

Инструменты, которые предлагает цифровая экономика, позволяют полностью удовлетворить потребности клиента и повысить производительность труда. По оценкам финансистов, в ближайшем будущем всех участников этого сектора ждут немалые «цифровые дивиденды», среди них – снижение уровня безработицы, издержек при производстве товаров.

Развитием цифровой экономики в Республике Узбекистане занимается правительство страны на законодательном уровне. Очевидно, что будущее транспортной отрасли также связано с цифровой экономикой и интеллектуальными транспортными системами. О широких возможностях использования цифровых технологий в транспортной отрасли неоднократно заявлял президент Республики Узбекистана Ш.М.Мирзиёев, подчеркивающий в своих выступлениях, что на транспорте необходимо больше использовать цифровые технологии, в том числе для учета, планирования, контроля пассажирских перевозок, для проведения взаиморасчетов перевозчиков и борьбы с нелегальным бизнесом в этой сфере. Министерство транспорта Республике Узбекистан уже несколько лет ведет работу по организации межотраслевого и межведомственного взаимодействия, а также определения и устранения существующих барьеров для развития отрасли.

О перспективах развития транспортной инфраструктуры в системе цифровой экономики впервые было заявлено в программе «Цифровая экономика в Республике Узбекистан». Программа дает следующее определение цифровой экономики – это модель управления хозяйством, построенная с максимальным использованием компьютерных технологий, которая позволит вывести на новый уровень повседневную жизнь человека, производственные отношения, структуру экономики, образование [1].

В соответствии с данной программой, уже в 2019 году будут запускаться пилотные проекты автоматизированного парковочного пространства – их будет не меньше десяти, а в 2030 году в многих «умных» городах общественный транспорт станет беспилотным.

Таблица 1

Использование специальных программных средств на предприятиях транспорта и в среднем по предпринимательскому сектору экономики, в %*

Виды специальных программных средств	**В среднем по предпринимательскому сектору экономики**	**Транспорт**
Системы электронного документооборота	58,6	60,8
Для осуществления финансовых расчетов в электронном виде	56,5	54,6
Для решения организационных, управленческих и экономических задач	54,7	57,9

Электронные справочно-правовые системы	53,2	57,0
Для управления закупками и продажами товаров, работ, услуг	43,8	38,5
Для предоставления доступа к базам данных через глобальные информационные сети	29,5	25,9
CRM-, ERP-, SCM-системы	22,2	18,3
Для управления автоматизированным производством и/или отдельными техническими средствами и технологическими процессами	22,1	29,2
Для проектирования	18,2	14,3
Обучающие программы	15,5	23,5
Редакционно-издательские системы	6,6	4,0
Для научных исследований	4,6	2,0

*Таблица составлена по данным статистического сборника ВШЭ «Индикаторы цифровой экономики» [1].

Исследования [2] показывают, что в 2019 году доля цифровых технологий в транспортной отрасли (см. табл. 1) была не ниже, чем в среднем по предпринимательскому сектору экономики Республике Узбекистан (в отрасли связи, обрабатывающих производствах, строительстве, торговле), а по некоторым показателям значения выше средних, например, в части использования системы электронного документооборота, способов управления автоматизированным производством и/или отдельными техническими средствами и технологическими процессами и др. Однако, уровень использования интернет-технологий на предприятиях транспорта ниже средних значений, чем в среднем по предпринимательскому сектору экономики (см. табл. 2).

Таблица 2

Использование интернет-технологий на предприятиях транспорта и в среднем по предпринимательскому сектору экономики, в %**

Направления использования интернет-технологий	**В среднем по предпринимательскому сектору экономики**	**Транспорт**
Использование электронной почты	83,0	76,2
Поиск информации в сети	81,0	76,5
Осуществление банковских и других финансовых операций	60,9	53,6
Профессиональная подготовка персонала	40,1	37,0
Проведение видеоконференций	33,1	24,9
Внутренний или внешний наем персонала	33,0	26,6
Телефонные переговоры через интернет	32,7	25,1
Подписка на доступ к электронным базам данных, электронным библиотекам на платной основе	26,4	19,8

**Таблица составлена по данным статистического сборника ВШЭ «Индикаторы цифровой экономики» [2].

Железнодорожный транспорт, в свою очередь, представляет значительную долю в транспортной отрасли. ОАО «O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI» является одной из самых крупных в Центральной Азии железнодорожных компаний с колоссальными объемами грузовых и пассажирских перевозок, обладающей высокими финансовыми рейтингами, квалифицированными специалистами во всех областях железнодорожного транспорта, большой научно-технической базой, проектными и строительными мощностями, значительным опытом международного сотрудничества.

В этой связи, мы попытались выяснить, как обстоят дела и каковы перспективы развития цифровой экономики на предприятиях железнодорожного транспорта. Изучив имеющиеся источники информации, можно констатировать, что ОАО «O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI» ведет активную работу в области инновационного развития железнодорожного транспорта и способна играть роль «локомотива цифровой экономики».

Консолидация и анализ данных обо всех сферах деятельности ОАО «O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI» на базе единой цифровой платформы позволит повысить надежность и эффективность работы и соответствовать запросам клиентов. Данный проект может повлиять на качество услуг, оказываемых пассажирам, так как ближайшими ключевыми приоритетами для ОАО «O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI» являются развитие мобильных сервисов для пассажиров, например, единое мобильное приложение, и развитие инфраструктуры для бесшовного Wi-Fi на вокзалах и в поездах.

Внедрение цифровых технологий меняет требования к современному подвижному составу: он должен быть оснащен оборудованием и программным обеспечением, позволяющим пассажиру оставаться в привычной информационной среде или максимально близкой к ней. Поэтому ОАО «O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI» приступило к оснащению вагонов дальнего следования специальным поездным порталом с доступом к информационной среде с обширным медиа-контентом и возможностью заказа различных услуг как на борту, так и по прибытии кпункту назначения.

Но обеспечение доступа к поездному порталу и выхода в Интернет – не единственное направление цифровизации пассажирского подвижного состава. Совместно с партнерами ведется разработка бортовых диагностических комплексов, позволяющих вести диагностику верхнего строения пути и контактной сети с борта обычного электропоезда. Внедрение цифровых технологий позволит перейти к ремонту и обслуживанию инфраструктуры не по нормативам, а по ее фактическому состоянию, что существенно снизит затраты на ее содержание без потери качества и надежности.

Уже сейчас реализована возможность в многих станциях контролировать геометрию пути и рельсов, вести обзорное видеонаблюдение. Функциональность системы расширяется, в будущем она позволит вести видеоконтроль верхнего строения пути с автоматической расшифровкой данных, проводить пространственное сканирование и комплексный контроль контактной сети. В перспективеэта система сможет передавать в режиме реального времени сообщения об опасных нарушениях и автоматически, без участия человека, выдавать предупреждения об ограничении скорости движения поездов.

В основе этой системы лежат технологии интернета вещей, обеспечивающие автоматический сбор и обработку данных. Также в системе задействованы технологии обработки больших объемов данных – Big Data. Система учитывает более тысячи параметров с измерительных устройств с периодичностью 50 мсек. В результате формируется трехмерная карта развития состояния пути, на которой четко видны ухудшение состояния пути и участки, требующие ремонта. Другими словами, применение системы мобильной диагностики позволяет лучше планировать работы по обслуживанию и ремонту инфраструктуры и оперативно выявлять опасные ситуации.

Важным направлением создания «умной» железной дороги должно стать внедрение интеллектуальных систем управления в части управления железнодорожными перевозками и инфраструктурой, однако, внедрение таких систем на всей сети – вопрос не одного дня. Информационная система управления железнодорожным транспортом позволит собирать и анализировать информацию о текущем состоянии и местоположении подвижного состава, потребностях всех участников перевозочного процесса, будет учитывать пропускные возможности инфраструктуры. Это даст возможность реализовать один из главных принципов цифровой модели бизнеса – бизнес в режиме онлайн, обеспечение оперативности и актуальности информации для быстрого принятия решений в области управления движением и инфраструктурой.

Уже сегодня идет внедрение автоматизированной системы оперативного управления грузовыми перевозками. Система интегрирует всю информацию о ходе перевозочного процесса как совокупность взаимосвязанных модулей всех объектов, участвующих в нем. Это информация о поездах, локомотивах, локомотивных бригадах, вагонах, контейнерах с отражением данных об их дислокации, состоянии и основных технологических операциях. Учитываются данные о планах эксплуатационной работы и оперативных ограничениях на инфраструктуре “O’ZBEKISTON TEMIR YO’LLARI”. То есть система обеспечивает управление эксплуатационной работой на основе информации обо всех объектах, участвующих в перевозочном процессе. В сутки системой

обрабатываются около 2,2 млн. входных, формируются 6 млн. выходных сообщений и принимаются 50 млн. запросов на получение информации.

В рамках программы «Цифровая железная дорога» в ОАО «O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI» была разработана электронная торговая площадка «Грузовые перевозки». Это уникальный сервис, где грузоотправители могут заказать перевозку в подвижном составе различных собственников из любой точки, где есть доступ в Интернет, и тут же оплатить ее. Помимо заказа вагона и услуг перевозки на этой площадке доступны услуги погрузочно-разгрузочных работ и складского хранения грузов.

Внедрение единой интеллектуальной системы управления и автоматизации производственных процессов на железнодорожном транспорте позволит развивать новые инструменты планирования и контроля на базе цифровых технологий. Речь идет о системах планирования поставки материально-технических ресурсов, планирования в области финансов, интеграции с мобильными рабочими местами полевого персонала. То есть сотрудник получает задание на работу на мобильное рабочее место, определяет с помощью спутниковой навигации местоположение и фиксирует факт выполнения задания. Такое решение повысит оперативность и качество выполнения работ.

Таким образом, цифровизация стала глобальным процессом, который охватил в той или иной мере почти все страны, почти все отрасли, в том числе и железнодорожный транспорт. Очевиден огромный потенциал цифровых технологий в организации перевозочного процесса, содержании инфраструктуры, повышении привлекательности услуг для пассажиров и грузовладельцев.

Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев сравнил глобальную программу по развитию цифровой экономики по значимости с всеобщей электрификацией страны в начале XX века. Беспрецедентный по своему влиянию на экономический прогресс государственный проект можно воплотить в жизнь благодаря огромному накопленному интеллектуальному потенциалу, при этом вузы страны планируют увеличивать объем выпускаемых специалистов в сфере компьютерных технологий.

Литература

1. Темир йўл транспорти ва юк ташиш хизматидан фойдаланувчиларнинг муносабатларидаги жараѐнлар технологиясини такомиллаштириш‖, Камалетдинов Ш.Ш, (PhD) дис. автореферати, Тошкент– 2019, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, http://library.ziyonet.uz

2. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракат стратегияси» Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-

4947- сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик хужжатлари тўплами. 2017 йил 6-сон, 70-модда.

3.Программа «Цифровая экономика Республики Узбекистан», утверждена Распоряжением Правительства Республики Узбекистан от 28 июля 2017 г. №1632-р[Электронный ресурс].–Режим доступа: http://static.government.uz/media/files.

4. Индикаторы цифровой экономики [Электронный ресурс] // Статистический сборник ВШЭ. – Режим доступа: https://www.hse.uz/primarydata/ice2017.

5. Материалы официального сайта ОАО «УЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙУЛЛАРИ» [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www.rzd.uz.

6. Озун А. Интервью «ТР» директора по информационным технологиям ОАО «O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI» Е.Чаркина [Электронный ресурс].–Режим доступа: http://transportuzb.uz/item/3819-lokomotiv-tsifrovoj-ekonomiki.html.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ишанкулова Фарангис Азамовна
СамИСИ PhD-таянч докторанти
Насриддинова Дилдора Шукруллаевна
СамИСИ магистранти

Аннотация: в данной статье рассматриваются пути повышения конкурентоспособности программ высшего образования, которая является основным фактором конкурентоспособности высших учебных заведений.

Ключевые слова: программы высшего образования, модульный принцип, академическая мобильность.

Annotatsiya: ушбу мақолада олий таълим муассасалари рақобатбардошлигининг асосий омили бўлган олий таълим дастурларининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари муҳокама қилинган.

Kalit so'zlar: олий таълим дастурлари, модулли тамойил, академик ҳаракатчанлик.

Abstract: this article discusses the ways to increase the competitiveness of higher education programs, which is the main factor of the competitiveness of higher education institutions.

Keywords: higher education programs, modular principle, academic mobility.

Олий таълим муассасасаларининг рақобатбардошлиги дунёнинг турли мамлакатлари олимлари томонидан кенг ўрганилган мавзу бўлиб, олий таълим муассасаларини бошқаришда муҳим ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатимиз олий таълим тизимида глобал ўзгаришлар юз берди. Мамлакатимизда узлуксиз таълим шахсга йўналтирилганлиги боис

ўзгариб бораётган иқтисодий, ижтимоий ва маданий тизим шароитлари мавжуд замонавий олий таълим муассасаларидан таълим дастурларини қайтадан кўриб чиқишни талаб этади. Шу сабабли келгуси йилларда бу соҳада жуда катта ўзгаришлар бўлиши аниқ.

Олий таълимни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини қуйидагича аниқлаш мумкин:

- олий таълим муассасаларининг таълим сифатини ошириш;
- таълим дастурларини жамиятнинг олий таълим муассасаларининг эҳтиёжларига мослаштириш;
- ўқув жараёнини иқтисодиётнинг жадаллашуви шароитига мослаштириш;
- олий таълим муассасаларида сифатни таъминлашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;
- сунъий интеллект, робототехника, автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этиш;
- янги касбларнинг пайдо бўлиши муносабати билан кўплаб анъанавий касбларнинг эскирганлигини ҳисобга олиш;
- олий таълим соҳасидаги тадқиқотларга жаҳон рейтингларининг таъсири;
- глобал таълим платформаларини яратиш ва ҳ.к.

Бундан ташқари, аксарият олий таълим муассасаларининг таълим бозорида мавжудлиги уларнинг рақобатбардошлигидан дарак беради.

Таълим муассасалари таълим хизматларининг сотувчиси ва юқори малакали ишчи кучининг харидори бўлиши билан бирга жамият аъзоларининг онгини шакллантириш, уларга билим ва кўникмалар берувчи бозор тизими ҳисобланади.

Олий таълим сифатига қўйиладиган талабларнинг ортиб бораётгани нафақат янги технологияларни жорий этиш, юқори малакали профессор-ўқитувчилар эга бўлиш, балки рақобатбардош, иш берувчилар талабларига жавоб берувчи таълим дастурларги ҳам эга бўлиши зарур. Бундан ташқари, олий таълим муассаларининг обрўси ҳамда миллий ва халқаро рейтинглардаги ўрнини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Олий таълим хизматлари ва уларнинг таълим дастурлари рақобатбардошлигини ошириш таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик жараёнларида қатнашиш орқали амалга оширилиши мумкин. Таълим дастурларини халқаро талабларга мослаштириш кўп миллатли муҳитда ишлай оладиган, халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш имконини беради. Шунингдек, олинган билим ва кўникмаларнинг универсаллигига, олий таълимда инновацияларни оширишга, қўшма тадқиқотлар ўтказиш орқали илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлашга, халқаро нашрларда нашр этиш фаоллигини оширишга, қўшма халқаро конференциялар ўтказишга эришилади.

Талабаларни олий таълим муассасасига жалб этишнинг замонавий усулларидан бири – ўқитишнинг модулли тамойилини жорий этиш орқали турдош биим соҳалари бўйича бир нечта касбларни олишга қаратилган замонавий ўқув дастурларини ишлаб чиқишди.

Иш берувчилар билан биргаликда улар учун зарур бўлган иш ва меҳнат мазмунини аниқлаштириш орқали ўқув модулларининг мазмунини аниқлаш лозим. Ҳар бир модул иш берувчилар берган таклифига асосан бир нечта фанлар бўйича машғулотларни ўз ичига олади. Олинган билим ва кўникмалар талабаларнинг амалиёт ўташ жараёнида янада мустаҳкамланади. Шу йўл орқали талабалар бир неча касблар бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлишади. Бу битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги муваффақиятини таъминлайди.

Шу билан бирга кадрлар тайёрлашнинг турли йўналишлари бўйича чет тилларида таълим дастурларини ишлаб чиқиш талабаларнинг академик ҳаракатчанлигини оширади, олий таълим муассасларининг кенгроқ тан олинишини таъминлайди, икки томонлама диплом дастурларини ривожлантиришга, ҳамкор олий таълим муассасалари сонини оширишга ёрдам беради. Ҳаракатчанликнинг ошиши эса олий таълим муассасалари ва уларнинг таълим дастурлари бошқа мамлакатларда ёйилиши, олий таълим муассасаларининг халқаро таълим хизматлари бозоридаги мавқеини оширишга имкон беради.

Шунингдек, хорижий олий таълим муассасларида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, улардан ва хорижий ташкилотлардан мутахассисларни жалб этиш ўқув жараёнига тегишли билим ва кўникмаларни жорий этишга хизмат қилади. Ўз маърузаларини чет тилида ўқийдиган профессор-ўқитувчиларнинг алмашинуви эса билим ва тажрибаларнинг алмашишига ёрдам беради. Бу ўз-ўзидан таълим дастурларининг нуфузини оширади.

Биз ушбу тадқиқот натижалари орқали олий таълим дастурлари рақобатбардошлигини ошириш йўналишларини кўрсатувчи дунёда олий таълининг ривожланиш тенденцияларини тавсифлаймиз.

Бизнингча, қўшма тадқиқотларни амалга ошириш, қўшма лабораториялар ташкил этиш, бир неча касбларни эгаллаш учун таълим дастурларини яратиш олий таълим муассасалари ўртасида аоқани кучайтиради. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун ўқув жараёнига нафақат хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини, балки тегишли соҳада ишлайдиган тажрибали амалиётчиларни ҳам жалб этиш зарур. Бу ёндашув олинган назарий билимларни амалиётга яқинлаштиради. Бу олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқиладиган таълим дастурларининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, таълимнинг узлуксизлигини, универсаллигини, шахсга

йўналтирилганлигини ва таълимнинг ўзгариши жаҳон бозори, иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатишини исботловчи тадқиқотларга мос келади.

Олий таълим муассасаларининг талабалар учун жозибадорлигини ошириш тегишли ишга қабул қилиш стратегияларини ўрганиш ва ишлаб чиқишга комплекс ёндашувни талаб этади. Ҳар бир олий таълим муассасасаларининг раҳбари талаба қарорига таъсир этувчи омилларни билиши ва тушуниши керак. Келажакдаги тадқиқотлар шу нарсани янада ривожлантириши ва тасдиқлаши ҳамда талабаларнинг олий таълим муассасасини танлашдаги мотивациясини аниқлашга қаратилган бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати.

1. Е.Д.Липкина Конурентоспособность вузов на современном рынке образовательных услуг высшей школы: монография. Красноярск: Краснояр. гос. ун-т, 2005.
2. Н.Н.Терещенко Исследование рынка образовательных услуг высшей школы: монография. Красноярск: Краснояр. гос. ун-т, 2005.
А.Ченцов О бизнесе образовательных услуг // Высшее образование в России. 1999. № 2.

КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ЖАРАЁНЛАРИГА ТАЪСИРИ

Мелиев Азимжон Муродулло ўғли – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти
Саидмуродов Феруз Содиқжон ўғли – Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали ассистенти

Аннотация. Мақолада корхоналар молиявий барқарорлигининг инновацион тараққиёт жараёнларига таъсири ўрганилган ва ҳолат таҳлилидан келиб чиқиб таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: корхона, молиявий барқарорлик, инновация, инновацион тараққиёт.

Аннотация. В статье рассмотрено влияние финансовой устойчивости предприятий на процессы инновационного развития и на основе анализа ситуации разработаны предложения и рекомендации.

Ключевые слова: предприятие, финансовая устойчивость, инновации, инновационное развитие.

Abstract. The article examines the impact of the financial stability of enterprises on the processes of innovative development and, based on an analysis of the situation, proposals and recommendations are developed.

Key words: enterprise, financial stability, innovation, innovative development.

Молиявий барқарорликнинг ортиқча соддалаштириб аниқланиш ҳолатлари К.Макконнелл ва С.Брюнинг «Экономикс» китобида ўз аксини топган. Айнан шу ишда молиявий барқарорлик омилларига нисбатан миқдорий ёндашув аниқ ифодаланган. Жумладан, унда хақиқатда молиявий барқарорлик етарлича даражада асосланмаган бўлса-да қуйидаги аниқланиш келтирилган: «Иқтисодий ўсиш назариясига келганда, унинг асосий муаммоси қуйидагича шакллантирилади»; «Тўлиқ бандлик шароитида ишлаб чиқариш қувватлари ёки ялпи миллий маҳсулот ҳажмини қандай қилиб кўпайтириб бориш мумкин?» [1].

Шунга мос равишда молиявий барқарорликни ҳисоблаш ҳам соф миқдорий ўлчамларга келтирилади. Таъкидлаб ўтилган ишда молиявий барқарорликни иқтисодий ўсиш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда аниқлаш ва ҳисоблашнинг ҳақиқатда фақат иккита ўзаро боғлиқ ҳолда ажратиб кўрсатилган;

⇒маълум вақт оралиғида реал ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши сифатида;

⇒ маълум вақт оралиғида реал ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон боши ҳисобига кўпайиши сифатида.

Бундай ёндашув билан бирга савол шаклидаги қўшимча тушинтиришдан ҳам фойдаланади; нима учун иқтисодий ўсиш ўз-ўзича иқтисодий ривожланиш, иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим мақсади сифатида қаралади? Жавобнинг мазмуни энг аввало, аҳоли жон боши ҳисобига ялпи миллий маҳсулотнинг кўпайиши турмуш даражаси ошганлигини билдириши, бюджет профицитини кузатилиши эса ташқи қарзларни пасайишини кўрсатишдан иборат.

Реал маҳсулот ҳажмининг ўсиши моддий мўл-кўлчилик учун асосни кўпайтиради ва иқтисодий ривожланишнинг молиявий харажатларини энг кам даражага келтириш (минималлаштириш) қоидасининг рўёбга чиқарилишини билдиради. Бир сўз билан айтганда, ўсиб борувчи иқтисодиёт эҳтиёжларни молиявий ресурсларга бўлган талабини қондириш ва ижтимоий-маданий тадбирларни ҳал қилишнинг катта лаёқатига эга бўлади. Булардан ташқари, молиявий барқарорлик жамият ихтиёридаги мавжуд ресурслар чекланганлиги каби мураккаб умумиқтисодий муаммоларни ҳал қилишни енгиллаштиради. Бошқача айтганда мантиқий вазият кўп жиҳатдан унчалик мураккаб эмас. Молиявий барқарорлик қанчалик жадал бўлса, миллий иқтисодиёт олдида турган барча вазифаларни ҳал қилиш учун шунча катта молиявий потенциал мавжуд бўлади. Бизнинг фикримизча, бундай тасдиқлаш фақат чекланган молиявий ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш вазифаси ҳал қилинган, хўжалик тизими бир меъёрда ва барқарор ишлайдиган иқтисодий тизимлар учун мувофиқ келади.

Молиявий барқарорлик ва миллий иқтисодий потенциали ўзаро боғлиқлигининг тўғрилиги шак-шубҳасиз аниқ ва шубҳаларга берилмайди.

Амалий нуқтаи назардан эса у фақат инвестициялар ва молиявий барқарорликнинг боғлиқлиги нуқтаи назардан тасаввур қилинади. Албатта, инвестицион фаоллик молиявий барқарорликнинг энг муҳим шарт-шароитларидан бири ҳисобланади, лекин бунда у тўлиқ аниқловчи эмас. Инвестицияларнинг молиявий барқарорлик жараёнидаги ролини махсус қараб чиқиш мақсадга мувофиқ, аммо буни молиявий барқарорлик тушунчасининг асосий мазмуни очиб берилгандан кейин амалта ошириш лозим.

Шундай қилиб, юқорида зикр қилинганларни жамлаб, хулоса чиқариш мумкин. Молиявий барқарорлик ўз мазмунига кўра иқтисодий-молиявий тизимлар қисмлари яхлитлигининг шундай даражасини акс эттириши зарурки, унинг фарқ қилувчи сифат белгиси ривожланишининг реал жараёнини ва потенциалини аниқлаш ҳисобланади. Бундай ёндашув миллий иқтисодий тизимлар ривожланиши хусусиятлари бўйича фарқларни қўшимча тадбиқ қилишга ёрдам беради.

Ўз-ўзидан маълумки, Ўзбекистон учун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш муҳим ҳисобланади. Шундай экан, молиявий барқарорлик фойдаланадиган чекланган иқтисодий-молиявий ресурслар самарадорлигини оширишни таъминлаш зарур. Бу фақат харажатлар қисқариб борганда, ишлаб чиқариш натижаларини максималлаштиришни таъминлайдиган тармоқлар фойдасига чуқур таркибий ўзгаришлар рўй берган шароитида реал бўлиб ҳисобланиши мумкин. Шу сабабли, Ўзбекистон миллий иқтисодиётида молиявий барқарорликнинг мазмунини фақат бир миқдорий тавсиф билан чеклаш мумкин эмас. Унга ялпи миллий маҳсулотни яратиш ва ундан фойдаланиш жараёнида рўй берадиган таркибий ўзгаришлар таъсири орқали қараш зарур.

Мазмундор мисол сифатида ривожланиш (иқтисодий ўсиш) нинг юқори ривожланган миллий хўжаликлар тизимига хос бўлган муаммоларига тўхталиб ўтиш ҳам муҳимдир. Бу холатларни ажратиб кўрсатиб, республика миллий иқтисодиётини ривожлантириш хусусиятлари билан боғлиқ равишда мазкур муаммолар бизнинг олдимизда хам туришини ҳисобга оламиз.

Республика иқтисодиёти олдида турган муаммолар нуқтаи назаридан тан олиш керакки, ҳозирги замон йирик корхоналарининг ўзи жорий юз йилликнинг иккинчи ярмида илғор мамлакатларда шиддатли иқтисодий ўсишнинг натижаларидан биридир. Шундай қилиб - корхоналарнинг самарали фаолият қилиши-бу бир вақтнинг ўзида молиявий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг омили ва натижасидир.

Корхоналарнинг ривожланиши ва молиявий барқарорлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш энг муҳим ва қизиқарли назарий масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда халқаро характерга эга бўлтан йирик корхоналар 40 фоизгача саноат ишлаб чиқаришини ва жаҳон ташқи савдосининг ярмидан кўпроғини назорат қилмоқда. Фақат 300 та энг

йириклари жаҳон активларининг 1/4 қисмидан кўпроғини, ҳукмрон мавқеига эга бўлган 100 та трансмиллий корпорациялар чет эллардаги тўғридан-тўғри олинган капитал қўйилмаларнинг деярли 90 фоизини назорат қилади. БМТ Маркази тадқиқотчилари трансмиллий корпорациялар бўйича худди шундай хулосага келган бўлиб, бу уларнинг IV хабарномасида ўз аксини топган. Кўрсатилган хабарномада БМТ мутахассисларининг трансмиллий корпорацияларининг жаҳон иқтисодий ривожланишидаги ролини қайта баҳолаш вақти келди, деган фикри келтирилган. Буни тўғри англаш бир қатор ҳал қилувчи йўналишларга эришиш мумкин бўлади. Бизнинг муоммоларимиз нуқтаи назаридан улардан энг муҳимлари, биринчидан, бозор рақобати қонуниятларининг ўзгариши, иккинчидан, йирик корпорациялар активларини жаҳон иқтисодининг технологик жиҳатдан энг такомиллашган секторларига тўпланиши ҳисобланади.

Корпорациялар устувор мавқеига эга бўлган иқтисодиёт - бу эркин рақобат асосида ривожланадиган классик бозор иқтисодиёти эмас. 50-йиллар охирларида чет элларда анча муҳим тадқиқотлар пайдо бўлиб, уларда корпорациялар иқтисодий муносабатларнинг бутунлай янги тизими сифатида тассавур қилинади. Корпоратив иқтисодиёт учун баҳоли рақобат ўз ўрнига эга эмаслиги, баҳолар барқарорлиги ва қайд қилинганлиги характерли бўлиб, улар кўп жиҳатдан маъмурий тартибда ўрнатилади. Натижада, А.Смитнинг машҳур «кўринмас қўллари» ўрнига бошқа “корпоратив кўринмас қўллари” алмашиниши тўғрисида хулоса чиқарилади. Албатта, масаланинг бундай қўйилишига ҳамма ҳам бир хил фикрда эмас, жумладан, охирги ўн йилликларда монетаризм деб номланувчи оқим вакиллари мавқеининг кучайиши бундан гувоҳлик беради. Улар учун эркин рақобатни ҳар қандай тартибга солишни чеклаш талабига қаратилган қарашлар характерли.

Шу билан бирга, корпорацияларнинг тизим ташкил қилувчи роли ва уларнинг янги илғор технологияларни ўзлаштириш соҳаларида пайдо бўлишининг аҳамиятини амалда барча тадқиқотчилар ижобий баҳолайди. Молиявий барқарорлик муаммолари нуқтаи назаридан қараб чиқилганда буларнинг барчаси нимани англатади? Фикримизча, анча илғор мамлакатларда молиявий барқарорликни янада равноқ топтириш биринчи навбатда йирик корпорациялар, уларнинг мақсадга мувофиқ инвестицион сиёсати билан боғлиқ бўлмоғи лозим. Уларнинг фаолиятини уйғунлаштириш кўпгина давлат воситачилигида амалга оширилиши ҳам мумкин бўлади.

Бу масалада нафақат соф назарий синчковлик ўз ифодасини топган. Бизнинг республикада корхоналарни молиялаштириш масалаларини ҳал қилишда, бу соҳадаги умумжахон тамойилларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Айниқса, ислоҳотлар жараёнида миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги тизимига изчил интеграцияси вазифаси, жумладан, чет эл

инвестицияларини фаол жалб қилиш йўли билан ҳал қилинишига эҳтиёж туғилганда.

Чет эл иқтисодий фанида жуда кенг мунозарага эга бўлган бошқа муаммо - бу молиявий барқарорликнинг меъёрлари масаласидир[76]. Биринчидан, молиявий барқарорлик асосида ётувчи саноатлаштириш ва техника тараққиёти, муқаррар кўп миқдордаги зарарли моддаларнинг ташкил топишига олиб келиши таъкидланади. Ишлаб чиқариш ривожланиб бориши билан улар ишлаб чиқариш ва маиший чиқитлар кўринишида атроф мухитга, тупроққа, сув манбаларига чиқариб ташланади. Натижада инсонлар ҳаёт кечириш мухити бўлган биосфера ўзининг ўлчамларини ўзгартиради ва у аста-секин инсоният жамияти учун яроқсиз ҳолга келиб қолади.

Молиявий барқарорликнинг ҳозирги шароитида фан-техника тараққиёти таъсир остида автоматлаштириш ва инновацион техникасини қўллашнинг жадал ривожланиши ишчи ўринлари сонини қисқартириши тўғрисидаги тасаввурлар айнан шу муаммо билан мустаҳкам боғланган. Демак мазкур жамиятда ишсизлар сони ортади. Бу тамойил чуқур ижтимоий из қолдиради, чунки кўплаб ишчиларнинг ўз меҳнатлари таклифи учун жой қолмаслиги, жамиятда эртанги кунга хавотирланиб қарашни кучайтиради.

Юқорида келтирган далиллардан шунчаки эътибор бермасдан ўтиб кетиш мантиқий жиҳатдан нотўғри бўлар эди. Улар диққат-эътибор билан қараб чиқилиши зарур. Бизнинг тасаввуримизча, молиявий барқарорликга қарши бу далиллар, улар билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган муаммолар, умумий иқтисодий қонуниятлар билан эмас, балки хўжалик ривожланиш даражасида ифодаланган миллий иқтисодиёт хусусиятлари билан боғлиқлигини кўрсатади.

Бир қатор ғарб иқтисодчиларнинг амалга оширган, тажрибаларидан келиб чиққан тадқиқотлари шуни кўрсатадики, меҳнат унумдорлигининг ортиши нафақат иқтисодий ўсишга, балки бир вақтнинг ўзида молиявий барқарорликка ҳам энг кўп таъсир кўрсатади. Унинг улушига ўсиш суръатининг тахминан 70% тўғри келади, меҳнат сарфлари улуши қолган 30% ни ташкил қилади. Турли мамлакатларда бу рақамлар кўрсатилган миқдорлар атрофида тебранади. Аксинча, кам ривожланган мамлакатларда нисбатан унча катта бўлмаган иқтисодий ўсишга кўп жиҳатдан меҳнат сарфлари ҳисобига эришилади [2]. Инвестицияларга бундай кенг маънода ёндашишда у молиявий барқарорликнинг манбаи сифатида тасаввур қилинади. Бундай ёндашишда инвестицион ресурсларидан фойдаланиш фаоллиги муаммоси кўтарилади ва бу Кейнс даврида «мультипликатор самараси» номи билан машҳур бўлган инвестицияларнинг ажойиб хусусиятида ўз ифодасини топади.

[76] Рузавин Г.И. Основы рыночной экономики. – М., 1996г., С.374-377.

Молиявий барқарорлик ҳолати рақобат муҳити таъсиридан ўзгаради. Рақобатга лаёқатлилининг асосий ўлчамларини энди ривожланаётган ёки миллий иқтисодиёти ўзгаришларга учраётган мамлакатлар эмас, балки ўзларининг иқтисодий ўсишдаги муаммоларни учинчи дунё мамлакатлари ўсиб борувчи бозорлари билан боғланган, саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатлар белгилаб беради. Улар ялпи талабнинг ўсишини ўзларининг миллий ёки биргаликдаги ишлаб чиқаришлар томонидан билдирилтан таклиф билан мос равишда тўлдиради. Булардан ташқари, агар молиявий барқарорлик муаммоларига ёндашиш ҳақида гап кетганда, унинг омилларини баҳолашга ёндашишиинг ўзгариши каби далилларга алоҳида тўхталиб ўтиш ҳам зарур бўлади. Умуман омилларни ўрганишга ёндашув одатига асосан иккита-экстенсив ва интенсив мезонлар бўйича амалга оширилади.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиётнинг самарали тузилиши, нафақат молиявий барқарорлик мазмунига, балки унинг омилларига ҳам дахлдор бўлади. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг энг кескин муаммоларини ҳисобга олиб, бу иш доирасида нафақат ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиш муаммоларига, балки кутилган таркибий самарани таъминлаш мумкин бўлган молиявий барқарорликни молиялаштиришнинг хусусиятларига асосий эътибор қаратилиши лозим бўлади.

Адабиётлар:

1. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. В 2 Т. - М.; «Республика, 1992. Т.1. С.380.

2. Рузанин Г.И. Основы рыночной экономики. - М., 1996 г., с.380.

3. Ahrorov Z. Необходимость финансовой поддержки инновационного развития предприятий. Архив научных исследований, 35. 2020.

4. Ахроров, З. О., Ханова, Н., & Хусанова, Д. Ш. (2018). Проблемы финансовой поддержки безубыточного функционирования хозяйствующих субъектов. In Направления повышения стратегической конкурентоспособности аграрного сектора экономики (pp. 122-126).

RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH MODELLARI

Ismatov U.R.- SamISI “Oliy matematika” kafedrasi o‘qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada raqamlashtirish iqtisodiyotining muhim ahamiyatlari, uning qo‘llanilish jarayonidagi qulayliklar va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish modellari haqida ba’zi ma’lumotlar keltirilgan.

Аннотация: В данной статье представлены некоторые сведения о важности цифровизации экономики, удобстве ее использования и моделях развития цифровой экономики.

Abstract: This article provides some information about the importance of digitalization of the economy, ease of use and models of development of the digital economy.

Kalit so‘zlar: Raqamli iqtisodiyot, raqamli texnologiya, iqtisod, model.

Ключевые слова: Цифровая экономика, цифровые технологии, экономика, модель.

Raqamli iqtisodiyot insonlarning turmush darajasini sezilarli darajada oshiradi, bu uning asosiy foydali tomonlaridan biridir. Raqamli iqtisodiyot korrupsiya va “qora iqtisodiyot”ning asosiy kushandasidir. Chunki, raqamlar hamma narsani muhrlaydi, xotirada saqlaydi, kerak paytda ma’lumotlarni tez taqdim etadi. Bunday sharoitda biron ma’lumotni yashirish, yashirin bitimlar tuzish, u yoki bu faoliyat haqida to‘liq axborot bermaslikning iloji yo‘q, kompyuter hammasini namoyon qilib qo‘yadi. Ma’lumotlar ko‘pligi va tizimliligi yolg‘on va qing‘ir ishlarga yo‘l bermaydi, chunki tizimni aldash imkonsiz. Natijada pullarni yuvish, mablag‘larni o‘g‘irlash, samarasiz va maqsadsiz sarflash, oshirib yo yashirib ko‘rsatish imkoni qolmaydi. Bu esa iqtisodiyotga legal mablag‘lar oqimini oshiradi, soliqlar o‘z vaqtida va to‘g‘ri to‘lanadi, byudjet taqsimoti ochiq bo‘ladi, ijtimoiy sohaga yo‘naltirilgan mablag‘lar o‘g‘irlanmaydi, maktablar, kasalxonalar, yo‘llarga ajratilgan pullar to‘liq yetib boradi va hokazo.

Davlatning raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yo‘lini tanlaganligi axborot texnologiyalari sohasida va umuman, elektron hujjatlar aylanmasi sohasida yangi yo‘nalishlar ochib berdi. “Raqamli texnologiyalar” tomon burilishga butun jahon internet tarmog‘i va sifatli aloqaning rivojlanishi sababchi bo‘ldi.

Ta’kidlash joizki, bugungi kunda foydalanuvchilar oziq-ovqat mahsulotlariga buyurtma berish uchun telegram botlaridan faol foydalanmoqdalar. Shuningdek, turli internet do‘konlar, elektron to‘lov tizimlari ham faol rivojlanib bormoqda. Demak, fuqarolarimiz elektron bitimlarni amalga oshirishga to‘la ishonib bo‘lishgan. Faqat hozirgi kungacha foydalanuvchilar katta xarajatlar talab qilmaydigan kichik bitimlarni amalga oshirmoqdalar, o‘rtacha xarid hajmini oshirishga esa unchalik tayyor emaslar. Endigi masala o‘rtacha va yirik iqtisodiy bitimlar va moliyaviy operatsiyalarni raqamli texnologiyalar orqali amalga oshirishni rivojlantirishdan iborat.

Turli mamlakatlarda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun uchta model mavjud.

1. Raqamli iqtisodiyot rahbarlarini o‘z ichiga olgan model.

Birinchi model rivojlangan davlatlarni o‘z ichiga oladi: AQSH va Yevropa Ittifoqi davlatlari. Ilmiy adabiyotlarda ta’kidlanishicha, yaqinda AQSH va Yevropa Ittifoqi mamlakatlarida raqamli iqtisodiyotni shakllantirish modellari kesishish jarayoni boshlandi. Shunday qilib, bu mamlakatlar o‘rtasidagi o‘xshashlik bir qator sabablarga bog‘liq: ishlab chiqarish va bandlik tuzilmasini xizmat ko‘rsatish sohasi va ilmiy jihatdan intensiv ishlab chiqarish foydasiga o‘zgartirish; hosildorlikning o‘sishi asosida ishlab chiqarishni

jadallashtirish; bu iqtisodlarning tashqi sharoitlardan mustaqilligini, ularning progressiv va o‘z-o‘zini ta’minlashga qaratilgan investitsiyalar va jamg‘armalarning ichki manbai; ushbu ikki mintaqaning o‘zaro bog‘liqligini dunyoning qolgan qismidan progressiv yopish fonida tezda chuqurlashtirish. Ushbu o‘xshash elementlarning aksariyati AQSH va Yevropa Ittifoqi mamlakatlarida teng darajada rivojlangan ilmiy va texnologik taraqqiyot tendentsiyalari bilan bog‘liq.

2."Taraqqiyotga erishish" modeli.

Ikkinchi modelni yangi sanoat mamlakatlari shakllantiradi. So‘nggi paytlarda Singapur va Tayvan raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda katta ahamiyatga ega bo‘lmoqdalar, bu hatto ba’zi jihatdan Yaponiyadan ham ustundir. Aynan ushbu davlatlar raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha etakchi ikkinchi guruhda hisoblanadi. Biroq, turmush darajasi va ijtimoiy capitalning rivojlanish darajasi bo‘yicha ushbu davlatlar orqada qolmoqda.

3. Axborotni ishlab chiqishning tashqi vositalarini o‘z ichiga olgan model.

Axborot iqtisodiyoti rivojlanishining tashqi ko‘rinishlarini o‘z ichiga olgan uchinchi model, ta’limning juda past darajasi va umuman, aholining turmush darajasi pastligi, raqamli infratuzilmaning yo‘qligi yoki ahamiyatsiz rivojlanishi bilan tavsiflanadi. Bundan tashqari, ushbu model qaysidir ma’noda firma darajasida ham, davlat darajasida ham biznes jarayonlarini boshqarishning nochorligi bilan tavsiflanadi. Ushbu mamlakatlar qatoriga Afrika mamlakatlari va ba’zi Osiyo mamlakatlari kiradi. Ularning ixtisoslashuvi xalqaro bozorlarga xom ashyo yetkazib berishdir. Ushbu mamlakatlarda iqtisodiy rivojlanishni tubdan isloh qilish, aholining ta’lim darajasi va turmush darajasini oshirishga yo‘naltirilgan ulkan investitsiyalarni kiritish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi.

2. G‘.M. Porsaev, B.Sh. Safarov, D.Q. Usmanova. Raqamli iqtisodiyot asoslari. (Darslik) –T.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2020. 372 b.

3. https://stat.uz/uz/2-uncategorised/5221-o-zbekiston-aholisi

ПРОГНОЗИРОВАНИЕ ПОКУПАТЕЛЬСКОГО СПРОСА ПУТЕМ ЭКСТРАПОЛЯЦИИ ТЕНДЕНЦИИ ДИНАМИЧЕСКОГО РЯДА

Уразалиев Ш.Б., ассистент СамИЭС

Аннотация: Программа изучения покупательского спроса может включать различные задачи. Однако всегда требуется, чтобы были даны оценки текущего состояния спроса, а также оценки объёма и структуры спроса в будущем. В статье приведено применение экстраполяции тенденции динамического ряда для прогнозирования покупательского спроса на примере данных по товарооборота магазина за некоторый

промежуток времени. Выявлена квадратичная модель для прогнозирования объёма товарооборота.

Ключевые слова: экстраполяция, прогнозирование, уравнение гиперболы, динамический ряд, метод аналитического выравнивания.

Прогнозирование покупательского спроса основано на экстраполяции тенденции динамического ряда товарооборота. Под динамическим рядом товарооборота понимается изменение товарооборота во времени. Если не происходит каких-либо существенных изменений в условиях, формирующих покупательский спрос, то метод экстраполяции позволяет получить достаточно надежные результаты. В противном случае данный метод необходимо дополнить другими методами определения покупательского спроса – расчетно-конструктивным или анкетным.

Статистические методы прогнозирования тенденции динамического ряда подразделяются на две основные группы: методы аналитического выравнивания и экспоненциального сглаживания.

Сущность метода аналитического выравнивания заключается в нахождении теоретических уровней ряда y_t, которые в минимальной степени отклонялись бы от фактических уровней y. После этого тенденцию ряда можно продолжить, рассчитав уровни ряда на будущий период (год, квартал, декаду), в зависимости от поставленной задачи.

Выравнивание уровней ряда динамики и их экстраполяция производятся по уравнению прямой (тренду), если уровни ряда равномерно растут или уменьшаются. Если изменение тенденции носит характер усиливающегося или затухающего роста, то для экстраполяции применяется соответственно уравнение параболы либо полулогарифмическая кривая. Для экстраполяции криволинейных плавных тенденции можно воспользоваться уравнением гиперболы.

Выбор уравнение связи производится на основе графического анализа. Вид уравнений будет несколько отличаться от приведенных ранее тем, что вместо признака – фактора x в уравнение в качестве переменной вводится время t.

Рассмотрим прогнозирование уровней динамического ряда на следующем примере.

Розничный товарооборот по магазину за 2020-2028 гг. (в млн. руб.)

$2020г. - 80{,}1$	$2025г. - 100{,}8$
$2021г. - 82{,}5$	$20236г. - 106{,}5$
$2022г. - 85{,}8$	$2027г. - 114{,}9$
$2023г. - 89{,}7$	$2028г. - 125{,}7$
$2024г. - 94{,}8$	

Анализируя изменение уровней ряда, приходим к выводу, что оно носит характер усиливающегося роста. Графический анализ

свидетельствует о наличии криволинейной зависимости, напоминающей график параболы. Следовательно, для выравнивания ряда выбираем уравнение параболы

$$\overline{y}_t = a_0 + a_1 t + a_2 t^2$$

Составим систему нормальных уравнений:

$$na_0 + a_1 \sum t + a_2 \sum t^2 = \sum y;$$
$$a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 + a_2 \sum t^3 = \sum yt;$$
$$a_0 \sum t^2 + a_1 \sum t^3 + a_2 \sum t^4 = \sum t^2 y$$

Построим рабочую расчетную таблицу (табл.1).

Для упрощения расчетов годы условно нумеруются таким образом, чтобы $\sum t = 0$, тогда и $\sum t^3 = 0$, а система нормальных уравнений будет иметь вид

Выравнивание динамического ряда по уравнению параболы

Годы	Розничный товарооборот.млн. руб.	t	t^2	t^3	t^4	$y \cdot t$	$y \cdot t^2$	$\overline{y}_t$
2020	80,1	-4	16	-64	256	-320,4	1281,6	80,13
2021	82,5	-3	9	-27	81	-247,5	742,5	82,37
2022	85,8	-2	4	-8	16	-171,6	331,2	85,65
2023	89,7	-1	1	-1	1	-89,7	89,7	89,67
2024	94,8	0	0	0	0	0	0	94,73
2025	100,8	+1	1	1	1	100,8	100,8	100,79
2026	106,5	+2	4	8	16	213	426	107,67
2027	114,9	+3	9	27	81	344,7	1034,1	115,55
2028	125,7	+4	16	64	256	502,8	2011,2	124,37
Итого	880,8	0	60	0	708	332,18	6017	880,8

$$na_0 + a_2 \sum t^2 = \sum y;$$
$$a_1 \sum t^2 = \sum yt; \quad .$$
$$a_0 \sum t^2 + a_2 \sum t^4 = \sum t^2 y$$

Поставляя в эту систему соответствующего значения из расчетной таблицы, получаем:

$$9a_0 + 60a_2 = 880{,}8$$
$$60a_1 = 332{,}18$$
$$60a_0 + 708a_2 = 6017$$

Решая уравнение относительно a, получаем

$$a_1 = \frac{332{,}18}{60} = 5{,}53.$$

Далее решаем систему из двух уравнений:

$9a_0 + 60a_2 = 880{,}8 \quad : 9$

$60a_0 + 708a_2 = 6017 : 60$

Разделив каждое уравнение на коэффициенты при a_0 и вычитая из второго уравнения первое, получим:

$a_0 + 66{,}6a_2 = 97{,}85$

$\underline{a_0 + 11{,}80a_2 = 100{,}28}$

$5{,}24a_2 = 2{,}43$

$a_2 = 0{,}47.$

Теперь найдем a_0:

$9a_0 + 60 \times 0{,}47 = 880{,}8$

$a_0 = 94{,}73$

Подставим вычисленные параметры в параметры в уравнение параболы:

$\bar{y}_t = 94{,}73 + 5{,}53t + 0{,}47t^2$.

Подставляя в данное уравнение значение t, вычислим теоретические уровни ряда $\bar{y}_t$:*

$\bar{y}_t = 94{,}73 + 5{,}53(-4) + 0{,}47(-4)^2 = 102{,}25 - 22{,}12 = 80{,}13$ и т. д.

Выполнив расчеты, последовательно найдем теоретические уровни ряда, которые выражают общую тенденцию развития.

Для оценки степени приближения теоретических уровней к фактическим необходимо исчислить корреляционное отношение

$$\eta = \sqrt{1 - \frac{2{,}263}{1921}} = 0{,}99.$$

Высокое значение корреляционного отношения указывает на то, что кривая подобрана правильно, а теоретические и фактические значения y тесно связаны. В расчете t-критерия Стьюдента в данном случае необходимости нет, поскольку связь очень высокая, и ошибка коэффициента регрессии будет незначительной. Это дает право для прогнозирования объема товарооборота применить уравнение параболы.

Продолжив нумерацию лет, получим следующие значения t:

$t_{2029} = +5;\ t_{2030} = +6.$

Тогда прогнозируемый объем товарооборота для этих лет будет равен:

$\bar{y}_{t_{2029}} = 94{,}73 + 5{,}53 \cdot 5 + 0{,}47 \cdot 5^2 = 134{,}0$ млн. руб.

$\bar{y}_{t_{2030}} = 94{,}73 + 5{,}53 \cdot 6 + 0{,}47 \cdot 6^2 = 144{,}7$ млн. руб.

Следует иметь в виду, что прогноз тем точнее, чем короче период экстраполяции.

Литература

1. В.И. Колемаев и др. Теория вероятностей и математическая статистика. Учеб. пособия. –М.: «Высшая школа» 1991.

2. М.И. Баканов, М.В. Мельник, А.Д. Шеремет. Теория экономического анализа. Учебник. / Под ред. М.И. Баканова. - М.: “Финансы и статистика” , 2007.

3. Н.И. Щедрин, А.Н. Кархов. Экономико-математические методы в торговле. - М.: Экономика. 1980.

4. И.Е. Гмурман. Теория вероятностей и математическая статистика. Учеб. пособия. –М.: «Высшая школа» 2009.

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ЛОГИСТИК ХИЗМАТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мухамедова Ситора Илхомовна
Самарканд иктисодиет ва сервис институти ассистент-стажёри

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакат иқтисодиѐтида темир йўл тармоғининг роли баҳоланган, ҳамда ҳудудий транспорт тизимларини бошқариш моделлари ва муаммолари ўрганилган. Шунингдек, транспорт-логистика тизимини бошқаришнинг замонавий усуллари, транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси бўйича статистик таҳлиллар қилинган ва таққосланган. Қолаверса темир йўл транспортида логистик хизматлар фаолиятини ривожлантириш йўллари ѐритилган.

Калит сўзлар: темир йўл транспорти, транспорт-логистика инфратузилмаси, транспорт турлари, темир йўлда юк ташувчилар, юк айланмаси, транзит йўлаклар, темир йўл магистрали.

IMPROVING THE ECONOMIC EFFICIENCY OF LOGISTICS SERVICES IN RAILWAY TRANSPORT

Abstract. In this article, the role of the railway network in the economy of the country was evaluated, models and problems of management of regional transport systems were studied. Also, modern methods of managing the transport and logistics system, statistical analysis by types of transport and cargo turnover were carried out and compared. The ways of development of logistics services on the railway are considered.

Keywords: railway transport, transport and logistics infrastructure, types of transport, railway carriers, cargo turnover, transit corridors, railway highways.

Жаҳонда юз бераѐтган глобаллашув жараѐнларида транспорт инфратузилмасининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мазкур соҳа фаолиятини такомиллаштириш вазифалари Жаҳон транспорт ва логистика тизими (The global transport and logistic system) томонидан амалга

оширилади. Жаҳон банки гуруҳи маълумотларига кўра, жаҳон транспорт хизматларининг ЯИМ таркибидаги миқдори 4,2 трлн. АҚШ доллари (6,8%) ҳажмида баҳоланиб, йилига 110 млрд. тонна юк ва 1 трлн. дан ортиқ йўловчилар ташилган, транспорт инфратузилмасида банд бўлган ходимлар сони 100 млн. кишини ташкил этади [1].

Шунингдек, жаҳон иқтисодиѐтининг муҳим инфратузилмавий тармоқларидан бири транспорт тизими бўлиб, уни ривожлантириш ҳар бир миллий иқтисодий сиѐсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий алоқаларнинг глобаллашуви ва халқаро савдонинг ривожланиши шароитида ички ва ташқи бозорлардаги юқори рақобатбардошлик, транспорт тизимининг сифат жиҳатдан ривожланиш даражаси билан белгиланади. Жаҳон банки маълумотларига кўра, йўловчи ташиш умумий темир йўл транспортининг 20,0 % ини, шу жумладан, тезюрар поездлар ҳозирги кунда фақат 1,0% ни ташкил этади – (Ҳиндистон ва Японияда йўловчи ташиш миқдори бўйича юк ташиш ҳажмидан ошади). Жаҳон темир йўлларининг 2 трлн. йўловчи-км йўловчи айланмаси мамлакатлар бўйича қуйидагича тақсимланади: Япония ва Европа – 370-380 млрд. йўловчи-км; Ҳиндистон ва Хитой - деярли 300 млрд. йўловчи-км; бошқа мамлакатлар – 200 млрд. йўловчи-км. [2]

Жаҳонда темир йўл транспорти юк ташиш жараѐнларида юк оқимларини ташкил этиш ва бошқариш технологияларини ривожлантириш етакчи ўринни эгалламоқда. Бу борада, темир йўл хизматидан фойдаланувчилар билан ишлашнинг яхлит тизимини шакллантирувчи усуллардан бири автоматлаштирилган электрон ҳужжат айланиш тизимини такомиллаштиришдир. Бунда, юк ташиш жараѐнларида ҳужжатларни автоматик равишда расмийлаштириш техник воситаларини ишлаб чиқиш, ҳужжатларни расмийлаштириш усулига боғлиқ равишда ҳужжат айланишининг оптимал вақтни аниқлаш имкониятини берадиган технологик жараѐнларининг математик моделлаштириш усулларини ишлаб чиқиш, EDI алоқа каналларидан транспорт ҳужжатлар шаклини ягона электрон платформа орқали узатиш технологияларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ҳужжатлар айланиши жараѐнида электрон рақамли имзолаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.[3]Сўнгги ўн йилликда мамлакатимизда транспорт хизматлари бозорини ривожлантиришга ва унинг инфратузилмасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаѐтган ислоҳотларда темир йўл транспорти тизимининг алоҳида ўрни бор. Шу боисдан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракат стратегиясида «...хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, шунингдек, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, юк ва йўловчи ташиш фаолиятини яхшилаш, уларнинг хавфсизлигини ошириш вазифалари белгилаб берилган».[4].

Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш республикамиз темир йўл транспорти хизматлари бозорини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Темир йўл транспорти мамлакатимиз транспорт тизимининг асосини ташкил этиб, унинг ягона транспорт тизимида етакчи ўрин эгаллайди. Темир йўлнинг давлат, халқ хўжалик ва мудофа қувваатидаги ўрни бениҳоя. Ҳозирги мустақил ривожланиш ва бозор муносабатларига ўтиш даврида темир йўлларнинг роли мунтазам ошиб бормоқда. Темир йўллардан аҳолининг ва халқ хўжалигининг ташишларга бўлган барча эҳтиѐжларини тўлиқ қондириш, ташишни юқори сифат билан ўз вақтида бажариш талаб қилинади. Ташишларга бўлган буюртмаларни бироз кечиктириш ҳам корхоналарнинг нормал ишлашига жиддий зарар келтиради, хўжаликни шартномавий асосларда муқим юргазишни издан чиқаради.

Темир йўл транспорти фаолиятини тадқиқ қилаѐтганда ва уни ривожлантириш дастурларини амалга оширилишида ҳал қилинадиган вазифаларини аниқ белгилаб олиш керак, яъни темир йўл тармоғининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда белгиланиши лозим. Буларга қуйидагилар киради:

- Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва худудлар, аҳоли ва ташкилотларга хизмат кўрсатиш ва транспорт таъминоти самарадорлигини ошириш ҳисобига қўшимча ҳажмдаги йўловчи ва юкларни ташишни жалб қилиш;
- юк ташиш ва йўловчи ташиш йўналишларида ишлаб чиқариш хавфсизлигини ва ишончлилигини ошириш ҳамда бир маромда фаолият юритилишини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараѐнларининг механизациялашуви ва автоматлашувини ривожлантириш, иш шароитларини яхшилаш;
- эксплуатация ҳаражатларини камайтириш, аҳоли ва ташкилотларга хизмат кўрсатишда транспорт хизматлари сифатини туширмасдан меҳнат унумдорлигини ва фондлар қайтимини ошириш хамда юк ташиш тарифларини пасайтириш учун замин яратиш;
- юк ташиш жараѐнини бошқаришни ривожлантириш мақсадида ахборот тъминоти тизимини ривожлантириш, маркетингдан кенг фойдаланиш ва темир йўл транспорти фойдаланувчиларининг ахборот олиш билан боғлиқ эҳтиѐжларини қондириш;
- инновацион жараѐнларни жадаллаштири асосида ресурларни тежовчи техник восита ва технологияларни жорий қилиш, янги авлод ҳаракатланувчи таркиблари билан таъминлаш.

Юқорида айтиб ўтганимиздек темир йўл соҳаси томонидан амалга оширилаѐтган фаолиятнинг серқирралиги, тизимни ривожлантиришда инвестиция омилини муҳимлигини таъкидлайди. [5]

Шунингдек, темир йўл транспортининг бошқа транспорт турларига нисбатан яна бир афзаллиги атроф-муҳитга кам зарар етказади, унинг юк ва йўловчилар ташиш қобилияти жуда юқори бўлиб, об-ҳавонинг ноқулайликларига қарамай мунтазам равишда ҳаракатда бўлади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон темир йўлларининг умумий узунлиги 6950,0 км.дан ортиқ ни (01.01.2020 йил ҳолатига) ташкил этиб, шундан 2500 км. электрлаштирилган.

2020 йил январь-март ойларида магистрал темир йўл транспорти орқали 17,1 млн. тонна юк ташилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 100,9 % ни ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан темир йўл транспорти юк айланмаси 114,4 млн. тонна-кмга ошиб, 5 500,5 млн. тонна-кмга етди. Шу билан бирга, йўловчи айланмаси 78,4 млн. йўловчи-кмга камайиб, 946,0 млн. йўловчи-кмни ташкил этди. (1-расм)



1-расм. Таққослаш учун: 2019 йилнинг январь-март ойлари якунига кўра, темир йўл транспорти юк айланмаси ўсиш суръати 97,8 %, йўловчи айланмаси ўсиш суръати 100,8 % га тенг бўлган.

Темир йўл транспорти орқали ўртача бир кунда юкларни жўнатиш 2020 йилнинг январ –март ойларида 187,8 минг тоннани ташкил этди èки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан нисбатан 0,9 % га ошди. Бир тонна юк жўнатишнинг ўртача масофаси 321,8 кмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври даражасидан 1,2 % га ўсиши кузатилган.

2020 йилнинг январь-март ойларида умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти орқали ташилган юк турларининг 2019 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари èғоч юклари (259,0 %), дон ва èрмалар (121,8 %), турли рудалар (120,4 %), кўмир (110,4 %) ва нефть юкларида (107,1 %) кузатилди. Шу жумладан, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан кўрилганда пахта толаси (36,6 %), қурилиш юклари (81,3 %), қора металл парчалари (88,7 %), қора металлар (89,0 %), кимèвий ва

минерал ўғитлар (93,9 %), цемент (95,4 %), картошка, полиз маҳсулотлари ва ҳўл мевалар (97,2 %) камроқ жўнатилгани кузатилди. Темир йўли транспортида ташилган жами юк ҳажмида энг юқори улуш турли рудалар (9,3 %), нефть юклари (9,1%), кўмир (7,2 %), цемент (6,5 %), қурилиш юклари (5,8 %), кимѐвий ва минерал ўғитлар (5,7 %), бошқа юкларга (50,9 %) тўғри келган [14].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни қайд этиш мумкинки ўзига хос транспорт таркибига эга, денгиз ва океанлардан узоқда, Европа ва Осиѐ мамлакатларининг марказида жойлашган Ўзбекистон Республикасида транспорт тизимларини, айниқса темир йўл линияларини ривожлантириш масаласи доимо долзарб масалалардан бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз шимолдаги ва жанубдаги ҳамда ғарбдаги ва шарқдаги давлатларни боғлаб турувчи халқаро истиқболли лойиҳаларда фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Зеро мамлакатнинг транзит потенциали унга мазкур лойиҳаларда қатнашишга устуворлик беради. Шу билан бирга мамлакатимизда темир йўл инфраструктурасини янада ривожлантириш, йўналишларни электрлаштиришни жадаллаштириш, тезюрар поездлар қатнови географиясини кенгайтириш билан бирга мамлакат ҳудудлари доирасида ҳам ўзаро алоқадорликни янада ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун мамлакатимизда транспорт географиясини хусусан темир йўл транспортини мавжуд ҳолатини ҳар томонлама илмий таҳлил қилиш, унинг имкониятларидан фойдаланиш даражасини ўрганиш, баҳолаш ва прогнозлаш, янги линиялар заруратини ўрганиш, ўзини оқламаѐтган линияларни аниқлаш олдимизда турган вазифалардандир. Бунга эса темир йўл транспорти географиясини иқтисодий районлар кесимида таҳлил қилиб чиқиш ва уни мамлакат миқѐсида умумлаштириш орқалигина эришилади. Зеро, иқтисодий географиянинг бош тамойилларидан бири ҳам масалани ҳудудий ѐндошган ҳолда ўрганиш ва мажмуавий тарзда умумлаштиришдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракат стратегияси» Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик хужжатлари тўплами. 2017 йил 6-сон, 70-модда.

2. The World Bank: World Development Indicators. http://data.worldbank.org/indicator.

3. ―Темир йўл транспорти ва юк ташиш хизматидан фойдаланувчиларнинг муносабатларидаги жараѐнлар технологиясини такомиллаштириш‖, Камалетдинов Ш.Ш, (PhD) дис. автореферати, Тошкент– 2019, Тошкент темир йўл муҳандислари институти,

http://library.ziyonet.uz

4. Бауэрсокс Д. Логистика. Интегрированная цепь поставок. — М.: Билим Бизнес, 2001.

5. Носов А.Л. Региональная логистика. — М.: Альфа-Пресс, 2007.

6. Резер, С. М. Логистика. Словарь терминов [Текст] / С. М. Резер, А. Н. Родников. – М.: ВИНИТИ РАН, 2007. – 412 с.

7. Синергетический подход к обоснованию уровня финансирования транспортной инфраструктуры. Доступно на: http://oooliderclimat.ru/ sinerget.htm (Bugromenko V. (2003) Synergetic approach to justification of the level of financing of transport infrastructure. Available on: http://oooliderclimat.ru/ sinerget.htm)

8. Berechman J. (2001) Transport Investment and Economic Development, Is There a Link? Paper Presented at the ECMT Round Table 119 ECMT. Paris.

9. Lakshmanan T., Andersen W. (2002) Transportation Infrastructure, Freight Services Sector and Economic Growth. Center for Transportation Studies. Boston University.

10. Попов Е.В., Семячков К.А. (2018). Компаративный анализ стратегических аспектов развития цифровой экономики // Вестник Пермского госуниверситета. Т. 13 № 1 С. 19–36. (Popov E.V., Semyachkov K.A. (2018). Comparative analysis of strategic aspects of the development of the digital economy // Bulletin of Perm State. T. 13 № 1 p. 19–36.)

11. Жунусов А.О. (2018). Драйверы развития инфраструктуры: цифровая повестка // Инновации транспорта, научно-технический журнал. № 1 (31). С. 4–

(Junusov A.O. (2018). Infrastructure Development Drivers: Digital Agenda // Transport Innovations, Scientific and Technical Journal № 1 (31). P. 4–7.)

12. Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитасининг расмий веб- сайти, www.stat.uz маълумотлари. ―ўзбекистон республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати‖ 2020 йил январь-март.

ДОРИ-ДАРМОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИНГ АУДИТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Саттаров Тоҳир Толмас ўғли
СамИСИ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ассистенти

Аннотация. Ушбу мақолада жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида корхоналар ишлаб чиқариш жараёнлари, улар таннархини шакллантиришнинг аудит объекти сифатидаги хусусиятлари ва молиявий барқарорлиги даражаси бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан жумладан тўқимачилик маҳсулотлари таннарнинг минималлаштириш муҳим ҳисобланади. Бу давлатлар иқтисодиётининг очиқлиги ва жалб

қилинаётган инвестиция оқимини ошириш учун кенг имкониятлар яратади. Шу билан бир қаторда молиявий ахборотларнинг ошкоралиги, ишончлилиги ва шаффофлиги инвесторлар ҳаракатини бошқарувчи асосий омиллар бўлиб ҳисобланади.

Калит сўзлар: Дори-дармон, Дори-дармон маҳсулотлари, Дори-дармон ишлаб чиқариш, Дори-дармон ишлаб чиқариш технологик жараёни, ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх, аудит, аудит объектлари.

Аннотация. В данной статье раскрываются особенности процессов производства носков, их стоимостное формирование как объекта аудита.

Ключевые слова: Чулочно- носочное производство, технологический процесс чулочно-носочного производства, себестоимость, аудит, объекты аудита.

Abstract. This article reveals the features of the production processes of socks, their cost formation as an audit object.

Keywords: Hosiery, hosiery products, hosiery production, technological process of hosiery production, production costs, cost, audit objects.

Кириш. Республикамизда сўнги йилларда ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Республикамизда маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни давом эттириш, саноат корхоналарининг иқтисодиётдаги ўрнини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар жумладан соҳани ривожлантириш учун солиқлар бўйича ҳукумат томонидан бир қатор имтиёзлар берилиши тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришини кенгайтириш ҳажмини ошириш учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар таҳлили. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йўналишига тегишли муҳим ўзгаришлар киритилмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳам корхоналарда ҳам таълим соҳасида янгиликлар яратишга олиб келмоқда. Бу борада бир қатор Ўзбекистонлик ва хорижий олимлар, мутаҳассислар, жумладан, махаллий олимларимздан. И.О.Бобожонов, А.В.Ваҳобов, Э.Ф.Гадоев М.М.Тўлаходжаева, Д.Кудбиев, Р.Д.Дўстмуродов, М.Э.Пўлатов, М.Қ.Пардаев, К.Б.Уразов, Р.А.Абдуллаев, Ҳ.Н.Мусаев, А.И.Аликулов, С.Н.Ташназаров, Д.Р.Рафеев, О.И.Неъматов, Д.Ж. Пашаходжаева, У.А.Ширинов, Б.Ф.Боронов, З.У.Мухаммадиев ва бошқалар. Шунингдек, хорижий олимлардан И.Мельников, Е.Сивков, М.Стефанова, Ф.Броун, Г.Чжан, К.Б.Маккензи, Э.А. Аренс, Дж.К.Лоббек, Р.Робертсон, Додж, П.И.Камышанов, Hermanson, Roger H., James Don Edwards, Pizzey, В.Ф.Палий ва бошқалар ўз ишларида ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот калкуляцияси ва унинг аудитига кенг тўхталганлар, бу ҳақда уларнинг чоп этилган дарсликлари, ўқув қўлланмалари ва мақолаларидан билиб олиш мумкин.

К.Б. Уразов, М.Э.Пўлатов бухгалтерия ҳисоби дарслигида [2020] ишлаб чиқариш жараёнига “ҳисобот даври боши ва охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш режаси, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳолати, ҳисобот даврида бир бирлик ва ялпи маҳсулот таннархи, иккиламчи ва яроқсиз маҳсулотлар, бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатлари, маржинал даромад, ишлаб чиқаришнинг зарарсизлик даражаси, операцион ричаг”ларни киритган.

С.Н. Ташназаров [2019] халқаро стандартларга мувофиқ қайта ишлаш харажатлари тушунчасига қуйидагича таърифни келтиради: “маҳсулот бирлиги билан бевосита боғлиқ бўлган, масалан меҳнатга ҳақ тўлаш билан тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи харажатларини ҳамда устама ишлаб чиқариш харажатлари ҳам салмоқли харажат моддалари сифатида киритилиши кўзда тутилган.”

Б.Ф. Боронов ёғ-мой саноатида ишлаб чиқариш ҳисоби аҳамиятини қуйидагича тавсифлайди [2022]: “Ушбу вазифаларни ҳал этиш, яъни бугунги иқтисодий глобаллашув шароитида, корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини тўғри ташкил этиш, ушбу жараёнлар натижасида пайдо бўладиган яроқсиз ёғ-мой маҳсулотларини ҳисобда тўғри акс эттириб бориш ва бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиниши учун ахборот фойдаланувчиларни зарурий ахборот билан таъминлаш бухгалтерия ҳисоби олдида муҳим аҳамиятга эгадир.”

Р.Ҳермансон [1998] ишлаб чиқариш жараёнида “жараёнли костингда эквивалент бирликни ҳисоблаш, журнал ёзувлари ҳамда ишлаб чиқариш таннархи тўғрисидаги ҳисоботнинг форматини” амалий мисолларда келтириб беради.

К.Б. Уразов ва Ж.Ю.Сиддиковлар [2021] “Гилам ишлаб чиқариш харажатлари тўғри ҳисобга олиш учун, энг аввало, аудит қилинадиган маҳсулотларининг сифатини олдиндан текшириш лозим. Шу сабабли аудитор томонидан гилам ишлаб чиқариш жараёни аудит текширувидан ўтказишда , ушбу жараён қай тарзда амалга оширилишини, унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиши керак

Гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни 4 босқичда амалга ошириш” мақсадга мувофиқлигини таъкидлашган

Мазкур муаммолар ечимига тизимли ёндашувлар мавжуд эмаслиги, шунингдек Дори-дармон ишлаб чиқариш корхоналарида соҳанинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнини аудит объекти сифатида тадқиқ қилинган ишлар етарли эмаслиги танланган мавзу бўйича чуқур илмий изланишлар олиб борилишини тақозо этади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, маълумотларни гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Дори-дармон ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олиш учун, энг аввало, аудит қилинадиган маълумотларнинг

сифатини олдиндан текшириш лозим. Тўғри ва синчиклаб текширилган маълумотлар асосидагина мазкур харажат элементларининг натижавий томонларини кўрсатиш, камчиликларни очиб бериш ва самарадорлигини яхшилашга оид чораларни белгилаш мумкин. Шу сабабдан аудитор томонидан Дори-дармон ишлаб чиқариш жараёнини аудит текширувидан утказишда, ушбу жараён қай тарзда амалга оширилишини, унинг узига хос жихатларини ўрганилиши керак.

Дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни куйидаги тартибда 4 босқичда амалга оширилади:

1-босқич.

- ип-калавалар (джут, асос иплари, рангли иплар) ускунага ўрнатиш учун тайёрланиб, ускунага ўрнатилади;
- ускунага ипларни ўрнатишда тўқиладиган Дори-дармон нусхасига қараб ҳар бири рангига кўра тегишли тартибда жойлаштириб чиқилиши керак
- тўқиладиган Дори-дармон нусхаси ва ускунани ишлаш тезлиги ускунадаги компьютер хотирасига юкланади;

2-босқич.

- ускуна ишлаб чиқаришга тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилингач ишга туширилади;
- ускуна тўқиган Дори-дармонлар махсус вагонлар (тележка) га жойланади;
- вагонлардаги Дори-дармонлар юк ташувчи техника (кара) билан текширув цехига келтирилади;

3-босқич.

- тўқилган Дори-дармонлар текширув ускунасидан ўтказилади ва унинг сифати ҳодимлар томонидан текширилиб, нуқсонлар аниқланганда шу жойнинг ўзида бартараф этилади;

4-босқич.

- Дори-дармон орқа қисмига Дори-дармоннинг ўлчамлари, корхона номи ва Дори-дармон маркаси туширилган махсус этикетка дазмол билан Дори-дармонга махкам елимланади. Шу билан Дори-дармон тайёр ҳолга келтирилган ҳисобланади.

Ушбу технологик жараённи схема кўринишида қуйидагича ҳам ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Дори-дармон ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни

Дори-дармон ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари ва, мос равишда, таннархини шакллантиришга бевосита таъсир қилади. Дори-дармон маҳсулотлари таннархини ташкил қилувчи асосий харажат моддалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (1-жадвалга қаранг)

1-жадвал

Дори-дармон ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар

Харажат гуруҳи	Харажат моддалари
Бевосита материал харажатлари	Дори-дармон ишлаб чиқаришда бевосита сарфланган материаллар, буюмлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, хўжалик инвентарлари ва бошқа материаллар
Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари	Дори-дармон ишлаб чиқариш жараёнида бевосита катнашган ходимларга ҳисобланган асосий иш ҳақи ва мукофатлар
Бевосита меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий солиқ тўлови	Дори-дармон ишлаб чиқариш жараёнида бевосита катнашган ходимлар иш ҳақи фондидан ижтимоий солиқ туловлари
Амортизация ажратмалари	Дори-дармон ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этган асосий воситалар, номоддий активлар, бўйича ҳисобланган эскириш суммаси
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари(билвосита устама харажатлар)	1. Дори-дармон ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган турли хизматлар (сертификатлаш, транспорт хизматлари, газ, сув ва электр қуввати билан таъминлаш, таъмирлаш ва бошқа хизматлар) 2. Дори-дармон ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган ёрдамчи ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқариш харажатлари 3. Дори-дармон ишлаб чиқариш харажатларига харажатларига олиб борилган келгуси давр харажатлари

	4. Дори-дармон ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган бошқа харажатлар

Дори-дармон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ушбу жараёнининг узлуксизлиги, яъни узлуксизлигини таъминлаш, Дори-дармон тўқиш жараёнида ускуналарнинг технологик хусусиятлари ва қувватидан келиб чиққан ҳолда энига қанча ўлчамда ва вертикал ҳолатда узлуксиз чиқарилиши каби ўзига хос технологик хусусиятлари мавжуд. Дори-дармон маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида хом ашё материалларининг етишмовчилиги, технологик ускуналарндаги носозликлар ёки бошқа бевосита ишлаб чиқаришни тўхтатилишига сабаб бўлувчи ҳолатлар кузатилмаганда ишлаб чиқариш фаолияти узлуксиз амалга оширилади.

Хусусан, ускуналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари қанчани ташкил килиши, улардан унумли фойдаланиш маҳсулот таннархини ҳисоблаб чиқаришда катта роль ўйнайди. Мисол учун, Дори-дармон ишлаб чиқариш ускуналарининг қиймати юқорилиги инобатга олинса, бир ускунанинг ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланмаслик натижасида ускунага ҳисобланган амортизация ажратмалари ой охирида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархини кескин ошишига олиб келиши мумкин. Ёки технологик ускуналардан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз вақтида ишга тушириш ва ўчириш ҳолатларига амал қилмаслик натижасида электроэнергия харажатларининг кескин ошиши ҳам маҳсулот таннархини кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ушбу хусусиятлар аудит жаранида ишлаб чиқариш ҳажмини тўғри ҳисобга олинганлиги ва таннархни тўғри ҳисоблаб чиқарилганлигини аниқлашда асосий роль уйнайди.

Маҳсулот таннархи корхоналар фаолиятининг асосий сифат кўрсаткичларидан биридир. Дори-дармон ишлаб чиқариш жараёни аудитидаги асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқарилган Дори-дармон маҳсулотлар таннархининг тўғри шаклланганлигига қаратиш лозим. Бунда ишлаб чиқарилган 1 бирлик Дори-дармон маҳсулотини ишлаб чиқаришда қайси турдаги харажатлар амалга оширилгани ва таннархда асосий салмоқни кайси турдаги харажатлар эгаллашини аниклаб олиш аудит учун жуда муҳим.

Хулоса ва таклифлар.

Ушбу юқорида келтирилган далиллар асосида қуйидагича хулоса ва таклифларимизни келтирамиз:Дори-дармон ишлаб чиқариш жараёнининг аудит обьекти сифатидаги хусусиятлари бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Булар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ Дори-дармон ишлаб чиқариш ва аудитини концептуал масалалари очиб бериш;
- тўқимачилик жумладан Дори-дармон маҳсулотларини ишлаб

чиқаришни такомиллаштириш ва аудитини ташкил этиш тартибга солиш асосларини комплекс тадқиқ қилиш ва ундаги мавжуд айрим муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

•хўжалик юритувчи субъектларда Дори-дармон ишлаб чиқариш ва унинг таннарх харажатларини минималлаштириш ва унда қўлланиладиган амалларни янада самарали ташкил қилиш учун қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни тавсия этиш юзасидан қатор таклифлар ишлаб чиқиш билан асосланади.

Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларининг такомиллаштириш асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Корхона бирор фаолиятни бошлашда, энг аввало купроқ фойда олишни мақсад қилади.Уни ривожлантиришда, энг аввало ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларни минималлаштиришни тақказо этади. Шундагина уларнинг банкрот бўлиш эҳтимоли пасаяди. Ушбу ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқаришда аудитнинг ўрни беқиёсдир. Ишлаб чиқариш харажатларини такомиллаштириш ва аудитини назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш бизга қуйидаги хулосаларни қилишга, шунингдек таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга имкон берди Фикримизча, корхоналар ишлаб чиқариш ҳолати ва ундаги ўзгаришларга аудиторлик баҳоси беришнинг услубий жиҳатларини миллий амалиётимизда қўллаш қуйидаги имкониятларни беради.

•**Биринчидан,** республикамизда хорижий амалиётда кенг қўлланилаётган МҲХСларга ўтиш бўйича Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4611-сон қарори ижросини таъминлаш жадаллашади.

•**Иккинчидан**, бухгалтерлар ва аудиторларда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш бўйича амалий кўникмаларни вужудга келтиради.

•**Учинчидан**, инвесторлар, айниқса хорижий инвесторларнинг миллий ҳисоб ва ҳисобот тизимига, шунингдек республикамиз аудиторлари томонидан ўтказилган аудиторлик текширувларига, улар томонидан берилган холис баҳоси ва аудиторлик тавсияларига ишончи ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни 2016 йил 13 апрель.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 2021 йил 25 февраль.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сонли “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Қарори. 1999 йил 5 феврал, 54-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларининг тўплами.-Т.:УзБАМА 2016.

6. Абдуллаев А., Абдуваҳобов О., Қаюмов И. Аудит асослари. Дарслик. Т.:”ЎАЖБНТ” Маркази, 2003.

7. Архарова З. П. МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ АУДИТА (МСА): Учебно-методический комплекс. – М.: Изд. центр ЕАОИ, 2008. – 104 с.

8. Бычкова С.М., Итыгилова С.М. Международные стандарты аудита:учеб.пособие./под ред.С.М.Бычковой. М.:ТК Велби, Изд-во Проспект, г.2008, с.-202.

9. Жарылгасова Б.Т., СугловаА.Е. Международные стандарты аудита. Учебное пособие. -4-е изд., стереотип. –М: КноРус, г.2008, с.-400.

10. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. «Халқаро аудит», Дарслик. Т. «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2015. -348 б.

11. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Т.: “Молия”, 2003.- 220 б.

12. Подольский В.И.Аудит. Комплект в 2 томах. Учебник и практикум. – М.: Юрайт, 2013. – 1049 с.

13. Қўзиев И.Н. «Аудиторлик ҳисоботларини тузиш ва уларни умумлаштириш: назарий ва методологик масалалар». Монография. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA» нашриёти, 2015 й. 72-б.

14. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик. Т. 2019, 584-б.

15. Тулаходжаева М.М., Илҳомов Ш.И. ва бош. Аудит (дарслик). Тошкент Давлат иқтисодиёт университети. “DeHaus Priat” , 2011. – 583 б.

16. Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби . Т.: “Ўқитувчи”, 2020. 245-бет.

17. Уразов К.Б., Сиддиков Ж.Ю. Гилам ишлаб чиқариш жараёнининг аудит объекти сифатидаги хусусиятлари. Самарқанд. Конференция материаллари. 2021 йил 19-20 февраль-300 б.

18. R. Hermanson. Accounting a business perspective. 1998 Irwin, ISNB 0-256-13193-3. 925 p.

19. Б.Ф.Баронов. Ёғ-мой саноати корхоналарида яроқсиз маҳсулотлар ҳисоби ва таснифи //Сервис журнали. 2022 йил 4сон, 173-177 б.

ELEKTR ENERGIYASI ISHLAB CHIQARISH USULLARI VA ISHLAB CHIQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH

Nurniyozov Feruz Abdurashid o'g'li - "Buxgalteriya hisobi " kafedrasining assistenti. Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

Annotatsiya: Mazkur maqolada elektr enrgiyasi paydo bo'lishi qisqacha tarixi, O'zbekistonda energetika sohasining rivojlanishi, energiya turlari, ishlab chiqarish usullari, yillar kesimida energiya ishlab chiqarish miqdorlari va mamlakatdagi yirik elektr energiya tashkilotlar faoliyatlari haqida qisqacha yoritilib o'tilgan.

Kalit so'zlar: energiya, elektr energiya, elektr stansiyasi, schyotchik, telemetrik datchik, hisob-kitob davri, AES, GES, QaES, SHES, OES, GaES, innovatsion texnalogiyalar.

Kirish. Insoniyat taraqqiyotida kishilarning turli energiya manbalariga bo‘lgan ehtiyojlari ularni tabiiy manbalar — o‘tin, ko‘mir, torf va boshqalar yoqilg‘ilardan, shamol, suv oqimi energiyasi (mas, shamol va suv tegirmonlari) dan foydalanishga majbur qildi. Keyinchalik fan va texnika taraqqiyoti, fantexnika inqilobi tufayli XX asrning 2-yarmidan boshlab, asosan elektr energiyasiga ehtiyoj juda ko'payib ketdi. Ana shu omillar energitikani jadal rivojlantirishni taqozo qildi. Fan va texnika taraqqayoti energiya ishlab chiqarish va uni o‘zgartirishning yangi usullarini ishlab chiqish, yangi samarali asbob-uskunalar va texnologiyalarni yaratish, energiyani taqsimlashni markazlashtirish va boshqalar orqali ifodalanadi. Energitika fani tabiiy energiya resurslarining potensial energiyasini xalq xo‘jaligida foydalanishga yaroqli va foydali energiya turlariga aylantirish hamda shu bilan bog‘liq ilmiytexnik muammolarni hal qilish masalalari bilan shug‘ullanadi. ***Elektr energetikasi*** — elektr energiyasini ishlab chiqarish, uzatish, taqsimlash, sotish va iste'mol qilish sohasi hisoblanadi.

Energetika muammolari bilan shug‘ullanishda izchil ilmiy tadqiqot ishlariga asoslangan holda energetika taraqqiyotining qonuniyatlari, tabiiy an'analari va optimal yechimlari o‘rganiladi, energetikani optimal boshqarishning asoslari shakllantiriladi, energetikaning kompleks muammolari, shu jumladan, uning atrof muhitga ta'siri, ya'ni ekologiya masalalari, energetikaga doir fan va texnika taraqqiyoti masalalari va boshqalar hal qilinadi. O‘zbekistonda Energetikafanlarining rivojlanishi XX asr 30- yillari oxiri va 40-yillariga to‘g‘ri keladi. Energetikaga doir ilmiy tadqiqot ishlari energetikaning ustuvor kompleks masalalarini va amaliy muammolarini hal qilishga qaratildi.[77] Elektr energiyasini uzoq masofaga uzatish bilan bog‘liq masala — o‘zgaruvchan tokni o‘zgarmas tokka aylantirish nazariyasi, asinxron va sinxron mashinalarning magnit oqimlari o‘z-o‘zidan uyg‘onishini ta'minlashni hisoblash usullari, elektron qurilmalaridagi shikastlanishning murakkab turlari

[77] https://yuz.uz/uz/news/har-yili-21-milliard-kvtsoatga-kop-elektr-energiyasi-ishlab-chiqariladi

nazariyasini rivojlantirish kabi ustuvor masalalar bilan shug‘ullanildi, gidroelektr stansiyalari quvvatini samarali taqsimlashni hal qilishga doir ishlar bajarildi. 40- yillar oxiri va 50- yillarda ilmiy tadqiqot ishlari elektr stansiyalari, elektr tizimi va jihozlari ishini yaxshilash, puxtaligini oshirish, samaradorligini ko‘tarishga qaratildi, elektr tizimlarini hisoblashning ixcham nazariyasi va usullari yaratildi. Elektr tizimlari rejimini ifodalaydigan katta o‘lchamli chiziqlimas tenglamalarni yechish, yuqori kuchlanishli elektr uzatish liniyalaridan kichik quvvatlarni olish sxemalarini yaratish, hisoblash nazariyasi va usullarini ishlab chiqish masalalari tadqiq qilindi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Elektr energiyasi ishlab chiqarish usullari yuzasidan tatqiqotchilarva izlanuvchilar tomonidan tizimli ravishda tadqiqotlar olib borishgan, shu jumladan Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati Avaz O’rinboev va boshqalar tatqiqotchilar, soxa mutaxasislari tomonidan o’z ilmiy fikirlari va g’oyalarini aytib o’tishgan. Yuqoridagi fikirlarni inobatga olib elektr energiyasi ishlab chiqarish usullari to’g’risida qushimcha takliflar berib o’tilgan.

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqot jarayonida axborotlarga asoslangan holda mantiqiy tahlil usullari qo’llanildi. Makon va zamon, tahlil va sintez kabi uslublaridan va yondoshuvlaridan ham foydalanilgan.

Таҳлил ва натижалар. O‘zbekiston energetikasi rivoji uchun tabiiy iqlim sharoitlaridan oqilona foydalanish maqsadida qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan, xususan, quyosh energiyasi, shamol kuchi, yer osti suvlari harorati va kichik gidroelektrostyalardan foydalanish masalalari borasida keng tadqiqot ishlari olib borildi. Energetika jarayonlarini avtomatlashtirish va telemexanizatsiyalash hamda energetika tizimlarida o‘lchash texnikasi, o‘lchash aniqligi, puxtaligi va samaradorligini oshirish kabi ilmiy natijalarga erishishda muhim tadqiqotlar amalga oshirildi.

Energetika sohasi issiqlik energiyasini, gidroenergetika, atom energiyasi, shamol energiyasi, quyosh energiyasi, magnit suyuqlik energiyasi, to'lqinli energiyasi, okean termoelektr energiyasi, to'lqin energiyasi, geotermal energiyasi, biomassa energiyasiva boshqa energiya ishlab chiqarish usullarini o’z ichiga oladi.

a. *Issiqlik energiyasini ishlab chiqarish*: ko'mir, neft, tabiiy gaz va boshqa yoqilg'ilarni yoqish natijasida hosil bo'ladigan issiqlikdan qozon suv trubkasidagi suvni yuqori haroratli va yuqori bosimli bug'ga isitish uchun foydalaning va bug 'turbinasini aylantiring, shu bilan haydash. elektr energiyasini ishlab chiqarish uchun generator.

b. *Gidroelektr energiyasini ishlab chiqarish*: baland joydan past joyga oqib kelayotgan suvning potentsial energiyasi to‘g‘on orqali kinetik energiyaga aylanadi. Mexanik energiyani elektr energiyasiga aylantirish uchun generatorni aylantirishi mumkin.

c. *Yadro energiyasini ishlab chiqarish*: Atom yadrolarining bo'linishi paytida hosil bo'lgan energiyadan foydalanib, reaktordagi suv bug' hosil qilish

uchun isitiladi. Bug 'bilan boshqariladigan bug' turbinasi generatorni elektr energiyasini ishlab chiqarish uchun aylantiradi.

d. *Shamol energiyasini ishlab chiqarish*: elektr energiyasini ishlab chiqarish uchun generatorlarni haydash uchun shamol tegirmonlarini haydash uchun shamoldan foydalaning; quyosh issiqlik energiyasini ishlab chiqarish: quyosh issiqlik energiyasini to'plash va bug 'ishlab chiqarish uchun suv quvurlarida suvni isitish uchun issiqlik yig'ish moslamalaridan foydalaning, bu esa o'z navbatida elektr energiyasini ishlab chiqarish uchun turbinali generatorlarni boshqaradi.

e. *Quyosh energiyasini ishlab chiqarish*: Quyosh panellari fotoelektrik effektga ega kremniy materiallardan ishlab chiqariladi va yorug'lik energiyasi quyosh energiyasining nurlanishini qabul qilish orqali elektr energiyasiga aylanadi.

O‘zbekiston Respublikasida 2021- yilning yanvar-oktabr oylarida 57 070,7mln.kwt soat elektr energiyasi ishlab chiqarilgan. O‘tgan yilning mos davriga nisbatan elektr energiyasi ishlab chiqarish hajmi 4926,2 mln. Kwt soatga oshgan holda, o‘sish sur'ati 109,4 foizni tashkil etgan.

Ma'lumot o‘rnida elektr energiya ishlab chiqarish 2021- yilning:

Oraliq muddat	Energiya miqdori (kwt/soat)	O‘sish sur'ati (%)
yanvar	6 427,7	106,0
yanvar-fevral	11 951,4	104,3
yanvar-mart	17 987,4	106,1
yanvar-aprel	23 528,4	108,5
yanvar-may	28 809,1	109,0
yanvar-iyun	34 318,6	109,1
yanvar-iyul	40 340,0	109,2
yanvar-avgust	46 030,9	109,0
yanvar-sentabr	51 558,4	110,1

Jami elektr energiyasi ishlab chiqaruvchi korxonalar tomonidan respublika miqyosida ishlab chiqarilgan elektr energiyasining jami hajmida Toshkent viloyati 23,1 %, Sirdaryo viloyati 22,2 %, Qashqadaryo viloyati 19,0 % hamda Navoiy viloyati 16,1 % ulushga ega.[78]

Vazirlikning ma’lum qilishicha, joriy yil yanvar-iyul oylarida respublika bo‘yicha 43 mlrd 250 mln kVt/soat yoki o‘tgan yil mos davriga nisbatan 2 mlrd 177 mln kwt/soat ko‘p (o‘sish sur’ati 5,3 foiz) elektr energiyasi ishlab chiqarilgan.Issiqlik elektr stansiyalari va markazlarida 38 mlrd 551 mln kwt/soat (o‘tgan yilga nisbatan 1 mlrd 18 mln kVt/soat ko‘p, o‘sish sur’ati 2,7 foiz) elektr energiyasi ishlab chiqarilgan. Jumladan, «Issiqlik elektr stansiyalari»da - 33 mlrd 77 mln kwt/soat, Angren IES va Yangi Angren IES tomonidan - 3 mlrd 345 mln kwt/soat.

Bundan tashqari, DXSh asosidagi yangi IESlarda - 2 mlrd 128 mln kwt/soat, DXSh asosidagi quyosh fotoelekr stansiyalar tomonidan - 219 mln

[78] https://yuz.uz/uz/news/har-yili-21-milliard-kvtsoatga-kop-elektr-energiyasi-ishlab-chiqariladi

kwt/soat, gidroelektr stansiyalarda esa - 4 mlrd 84 mln kwt/soat (898 mln kwt/soat ko‘p).Energetika vazirligi tomonidan quvvatlarni oshirish, jumladan barqaror elektr ta’minoti bo‘yicha loyihalar amalga oshirilyapti.2020-yilning dekabr oyida O‘zbekiston aholisiga 1,74 milliard kwt/soat, 2018-yil dekabr oyida esa (Energetika vazirligi tashkil etilishidan avval) – 1,57 milliard kwt/soat elektr energiyasi yetkazib berilgan. O‘sish 11% ni tashkil etdi.

Umuman olganda 2020-yilda mamlakatimiz bo‘ylab elektr energiyasi iste’moli 69,1 milliard kwt/soatni tashkil qilib, bu 2019-yilga nisbatan 6,1% ga va 2016-yildagi ko‘rsatkichga nisbatan 20,1%ga ko‘pdir.2020-yilda mamlakatimiz elektr stansiyalarida 66,4 milliard kvt/soat elektr energiyasi ishlab chiqilgan bo‘lib, bu 2019-yildagi ko‘rsatkichga nisbatan 5% ga, 2016-yilga nisbatan 12,6% ga ko‘p.

Mamlakatimizda qo‘shimcha elektr energiyasini ishlab chiqarish generatsiya qilinadigan quvvatlarni kengaytirish bo‘yicha investitsiya loyihalarini amalga oshirish hisobiga amalga oshirilyapti. Ularning barchasi zamonaviy energiya tejovchi texnologiyalarga asoslangan.

Xususan, 2016-yilda qabul qilingan Investitsiya dasturida ko‘zda tutilgan loyihalarni amalga oshirish hisobiga davlat kafolati asosidagi kreditlar hisobidan 3,7 Gwtdan ortiq quvvatlar ishga tushirildi. Bunga qator elektr stansiyalarini qurish va modernizatsiya qilish hisobiga erishildi. Shu tariqa, 900 MVt yangi quvvatlar Tolimarjon IES, 560 MVt – Taxiatosh IES, 450 MVt – Navoiy IES, 370 MVt - Toshkent IEM, 150 MVt Angren IESdagi ko‘mir energoblokidan olindi. Ya’ni, 1 ta yangi elektrostansiyasi, 4 ta yangi gidroelektrostansiyasi bunyod etilib va mavjud elektrostansiyalarni kengaytirish ishlari amalga oshirildi.

Namangan viloyatida qurilgan yangi To‘raqo‘rg‘on issiqlik elektr stansiyasi bugungi kunda Farg‘ona vodiysining uchta viloyati iste’mol qilayotgan elektr energiyasi hajmining yarmini ishlab chiqaradi. To‘raqo‘rg‘on IES ishga tushirilishidan avval Farg‘ona vodiysining energiya ta’minoti faqatgina O‘zbekistonning boshqa hududlari va Qirg‘iziston Respublikasidan import qilinayotgan elektr energiyasi hisobiga amalga oshirilar edi. Investitsiya dasturida ko‘zda tutilgan loyihalar to‘liq amalga oshirilsa, mamlakatimizda har yili 2016-yilga nisbatan 21 milliard kVt/soatga ko‘p elektr energiyasi ishlab chiqariladi. Bundan tashqari, amaldagi elektr stansiyalarini modernizatsiya qilish va yangilarini qurishda qo‘llanilayotgan energiya tejamkor texnologiyalar 1 kVt/soat uchun yoqilg‘i xarajatlarini 1%ga tushirish imkonini beryapti.

Natijada elektr energiyasini ishlab chiqishda o‘rtacha 2 milliard kubometr tabiiy gaz tejaladi.2020-yilning o‘zida xorijiy investorlar bilan davlat-xususiy sherikligi asosida oltita yangi elektr stansiyalari qurilishi boshlab yuborildi.Ularning umumiy qiymati 2 milliard dollar, umumiy quvvati esa 2 700 Mwtni tashkil etadi.2020-yilda investitsiya loyihalari bosqichlari amalga oshirilishi natijasida 2021-yilda mamlakatimizda 1 387 Mwtlik quvvatlar bo‘lgan 9 yangi elektrostansiyasi ishga tushiriladi. Ulardan shu yilning oktyabr

va noyabr oylari o‘zida turk kompaniyalari bilan hamkorlikda quvvati 940 MVt bo‘lgan 4 ta yangi IES quriladi.

Shuningdek joriy yilning oktyabr oyida har birining quvvati 100 Mwt bo‘lgan ikkita quyosh elektr stansiyalarini ishga tushirish rejalashtirilgan (Samarqand viloyatida Total Eren (Fransiya), Navoiy viloyatida Masdar (BAA) o‘z loyihalarini amalga oshiryapti).[79]

Gidroenergetika sohasida ham qator loyihalar amalga oshirilyapti.2021-yil iyun oyida GESning Chirchiq - Bo‘zsuv kaskadiga kiruvchi “Kamolot” gidroelektrstansiyasi qurilishi yakunlanadi. Shuningdek iyun oyida Surxondaryo viloyatidagi To‘polong daryosida Zarchob kichik GESlari kaskadini ishga tushirish ham rejalashtirilgan, deb xabar beradi Energetika vazirligi matbuot xizmati.

O‘zbekiston Respublikasi Energetika vazirligi tomonidan oxirgi olti yil mobaynida ishlab chiqarilgan eletkr energiyasi infografikasi e’lon qilindi. Unga ko‘ra, mamlakatimizda:

- 2016-yil - 59,0 mlrd. kVt·soat;
- 2017-yil - 60,7 mlrd. kVt·soat;
- 2018-yil - 62,8 mlrd. kVt·soat;
- 2019-yil - 63,6 mlrd. kVt·soat;
- 2020-yil - 66,4 mlrd. kVt·soat;
- 2021-yil - 71,3 mlrd. kVt·soat;
- 2022-yil - 74,3 mlrd. kVt·soatelektr energiyasi ishlab chiqarilgan.

Mamlakatimizda energetika tizimini rivojlantirishda barcha manbalardan foydalanilmoqda. Mavjud quvvatlarni mustahkamlash bilan birga quyosh, shamol va gidro elektr inshootlari barpo etilmoqda. Xususan, so‘nggi yillarda gidroenergetika yo‘nalishida 500 million dollarlik 27 ta loyiha amalga oshirilib, qo‘shimcha 260 mwtli quvvatlar yaratildi.“O‘zbekgidroenergo” tizimidagi stansiyalarning umumiy quvvati 2 ming megavattdan oshdi. Bu – yiliga 2 milrd kub metr tabiiy gaz tejalmoqda, degani. Joriy yilda 197 mwtli 7 ta loyiha va 10 ta mikro gidroelektr stansiya ishga tushirilishi rejalashtirilgan. Yana 438 mwtli 8 ta istiqbolli loyiha va 50 ta mikro GES qurish bo‘yicha ishlar boshlanadi.Sirdaryo va Jizzax viloyatlari iste’molchilarining elektr ta’minotini yaxshilash maqsadida yuqori kuchlanishli birinchi raqamli podstansiya va elektr uzatish tarmog‘i qurilyapti. “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” AJ tomonidan Sirdaryo viloyatining Shirin, Yangiyer, Xovos tumanlari, Jizzax viloyatining Zomin, Zarbdor va Zafarobod tumanlari iste’molchilarining elektr ta’minotini yaxshilash maqsadida 220 kV kuchlanishli birinchi raqamli yangi “Zafarobod” podstansiyasi qurilyapti. Shuningdek, mazkur podstansiya uchun uzunligi 144 kilometr bo‘lgan 220 k/Vatli elektr uzatish tarmog‘i ham qurilyapti. Bugungi kunda qurilish ishlari 42 foizga bajarildi. Mazkur yirik

[79] https://www.gazeta.uz/oz/2022/05/31/energy/

loyiha Prezidentimizning 2022-yil 28-dekabrdagi qaroriga asosan amalga oshirilyapti, deb xabar beradi Energetika vazirligi matbuot xizmati.Elektr energiyasini hisoblash uskunasiga tashqi ta’sir ko‘rsatish natijasida tizimga 356 mln so‘m zarar yetkazildi.

Хулоса ва таклифлар. 1 iyuldan elektr energiya va gaz iste’moli uchun narxlarni «ijtimoiy norma» asosida belgilash kutilmoqda. Muhokamaga e’lon qilingan hukumat qarori loyihasiga ko‘ra, amaldagi narxlar oshadi. Shuningdek, belgilangan normadan ko‘proq ishlatganlar har bir qo‘shimcha kVt soat elektr energiya uchun — 2 baravar, har bir qo‘shimcha kub metr gaz uchun esa — 5 baravar miqdorida to‘lov qiladi. Narxlar 2024−2025 yillardan inflyatsiya darajasiga indeksatsiya qilinadi, 2026 yildan esa erkinlashtiriladi. Aholi uchun 1 kub metr tabiiy gaz iste’moli oyiga isitish mavsumida 700 kubmetrgacha — 410 so‘m, bundan yuqori har 1 kub metruchun — 1 200 so‘m, isitish mavsumidan tashqari davrda 200 kub metrgacha — 410 so‘m, undan yuqori har 1 kubmetr uchun — 1 200 so‘m etib belgilash nazarda tutilmoqda.[80]

Loyihada shuningdek, korxonalarni uzoq muddatli rejalashtirishga moslashtirish, operatsion samaradorlikni va energotejamkorlikni oshirish hamda tannarxni pasaytirish uchun «perspektiv mo‘ljal»ni ko‘rsatish maqsadida 2023 yil 1 apreldan kuchga kiradigan yangi narxlarni ham tasdiqlash taklif etilmoqda.

Bunda, 2023 yil 1 apreldan quyidagi narxlar joriy etiladi:

Elektr energiyasibo‘yicha:

Navoiy KMK, Olmaliq KMK va budjet tashkilotlari uchun 800 so‘m miqdoridagi narx saqlab qolinadi;

qolgan yuridik shaxslar uchun — 700 so‘m.

Tabiiy gazbo‘yicha:

issiqlik elektr stansiyalari uchun — 1 200 so‘m;

Navoiy KMK, Olmaliq KMK va budjet tashkilotlari uchun — 1 350 so‘m;

avtomobillarni gaz bilan to‘ldirish kompressor stansiyalari uchun — 1 400 so‘m;

qolgan yuridik shaxslar uchun — 1 350 so‘m etib belgilash.

2023 yil 1 apreldan o‘rnatiladigan yoqilg‘i-engergetika resurslarining narxlari 2024 va 2025 yillarda faqatgina inflyatsiya darajasiga indeksatsiya qilib boriladi, 2026 yildan boshlab esa elektr energiyasi, tabiiy va suyultirilgan gazning ulgurji bozoriga o‘tiladi hamda narxlar erkin shakllanadi deb rejalashtirilgan edi. Biroq 2022-2023-yillar kuz-qish mavsumida kuchli sovuq iqlimi bo’lganligi sababli energetika resurslari yetishmovchiligi yuzaga kelib, narx keskin darajada ko’tarilib ketdi.Bu esa iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida bir qancha o’zgarishlarga sabab bo’lib kelmoqda.[81]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. https://uz.wikipedia.org/wiki/Energetika_sanoati

[80] https://www.gazeta.uz/oz/2022/05/31/energy/

[81] https://yuz.uz/uz/news/har-yili-21-milliard-kvtsoatga-kop-elektr-energiyasi-ishlab-chiqariladi

2. https://yuz.uz/uz/news/har-yili-21-milliard-kvtsoatga-kop-elektr-energiyasi-ishlab-chiqariladi
3. https://www.gazeta.uz/oz/2022/05/31/energy/
4. https://yuz.uz/uz/news/2016--2022-yillarda-respublikamizda-qancha-elektr-energiyasi-ishlab-chiqarilgan
5. https://lex.uz/ru/docs/-973567?ONDATE=10.08.2021
6. https://shams.uz/uz/ozbekiston-energetikasi-haqida-malumot

MUNDARIJA:

II-QISM		
IV-SHO‘BA. RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA HUDUDLARDA XIZMAT KO‘RSATISH SOHASINI INNAVATSION ASOSDA RIVOJLANTIRISH DASTURLARI VA RIVOJLANTIRISH STRATEGIYASINI ISHLAB CHIQISH MASALALARI		4
Мирзаев Қ.Ж.	Инновацион иқтисодиётда инновацион кластерларни ривожлантириш масалалари	4
Musaeva Sh.A.	Innovatsion faoliyatda loyihalarni tanlashda strategik yo‘nalishlarning o‘rni	8
Исхакова С.А.	Таълим хизматларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари	13
Жанзаков Б.К.	Туризм хизматлар самарадорлигини оширишда рақамли иқтисодиёт элементларидан фойдаланиш	18
Мусинов С., Бобокулов Ф.А., Мусинова Д.	Педагогические возможности создания электронной учебной дисциплины	20
Boboqulov S.B.	Ta’lim xizmatlarida innovatsion asosda talabalarning bilim va ko’nikma malakasini shakllantirish (iqtisodiyot fanlari misolida)	23
Тўхтамишов А.Қ.	Туристик кластерларни бошқаришда мақсадли дастурлардан фойдаланиш хусусиятлари	27
Jonuzokov M.K.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida xizmat ko’rsatishni innovatsion asosda rivojlantirish	34
Nimatov I.Kh.	Management of consumer motivation for the development of domestic tourism	37
Холматова П.А.	Таълим тизимида мутахассисликларни тайёрлашда амалга оширилаётган ишларни такомиллаштириш масалалари	40
Алимардонова З.М.	Иқтисодий ислоҳотлар шароитида Сурхондарё вилоятининг туристик ресурсларидан фойдаланишни тармоқ ва ҳудудий таркиби	44
Raxmanova Y.Sh.	Korxonalarda investitsiyaviy ko‘chmas mulk va vositalarning farqli jihatlari, ta`rifi va tasnifini takomillashtirish	47
Xalimov Sh.X.	Innovatsiyalar - xizmat sohasini samarali rivojlanishning asosiy omili	52
Shukurov I.A.	Respublikada qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining ishlab chiqarish hajmi tahlili	55
Холматова П.А.	Корпоратив корхоналар фаолиятида бошқарув	

	жараёнларини модернизациялаш иқтисодий самарадорликни оширишнинг муҳим омилидир	58
Хушвақов А.Б.	Камбағаликни қисқартиришда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш сифатини яхшилаш	61
Eshonqulov A.Q.	O‘zbekiston respublikasida kichik biznes korxonalarda: buxgalteriya hisobi va hisobotini tashkil etish	65
Юсупов А.М.	Қўшма корхоналарда ҳисоб сиёсатини халқаро стандартлар асосида тузишни такомиллаштириш	68
Hasanov H.	Davlat xizmatlari sifatini baholashning uslubiy jihatlari	74
Ulugmurodov F.F., Sherqulov D.J.	O’zbekistonda turizmni rivojlanishi va uni memonxonalar raqobatbardoshligini oshirishga ta’siri	78
Usmonov M.D., Egamkulov D.B.	Qishloq joylarida xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirish va aholi banligini ta’minlash istiqbollari	81
Алимардонова З.М.	Ҳудудларнинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришни иқтисодий механизмлари	85
Маликов З., Муйдинова Ш.Н.	Задача коши для четырехмерной системы коши-римана	88
V-SHO‘BA. RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BOSHQA TARMOQLAR VA SOHALARNI INNAVATSION ASOSDA RIVOJLANTIRISH MASALALARI		91
Бектемиров А.	Тадбиркорликда рисклар ва уларни баҳолашнинг назарий асослари	91
Каршибоев Х.К.	Эластичность спроса для малых предприятий	96
Jomonqulova F.E.	Axborot tizimlaridan buxgalteriya hisobida foydalanish	104
Алиева С.С.	Взаимосвязь цифрового финансирования и «зеленых» инноваций	108
Мардонов Б.Б.	Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари меҳнатини баҳолаш	112
Boboqulov S.B., Usmonov B.	Respublikamizda tijorat banklarda raqamli xizmat ko‘rsatishi	117
Мустафоев Ғ.С.	Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари	121

Исхакова С.А., Усманов М.Д.	Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасини ривожлантириш йўналишлари	124
Равшанов А.Д., Сафаров Д.Х.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожлантириш йўллари	130
Каршибоев Х.К.	Основные тенденции развития мирового индустрии туризма и гостеприимства	133
Bobokulov S.B., Qarshiyev S.A.	Using the opportunities for socio-economic development of the regions in the digital economy	137
Ҳайитбоев Р.	Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантиришдаги имкониятлар	139
Каршибоев Х.К.	Математическая интерпретация массового обслуживания	143
Boronov B., Axmedov M.	Korxonalarda moliyaviy aktivlarning qadrsizlanishi	149
Шарифов Ш.С., Ахмедов А.Б.	Иқтисодиётда рақобат мухитини ривожлантириш	152
Qarshiboyev X., Qilichova F.X.	Ko‘p tarmoqli balans modeli	157
Suyunova K.B., Sharopova M.A.	Logistikada raqamli iqtisodiyotning o’rni	160
Шарифов Ш.С., Ахмедов А.Б.	Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг институицонал асослари	163
Boymurodov J.K.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida erkin iqtisodiy zonalarda sanoat korxonalarini innovatsiya asosida rivojlantirish masalalari	168
Danabaev B.M.	Turizm sohasini raqamlashtirish samaradorligi oshirish imkoniyatlari	173
Умарова Р.С.	Рақамли иқтисодиёт шароитида давлат хизматчиларининг малакасини оширишда рақамли технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш масаласи	175
Raxmonova A.T.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida tadbirkorlikni innovatsion asosda rivojlantirish istiqbollari	167
Урунова Н.У.	Аҳолининг дам олишида миллий парклардан фойдаланишдаги вазифалар	186
Фахриддинова С.Ф.	Определение оптимального плана транспортных задач, имеющих некоторые усложнения в их постановке	190
Хушвақов А.Б.	Хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асосида камбағалликни қисқартириш	192

Ахмедов Ж.А.	Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ички имкониятлар хисобига озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини бартараф этиш йўллари	197
Usmonov M.D.	Samarqand viloyatida agroturizmning innovatsion yo‘nalishlari va istiqbollari	202
Fattoyev O.G‘.	Fiskal siyosat samaradorligini oshirish orqali byudjet taqchilligini minimallashtirish	206
Ўринов Й.М.	Чакана савдо корхоналарида инновацион хизматлар кўрсатишнинг асосий йўналишлари	211
Мухамедова С.И.	Развитие цифровой экономики на железнодорожном транспорте	216
Ишанкулова Ф.А. Насриддинова Д.Ш.	Олий таълим дастурларининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари	222
Мелиев А.М., Саидмуродов Ф.С.	Корхоналар молиявий барқарорлигининг инновацион тараққиёт жараёнларига таъсири	225
Ismatov U.R.	Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish modellari	230
Уразалиев Ш.Б.	Прогнозирование покупательского спроса путем экстраполяции тенденции динамического ряда	232
Мухамедова С.И.	Темир йўл транспортида логистик хизматларнинг иқтисодий самарадорлигини такомиллаштириш	236
Саттаров Т.Т.	Дори-дармон ишлаб чиқариш жараёнининг аудит объекти сифатидаги хусусиятлари	241
Nurniyozov F.A.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish usullari va ishlab chiqarish samaradorligini oshirish	249

«INNOVATSION IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH ASOSIDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI»

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

MATERIALLARI TO'PLAMI

(II-QISM)

(2023 yil 20-sentyabr)

"STAP-SEL" MChJ. Nashriyoti.
Samarqand - 2023.

ISBN: 978-9910-9795-7-6

Tasdiqnona № 033337 (27.07.2022)
© **"STAP-SEL" MChJ.** Nashriyoti,
Samarqand.

9685

Qog'oz bichimi A5, 60x84 1/16, Ofset qog'ozi.
"Times New Roman" garniturasi.
Nashr bosma tabog'i 15,37
Buyurtma № 0075A/23. Adadi 50 nusxa

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining matbaa bo'limida chop etildi.
LICENSE № 025316.
REESTR № X-119112.
Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko'chasi 60-uy.

ISBN: 978-9910-9795-7-6

